

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙӢ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

Б.ЎРИНҒОЕВ

ҲҶЭИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ  
(Ўқув қўйланима)

В 220100 бакалавр йўналиши-ўзбек филологияси ва М 220102  
лингвистика ва магистратура мутахассисликлари бўйича таълим  
оѓувчигари учун

С а м а р қ а н д - 2 0 0 1

Кўлланма Самарқанд давлат университети ўқув-услубий Кенгали томонидан нашрга тавсия этилган.

**Масъул мухаррир:** филология фанлари доктори,  
профессор С.Каримов

**Такризчилар:** филология фанлари доктори,  
профессор Н.К.Турниёзов,  
филология фанлари номзоди,  
доцент К.Усмодов

Ўринбоев Бозор -- Самарқанд давлат университети профессора. «Ҳозирги ўзбек тилида воказив категория» (Тошкент, 1972), «Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари» (Тошкент 1974), «Ўзбек сўзлашув нутқи синтактик қурилиғи» (Тошкент, 1978), «Ўзбек адабий тили турж-калтатой шевасининг грамматик хусусиятлари» (Тошкент, 1985), «Туркий филологияга кириш» (Тошкент, 1989), «Ҳозирги ўзбек тили синтаксисидан маърузалар» (Тошкент, 1990,1991), «Ўзбек адабий тили тарихи» (Тошкент, 1995), «Ўзбек тилшунослиги тарихи» (Самарқанд, 1999) жаҳи китобзар муаллифи. Икки юздан ортиқ илмий мақолалари Республика ва чет элларда нашр қилинган.

## Сўз боши

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» даги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари бакалавр ва магистрлик бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш вазифаларини белгилаб берди.

Юғори маҳакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда давр талабига жавоб берадиган дарслик ҳамда қўлланмаларнинг роли каттадир.

Масъумки, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курси олий ўкув юртлари филология факультетларида ўқитиладиган тилшунослик курслари орасида марказий ўрин эгаллади. Ушбу курсни пухта эгаллаш ва мустақил ўрганиш учун давр талабига жавоб берувчи дарслик ва қўлланмалар етишмайди. Ана шундиги хисобга олиб, «Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси» дағ қўлингиздаги қўлланма гузиди.

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» дан тузилган ушбу қўлланма беш қисмдан иборат. Биринчи қисм кириши, сўз биримаси бўлимларини қамрайди. Иккинчи қисмда эса содда ва мурақкаблашган содда гаплар масалалари ёритилган. Учинчи қисмда қўшиш гаплар, ўзга гапли конструкциялар баён этилган. Тўртинчи қисмда мати синтаксиси масалалари ёритилган. Бешинчи қисмид пуктуация ҳадир масалалар баён этилган.

Ушбу қўлланма Бакалавр В 220100 (ўзбек филологияси) мутахассислиг ўкув рејаси дастури асосида тузилди.

Қўлланма ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларини хисобга оли тузолди. Лингвистик атамалариниң бир хиллигини, дарслик ва дастурниң уйғулигини сақлаш максадида Ё.Тожиев, М.Миртохиев, К.Назаров М.Жўрабоевларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Тошкент: Университет 1997) дастури асос қилиб олинди.

Қўлланмадаги ҳар бир мавзу уч қисмга: режа, қисқа конспект ҳадабиётлар гарзида берилди.

Талаба энг аввало, қар бир мавзунинг ана шу уч таркибий қисми билан танишиб чиқиши лозим. Шундан сўнг кўрсатилган адабиётларни конспектлаштириши зарур бўлади.

Кўлланма тил ва нутқи изчилилк билан фарқлаб берин асосида тузилди. Тил ва нутқ зиддиги асосида синтаксис тизимиши ўрганганда системани, элементни, структурани, функцияни хисобга олиш поим. Анъанавий тилшунослик лисоний бирликларнинг факат шаклий томондан ўрганишга эътиборни қаратди. Тилни бундай ўрганиш бир ёқлаша бўлиб, шаклни маънодан ажратиб бўлмайди. Шакл ва мазмун томонда лисоний бирликларни тавсифлаш ҳам тилни тўлиқ изоҳлашга имкон бермайди. Лисоний бирликларни контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишгина уларнинг маъносини тўғри тушунишда катта имконият беради. Англацилардик, синтактик бирликларнинг ҳам уч томони мавжуд: 1) синтаксика (лисоний бирликларнинг шаклий муносабатларини ўрганиш); 2) семантика (белгинанг борлиқ обьекти билан муносабатини ўрганиш); 3) прагматика (белгинанг сўзловчи билан муносабатини ўрганиш). Шунинг учун синтаксисдаги қар бир ҳодисага юқорида баён этилган, фикрлар асосида ёндешаш керак бўлади.

Мавзулар бўйича тавсия этилган адабиётлар рўйхатида талабанинг имконияти ҳам хисобга олинди.

Кўлланма талабаларга синтаксис қонун-қоидаларини пуста ўзлаштиришга ва илмий-устубий адабиётлардан атрофлича фойдалана олиш малакасини ҳосил қилишларига ёрдамлашади, деган умиддамиз.

## СИНГАКСИС ПРЕДМЕТИ

### *Режа:*

1. Тилнинг грамматик қурилиши.
2. Морфология ва синтаксиснинг текшириш объекти.
3. Биримма ва унинг турлари.
4. Синтактик қурилма ва унинг турлари.
5. Тилицунослик инг бошига сатҳлари билан синтаксиснинг алоқаси.

Грамматика сўз ва гап тузилишини ўргатадиган фандир. Ҳар бир тилнинг негизини унинг грамматик қурилиши ва лексикаси ташкил этади. Шунинг учун грамматик қурилыш тилнинг асосларидан биридир.

Грамматика морфология (грекча: морфе-шакл ва логос-сўз, таълимот) ва синтаксис (грекча: синтаксис-тузиш, қуриш)ни ўз ичига олади.

Морфология сўзнинг тузилишини, сўз шакллари, уларнинг ҳосил бўлиш йўйнларини, сўзнинг нутқда ўзгариш қоидаларини белгилайди—сўзларнинг морфема таркибини, лексик-грамматик категорияларини, сўз туркумларини ўргатади. Бундан ташкари, сўз ясалиши масалаларини ҳам текширади.

Синтаксис – синтактика қурилмалар ва уларни ҳосил қилувчи синтактик алоқаларни ўрганувчи бўлиmdir. Синтактика қурилмаларнинг сўз, сўз биономаси, гап ва матн кўринишида намоён бўлишини ўрганади. Синтактика қурилмаларда бирикиш, боғланиш, тартибланиш-қўшилиш қонуниятларини текширади.

Синтактик алоқанинг ифодаланиш йўллари: грамматик воситалар, ёрдачли сўзлар сўзлар тартиби, интонация.

Синтактика муносабатлар ва унинг сифатловчилик (атрибутив), қаралашлилик, обьектли ва релятив (нисбатланиш) каби гурларини ўрганади.

Масалан, келишик аффикслари морфологияда сўзнинг турли шакллари сифатида ўрганилади, синтаксисда эса бу шаклларнинг сўз биономаси ва гапдаги вазифаси текширилади, улар синтактика муносабатнинг воситаси сифатида қаралади. Сўзнинг ҳар бир аниқ шакли бутун тизимнинг бир кўринишидир. Ҳар бир гапда маълум вазифани бажарувчи сўз ҳар гал шу айрим пакиста эга бўлади. Тилнинг фикр баён қилиш тизимида сўз бирор грамматик вазифани бажаради. Ҷемак, морфологияда сўз туркумлари нутқда маълум гап бўйиклари вазифасини бажаради.

В.А.Богородицкий айтади: «Морфология айрим категориялар (сўз категориялари) ва уларнинг шакллари инвентаридан иборат, синтаксис эса, бу шаклларнинг ҳаммаси ҳаракатда ва ҳаётда, нутқ, таркибида ҳаётади». Ҷемак, морфологияда сўзларнинг тузилиши ўрганилса, эса синтаксисда уларнинг алоқаси, боғланиши, бирикиши, қўшилиш йўллари ва эса ташари текширилади. Лекин баъзи ҳодисалар (-чи, -дош, -ла каби ясовчи аффикслар) морфологияга хос бўлиб, синтаксисда ўрганилмайди.

Синтаксиснинг баъзи ҳодисалари (сўз тартиби, интонация) морфологияда ўрганилмайди.

Синтаксис сўз қўшишнинг йўлларини, бирикманинг макетларини тасвирлади.<sup>1</sup>

Сўзларнинг лексик грамматик алоқага киришувидан бирикма ўсил бўлади<sup>1</sup>. Улар ўз характеристига кўра икки хил бўлади

1. Лексик бирликлар.

2. Синтактик бирликлар ёки қурилмалар.

Лексик бирликлар тузилишига кўра ўз назбатида қўйидаги типчарга ажралади:

a) *қўшма сўзлар*: белбоғ, қўлқоп, бешариқ, Қорадарё, иш ҳақи, иш режаси.

b) *жуфт сўзлар*: оға-ини, гап-сўз, икир-чикир, ош-пош, юн-поғ, от-пот.

v) *мураккаб сўзлар*: Ўзбекистон Республикаси Олий Конғли, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон давлат нашроти.

g) *фразеологик бирикмалар*: қовоғидан қор ёғмоқ, мум гишламоқ, суяги йўқ,

Бу лексик бирликлар синтактик қурилма ҳисобланмайди. Бундан ташқари, баъзи аналитик шакллар ҳам синтактик қурилтига саналмайди сен учун, ой каби, дадам билан.

Синтаксиснинг текшириш обьекти ҳар ҳанумай бирикма эмас. Булки синтактик қурилмадир.

Маълум грамматик қоидалар асосида ҳосил бўлган бирикмаларни синтактик қурилма саналади: баланд уй, өзатки севмоқ, Заэрафшонинг шамоли, пахта очилди, ўғлим – талаба.

Синтактик қурилмалар тузилишига кўра уч тилига бўлинади: 1) бир сўзли қурилмалар; 2) икки сўзли қурилмалар; 3) кўп сўзли қурилмалар.

Бир сўзли синтактик қурилмалар биргина мустақил маънони сўз билан шаклланади ва сўз-гап, бир сўз шаклидаги номинатив, всектив, атров гапларни, шунингдек, келаман типидаги бир тартибли гапларни ўз ичига олади.

Икки сўзли синтактик қурилма ўз характеристига кўра: содда сўз бирикмасидан (Гулноранинг китоби, Маърифатнинг расми) ва содда йирик гапдан (Гулнора ўқиди, Маърифат келди) ташкил топади.

Кўп сўзли синтактик қурилмалар иккисида ёрткич мустақил сўзларни бирекишидан иборат бўлади: гуж бўлиб турган еттига хижа юлдуз (мураккаб бирикма). Ҳалол меҳнат килиш энг яхши өдат (ёйиқ тили).

Синтактик қурилмалар мазмунни за фикрий туташлигига кўра икки хил бўлади: 1) номустақил ёки очиқ қурилма: уғиёт қизи, каналнинг қазилиши.

<sup>1</sup> Проф.А.Гуломов сўзларнинг алоқага киришини ифодалаш учун «сўз қўшилмаси» атаминни кўллашни таклиф этади. Қаранг: Ўзбек тили синтаксисининг баъзи маснавалари /Ўзбек тили за арабиёти, 1969, 2 сон, 13-бет.

китобни ўқимоқ; 2) мустақил ёки ёпиқ қурилма: Унинг қизи гапирди. Канал қазилди.

Синтактик қурилмаларнинг бу хусусияти уларни икки аспект – сўз бирикмаси ва гап синтаксиси аспектида теклиришни тақозо этади. Синтаксис предмети юзасидан тилшуносликда хилма-хил қарашлар мавжуд. Ўзбек тили синтаксисига доир барча адабиётларда синтаксиснинг икки бирлиги: сўз бирикмаси ва гап ҳақида фикр юритилади. Айрим ишларда синтаксис учун бирлик: сўз бирикмаси, гап ва кўшима гап ҳақидағи таълимот сканлиги тъькиданади.

Хозирги кунда синтаксис ўрганиш съектига кўра тўртга ажратилмоқдас: 1) сўз бирикмаси синтаксиси; 2) гап синтаксиси; 3) кўшима гап синтаксиси; 4) матн синтаксиси<sup>1</sup>.

Нутқ-инг айримликка, ўзича тугалликка эга бўлган парчаси гапдир. Сўз бирикмаси бундай хусусиятга эга эмас, у гап тузиш воситасидир. Ўзининг учун синтаксиснинг асессий ўрганиш обьекти гапдир. Гап фикрни ифоде қилувчи нутқ бирлигидир.

Синтаксис тилшуносликнинг бошқа сатҳлари-фонетика, морфология, лексикология ёлан тенг хуқуқи бўлиб, улар билан узвий залоқдордир. Бу соҳалар бир-бисиз явай олмайди. Тилнинг яхшил ситеталиги ҳам ана шунда намоён бўлади.

Морфология ва синтаксис бир-бирини тўлдиради. Синтактик категориялар кўпинча морфология категориялар билан боғлиқ ҳолда ўранилади. Масалан, содла гаплар парадигмаси морфологик категориялар яосида баён қилинади.

Баъзан тил ҳодисалари (келишиклар, ёрдамчи сўзлар) ҳам морфологияда, ҳам синтаксисда ўранилади.

Сўзининг гап ичида ҳақиқий ҳаётга эга бўлиши, нутқ ичида кўуланишини назарда тутган. Бунда синтаксиснинг лексика билан ҳам боғлиқ сканлиги англациллади. Гапнинг зарур белгиларидан бири интонация синтаксиснинг фонетика билан ҳам боғлиқлигини кўрсатади.

Синтаксис боғли нутқни текширади. Боғли нутқни бўлакларга ажратиб, унинг таркибий қисмлари орасидаги ҳар хил муносабатларни скандаш мухамм назарий-услубий аҳамиятта эгадир.

### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 3-5-бетлар.

Иванов С. Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. Ташкент. 1959.

Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.-Л., 1960.

<sup>1</sup> Маҳмудов Н., Ўрмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 1995, 6-бет.

Уринбаев Б. Синтаксический структурный узбекской разговорной речи. Ташкент: Фан, 1978. с.3-19.

Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976. 3-5-бетлар.

Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутки синтаксиси масалалари. Тошкент: Фан, 1974. 4-19-бетлар.

Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 5-7-бетлар.

Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 5-10-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили //Синтаксис. Тошкент: Фан, 1966. 3-5-бетлар.

Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси за содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент. 1990, 4-7-бетлар.

Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Соликӯжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1992. 5-8-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 1995. 4-11-бетлар.

## СИНТАКТИК БИРЛИКЛАР

Режа:

1. Сўз – элементар бирлик.
2. Сўз бирикмаси – нонпредикатив бирлик.
3. Содда гап – монопредикатив бирлик
4. Кўшма гап – полипредикатив бирлик.
5. Сўз бирикмаси ва гапнинг ўзаро муносабати.
6. Гапнинг характерли белгилари.

Лексема – лексик бирлик, лекин у маълум грамматик шакида келиб, синтактик вазифа бажаради – синтактик бирлик бўлади.

Синтактик курилма ҳосил килинди материал элемент – сўзлар иштирок қиласди. Сўзларнинг бир-бiri билан тўшилиб бирикма ҳосил килиши учун уларнинг семантик-грамматик томонлари мос келишиндайди. Чунки сўзларнинг ўз кўшилиш имкониятлари майусуд. Масалан, сифат от билан бирика олади (кўзил олма: предмет ви унинг белгиси), от феъл билан бирика олади (куш учаяпти: нарса ва ўзине ҳаракати). Бу хўл монтик бўлмаганлиги учун сифат билан сон бирика олмайди. Сўзларнинг бу шакдай бирикиш имкониятлари валенглик саналади. Сўз синтактик курилманинг элементар бирлиги бўлиб, у ҳам синтактик бирлини саналади. Сўз ҳар гап синтактик курилмани ҳосил килинди маълум бир тақдизга иштирок қиласди. Бу шакл синтактик вазифага эга бўлади.

Сўзларни бириктирувчи весасати-синтактика – сифатида аффикслар, ёрдамчи сўзлар, интонация ва сўз тартиби иштирок қиласди.

Үзарс грамматик ва мазмуний жиҳатдан боғланиб, объектив берилдаги нарса ва ҳодисаларнинг номини билдирувчи синтактик бирлик – нопредикатив бирлик *сўз бирикмасидир*. Сўз бирикмаси доимо икки қисидан: ҳоким ва тобе қисмдан иборат бўлади. Сўз бирикмаси ҳоким сўз валентлигънинг юзага чиқулидан, унинг имконият тарзидаги бўш ўринларининг тўлдирилишидан вужудга келади.

Норедикатив алоқа – иккинчи дараҷали бўлакларнинг ҳоким бўлак билан алокасидир. Нонпредикатив алоқа сўз бирикмасини ташкил қиласиди.

Сўз бирикмасида ҳоким бўлак талаби билан тобе бўлак муайян грамматик шаклда келади. Шунинг учун сўз бирикмаси учун фақат тобе қисмининг қандай грамматик шаклда келаётгани аҳамиятли бўлади: ўтигувчининг хикояси, қанддан ширин, сутни ичмоқ, секин сўзлади.

Сўзларнинг ҳар қандай нонпредикатив боғланиши сўз бирикмасини ҳосил қиласи бермайди. Шунинг учун ҳам сўзларнинг нонпредикатив боғланиши иккига бўлинади: 1) эркин боғланиш; 2) турғун боғланиш.

Эркин боғланиш сўз бирикмасини турғун боғланиш эса фразеологи зиларни ўз ичига олади.

Эркин боғланиши синтаксиснинг, турғун боғланиши фразеологиянинг текшириш объектидир. Қиёсланг: қизил олма, китобни ўқимоқ; юрагини олмоқ, оғзи очилмоқ.

Синтаксиснинг асосий бирлиги гагидир Гап бошқа синтактик бирликлардан предикативлик белгиси орқали фарқланади. Предикативлик гапнинг шакллар тизимидағи қисмларга ажralмайдиган грамматик маънодир.

Предикативлик шахс-сон, замон, майл, тасдиқ-инкор маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шакллар йигиндисидан ташкил топади.

Предикативлик гапнинг асосий грамматик категория бўлиб, у тасдиқ, инкор, модаллик (майл), замон, шахс, сон категориялари синтезидан иборат. Гап атамаси умумлашган бирлик, моҳият сифатида тил бирлигини ҳам, реаллашгаш бирлик, ҳодиса сифатида нутқ бирлигини ҳам ифода этади.

Хозирги кунда гап сатҳида тил ва нутқ, ҳодисаларини фарқлашда тил бирлиги учун гап, нутқ бирлиги учун жумла атамалардан фойдаланмоқдалар.

Предикатив алоқа асосида шаклланган гаплар ўз характеристига кўра иккига бўливади: 1) содда гап – монопредикатив бирлик; 2) қўшма гап – постпредикатив бирлик.

Содда гаплар монопредикат асосга эгадир, чунки гапнинг семантик ҳамда уюштирувчи марказида биргина предикат бўлади. Ҳар қандай гапнинг семантик ва уюштирувчи маркази предикат саналади. Шунинг учун гапнинг бутун тавсифи предикат асосида изоҳланиши лозим.

Предикат характеристига кўра, содда гапни икки грухга ажратиш мумкин: 1) феъл асосли гаплар; 2) от асосли гаплар.

Феъл асосли гапларда феълдан ифодаланган синтаксемі иккі хил вазифа бажаради: 1) гап элементларини ташыпты (боглаш); 2) гапни гап қилиб шакллантириш.

Феъл асосли гапларда субъект маңынсы ҳам берилған бўллади: Чакиради, чакиради. Қаны энди ўртоги чурқэтса (В.Рұзиматов).

Тузилиш ва мазмуний маркази от предикатлардан ибрат бўлган гаплар от асосли гаплар саналади. От предикатлар түрли туман маңнолаэни ифодалайди: мавжудлик билдириш, иккি объектни тенглантириш, маътум объектни тавсифлаш: Шу маңнолар асосида седда гаплар қўйидаги гурухларга бўлинади: 1) мавжудлик билдирувчи гаплар; 2) тенглантирувчи гаплар; 3) тавсифловчи гаплар.

Масалан: Йўқ, яқиндан қарасанг, даёт бор саҳрова (А.Мухтаров). Комил бўлиш имконияти ҳар бир кимсада мавжуд (Р.Файз). Кўк пиёзлар уруғлаб ётибди (Ў.Хошимов). Саҳро жонли, ахир. Мана, оёқ остида (А.Мухтаров). Укам – шаҳарда. Қўшма гап тил синтактик сатқининг олий – полипредикатив бирлигидир. Қўшма гапларда мураккаб ҳукм ифодаланади.

Муайян воқеа ифодачиси гап бўйса, воқеалар ўртасидаги муносабатларнинг ифодачиси қўшма гапдир. Шунинг учун уларда бир неча предикат иштирок этади: Сен гапга тушсанг ҳамма курсанд бўлади. Сен гапирганингда, ҳамма курсанд бўлади. Сен гапирганингга қарамай, ҳамма курсанд бўлди. Бу қўшма гапларда айни бир воқеалар ифодаланган, лекин бу воқеалар ўртасидаги муносабатлар ҳар хил, уларда шарт, пайт, тўсиқсизлик муносабатлари ифодаланган.

Хуллас, иккى ёки ундан ортиқ воқеа орасидаги муносабатни ифодаловчи қўшма гап-полипредикатив шаклдир. Сўзлар ўзаро синтактик боғланиб, тушунча ифодаловчи бирлик-сўз биримаси пайдо бўлади. У гапнинг таркибида гапни шакллантирувчи элемент бўлиб ҳизмат ғиради. Сўз биримаси фикр ифода этмайди. Фикр ифодалаш ва инфасини гай бажаради. Шунга кўра, синтаксиснинг бош бирлиги гап санашиб сўз биримаси гапнинг таркибига кирадиган ёрдамчи бирлиқдир. Тишининг синтактик бирлислари гап ва сўз бирималари турли воситалар орқали ёзиларини борижишидан ҳосил бўлади.

Гап ва сўз бирималари бир-бираидан қўйидаги белгилари билан фарқланиб туради: 1. Гап предикатив алоқа асосида шаклланган предикатив синтактик бирлик: Кўчада сизларни бобой кутиб турибди (Ойбек). –Нега чиздинг? –Чиздим (Х.Тўхтабоев). Сўз биримаси нонпредикатив алоқа асосида шаклланган нонпредикатив синтактик бирлик: соядек зоргашмоқ, кўлни бермоқ, сенинг уканг. 2. Гап бир сўзли ҳам бўла олади: – Есбо. – дедим. –Югар (Файратий). –А-а?-деди ойиси (Х.Назаров). Сўз биримаси эса камида иккى сўзли бўлади: Шоиранинг китоби, ҳайронлигини яшириди, Ҳабибанинг кўзи.

Бундан ташқари, ҳар бир гапнинг ўзига хос характерли белгилари мавжуд: фикр ва ҳис-туйғуни ифодалаш, муайян структура ва модельга эта

Бўлиш, маънс ва грамматик бутунлик, предикативлик ва нисбий интонацион тугаллик.

### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов Ф., Сулаймонов А., Холииёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1979, 5-16-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент, 1976.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1965.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1966.

Үриноев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан иккиялар. Самарқанд, 1990, 8-13-бетлар.

Махмудов Н., Нурумов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 1995, 12-27-бетлар.

## **СИНТАКТИК АЛОҚАЛАР**

### *Режа:*

1. Предикатив ва нонпредикатив алоқалар.
2. Тенг ва тобе тобе алоқалар.
3. Гобе алоқанинг турлари: мослашув, битишув, бошқарув, нисбий алоқа ва мувофиқлашув алоқаси.
4. Синтактик алоқанинг ифодаланиши йўллари: грамматик воситалар, ёрдамчи сўзлар, сўзлар тартиби, интонация.

Синтактик бирликлар бир неча компонентли бўлади. Сўзларнинг тобе алоқасини икки катта гурухда бўлиши мумкин:

1. *Предикатив алоқа.* Бу эга ва кесим алоқасидан иборат: Ҳаво иссиқ, Сувтиник.

2. *Нонпредикатив алоқа.* Бу иккинчи даражали бўлакларнинг ҳоким бўлак билан алоқасидан иборат: иссиқ ҳаво, тоза ҳаво, тинчи сув.

Предикатив алоқа *гални*, нонпредикатив алоқа *сўз бирикмасини шакллантиради*.

Синтактик алоқалар, ластлаб, икки турга ажralади: тенг алоқа ва тобе алоқа.

Тенг алоқа гап таржибидаги элементлар орасида учрайди. Сўз бирикмаси таржибидаги элементлар орасида тенг алоқа бўлиши мумкин эмас.

Тенг алоқа ёрқали уюшик бўлаклар хосил бўлади. Уюшик бўлакларда бир-бўрига нисбатан ҳоким тобелик бўлмайди.

Тенг алоқага сўзлар ўзаро тенг боғловчилар ёки интонация ёрдамида бўйланади: Ботиралининг аниқ ва содда сўзлари ҳонадагиларнинг қалбига ўт

ёқди (Х.Фулом). Ҳужра кичкина, лекин илтиққина эди (Ойбек). Путемёт, мильтиқларнинг овозига хотин-халаж, бола-бакранинг йигиси, дод-зойн-кўшилиб кетди (Ў.Умарбеков).

Тобе алоқа синтактик жиҳатдан бирни иккичисига бўйсигувчи, бирни иккичисини аниқловчи бирликлар муносабатини ифода қиласди. Бунда тобе қисм тобелаштирувчи восита ёрдамида ҳоким қисмга боғланади. Масалан, хатни ўқи, мевадан ол, сен келдинг. Тобе алоқа орқали сўз бирикмаси ва гап бўлакларининг муносабати тайинланади.

Синтактик алоқа ўз йўналишига кўра дастлаб, иккига бўлинади: 1) икки томонлама алоқа, буни илмий атамалуносликда *координация* деб юритади; 2) бир томонлама алоқа, у илмий атамалуносликда *субординация* деб юритилади.

Икки томонлама алоқа ҳозирги кунгача мослашувли алсқа таркибида ўрганиб келинмоқда.

Икки томонлама алоқада икки синтактик шакл ўзаро ҳам чапдан ўнгга қараб, ҳам ўнгдан чапга қараб икки томонлама боғланади. Ҳар икки синтактик шакл боғловчи восита олади. Бу хил алоқада синтактик шаклнинг бирини ҳоким, иккичисини тобе деб бўлмайди. Тобеланинг бир йўналишида ҳоким қисм, бошқа йўналишида тобе вазияти этилади. Масалан: менинг уйим, менинг акам. Бу хил қаратувчи-қаралмиш алоқаси тобеланинг бир томонлама йўналишига асосланган тобе алоқадан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун синтактик алоқанинг бу тури угуни тобедош алоқа<sup>1</sup>, муносабатдорлашиш<sup>2</sup> атамаларини кўлгайдилар. Бизнингча, бу алоқани мувофиқлашув деб аташ мақсадга мувофиқ.

Бир томонлама алоқада тобелашин ё чаңдан ўттга қараб, ё ўндан чапга қараб йўналади. Тобе қисм тобелаштирувчи восита ёрдамида ҳоким қисмга боғланади: ҳовлига кўчирмоқ, қайчи билан кесмоқ, мен келдим, сокин ишламоқ, хайрлашиб кетмоқ.

Бир томонлама алоқанинг, дастлаб, якки тури фаржланади: а) боғли алоқа; б) эркин алоқа.

Тобе қисмнинг қандай шаклда келини ҳоким қисмга боғлиқ бўланади алоқа боғли алоқа саналади. Масалан, хатни ёз бирикмасида тобе қисм ўтимили феълдан ифодаланган ҳоким қисм талабига асссан туюм келишигига келади.

Боғли алоқа, ўз характеристига кўра, уч турага бўлинади мослашув, бошқарув, битишув.

Бошқарувда бир сўз бошқа сўзнига талаби билан ўз шаклани ўзгартиради. Тобе сўз ҳоким сўзга қараб маълум шаклга кирали бошқарувда айтганда, бош сўзнига маъно талабига кўра тобе сўзниг музайян воситали келишик шаклида ёки кўмакчи ёрдами билан бош сўзге боғланади бошқарув саналади.

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Тошкент, 1976, 15-бет.

<sup>2</sup> Расулов Н. Сўз бирикмаси масаласи //Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. 2-сон, 38-бет.

Бошқарууда ҳоким бүлак бошқарувчи саналиб, тобе бүлак бошқарилувчи саналади. Башқарилувчиллик ролини феъллар бажара олганиңек, биң ың сифатлар, равишлар ҳам бажаради. Шунга күра, бошқарув иккигэ бүлигади:

1. *Феъл бошқаруви*: Тұлды бүгдей, шолига бирмұнча омбор пахтадан. Ашуладан).

2. *От бошқаруви*: Асғал қандан шириң.

Бошқару ҳаракат билан обьект муносабатини ифодалайди. Бундан тақсағы, болқару тұғтри бошқару ҳолатида ва воситали бошқару ҳолатида бўлади.

Тобе сўзниң бош сўзга келишик шакли орқали боғланиши *тўғри бошқарув* ёки *келиникни бошқарув* дейилади. Кўмакчи ёрдами билан боғланиши *воситали бошқарув* дейилади. Масалан: Колтурд янги куч янги шахом билан синфга кирди. (П.Турсун).

Бошқарууда ҳар қандай мустанқил сўз бошқарувчи сўз бўла олади: Вагағе муҳаббат (от), қорлан оқ (сифат), шамолдан тез (равиш), китобни ўзиш (қаракат номи), бешдан уч (сон), кишлоқдан келган (сифатдош). Бошқарууда бош сўзниң шамоли ўзгарса ҳам тобе сўз ўзгармай–ўзича қолади: китобни ўқидим, китобни ўқидинг.

Битишувда сўзларнинг алоқаси тартиб ва интонация орқали ифодаланади.

Турлағмайдиган ва тусланмайдиган сўзларнинг ҳеч қандай воситасиз ғақатмалыно томондан бош сўзга боғланиши *битишув* дейилади: янги клуб, салқи шамол, тез юрмоқ.

Немак, битишувда ҳеч қандай грамматик белги бўлмайди. Масалан: Сахсана-секин бўшади. Баракали меҳнатнинг завқли шўх ашула садосида акс эттакда.

Ўзбек тилида битишувли бирималар қўйидаги сўз туркумлари билан тузилиши:

1. Равиш+феъл: Докладчи секин гапирди.
2. Равиш+шош+феъл: кулиб сўзлади.
3. Сифат+шош+феъл: ўқитан, ўқитди.
4. Такъдидий сўз+феъл: ник-ниқ йиҳлади.
5. Сифат(олмош, разиш, сон каби)+от: кенг дала, бешта ўқувчи, янги бино, бубола, уч баҳодир.

Сілар қам гапда сифатловчи вазифасида келганида ўз сифатламишларига битишув ийли билан боғланадилар: анор юз, шиша осмон каби. Бунда сифатловчи оглар сифатланмишнинг материалини(пўлат пичоқ, гамир қошик), ўхшашлигини(пўлат билак, қалам қош, чўлпон кўз, зумрад тиф), Нимага хосланғанлигини(от тўрва, тиш чўтка), жинсини(қиз бона, ўғи бола) билдиради.

Моҳлашувда сўз биримаси таркибидаги ҳоким қисм шаклига тобе қисм ўз шаслини мослаб, мувофиқлантириб келади.

Мослашув алоқаси сўз бирикмаси таркибидан учримайди, у предикативли муносабатда учрайди.

Ҳозирги ўзбек тилида эга ва кесим мослашув йўли билан боғланади.

Кесим эга билан шахс ва сонда мослашади. Масалан: Куз бошлини. Узумлар узилди. Токлар кўмилди («Шарқ юлдузи»). Лекин баъзак эга ва кесим сонда доимо мослашиши шарт эмас: ўқувчилар келдилар, ўқувчилар келишиди, ўқувчилар келди.

Шунга кўра, мослашувда тўлиқ ва тўлиқсиз мослашувни кузатиш мумкин.

Боғли алоқанинг барча турлари орқали тобе қисм ҳоким қисмнинг валентлигини юзага чиқариш учун хизмат қиласа, эркин алоқада тобе қисм ҳоким қисмнинг валентлигини юзага чиқармайди.

Эркин алоқа боғли алоқа таркибидаги бошқарувга ўхшайди. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилшунослигига бундай бирикмалар от бошқарувни исми остида ўрганилмоқда.

Эркин алоқага кирувчи бирикмалар башқарувдан муҳим белгиси билан фарқланади<sup>1</sup>.

Эркин алоқада ҳоким қисмнинг умумий категориал маъноси ҳам, хусусий грамматик маъноси ҳам тобе қисмни бошқарув шаклини келшиги талаб этмайди. Масалан, совға, хат, раҳмат сўзлари ўзлари учун изчил бир шаклни талаб этмайди: Болаларга совға, болалардан совға, болаларда совға; акамдан хат, акамга хат, акамда хат; ёрдамнингизга раҳмат каби. Бул бирикмаларда бошқариш эмас, балки шаклларга нисбатан бетарафлик ўз ифодасини топган.

Бундай бирикмаларнинг бир гурухи бошқарувчи феълининг тушиб қолиши натижасида рўй берган контаминация ҳодисасининг маҳсулидир. Масалан, меҳробдан чаён, тобутдан товуш бирикмалари меҳробдан чиқсан чаён, тобутдан чиқсан товуш бошқарувли бирикмалар асосида шаклланган. Биринчи бирикмада тобутдан, меҳробдан сўзлари ҳоким қисм (чиқсан)нинг умумий категориал маъноси(феълигиги), хусусий категориал маъноси (ўтимсизлиги, аниқлик нисбати), мазмуний майдони (йўналаш ҳаракати) талаб этган грамматик шакл(чиқсан келишигиги)да келган. Иккинчи бирикманинг тобе қисми ҳоким қисмга биттишув йўли билан боғланган. Натижада бошқарув барҳам топади.

Сўз бирикмаларининг баъзи кўринишларидан кўмакчи феъл тушиб қолади. Бошқарувчи феълининг тушиб қолиши натижасида бошқарув муносабети барҳам топади: менга ижозат, уйдагиларга салом бирикмалари аслида менга ижозат беринг, уйдагиларга салом айтинг тарзидан бўлиши керак эди.

<sup>1</sup> Башманов М. Изучение членов предложения узбекского языка в диалекте «Язык-речь». Уровень языка. АКД. Ташкент, 1991.-с.14-15; Махмудов Н., Нурмолов А. Ўзбек тилининг назари 1 грамматикаси. Тошкент, 1995. 25-27-бетлар.

Улардан бошқаруучи феълнинг тушиб қолиши натижасида бошқарув мунисабаты барҳам тесвире Эркин алоқа асосида шаклланган бу хил бирикмалар илмий адабиётларда *дегерминант* татамаси билан номланмоқда.

**Синтактикалық алоқаларни ифодаловчи воситалар.** Гапда сўзлар турли воситалар ёрдамида синтактикалық алоқага киришадилар. Бу воситалар куйилгилардан иборат:

1. Формал-грамматик воситалар. Синтактикалық алоқаларни ифодалашда, асосан, сўз ўзгарирувчи аффикслар иштирок этади.

Синтактикалық алоқаларнинг ифодаланишларида шаклий воситалар сифатида турловчилар: эгалик, келишик аффикслари ва тусловчи (шахс-сон) аффикслар иш кўради. Масалан: менинг ватаним(келишик ва эгалик), ватанимни севаман(келишик ва шахс-сон).

Эгалик аффикслари маёсубликни билдириб, предметнинг кимга ёки нимига қарашли эканлигини кўрсатади: менинг китобим.

Келишиклар ҳаракат билан обьект орасидаги алоқани кўрсатади: китобни ўқимоқ.

Тусючилар субъект билан унинг ҳаракати ёки субъект билан унинг белгиси ўргасидаги мунисабатни билдириб, шахс-сон, замон каби маънояларни ифодалайди; мен таъбаман.

2. Лексик-грамматик воситалар. Буларга кўмакчи, боғловчи, юклама, боғламалар киради. Улар мустағиул сўзлар билан бирга қўлланиб, сўзлар орасидаги синтактикалық алоқаларни кўрсатади: ҳалқ билан яшамоқ, мактаб учун симоқ; Мени кутгил ва мен кайтарман; келдида кетди, мен ўқитувчи бўлазман.

3. Сўз тартиби. Бу-ла иккى ҳолатта эътибор бериш керак:

а) тар тиб ўзгариши мэълум стилистик фарқланишларни кўрсатсада, грамматик ўзгаришга олиб келмайди: чаманда гул очилибди-гул чаманда очилибди-очилибди, ул чаманда.

б) бирикма морфологик кўрсаткичларсиз шаклланган бўлса, сўз тартибининг ўзгарили билан бошқа мазмун англатувчи янги қурилма туғилади: меҳрибон она-она меҳрибон. Қизарган олма-олма қизарган. Яхши бола гапирди бўла яхши гапноди.

4. Интонация. Интонация тудунчаси овознинг кўтарилиши, пасайиниши, тушиши, узилиши, тўхтаси, яна боғланиши, сўниши, шунингдек, ургу, пауза, ритмика, мелодика каби ҳодисаларни ўз ичига олади.

Интонация содда за қўшма гапларни, гап бўлакларини ажратишида, қўшма гап турларини шакллантиришда муҳим роль уйнайди: Мен борсам сен кетибсан(пайт эргаш гап). Мен бордим-сен кетибсан(боғловчисиз қўшма гап). Опам мукофотланди(нарак гап). Опам мукофотланди?(сўроқ гап).

## *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Ҳолиёров Ж., Омонгурдие Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 979, 5-16-бетлар.

Абдулаев Ф., Иброҳимова Ф. Ўзбек тилида боплқарув. Тошкент: Фан, 1982.

Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Фан, 976. 5-17-бетлар.

Уломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис Ташкент: Ўқитувчи, 1965. 27-бетлар.

Уломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 10-22-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис Тошкент: Фан. 166. 5-15-бетлар.

Үрринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирлигидан синтаксисидан лекциялар. Самарқанд, 1990, 8-13-бетлар.

Махмудов Н., Нурмуков А. Ўзбек тилининг назарий грамматики. Тошкент, 1995, 12-27-бетлар.

## **СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

*Режа:*

1. Синтактик муносабатлар ва уларнинг ифодаланиши.
2. Синтактик муносабатнинг турлари.
3. Субординатив муносабат: объектли, атрибутив, релятив, предикатив.
4. Координатив муносабат.
5. Копулятив муносабат.
6. Интрадуктив муносабат: вокатив, модал муносабат.

Синтактик муносабатлар синтактик алоқалар ёрдамида ифодаланади. Синтактик муносабат билан синтактик алоқа бир-бирини тақозо килчувчи бир ҳодисанинг икки томони бўлса ҳам, лекин уларнинг қар иккиси мазлум ўзига хосликка эгалиги туфайли бир-бирига мувофиқ келниши шарт эмас. Масалан, синтактик муносабат таркибига кирувчи вокатив ва модал муносабатлар синтактик алоқа таркибига киришмайди.

Синтактик бирликлар факат шаклий жиҳатдангина эмас, балки мазмуний жиҳатдан ҳам ўзарэ боғланади. Иккни синтактик шактинг бир-бiri билан тўғри боғланиши учун факат шаклий боғланишининг тўғрилиги кифоя килмайди.

Синтактик бирликларнинг мазмуний муносабати киши онгода як этган моддий дунёдаги элементларнинг ўзаро муносабати саналади. Масалан,

предмет ва унинг белгиси, ҳаракат ва унинг белгиси, ҳаракат ва унинг субъекти, ҳарикаг ва унинг обьекти ўргасидаги муносабатлар.

Шунга кўра, синтактик бирликлар ўртасидаги синтактик муносабатларни кўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Бир томонлама(субординатив) муносабат: предикативли, обьектли, атрибутивли, релятивли.

2. Икки томонлама(координатив) муносабат.

3. Уюшлик бўлаклар(копулятив) муносабат.

4. Вокетказ ва модал(интрадуктив) муносабат.

Ушбу муносабатларнинг биринчи, иккинчи, учинчиси синтактик алоқа воситаларига эга бўлиб, улар тенглациши, тобеланиш, мувофиқлашиш предикативли нопредикативли воситалар асосида рўёбга чиқади.

Тўртични тур муносабат юқоридаги хусусиятларга эга эмасдир.

Тенглациши муносабатида компонентлар баробар хукуқли бўлади ва санаи интонацияси билан зайдилади: далалар ва боғлар-далалар, боғлар. Гап кўриш учун тенгланишнинг бўлиши шарт эмас. Нопредикатив ва предикатив муносабат асосида тобеланиш ётади. Гапнинг асосини тобеланиш ташкил қилиши, бусиз гап майдонга келмайди. Гапнинг асоси бўлган эга ва кесимнинг ўзаро алоқаси ҳам тобеланиш йўли билан бўлади. Сўзларнинг тобеланиш алоқаси натижасида ё сўз биримаси(нопредикат) ё гап (предикатив муносабат) ҳосил бўлади: вафодор қиз, қиз-вафодор каби.

Сўзлар синтактик алоқага киришганда, улар фақатгина шаклий боғланиб қолмай, унда бирор вокелик, тушунчадар ифодаланган бўлади (зарегувчи-каралмиш). Бундай биримаси таркибидаи бирликларнинг субъектли муносабати мувофиқлашув муносабати саналади. Вазифасига кўра, сўз қўшилмагалиришнинг предикатив, атрибутив, обьектли ва релятив бирималарга бўлиниши келиб чиқади. Улар кесимли, аниқловчили, тўлдинчувчили ҳолли бирималар деб ҳам номланади. Бир томонлама(субординатив) муносаба ўз вазифасига кўра кўйидаги кўринишларга эга:

Эга ва кесим муносабати предикатив муносабат саналади: Мен ўқийман.

Атрибутив биримаси аниқловчилик муносабати орқали ҳосил бўлган биримадир. Атрибутив муносабатда предметнинг белгиси ўрнига кўшиб, бир мураккаб тасаввур ҳолида берилади. Бу биримаси сифатловчи ва сифагланмишдан ҳосил бўлади. Улар материал жиҳатидан кўйидаги кўринишга эга:

1. От+ст: халқ бойлиги, ёғоч уй.

2. Сифат+от: янги дунё, зўр кўтаринкилий.

3. Сифат+юш+от: айтилган сўз, ўқиган йигит.

4. Олмош+от: шу баҳор, бу бино, ушбу мактаб.

5. Соң+от: ўн саккиз ёшлик, ўнта китоб.

6. Равиш+от: оз сув, кўп қалам, тез бола.

7. Мимемат+от: дув-дув гап, шов-шув дарё.

Объектли бирикма предмет билан ҳаракат ёси белгі орасидаги муносабатны күрсатади. Объектли бирикманинг тобе компоненти бўлиб келган сўз тўлдирувчи вазифасини бажаради.

Объектли бирикма таркибидағи компонентлар келишик эффикслари (қишлоқни айланмоқ, дўстга гапирмоқ) ва кўмакчилар(делегатлар билак учрашмоқ, тинчлик учун курашмоқ) орқали муносабатга киришади. Бу тўлдирувчи-тўлдирилмиш муносабатидир

Объектли бирикмалар материал жисъатдан қўйидагича бўлади:

1. от+феъл: ер ҳайдамоқ, осмонга учмоқ,
2. от+сифат: қилдан ингичка, пахтадан оқ,
3. от+равиш: чумолидан кўп, ақлдан тез.

Релятив бирикмада ҳолат билан ҳаракат орасидаги муносабат ифодаланади. Релятив бирикмалар ҳолат ифодаловчи тобе элементининг ҳаракат билан ҳеч қандай грамматик ғоситаларсиз муносабатга киришишидан ташкил топади. Бу хил муносабат ҳол-қоллаҳмиш муносабатидир. Бундай муносабат асосида шакллансан бирикмаларнинг материал жиҳатдан кўринишлари қўйидагичадир:

1. равиш+феъл: секин юрмок, равен ўқумоқ;
2. равищдош+феъл: ярақлаб кўринмоқ, исилдираб оқмоқ, сусниб гапирмоқ,

Баъзи ишларда релятив бирикмани бигтидувга тенглаштириш ҳоллари учрайди (Фуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили Тоқикент, 1965, 17-бет).

Икки томондама(координатив) муносабат асосида қаратувчи-қаралмиш муносабати шаклланади: ҳалқимизнинг бўйлти, менинг китобим. Бундай муносабатда, биринчидан, қаратувчи қаралмишнинг ўзи та мос эгалик шаклларидан бирида келишини, иккинчидан, қаратувчи и қаратқич келишигида келишини талаб қиласи. Шунинг учун бундай муносабатни тобе муносабатдан фарқлаш лозим. Уни *мувофиқланишув* деб атади мақсадга мувофиқдир.

Юшиқ бўлаклар бир-бiri билан ўзаро синтактик муносабатга киришади. Юшиқ бўлак бирликларининг ўзаро муносабати *копултив* муносабат саналади: Сарой учун аллақанча таҳта, ёғоч, тунука олдириб кўйган (С.Ахмад).

Ундалма ва киришлар орқали ифодаланадиган муносабат тури интрандуктив муносабат тури *интрандуктив* муносабат саналади. Бу хил муносабат гапнинг синтактик тузилиши орқали ифодаланадиган дикдум билан сўзловчи ўргасидаги муносабатдадир. Интрандуктив муносабат ўз қарастерига кўра, вокатив, модал муносабатга бўлинади. Мен шоглилётгани и ёўқ болам (М.Ибрагимов). Лекин, менимча, сиз ҳаққиз (Ш.Рашидов).

Хуллас, синтактик бирликлар ҳам тил бирлиги сифатида тизим таркибида синтагматик ва парадигматик муносабатда бўлади.

### *Адабиётлар:*

Абдурағмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 5-16-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 5-18-бетлар.

Гулоимов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 10-12-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан текциялар. Самарқанд, 1990, 8-13-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 1995, 12-27-бетлар.

## **СЎЗ БИРИКМАСИ**

*Режа:*

1. Сўз бирикмаси ва уларнинг нопредикатив алоқа асосида ҳосил бўлиши.
2. Сўз бирикмаси ва сўзларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари.
3. Сўз бирикмаси ва қўшима сўзларнинг ўхшаш ҳамда тафовутлари.
4. Сўз бирикмаси ва гапнинг ўзига хос хусусияти.
5. Сўз бирикмаси ва синтагманинг ўзига хос белгилари.
6. Сўз бирикмаси таснифи.

Сўз бирикмаси сингактик таълимотнинг таркибий қисми бўлиб, бунда сўзларнинг ўзаро алоқага киритувчи воситалар, сўзларнинг ўзаро боғланиш усуллари, сўз бирикмалари ва уларнинг типлари ўрганилади.

Сўзларнинг муносабатга киришиши учун ички(маъно) мослик, ташқи (грамматик)мослик ва уларнинг уйғунлиги талаб қилинади: чиройли уй, қорнинг совуғи, қалам ушламоқ, ватанни севмоқ каби.

Бир сўз иккинчи сўз билан бирикраб сўз бирикмаси ҳосил қилинда факат ўша бирикаётган сўзларнинг қандай сўз түркумига мансублигигина эмас, балки уларнинг лексик маъноларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳар бир сўз маътум семантик гуруҳ билан боғланган бўлиб, ўша гуруҳ сўзлар билангина бирикраб сўз бирикмаси ҳосил қиласи. Масалан, ўқимоқ феъли қўйидаги семантик гуруҳ сўзлар билан бирикши мумкин: китоб, газета, журнал... ўқимоқ, мактабда, университетда... ўқимоқ, қунт билан ўқимоқ, қўзида, ёзда... ўқимоқ, тез, секин... ўқимоқ, кўп, оз... ўқимоқ, ёддан ўқимоқ, кабилар.

Сўз бирикмаси ҳосил қилиш учун камида иккита мустақил маъноли сўз бўлиши, шу сўзларга грамматик-семантик экиятдан эркин муносабатга

кириша олиш, ҳосил бўлган бирикма очик қурилмани ташкил этиши, номинатив вазифа ифодалаш керак.

Икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг грамматик-семантик муносабатидан ташкил толиб, бир мураккаб тушунча англаладиган номинатив характердаги очик қурилмалар *сўз бирикмаси* дейилади.

Сўз бирикмаси бир сўзнинг бошқа сўзга кўшилиши имкониятига-валентлигига таянади. Сўзнинг уч хил валентлигини ажратиш мумкин: синтактик валентлик, семантик валентлик, лексик валентлик.

Ҳоким сўзнинг грамматик шакли талаб этган валентлик *синтактик валентлик* ҳисобланади.

*Семантик валентлик* сўзларнинг маъновий боғланиши имкониятиdir.

*Лексик валентлик* бир хил номинатив маънога эга бўлгич сўзларнинг бошқа сўзга боғланишида ташлаш имкониятига эга бўлишидир.

Сўз бирикмаси нутқ формаси саналади. Сўз бирикмаси гап таркибида киради. У гапдан ташқарида яшамайди. Сўз бирикмалари номинатив характерга эга бўлиб, гап таркибига маълум номинатив вазифа и бекариш учун хизмат қиласди.

Сўз бирикмаси сўз, кўшма сўз, синтагма, турғун бирикма (фразеологизм) ва гаплардан фарқ қиласди.

*Сўз бирикмаси ва сўз.* Сўз бирикмаси ва сўз тилда жуда катта аҳамиятга эга бўлган бирликлардир. Сўз ва сўз бирикмалари ўтасида кўп жиҳатдан ўхшашлик мавжуд. Улар қуидагилардан иборат.

Сўз ва сўз бирикмаси ҳам гап ичидагина яшайдилар ва шундагина катта аҳамиятга молик бўладилар.

Сўз ва сўз бирикмаси тилда номинатив восита саналади.

Сўзлар каби сўз бирикмаларида ҳам предикативлик кусусияти йўқ,

Сўзлар турланадилар, тусланадилар-ўз шаклларини ўғартирадилар.

Сўзларга ҳос бу хусусият сўз бирикмаларида ҳам сақланади. Қиёсланг: китобим, китобинг, китоби. Менинг китобим, сенинг китобинг, унинг китоби.

Сўз бирикмалари сўзлар каби гап таркибида ажратилган бўлак, ундалма, кириш бўлак бўлиб кела оладилар. Масалан: Унсанн учун, бечора қиз учун, бу қандай мудҳиқ, мотам (Ойбек). Сизга бағишлини, ўкувчим, ижодимнинг энг асл боби (Уйғун). Отажон, деймён, -ўйинга уста эканлизку, -деди Ўрмонжон кулиб (А.Қахор).

Сўз бирикмаси ва сўз бир-биридан фарқи томонларига ҳам этадир. Сўз ҳамма вакт бир тушунча билан боғланганни ҳолда тилда доим тайёр ҳолатда мавжуд бўлади. Чунки сўз тил тарз қиётичинг муайян тазрида пайдо бўлади, маълум маъно билан боғланади ва тиёдига ана шу маънони ифодалашга хизмат қиласди. Сўз бирикмалари бундай хусусиятга эга эмас. улар тилда тайёр ҳолатда яшамайди, ҳамма вакт маълум бир тушунча билан боғланган бўлмайди. Сўз бирикмаси нутқ жараёнчида фикр ифодаси талабига кўра тузилади. Сўз маълум тил тизимидағи ишбай мустақил ва ишбай

мустақкам товушлар комплексидан, айрим ҳолатларда ёлғиз бир товушдан ташкил топади. Сүз бирикмалари бирдан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ташкил топади. Сўз маънум тилда маъно бутунлигига эга бўлганлиги учун ўша тилда сўзловчи ва тингловчиларнинг ҳаммаси томонидан бир хилда кабул қилинади. Шунинг учун ҳам сўзда бир хиллилик мавжуд.

Сўз бирикмаларида сўзлардаги каби семантик бутунлик йўқ. Сўзлар ҳамма вақт икки маъно ифодалайди: лексик маъно, грамматик маъно. Сўз бирикмаларида эса факат бир маъно-лексик маъно мавжуд. Улар сўзлар каби грамматик маъно ифодалаш хусусиятига эга эмас.

Сўз морфологик элементлардан (ўзак ва аффикслардан) ташкил топучи тил бирлигидир. Сўз бирикмалари морфологик элементлардан эмас, балки синтаксик элементлардан ташкил топади.

Сўзлар полисемантик, оминимлик хусусиятига эга. Сўз бирикмаларида бу хусусият йўқ, факат бир аниқ маъненигина ифодалайди.

Сўз лексик ҳодиса, сўз бирикмаси грамматик ҳодиса. Сўз, сўз бирикмаси каби, номинатив вазифа бажариб, предмет, белги, иш-ҳаракатни умуман ифодалаш учун хизмат қиласди. Сўз бирикмаси эса предмет, белги, иш-ҳаракатни шу ҳолдаги бошқа предмет, белги, иш-ҳаракатдан ажратиб ифодалайди. Кўёсланг: Дала кўм-исўк, кўм-кўк дала.

Сўз абстракт маъноги бўлиб, бирикмага киришгач, унинг маъноси конкретлик томон сийканади. Сўз тарихий категория бўлиб, тил бирлиги ҳисобланади, сўз бирикмаси эса нутқ жараённагина ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам у нутқ бирлиги ҳисобланади.

**Сўз бирикмалари ва қўшма сўзлар.** Кўшма сўзлар тилда содда сўлар каби вазифаларни бажарадилар, бирор тушунчани реаллаштириш учун хизмат қиласдилар. Лекин тилда кўшма сўзларнинг пайдо бўлишини содда сўзларнинг пайдо бўлиши билан тенглаштириб бўлмайди. Кўшма сўзларнинг кўпчилик ва асосий қисми сўз бирикмаларидан ёки сўз бирикмалари модели асосида келиб чиқсан: кўлқоп, белбог, оқсоқол, қарайгул, ташкувур кабилар

Кўшма сўз ва сўз бирикмаларини кўйидаги белгиларига кўра фарқлаш лозим: 1) сўз бирикмалари компонентлари ўртасидаги барча шаклий чегаралар сақланади, кўшма сўз компонентлари ўртасида эса бу чегаралар йўқлиб кетади. 2) кўшма сўзлар бир бутунлигича лексик маънони ифодалайдилар. Сўз бирикмалари бутунлигича бир яхлит маъно билдирулар ҳам, лекин унинг компонентлари—сўзларнинг ҳар бири ўз лексик маъноярини тўлиқ, сақлайдилар. 3) кўшма сўзлар ҳам, сўз бирикмаси ҳам тилда *номинатив* посигта саналади. Лекин кўшма сўз бир содда тушунчани реаллаштириш, сўз бирикмаси таркибига кирувчи ҳар бир сўз маълум бир тушунчани бўлингав тушунчаларни ифодалайди. 4) кўшма сўз бутунлигича бир сўз туркумига ҳеч қачон муносаб бўлмайди. 5) кўшма сўз бутунлигича ифодэланган мъносига кўра тасниф қилинади: кўшма от, кўшма сон каби. Сўз

бирикмалари эса унинг асосини, ядросини ташкил этгичи бош сўзнинг қандай сўз туркумига мансублигига кўра тасниф қилинади: отли сўз бирикмалари. 6) кўшма сўзлар бугунлигича бир мантиқий ургула эга. Сўз бирикмалари компонентларининг ҳар бири мантиқий ургу олиши мумкин. 7) кўшма сўз компонентларининг тартиби қатъий бўлиб улар ўрнини алмаштириш, бошқа сўз киритиш мумкин эмас. Сўз бирикмалари эркин синтактик бирикмалар бўлғанилиги учун компонентлари ўз ўринистага ча ўзгартириши, улар орасига бошқа сўзларни киритиш мумкин. 8) кўшма сўзлар бир тушуничани реаллаштирувчи бир сўз бўлғанилиги учун гапнинг бир бўлаги бўлиб келади. Сўз бирикмаларининг ҳар бир компонентлари гапда турли бўлаклар бўлиб келади. 9) кўшма сўзлар бир неча компонентдан тошкил топиши ва уларнинг маъноларидан катъий назар бир маъно бутунлигига эга. Сўз бирикмаларида бундай лексик-семантик бутунлик йўқ. 10) кўшма сўзлар барча сўзлар каби иккι маънога-лексик ва ғамматик маънога эга. Сўз бирикмаларида бу хусусият йўқ.

Кўшма сўзларнинг компонентлари ўртасида грамматик муносабат йўқ, улар ўз лексик-семантик мустақиллигини йўқотиб, бир ёш угу слив, гапда бир синтактик вазифани бажаради. Сўз бирикмасининг компонентлари ўртасида грамматик муносабат мавжуд, улар лексик-семантик мустақиллигини саклаб, ўз ургусига эга бўлади, гапда бошга-бошга синтактик вазифани бажарадилар.

*Сўз бирикмаси на фразеологизмлар.* Сўзларнинг ҳар қандай нопредикатив боғланиши сўз бирикмасини ҳосил қита бўрайди. Сўзларнинг боғланиши эркин бўлиши, барқарор бўлиши, яғни нутқда тайёр ҳолда олиб кирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам сўзларнинг боғланиши эркин ва турғун бўлади.

*Эркин боғланиш сўз бирикмасини, турғун боғланиш фразеологизмларни ўз ичига олади.*

Сўз бирикмаси нутқ жараёнида ҳосил бўлиб, у нутқ бирлиги, фразеологизмлар яхлит ҳолда қўлланиб, у тия бирлиги ҳисобланади. Шундай экан, эркин боғланиш синтаксиснинг, турғун боғланиш фразеологиянинг текшириши объекти саналади: оқ олма, қизил олма, дафтаси қўймоқ, қўл қўймоқ, оғзи очилмоқ, юрагини олмок.

Сўз бирикмасидаги сўзлар ўз маъносини саклайди, турғун бирикмадаги сўзлар эса кўчган маънода қўлланилади: қўл қўймоқ, дафтарни қўймоқ.

Сўз бирикмалари фразеологизмлардан қўйилдаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Сўз бирикмалари нутқ жараёнида маълум сўз бирикмаси модели асосида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам улар нутқ бирликлари саналади. Фразеологизмлар эса нутқ жараёнигача тайёр ҳолда мавжуд бўлади. У тайёр ҳолда луғавий бирлик сифатида нутқга олиб кирилади.

2. Сўз бирикмаларида қисмларниң синтактик алоқаси эркин фразологиям қисмлари ўртасидаги алоқа турғун бўлади.

3. Сўз бирикмалари қисмлари гап ичидаги алоҳида-алоҳида гап бўлашлари бўлиб келади. Фразеологиям қисмларининг грамматик муносабати фақат шу бирикма ичидаги амал килади. Фразеологиямлар гап ичидаги бир гап бўлаги ўрнинда келади.

*Сўз бирикмаси ва гап.* Гап тузиш моделлари, сўз бирикмаси моделлари каби, тил бирлиги бўлиб, аниқ сўз бирикмаси каби, аниқ гап ҳам нутқи бирлиги хисобланади. Сўз бирикмаси номинатив категория бўлса, гап коммуникатив категориядир.

Сўз бирикмаси сўзни, гап эса сўз бирикмасини тайёр ҳолда, гапдан ташқаридаги дастлабки колатда бирлаштирумайди, балки ўзининг синтактик курилишига бўйсундиради.

Масалан: Эрта билан Навоийнинг чодиридан бошқа ҳамма чодирлар йиғиширилган эди (Ойбек) гапи эрта билан йиғиширилган эди; ҳамма чодирлар; бошида чодирлар; Навоийнинг чодири; Навоийнинг чодиридан бенка каби сўз бирикмаларидан таркиб топган.

*Сўз бирикмаси ва синтагма.* Структура ва мазмун жиҳатидан бир бутун бўлган гапнинг қисмлари талаффузда қисқа пауза билан ажralиб туради. Бундай қисмлар синтагма саналади.

Синтагма сўзловчи вуқтани назаридан баҳоланаётган воқеликнинг кичик бир бўлганин-маълум нутқи таркибида акс эттирувчи семантиксинтактика бирликдир. Синтагма нутқи таркибидаги интонация билан эжратилади ан парчадир.

Бу нутқий парча интонацион жиҳатдан яхлит икки ва ундан ортиқ сўздан, грамматик ва семантик шаклланган бир сўздан ҳам иборат бўлади.

Солда ёниқ гапларда синтагма гапнинг бир қисмини ташкил қиласди. Бир сўздан ташкил топган гаплар синтагмага тенгdir.

Масалан: Ташқаридан узоқда шилдираб оқаётган сойнинг овози бемалол келшиб турибди

- Қасбингиз?

- Дехончилик (С Аҳмад).

Биринчи гапда учта синтагма бор бўлиб, унинг биттаси бир сўздан, иккитаси сўз бирикмасидан ташкил топган. Кейинги бир сўзли икки гап синтагмага тенг.

Бир таузадан бошланади, иккимчи сезиларли пауза билан тугаган синтагма бир фонетик бутунлик сифатида талаффуз қилинадиган, маъно ва интонациян жиҳатдан ўзаро бошланган сўз бирикмасига мос келади. Сўз бирикмаси ишлаб синтагмага бўлган муносабати ва фарқловчи белгилари куйедагилардан иборат:

1. Муайяр ритмик ургу ва пауза ёрдамида реаллаштирувчи синтагма нутқ-гапириши жараёни билан боғлиқ бўлади, сўз бирикмасида бундай кусусият қавжуд эмас

2. Синтагмалар нутқ жараёнида бир бирдан ажраларка, кўл ваqt ўзининг ҳажми ва чегараси зытибори билан гапга ҳам, сўз бири смасига ҳам мос келмайди.

3. Синтагма биргина сўздан ва кўмакчили бирималардан иборат ёлиси мумкин, аммо сўз биримасида бу хил хусусият йўқ.

4. Ҳар қандай синтактик ҳодиса синтагматик категорияга тасвулуди бўлади. Бофланишнинг тобеланиш йўли билан бириккан туригина сўз биримасида ўрганилади.

5. Синтагмани ташкил қўйган компонентлар ёйма-ён турмени шарт, сўз биримасига бундай қоидани бериб бўлмайди.

6. Сўз биримасида доимиий иш кўрувчи грамматик қолап ғавжуд, синтагматик бўлинишда бўндай қолип бўлмайди.

7. Синтагма нутқ интонацион мазмунининг бўлизиши натижасид юзага келади, сўз биримаси ундан сифат жиҳатдан кескин фарқ қиласди.

Сўз биримасининг синтагмадан фарқли томонларини исобга оладиган бўлсак, икки ҳодисага бир хил синтагма атэмасини ўзлаб бўлмайди.

**Сўз бирималари таснифи.** Сўз бирималарининг тарбиини белгилашда унинг таркибиغا кирган барча сўзларнинг миқдосигагина қарар эмас, ўша сўзларнинг шу сўз биримаси ҳажмида бўйкарган вазифасига ҳам қаралиши керак. Ўзаро лексик-семантический и семантический и грамматический жиҳатдан ажрака кирган ва бири иккичисини бирор жиҳатдан изоҳланти вазифасини бажарадиган сўзларгина сўз бирималарининг компонентлари қисоблашни мумкин, ана шундай сўзларнинг миқдоригина сўз бирималарининг ҳажми, чегарасини белгилай олади.

Сўз бирималари аслида икки ундан ортиқ лексик маънега эъз бўлган сўзларнинг лексик-семантический и грамматический жиҳатдан муноҳабатга киришидан пайдо бўлувчи ва предмет, воқеа-ҳодиса, белги, турли жараёнилар ва ҳоказоларнинг мураккаб номларини ифодалончи тил бирлигидир.

Сўз бирималари таркибидаги компонентларининг боланиш характери, структураси ва ҳоким компонентнинг ифсадаланишга кра бир неча турга бўлинади.

Сўз бирималари компонентлариниг маънис жиҳатдан бирималардаражасига кўра икки хил бўлади:

1. Турғун бирималар.

2. Эркин бирималар.

Тilda бир қолипда, бўлинмайдиган ҳозда сўз бирималари турғун бирималар саналади. Турғун бирималар икки группага бўлинади: а) мураккаб сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажхамаси, Самарқанд Давлат университети каби; б) фразелогизмлар: тегирмонга тушса бутун чикмоқ, юлдузни бенаарвон урмоқ, қамчинидан қон томмоқ,

Сўз бирималари тузилишига кўра икки хил бўлади:

- Содда сўз бирикмалари.
- Мураккаб сўз бирикмалари.

Содда сўз бирикмалари икки мустақил, тўлиқ, маъноли сўзларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан бирикувидан пайдо бўлади ва бир бугун, мураккаб маъноли ифодалайди: қизил олма, менинг Ватаним, яхши киг’оби, ишга бормоқ кабилар.

Мураккаб сўз бирикмалари уч ва ундан ортиқ сўзларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатлардан ўзаро алоқага киришишларидан ташкил тонади. Муреккаб сўз бирикмалари содда сўз бирикмаларининг кенгайишидан пайдо бўлади: байроқ-яшил байрок, янги яшил байрок, хиллираётган янги яшил байроқ кабилар.

Сўз бирикмалари ҳоким компонентларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- Отли сўз бирикмалари. Бунинг ҳоким бўлаги вазифасида қуйидаги сўз туркумлари келади:

- от келади: катта бино, кўп одам.
- одмоц келади: берадиган ҳеч кимим .
- отлашгани сифат келади: жангда зўравон.
- сифатдоц келади: ёлиб чиқсанлар мукофотланди.

- Феълли сўз бирикмалари. Бунинг ҳоким бўлаки вазифасида феъл, равишдош келади:

- соф феъл келади: тез ўқиди.
- равищдоц келади: Наргиза дам олиб келди.

- Равишли сўз бирикмалари. Ҳоким бўлак вазифасида равиши келади: Ўт оқла бедана кўп, дангасада баҳона кўп.

- Сифатли сўз бирикмалари. Ҳоким бўлак вазифасида сифат келади. Одам гемирдан қаттиқ, гулдан нозик. Уят ўлимдан қаттиқ;

- Модат сўз бирикмалари: Ўзингда йўқ, оламда йўқ.

- Ундовли сўз бирикмалари: Шу дам қулогимга қалъа томонидан эштийолар заиф сўх.

Санаб ўтилган сўз бирикмалари ҳам маълум грамматик шаклга ёла ўзининг грамматик маъносига эга.

Сўз бирикмаси парадигмасида бош шакл сўз бирикмасини шакллантирувчи сўз туркумининг бош шакли ҳисобланади. Сўз бирикмалари парадигмасининг энг мураккаби феълли сўз бирикмалариидир. Энг ози равишли сўз бирикмалариидир

### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёрёв., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи. 1979, 9-2C-бетлар.

Абдуллаев Ф., Иброҳимова Ф. Ўзбек тили ва биринчарув. Тошкент: Фан, 1982, 8-116-бетлар.

Шарипов М.К. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи. Тошкент: Фан, 1978. 88-бет.

Ўзбек тили грамматикаси // Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 18-95-бетлар.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирти ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 23-29-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент. Фан, 1966, 15-38-бетлар.

Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 1995, 31-37-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмалари ва соддагап синтаксисидан лекциялар. Самарқанд, 1990, 13-21-бетлар.

Абдуллаев А. Глагольные словосочетания в современном узбекском литературном языке. АҚД. Ташкент, 1959.

Халияров Х. Именные словосочетания в современном узбекском литературном языке. АҚД. Самарқанд, 1966. с.28.

Базарбаев Н. Сложные словосочетания в тюркских языках. АҚД. Ташкент, 1970.

### **СЎЗ БИРИКМАСИ ТАҲЛИЛӢ ТАҶТИӢ.**

1. Гапни предикатив ва нопредикатив алоқа жиҳатидан 1-оҳданг.

2. Тенг ва тебе алоқа, уларнинг морфологик «ўриниш», ифодаланиши, сўроғи, тартиби.

3. Тобе алоқанинг турлари: мослашув, битишув, ёшликарув, чисбий алоқа, мувоғиқлашув.

4. Синтактик алоқанинг ифодаланиши йўллаш: грамматик воситалар, ёрдамчи сўзлар, сўзлар тартиби, интонация

5. Синтактик муносабатлар ва уларнинг турлари: сўзбордигав муносабат (объектли, атрибутив, релятив, предикативли), ғардизатив муносабат, копулятив муносабат, интрануктив (вокатив, модал) муносабат.

6. Нопредикатив алоқа асосида ҳосил бўлган сўз бирикмасининг сўз, кўшма сўз, синтагма ва гапдан фарқли томонлари.

7. Сўз сирикмалари компонентларининг маъно жиҳат таҷ бирикши даражасига кўра турлари: турғун ва эркин бирикмалар.

8. Сўз бирикмасининг тузилишига кўра турлари содда ва чуракка бўз бирикмалари.

9. Сўз бирикмасининг ҳоким компоненти қайси сўз түркуми билан билин ифодаланишига кўра турлари: отли, феъли, равнили сўз бирикмалари.

10. Сўз бирикмасининг маъноси.

## ГАП - СИНТАКСИСНИНГ ТЕКШИРИШ ОБЪЕКТИ

*Режа:*

1. Гап -- мақсад, фикр ва ҳис-түйғуларни ифодалаш воситаси.
2. Гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турлари: дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар.
3. Гапнинг эмоционализмга кўра бўлиниши: эмоционал ва ноэмоционал гаплар.
4. Гапнинг воқеянка муносабат жиҳатдан бўлиниши: тасдиқ (бўлишли) ва инкор (бўлишсиз) гаплар.
5. Гапнинг тузилиш жиҳатидан бўлиниши: содда ва қўшма гаплар.
6. Гапнинг ифода асосига кўра бўлиниши: бир составли ва икки составли гаплар.
7. Гапнинг коммуникатив вазият жиҳатидан бўлиниши: тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.
8. Гапнинг мучалари характеристики (бўлакларнинг боғланиш даражаси) жиҳатидан бўлиниши: бўлакларга ажralадиган ва бўлакларга ажralмайдиган гаплар.
9. Гапнинг мучалари иштироқига кўра бўлиниши: содда йигиқ ва содда ёйиқ гаплар.

Тафақкур моддий дунёнинг киши онгига объектив акс этишидир. Ийсон моддий дунёни сезги, идрок, тасаввур орқали англайди ва уни тушунчалар, ҳукмлар ва хуласалар билан умумлаштиради.

Ҳукм тафақкурнинг муайян бир шакли уни умумлаштирувчиidir.

Тил тафақкур ишининг натижаларини гапда ифодалайди ва мустаҳкамлайди. Шу тариқа фикр алмашиб имконияти вужудга келади. Тил категориялари тафақкур категориялари билан маълум муносабатда бўлади. Бироқ тафақкур билан титни айнан бир-бирига ўхшаш ҳодисалар деб қараш ва уларни шу нутқтаи назардан бир қаторга қўйиб ўрганиш нотўғри. Чунки тил билан тафақкурнинг ўзига хос хусусиятлари ва фарқлари бордир:

1. Ҳамма ҳалқлар учун фикрлаш қонунлари бир, аммо фикрни ифодалаш усуслари ҳар хил, яъни, гап тузиш ҳар хил.
2. Бир фикрнинг ўзи турли қурилишли гапларда ва шаклларда ифодаланади.
3. Фикр ифодалашда ҳукм элементлари субъект, предикат бўлиши шарт. Гапда ҳар доим ёки эга ёки кесим ва иккинчи даражали бўлаклар бўлиши шарт эмас.
4. Тафақкур тушунча ва ҳукм орқали иш кўрса, тил сўз, сўз биримаси ва гап орқали иш кўради. Алока-аралашув воситасининг энг кичик бирлиги ташидир. Гап тузиш моделлари тил бирлиги бўлса, аниқ гаплар нутқ бирлигидир.

Объектив борлиқ ва унга бўлган муносабатни ифода қилиб, нисбий тугал фикр ёки ҳис-түйғу англатиб, тугал интонацияга эга бўлган сўз ҳамда

грамматик қонун-қоидалар асосида үзаро бириншан: сұзлар боғламасы *тәп* дейилади.

Гапнинг асосий мантикий-грамматик белгилари құйыдагилар

1. Ҳар қандай гапда объектив борлық ва унга бўлган муносабат ифода қилинади. Сўзловчи шахснинг айтилаётган фикрга бўлган муносабати предиктивликдир. Предиктивлик гапнинг грамматик маънослинг ифода қиласи. У гап ҳосил құлувчи категория бўлиб, гапта ифода қўлинаётган фикрнинг борлиққа бўлган муносабатини модалликда ҳам, замон за шахс-сонда ифода құлувчи категориядир.

Масалан, Фақат Азизхон афтодаҳол ўтиради (С.Аҳмад) гапида предиктивлик учинчи шахсни, бирликни қосирги замон, сўзловчининг воқеликка бўлган қатъий ишончини ифодалаган.

Модаллик предиктивликнинг таркибий қисми бўлиб, феъл мэйллари, модал сўзлар билан ифода қилинади. Умуман, предиктивлик синтактик майл, замон, шахс-сон категориялари, модал сўзлар ва интонация орқали ифодаланади. Синтактик майл, замон, шахс-сон категориялари морфологик майл, замон, шахс-сон категорияларидан ферқ, қиласи. Синтактик майл, замон шахс-сон категорияларининг маънеси көнтадир: бир майл, шахс-сон шакли нутқ жараёнида бошқа майл, замон, шахс-сон маъноларини ифода қилиш учун ҳам кўлланиши мумкин.

2. Ҳар қандай қурилма гап бўлиб келиш учун туталланган интонацияга эга бўлади. Жонли нутқда бир гап иккичи бир гапдан туталланган интонация (пауза) билан ажralиб туради. Ёзувда эса, бу тегиши белгилар (нутқда, сўрқ, ундов белгилари) билан кўрсатилади. Мана шу белгига эга бўлмаган айрим предиктив қурилмалар гап ҳосил қўлмай, бироркмали аниқловчи ҳисобланадилар Зулфия ўқитви интоబ жуда қизиқарти экан. Узоқдан бўйи баланд йигит кўринди.

3. Гапда фикрнинг барча шакллари (дарак, сўрқ, буйруқ) ифода қилинади. Булар нисбий тугал бўлади. Демак, гап фикр шакларининг бирортасига ҳам тенг бўлмайди. Гап доираси улардан кенинг. Гап грамматик категория, фикр шакллари эса мантикий категорияларидир.

4. Гап бир сўз ёки сўзлар боғламасидан тошким топади. Бир сўзниң гап бўлиб келиши маҳсус интонация туфайлидир. Бунда предиктивлик интонация орқали ифодаланади: Бахор. Ҳамма ёқ, кўм-кўн. Зилзила! Шамон! Одам!

Гап сўзлар боғламасидан иборат бўлганда, унинг бўлаклари маълум грамматик қонун-қоидалар асосида синтактик алоқага киришадилар. Бу тиз гапларда предиктивлик майл, замон, шахс-сон категориялари, мояз сўзлар билан ифодаланади: Қирдан фир-фир шабада эсади (Ойбек..)

Демак, ҳар қандай гапнинг грамматик шахс, замон, тасдиқ-инкор, модал категориялари мавжуд. Бундан ташқари, гапнинг ифода мақсади категорияси ва коммуникатив (актуал) категория ҳам гапнинг грамматик категориялари сирасига киради.

**Гапнинг таснифи.** Гаплар ўзининг қуидаги белгиларига кўра тасниф қилинади: Гапнинг коммуникатив мақсадига кўра, гапнинг эмоционалликка кўра гапниг иғ воқеликка муносабатига кўра, гапнинг ифода асосига кўра, гапнинг коммуникатив вазиятига кўра, гапнинг мучалари характеристига кўра, гапнинг тизимиға кўра, таснифлаш кенг тарқалган. Таснифда гапнинг ташки томони-түзилиши ва ички томони-мазмуни ҳисобга олинади.

**Гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турлари.** Гапнинг коммуникатив категорияси гапнинг ифода мақсадига кўра турларини ҳам ўз ичига сайди. Гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турлари нутқий алоқа турига асосланади. Џунга кўра, гаплар коммуникатив мақсадига кўра қуидаги турларга бўлиниади: дарак, сўрек, буйруқ гаплар. Баъзи ишларда уларнинг истак гаплар тури ҳам ёкратилади<sup>1</sup>.

**Дарак гап.** Борлик ҳодисаларни тасдиқ ёки инкор йўли билан хабар қўйувчи гаплар дарак гап дейиллади: Куз ҳавоси илиқ эди. Кечки гуллар очалиб турғанди. Кўкда танқо ой кезмоқда (И.Рахим).

Да яъс гаплар хабар, орзу-умид, маслаҳат, таажжуб, ташвиш, гина, қизоя қабиларни ифода қиласди. Дарак гап байзан истак, гўмонни ифода қилиши ҳам мумкин: Бугун театрга борсак. Зулфия ҳам тезда келиб қолар. Пахта-давлат иши, жалдуннинг суннаган тоги.

Да яъс гапнинг синтактик шакли билан синтактик маъноси ўртасида муталасиблик мавжуд: синтактик дарак маъноси гапнинг синтактик дарак шакти орқали ифодаланади.

Дарак гапнинг кесими кўпинча аниқлик майдининг ўтган, ҳозир и келаси замон шакллари билан, байзан шарт-истак майли билан ифодаланади.

Дарак гап хабар интонацияси билан айтиллади. Бунда оҳанг гапнинг бироничи қисмида кўтарилади, исскинчи қисмида эса пасайиб боради. Дарак гап нутқда, гапнинг болиқа туриларига қараганда, кўп кўлланилади. Ҳатто, бутун-бутун матнлар ҳам дарак гаплардан ташкил топади.

**Сўрек гап.** Сўзловчига номаълум бўлган бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳодиса, белги ҳақидағи сўрекни ифода қўйувчи гаплар сўрек гап дейиллади: Бу тўқайлар қали ўзлаштирилмаган экан-да опа? (Ҳ.Ғулом).

Сўрек гапларда қуидагилар ифода қилинади:

1) Соғ сўрек; Марғулот бошландими? Қачон сафарга борамиз?

Сўрек гапларда сўрек билан бироқ қаторда таажжуб, гумон, шубҳа англатилиши ҳам мумкин: Нажотки, институтда таълим олаётган киши интизомсизлик қилса? («Шарқ юлдузи»).

2) Риторик сўрек: Бугда сўрек мазмунидан унинг мазмуни англашилиб туради. Букдай гаплар эмоционал нутқ учун услубий восита бўлиб хизмет қиласди: Жашқ ортусинни амалга оширишдан каттароқ баҳт борми! (Ойбек).

<sup>1</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 46-бет.

3) Сүроқ-буйруқ. Бунда сүроқ-буйруқ оттенкасига ҳам эга бўлади: Тез-тез юрмайсанми?

Сүроқ гаплар қуидаги воситалар билан тузилади:

1. Сүроқ юкламалари (мн-чи, -а, -я) ёрдами билан: Махфий бўлмаса, мазмунини билишим мумкинми? («Шарқ юлдузи»)

2. Наҳот, наҳотки юкламалари билан: Наҳотки, бутун ёмғир ёғса?

3. Сүроқ олмошлари ёрдамида: Спортда кимлар ғолиб чиқди?

4. Сүроқ интонацияси ёрдамида. Бунда интонация кўтарилувчи, пасаювчи, кўтарилувчи-пасаювчи характеристика бўлади. Сүроқ гап кўтарилувчи интонация билан айтилганда мантиқий ургу олган бўлак яп охирида бўлиб оҳанг кўтарилиб боради: Бутун қор ёғади?

Сўроқ гап пасаювчи интонация билан айтилганда, мантиқи й ургу олган бўлак гап бошида келиб, оҳанг пасайиб боради: Ҳаммасидан ҳабаримиз бор? («Шарқ юлдузи»).

Сўроқ гап кўтарилувчи-пасаювчи интонация билан айтилганда, мантиқий ургу олган бўлак таънида келади Оҳанг бунгача кўтарилб, кейин пасайди: Ҳаммасидан ҳабаримиз бор? («Шарқ юлдузи»).

Сўроқ гап сўроқ олмошлари, сўроқ юкламалари ёрдамида ҳосил бўлганда, сўроқ интонацияси таъкидланиш зарур бўлган бўлакларга кўтарилади: Қачон? У нима деди? – Ҳол сўради?

Сўроқ гаплар охирига ёзувда сўроқ белгиси қўйилади. Риторик сўрқ гаплар охирига сўроқ ва ундов белгилари қўйилади.

Сўроқ гаплар кўпроқ диалогик нутқ учун характеристадир.

**Буйруқ гап.** Буюриш, илтимос, маслаҳат кабилалари ифода килувчи гаплар буйруқ гап дейилади: Эҳтиёт бўл! Кўзингга қараб қўдам бос (П.Турсун).

Буйруқ гапларда буйруқ, маслаҳат, илтимос, ғазаб, дўқ кабилалари ифодаланади: Топширикни ўз вақғида бажар! (Буйруқ). Янги чиққан адабиётла билан танишиб боринг. (Маслаҳат). –Тур ўрнингдан! Менга айтмоқчи бўлгас ҳасратинг шуми? Чиқ уйдан! (Дўқ, ғазаб).

Буйруқ гапнинг кесими одатда буйруқ майли билан ифодаланади. Бунда фикр кўпроқ тингловчи шахсга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам бундай гапларнинг кесими буйруқ майлининг II шахс шакли билан ифодаланади: В-о-ой, ёндими? Адо бўлдим... Сув! Сув берингиз! Кутқазинглар! («Шарқ юлдузи»).

Баъзи буйруқ гап кесими буйруқ майлининг I ва III шахс шакллари билан ифодаланади: Аъло ўқизи учун курашайлик! Мени рўйхатга ёзиб кўйсин! («Шарқ юлдузи»).

Буйруқ гап кесими ҳаракат иоми - керак(зарур, лозим, даркор) конструкциялари билан ҳам ифодаланади: Бош режани тезда амалга ошириш керак (Яшин). Ваъдага вафо қўлмоқ зарур (Мақол).

Буйруқ гап интонацияси билан айтилади. Оҳанг дарак гигдагига нисбатан кучли, сўроқ гапдагига нисбатан кучсиз бўлади. Бунда ҳам гапда

ифодаланган мазмунга қараб, оңанғ ўзгариб туради: буйруқ, дүк, ғазаб ифодаланганда оңанғ күчли, маслағат, илтимос ифодаланганда оңанғ күчсиз, хабар интонациясыга яқын бұлады. Биринчи ҳолатда ёзувда гап охирида ундөв белгиси, иккінші ҳолатда нұкта қўйилади:

**Гапларнинг эмоционалликка кўря турлари.** Гаплар эмоционалликка муносабат жиҳатидан икки турлидир: эмоционал гаплар ва эмоционал бўлмаган гаплар. Дарак, сўрок, буйруқ гаплар эмоционал бўлмаган гап та эдир. Эмоционал гаплар ундөв гап деб ҳам юритилади.

Фикр күчли ҳис-ҳаяжон билан айтилган гаплар **уидов гап** дейилади: Мана, штангиз соҳиб саркордан ибрат олсангиз-чи! (Н.Сафаров).

Дарак, сўрок, буйруқ гаплар ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ундөв гапга айланадилар. Щунга кўра, ундөв гапларнинг дарак-ундөв, сўрок-ундөв, буйруқ-ундөв турлари ҳосили бўлади.

1. Дарак-ундөв гап: Ҳаммамиз имтиҳонларни мудаффакиятли тошириди! («Шарқ юлдузи»).

2. Сўрек-ундөв гап: Ахир, беғдорчилик ишини яхши кўрган, бутун умрини янги боғлар, янги қал мева навлари яратишга бағишилаган одам учун олти тектар ердаги боғдан ширкалиш ссонми? (С.Зуннунова ).

3. Буйруқ-ундөв гап: Ўтил-қизларингизни ўқитинг! (Н.Сафаров).

Уидов гапларда шодлик, кувонч, таажжуб, қайфу, афсулланиш, иамнулил, ташаккур ва ра-батлантириш, ачиниш, нафрат, ҳис-ҳаяжон ифода қилинади: Баракалла, баракалла, ўғлим! (Табрик). Обиджон – Таҳсин ва оғарин! (С.Абдулла). (Рағбатлангириш). Тавба! (Таажкуб). Ох, ох, оқ! Оғангита рағмат! Камол генинг, дўстим! (Ҳис-ҳаяжон). Куз лайти қандай яхши! (Кувонч).

Уидов гап тузилишида уидов интонациясининг роли каттадир. Шу билағ берга, куйидаги лексик ва грамматик воситалар ҳам ундөв гапларни ҳоси қилинша иштирок этади:

1. Қандай, нақадар каби эмоционал-кучайтирув маъносидаги сўзлар: Қандай қилиб қутқарасан, қани! («Шарқ юлдузи»).

2 Уидов сўзлар: Ох, бу қандай даҳшат! (Ч.Айтматов).

3 Ана, мани сўзлари Мана Зулфия! Беғда танқо ўтириб, нима ҳақидадир баш котаряпти! («Шарқ юлдузи»).

4 Махсус интонация: Бу еркилг ҳавоси-ана шунака сехрли ҳаво! («Шарқ юлдузи»).

Уидов гаплар кўтарилигиг өқаёт билан айтиладилар. Одатда, ҳис-ҳаяжон ифода қипайти ағ бўлак күчли оңанғ билан айтилади.

Дарак-ундөв, буйруқ-ундөв гаплар охирига ёзувда ундөв белгиси, сўрок-ундөв гаплар охирига эса сўрок ва ундөв белгилари қўйилади. Агар гап жуда ўзини ҳис-ҳаяжон билан зайдилса, икки ёки ундан ортиқ ундөв белгисининг қўйилиши ҳам мумкин.

**Гапларнинг воқеликка муносабат жиҳатидан турлари.** Гаплар воқеликка муносабат жиҳатидан кўйидагиларга бўлинади: тасдиқ (бўлишили) гаплар ва инкор (бўлишсиз) гаплар. Тасдиқ гаплар борлиқ ҳодисалари орасидаги муносабатнинг мавжудлигини ифодалайди, инкор гаплар эса бундай муносабатларнинг мавжудлигини инкор қиласади. Қиёс қилинг: Ўрик гуллади-Ўрик ҳали гулламаган.

Тасдиқ ва инкор категориялари орасида бояганиш бор: ҳар қандай тасдиқдан инкор, ҳар қандай инкордан тасдиқ ҳам келиб чиқади: Зулғия камтар. (Демак мағтанчоқ эмас). Зулғия мағтанчоқ (Демак, камтар элас).

Инкор гаплар тасдиқ гап асосида маҳсус инкор кўрсаткичлари ёрдамида ҳосил бўлади, тасдиқ гаплар эса бундай кўрсаткичлайга эга эмаслиги билан характерланади.

Инкор гаплар тубандаги воситалар ёрдамида ҳосил бўлади:

1. Кесим таркибида келган -ма шакли эмас ва йўқ сўзлари орқали: Авдий тушунмади (Ч.Айтматов). Менга бунинг сира алоқаси йўқ «Шарқ юлдузи»).

2. Маҳсус инкор ифода қилувчи сўзлар орқали: Оданча, бу сўзларнинг ўзларигина инкор ифода этмайди. Кесимлар ҳам инкор шаклида келади: Ташқарида ҳеч ким кўринмас эди («Шарқ юлдузи»).

3. Такрорланиб келган на ёрдамчиси орқали: Азиз на чой иди, на ётиб дам олди («Шарқ юлдузи»).

Гапда икки инкор воситасининг кўлланиши тасдиқ мазмунини бради: Авдий янги вазифани бажармай ҳўймайди (Ч.Айтматов). Беҳзотнинг Ташкент саёҳатига бориш фикри йўқ эмас («Шарқ юлдузи»)

Риторик сўроқ ва ундов гапларнинг баъзи типларида ҳесим инкор шаклида бўлса ҳам, гапда тасдиқ англапчилиши мумкун: Майин шабала кимга ёқмайди! (Ҳаммага ёқади).

**Гапнинг тузилиши жиҳатдан бўлинниши.** Гаплар тузилиши жиҳатидан икки турга бўлинади: содда ва қўшма гаплар. Содда гапларнинг структура асоси битта бўлиб, маълум бир фикрни ифода қиласади. Қўйма гапларнинг структура асосида эса икки ўндан ортиқ бўлиб, бир мураккаб фикрни ифода қиласади. Қиёс қилинг: Баҳор келди. Баҳор келди ва гудиар очилди.

**Гапнинг ифода асосига кўра бўлинниши.** Гапларнинг структура асоси бир бош бўлак (эга ёки кесим ) ҳамда ҳар икки бош бўлакдан ташкил топиши мумкин. Шунга кўра, содда гаплар икки составли ва бир составни гапларга бўлинади.

Икки составли гапларда гапнинг структура асоси эга ва кесимдан ташкил топади: Дунё бир каттакои кўл («Шарқ юлдузи»).

Бир составли гапларда гапнинг структура асоси ё эга, ё кесимдан иборат бўлади: Дўстинг учун заҳар ют (Мақол). Мартининг оғирги кунлари. Кўк юзида сузиб юрган булат парчалари офтобеки бир зумга юз куйга соляпти (А.Қахҳор).

**Гапнинг коммуникатив вазият жиҳатдан бўлинниши.** Гаплар, маълум фикрни ифода қилиш учун зарур бўлган коммуникатив вазиятга кўра тўлиқ гап ва тўлиқсиз гапларга бўлинади.

Тўлиқ гапларда маълум фикрни ифода қилиш учун зарур бўлган бўлакларнинг барчаси ифодаланган бўлади: Эргага бутун мамлакатдан келган одамлар билан рўтиара бўлади (С.Кароматов).

Тўлиқсиз гапларда маълум фикрни ифода қилиш учун зарур бўлган бўлакларнинг маълум қисми туширилган ва ёки яширган бўлади, лекин фикр тўлиқ бўлади : - Султсон акам ҳозир Испанияда, Ахмаджон.

- Испанияда ?
- Ҳа (А.Мухтор).

**Гапнинг мучалари характери жиҳатидан бўлинниши.** Гапнинг мучалари характери жиҳатидан иккига бўлинади: бўлакларга ажralадиган гаплар ва бўлакларга ажralмайдиган гаплар.

Бўлакларга ажralадиган гаплар бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажralади: У тилмошлиқ қилиб юрган кезларда шаҳарнинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўтишиб колди (С.Ахмад).

Бўлаклаэга ажralмайдиган гаплар эга ва кесим составига ажralмайди. Бунар бир сўз: ёки бўлакларга ажralмайдиган, ёки бошқа сўзлар билан кенгайиб келмайдиган сўз бирикмалари билан ифодаланади:

- Салом, дада.
- Салом, қизим (Ҳ.Олимжон).

**Гапнинг мучалари иштирокига кўра бўлинниши.** Гаплар, иккинчи даражали мучаларнинг иштирокига кўра йигиқ ва ёйик гапларга бўлинади.

Йигиқ гаплар фақат бош бўлаклардан иборат бўлади: Машғулот бешинади. Куз. Ҳамма етиштирилган ҳосилни йигиб-териб олиш билан банд («Шарқ юлдузи»).

Ёйик гаплар бош ва иккинчи даражали бўлаклардан ташкил топади. Бууда иккинчи даражали бўлакларнинг бир-иккитаси ёки барчаси иштирок этиши мумкин: Ўзбекистон халқи тинчлик учун астойдил курашмокда («Халқ сўзи»). Элжинг оғзиға элак тутиб бўлмайди (Мақол). Кўм-кўк дала. Саёҳатчилар дам слишяпти («Шарқ юлдузи»).

#### **Адабиётлар:**

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1978, 18-39-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 15 111-бетлар.

- Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 27-73-бетлар.
- Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 29-67-бетлар.
- Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ған, 1966, 38-55- бетлар.
- Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикиси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 37-58-бетлар.
- Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Самарқанд, 1990, 21-31-бетлар.
- Исматуллаев Х. Виды предложений по цели высказывания в современном узбекском языке. АКД. Ташкент, 1965, с.31.
- Сайфуллаева Р.Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке. Ташкент, 1982, с.25.
- Салиходжаева С. Эмоциональные предложения в современном узбекском языке. АКД. Ташкент, 1981, с.24.
- Сариев Б. Односоставные предложения в современном түркменском языке. Ашхабад, 1988, с.25.
- Маҳмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. АДД. Ташкент, 1984, с.45.
- Шадманов Э. Слова-предложения в современном узбекском языке. Ташкент, 1970, с.28.
- Бабаева А. Неполные предложения в современном языке. АКД. Ташкент, 1968. С.20.

## ГАП БЎЛАҚЛАРИ

*Режа:*

1. Гап бўлакларини белгилашда асосий мезонилар
2. Гап бўлакларининг шаклий мазмуний тузилишига кўра жусусиялари.
3. Гап бўлакларининг даражаланишинга кўра бўлинниши: бош бўлаклар, иккинчи даражали бўлаклар.
4. Эга ва унинг ифодаланиши.
5. Эганинг маъно турлари.
6. Эганинг тузилиш турлари.

Синтактик бирлик ҳисобланган гапнинг шаклий тузилиши жиҳатистан кўйидагича бўлиш мумкин: 1) синтактик алоқага киришладиган синтактик шакллар; 2) синтактик алоқага киришмайдиган синтактик шакллар.

Буларнинг биринчи гурухи анъанавий гап бўлаклари ҳисобланади. Гап бўлаклари ўз шаклий, мазмуний тузилишига эга бўлиб, улар ўртасида доимий муносабат мавжуд. Ана шу муносабат негизида гап бўлакларининг даражаланиши намоён бўлади.

Гап бўлгаги гапнинг бошқа бўлаклари билан ўзаро грамматик боғланган, узвий муносабатта киришган органик қисмидир. Гап бўлгаги билан гап орасидаги муносабат қисм билан бутун орасидаги муносабатдек бўлиб, диалектик характерга эга.

Гап бўлакларини белгилашда қуйидагилар асосга олинади:

1. Гап бўлакларининг лексик-семантик хусусияти.
2. Гап бўлакларининг ўзаро синтактик алоқага киритувчи воситалар, киришиш усуслари.
3. Синтактик алоқа компонентларининг шакли.
4. Синтактик алоқа компонентларининг бир-бирига нисбати.

Гапнинг бўлаклари гапни ташкил қилишдаги, унинг структурасидаги ролларга қараб, икки хил бўладилар: бош бўлаклар ва иккинчи даражали бўлаклар.

Бош бўлакларининг биринчи даражали, қолган бўлакларнинг иккинчи даражали санамтиши ўз грамматик асосларга эгадир. Булар гапда бир хил қийметтага эга эмас.

Ҳар қандай қурилма гап бўлиб келиши учун минимал шаклга эга бўлади. Бу минимал шакл гапнинг структура асос (грамматик марказ)ини ташкил қиласди. Фикр, асосан, гапнинг мана шу структура асоси орқали ифода қилинади.

Гапнинг структура асоси гапнинг бош бўлакларидан иборатdir. Демак, бош бўлаклар ҳар қандай гапнинг асосини ташкил қиласди. Бош бўлаклар эга ва кесимдан иборат бўлади. Масалан: Бу йигит – Рустамжонният ўртоғи (Яшин).

Гапдаги қолган бўлаклар одатда бу икки бўлақдан бирига боғланади. Бу икки бўлакка боғланган элементлар шу бўлакларга тобе бўлади. Демак, яна ва кесим ўзига боғланган сўзлар устидан ҳоким бўлиб, буларда бошқа ҳолгаёт йўқ; булар ҳеч қандай бўлакка тобе эмасдир.

Гапдаги икки составнинг ҳоким элементларидан бошқа элементлари иккинчи даражали бўлаклардир.

Иккинчи даражали бўлакларнинг вазифаси болш бўлакларни аниқлаш, улардан англашилган фикрни тўлдириб келишадир. Иккинчи даражали бўлаклар эгани, кесимни аниқлаб келади ёки бир иккинчи даражали бўлак бошқасини аниқлаб келади. Шунда ҳам аниқлангани яъни бош бўлакнинг бирига боғланади. Масалан: Деҳқон чол бизнинг сўзларимизни завқланиб тинглади («Шарқ юлдузи»). Бундаги иккинчи даражали бўлаклардан бири (деҳқон) эгани аниқлаб келган, бошқа иккитаси (завқланиб, сўзларимизни) кесимни аниқлаб келган, яна бири (бизнинг) бошқа бир иккинчи даражали бўлакни аниқлаб келган. Бу кейинги бўлакнинг аниқданмиши кесимга боғланган. Иккинчи даражали бўлакларга тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳоллар изоради. Масалан: Санъаткорларнинг бармоқлари дутор торлари устида сөхрди ҳаракат қиласди (Ойбек).

Гап бўлаклари структураси қуйидаги кўрининишларга эга:

1. Мустакил сўз. Бунда содла, қўшма, қисқартиз, жуфт сўзлар билан тексик бирлик сифатида қаралади: Беш кунлик режани ортиги билан южарилди. Яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса, кечирасиз. Ўзбекистон – бизнинг штатнимиз.

2. Мустакил сўз кўмакчи: қалам билан ёзмисқ.

3. Эркин сўз бирикмаси: Ўша замон қўнғироқ, чалинди. Зулфия ўқиган итоб мени жуда қизиктирди. Ҳамма томондан турли овозлар эшигинлар эди.

4. Бир бутун ҳолда қўлланадиган боғланмалар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – ҳақ-хукуқларимиз қомуси.

5. Тургун бирикма(фразеологизм)лар: Аммо турмуш раисниш ароматини пучга чиқарди.

**Эга ва унинг ифодаланиши.** Гапнинг бош бўлагидан бири бўлган эга апда кесим орқали ифодаланаётган белги предметни англатувчи бўлакдир. Ёнак, эга фикр субъектини, нутқ предметни билдиради. Бунда предмет енг маънода (нарса шахс, воқеа ҳодиса, белги, хусусият, ҳаракат, ҳолат ва ошқалар) тушунилади.

Эгалар ким? чима? деган сўроқларнинг бирига жавоб бўлади: ўрқ талаба тушган қайиқ пристанга етиб келдими? (Ж.Шарипов) Ишчи шлар киласерсин, сиз пенсиянинг лаззатини суринг, оқсоқол! (И.Рахим).

Эга субъект билан боғлиқ. Кўпинча эга ва субъект тенг келади: ғаҳфузга тинглаб ўтирибди («Шарқ юлдузи»). Еу гапда Маҳфузга – логик иҳатидан субъект грамматик жиҳатдан эга. Лекин эга ва субъект ҳамма вакъ ам тенг келавермайди: Бу расм эркин томонидан ишишган. Пахта терилди. ириничи гапда эга расм, лекин у субъект эмас (фикрнинг субъекти-Эркин). Ўкиничи гапда эса логик объект (пахта) гапда эга вазифасида келяпти. Бунда объект қўлланмаган.

Эга бош келишик шаклидаги отлар ва олмошлир билан фодаланадилар: 1. Саодат етилган қизларнинг бутуг лагофатини заллаб ғлан (F.Фулом). 2. Албатта хўжаликнинг нуқсонлари кўп. Бунинг учун аммамиз, барчамиз, баримиз ҳам айбормиз («Шарқ юлдузи»).

Бошқа сўз туркимлари от вазифасида қўлланилганда эга бўлиб келади лар қуйидагилардан иборат:

1. Сифат билан: Ботирлар халқнинг хотирасида ҳамиша яшайдилар (Йбек).

2. Сифатдош билан: Ўқиган ўзар (Мақсл).

3. Соң билан: Учовлари жазирама далада юриб, чўлнинг участкасини ѹландилар (Йбек).

4. Равиш билан: Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнанг ўзи яхши (Мақсл).

5. Ҳаракат номи билан: Ўқинш, ўрганиш, яратиш биннинг шарафли визфамиз (Яшин).

6. Шахсли феъл билан: Келди-кетди кечаси алла-таплагача давом этди (Йбек).

7. Бэгловчи билан Ҳар «ёмонининг бир амоси бўлиши керак, ҳар «хашнининг бир лекини (А.Қадхор).

8. Гақлийи сўз билан: Чиздириманнинг бирдан кўтарилиган «так-така, гижбонг»и зални янгратиб, купоқларни қоматга келтирди (А.Мухтор).

9. Индов билан: «Дод-вой», «оҳ, уғ» борган сари кучайди (С.Айний).

10. Айрим товуш билан: Шу улуу номлар-ла очилди мактаб. «М» – будир ва бунчай ёзилади «F» (F.Фулом.).

11. Сўз би ижмаси билан: Бир бош узум тарелкада турган эди (Х.Фулом). Ҳавас бўйса, анқонининг тухуми қам топилади.

12. Ёир бутун ҳолда: қўйланувчи бирикмалар билан: Ўзбекистон Республикаси – Ипак йўлидаги буюк давлатдир («Халқ сўзи»).

**Этанинг маънога турлари.** Эга маънога кўра қўйидаги турларга бўливади:

1.Шахс билдирувчи эгалар: Одика молларини ҳайдаб, тоғ этагига борди (С.Айний). Биз мактабда кексалар, ўспириналар билан учрашдик («Маърифат»).

2.Предмет билдируечи эгалар: Тепаликлар қорга бурканган (Х.Фулом).

3.Белг ғиддирувчи эгалар. Тозалик – соғлиқ гарови (Мақол ).

4.Микдор билдирувчи эгалар: Кечкурунлари иккавимиз чўлга қараб кетардик (С.Ахмад).

5 Ҳаракат-ҳолат билдирувчи эгалар: Фўза сугориш – нозик иш (Ойбек).

6.Ўрин-жой билдирувчи эгалар: Тошкент–тинчлик таянчи («Халқ сўзи»).

**Этанинг тузилиши тутлари.** Эта тузилишига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

1.Соддэ эга. Бунда эга бир сўздан иборат бўлади: Қулмат дарвоза олдида тўхтади (М.Исмоили). У кутудизи устага қарашар эди (О.Ёқубов).

2.Составли эга. Бунда эга бирдан ортиқ сўзлардан таркиб топади: Мустаҳид Ватэн гуллаб яшнамоқда («Халқ сўзи»).

3.Мураккаб эга. Бунда эга иски ва ундан ортиқ бир хил маънодаги сўзлардан таркиб топади: Ўзбекистон Республикаси Президенти – бизнинг йўлбоючимиз («Халқ сўзи»).

## КЕСИМ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

*Режа:*

1. Кесимнинг асосий хусусиятлари.
2. Кесимнинг ифодаланиши.
3. Кесимнинг маъно турлари.
4. Кесимнинг тузилиш турлари.
5. Кесимнинг таркибида боғлама ва унинг вазифаси.
6. Кесимнинг эга билан мослашуви (координация).
7. Эга билан кесим орасида тиренинг ишлатилиши.

Кесим бош бўлақларнинг иккинчиси бўлиб, эгадан англашилган предметнинг белгисини ифода қилувчи бўлакdir.

Кесим белги англатиши жиҳатидан аниқловчиги ўқшайди. Лекин аниқловчи белгини предмет билан боғланаб, атрибутив йўл билан ифода қиласа, кесим белгини эгадан англашилган предметда мавжуд ёки мавжул эмаслиги нуқтаи назардан ифода этади.

Кесим гап тузишда асосий бўлак ҳисобланади. Гапнинг асосий белгиси бўлмиш предикативлик, асосан, кесим орқали ифодаланаади: Санда ўзида йўқ хурсанд эди (А.Қаҳҳор).

Кесим предметнинг актив (иш-ҳаракат) ёки (сифат, ҳолат) белгисини ифодалайди: Кишилар ишчи қизларни мақташди (Ойбек). Истиқболимиз накадар порлоқ ва кувончли! («Халқ сўзи»). Биринчи гапда кесим актив белгини, иккинчисида пассив белгини ифодалаган.

Кесим **німа қилди?** **німа қилмоқда?** **қандай?** **қанча?** **кимдир?** **нимадир?** каби сўроқларга жазоб бўлади.

Кесим учун типик сўз туркуми феълдир. Тусланган феъллар гапда доимо кесим вазифасида келади. Бошқа сўз туркumlари ҳам гапда кесим вазифасида келиши мумкин. Лекин бу нактда боғлама, предикативлик аффикслари, тартиб ва интонация кабиларнинг роли катта бўлади

**Кесим ва унинг ифодаланиши.** Кесимлар, ифодаланишига кўра, феъл кесим ва от кесимга бўлинади.

**Феъл кесим.** Фелларнинг тусланган формалари ҳамда равишдан формаси билан ифодалangan кесимлар **феъл кесим** дейилади.

Феълнинг барча майлари, сифатдош шаклари тусланаб, феъл кесим бўлиб келади: Чиндан ҳам поёнсиз чўлда ҳаёт тантана қиларди. («Ўзбекистон овози»). Тепада азим қайрагоч савлат тўкиб турарди (Ойбек).

**От кесим:** феълдан бошқа сўз туркумлари ҳамда феълнинг ҳаракат номи шакли билан ифодалangan кесимлар **от кесим** дейилади.

От кесимлар қуйидаги сўзлар билан ифодаланади:

1. От билан: Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат, вафо хунарнидир, меҳнат одати. (F.Улом).

- 2.Сифат билан: Пұлап яғриларни күтартған ерлар күм-күк. (Х.Олимжоғи).
- 3.Сөз билан: Берішда саноғи-түққиз, олишда саноғи ўттыз (Мақол).
- 4.Олмош билан: Еиз тинчликни истаймыз: яхши ниятли кишиларнинг аҳди-шу («Халқ, сұзи»).
- 5.Рамиш билан: Нің күпі, күн күсқа... (А.Қадхор).
- 6.Харажат номи билан: Яшамоқ-курашмоқ, Курашмоқ-ўрнак бўлиб яшамоқ (И.Рахим).
- 7.Ундов билан: Орқада қолғанларнинг ҳәётига вой! (Уйғун).
- 8.Тағидий сўз билан: Мана ҳат билан ишлар гумбир (Х.Х.Ниёзий).
- 9.Модал сўз билан: Ҳалқ орзусини амалга оширишдан каттароқ баҳт борми? (С.Бек). Чўлни обод қиласа учун кўп куч керақ («Шарқ юлдузи»).

**Кесимнинг маъко турилари.** Кесимни маъносига кўра тубандаги гурӯҳларга жратиш мумкин:

- 1.Харажат-холат билдирувчи кесимлар: Гуломжон қишлоқда бўлган воқсаларни оқизмай-томизмай: сўзлаб берди. (М.Исмоилий). Кўкни қоплаб олган саноғиз юлдузлар йигтираб турибди (И.Рахим).
- 2.Белги билдирувчи кесимлар: Сенсан ҳар нарсадан мўтабар, азиз (Уйғун).
- 3.Миздор билдирувчи кесимлар: Менинг болам битта, уники иккита (С.Зиннунова).
- 4.Шахс билдирувчи кесимлар: Faфур Гулом ҳалқ шоири («Шарқ юлдузи»). Меникидир масstab, икод, фан (Х.Пўлат).
- 5.Предмет билдирувчи кесимлар: Бу ҳовлининг тенг ярми мевазор (П.Турсун).
- 6.Ўзин-жой билдирувчи кесимлар: Республиканинг энг обод жойи – Мирзачўл (Х.Назир).

**Кесимнинг тузилиши турилари.** Кесим тузилиши жихатидан содда, составли ва мураккаб бўлади.

**Содда кесим.** Синтаксик шаклдаги сўз билан ифодаланиб, эганинг белгисини аংглатадиган кесим **содда кесим** деб аталади. Содда кесим ифодаланишига кўра иккি турли бўлади: содда от кесим ва содда феъл кесим.

Содда от кесим предметнинг доимий белгисини ҳозирги замон нуқтai назаридан кўрсатиш: учун хизмат қиласи. Содда от кесим кўйидаги сўз туркумлари билан ифодланади:

- 1.От ёлан: Ҳакимлошаки факат улуг шоиргина дейиш кифоя эмас!.. У-бастакор, у-драматург, у-муаллим, у-мураббий, у-режиссер, у-публицист, у-редактор, у-жамоат арбоби, у-истик, у-жангчи, у-масалнавис, у-театршунос (М.Шайхзода).

- 2.Сифат билан: Ширкатнинг бағри кенг, меҳнати сербарака (Ойбек).

- 3.Сен билан: Ҳайдар чўжки бобонгиз ҳам саксонда (Ғ.Гулом).

**4.Олмош билан:** Яхши ниятли кишиларнинг аҳди – шу («Ўзбекистон овози»). Ўзим ҳар жойдаман, қўнглим сендаидир (Муқимий).

**5.Равиш билан:** Қулсқұларингга тутиб олингларкен, далада иш кўти, вакъоз (Ойбек).

**6.Ҳаракат номи билан:** Ҳаммадан оғир нарса соғиниш (Ойбек).

**7.Бор, йўқ сўzlари кесим вазифасида келади:** Қўрилиш учун етарли ёғоч бор (Ойбек). Ҳозир тансимиз йўқ, тўйга таклиф қилингас («Шарқ, юлдузи»).

Содда феъл кесим бир лексик маъноли феъл билан ифодаланади Мени куттил ва мен қайтарман (К.Симонов).

**Составли кесим.** Аналитик шаклдаги қурилмалар билан ифодалазган кесимлар *составли кесим* дейилади. Бунинг таркиби етакчи ва кўмакчи элементлардан иборат бўлади: Тоғ оралиғи аста-секин торайиб бораверди (С.Назар). Йўлчи ўз дўсти Қоратой билан ҳангомаляшиб ўтирад эди (Ойбек). Мен ўқитувчи бўламан (П.Турсун).

Составли кесимлар, ифодаланишига кўра, составли феъл кесих ва составли от кесимларга бўлинади.

Составли феъл кесимлар икки ёки ундан ортиқ негиздан ташкил топган феъллар билан ифодаланади. Бунда феълларнинг бири ўзининг лексик маъносини саклаб, етакчи феъл ҳисобланади. Қолганлари етакчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ, бўлган турли кўшикча маъноларни ифода этиб, кўмакчи феъл ҳисобланади.

Составли феъл кесимларнинг етакчи қисми кўпинча равишдаш шаклида бўлади: Эрта баҳор кўёди кеча ёғиб ўтган ёмғирнинг нақини ердан суғуриб олаётir (Ойбек).

Составли феъл кесим байсан жуфт феъллар билан ифодаланиши ҳам мумкин: Гапнинг нақ онасини айтдингиз-қўйдингиз (П.Турсун).

Составли от кесимлар кенг маънодаги от боғлама ёки тўлиқиз феъл типидаги қурилмалар билан ифодаланади. Бунда асосий маъно отдақ англатиб кесимнинг эга билан мослашувини таъминлайди: Гулнера, мана бу манзара жуда чиройли эканми? Гулнинг тўни қирқ ямоқ, барглари йиртиқ бўлса ҳам, ҳусни тоза эмасми?! (Ойбек). Келган икки киши профессор экан (Ойбек).

Составли от кесим ҳаракат номи+керак (зарур, лозим, даркор) типидаги қурилмалар билан ҳам ифодаланади: Эл молига узатилгас қўлларни кесиш керак (Ойбек). Ҳар ишни яхши бажариш учун унга кўнтил бериб қарашмоқ керак («Шарқ, юлдузи»). Ишининг мана шу икки томонини ўрганишимиз, жуда яхши билишимиз зарур (А.Қаҳдор).

Составли от кесим байсан чиқиши келишиги шаклидаги сў+иборат типидаги қурилмалар билан ҳам ифодаланади: Вазифамиз йигим-геримни муваффақиятли якунлашдан иборат («Халқ сўзи»).

Составли от кесим бор, йўқ сўzlари ва тўлиқиз феъл типидаги қурилмалар билан ифодаланади: Мактаб ҳөвлисида таътил бўлгани учун, ҳеч

ким йўқ эди (Ойбек). Жамоангизда кўпгина ташаббускор ёшлар бор экан (Ш.Холмирзаев).

**Мураккаб кесим.** Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг грамматик семантика муносабатидан ташкил топиб, бир бутун ҳолда кесим сифатида шаклланган ҳодисалар **мураккаб кесим** саналади.

Мураккаб кесимлар кўйидагича ифодаланади:

1.Турғун бирикмалар билан: Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон Республикасидир («Халқ сўзи»).

2.Фразелогик бирикмалар билан: Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган (Ойбек). У тегирмонга тушса бутун чиқади (Ойбек).

3.Изофа характеристидаги, кўчма маъноли қаратқичли бирикмалар билан: Оталар сўзи-ақлнинг кўзи (Мақол).

**Боғлама.** Кесимдан кейин келиб, кесимни грамматик жиҳатдан шакллантириш, унинг семантикасини тараққий эттириш, фикрни тугаллаш, шахс-сон, замон, модаллик каби грамматик маънолар ифодалаш, кесимнинг эга билан муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилувчи ёрдамчи воситалар **боғлама** саналади.

Боғлама кўйидагича ифодаланади:

1.Эди, экан, эмиш каби тўлиқсиз феъллар билан: Уста Азим шарқча бинолар курища моҳир эди (Ойбек). Бу чинорни Очил буванинг узок аждодларидан бири ўтқазган эмиш (А.Мухтор).

2.Предикатив-модал сўзлар билан (керак, зарур, шарт, лозим, мумкин): Мен эртага қолиб бўлса ҳам, лойиҳани муҳокамага тайёрлашим шарт (А.Мухтор). Клуб ишини фақат Башоратжон бажариши мумкин (А.Мухтор).

3.Кўмакчи феъллар билан: Ноз-неъмат тўла дастурхон устида суҳбат бошланиб кетди (Ойбек).

4.Кўмакчилар билан: Балиқнинг тириклиги сув, одамнинг тириклиги эл билан (Мақол).

5.Бор, йўқ, эмас сўзлари билан: Уч соатдан бери бирон кимса дуч келгани йўқ (А.Мухтор).

6.Саналади, ҳисобланади, иборат сўзлари билан: Корхонанинг тарихи сафарбарликдан иборат (А.Мухтор).

7.Предикативлик аффикслари билан: Биз ҳам инсон ўғлимиз (Ҳ.Ҳ.Ниёзий). Боғламалар тузилиш жиҳатидан сўз-боғлама ва аффикс боғламага бўлинади.

**Кесимнинг эга билан мослашуви (координация).** Икки составли гапларда эга ва кесим мослашади. Бу шахс-сон аффикслари феълнинг биргалик нисбати орқали ифодаланади. Эга ва кесим ҳам мантиқ жиҳатдан, ҳам грамматик жиҳатидан мослашади: Қишлоқ, хўжалиги ходимлари пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашмокдалар.

Эга ва кесим фақат мантиқ жиҳатдан мослашади: Барча тўпланди.

Эга ва кесимнинг шаклий жиҳатдан мослашуви куйидаги хусусиятлар билан характерланади:

1.Гап кесими феъл кесим бўлганда:

а) эга I ва II шахс олмошлари билан ифодаланганда, кесим билан шахс-сонда мослашади: Мен ўқидим. Сиз ўқидингиз.

б) эга III шахсни кўрсатувчи олмош билан ифодаланганда, кесим билан шахс сонда мослашади: Лекин сонда мослашмаслиги мумкин: Зулфия ўқиди. Талабалар спортда голиб чиқдилар. Ўқувчилар келди.

2.Кесим от кесим бўлганда:

а) эга I ва II шахс олмошлари билан ифодаланганда, кесим билан шахс сонда мослашади. Лекин кесим таркибидаги шахс-сон аффиксларининг кўлланмаслиги ҳам мумкин. Қиёс қилинг: Мен талабаман. Мен - талаба.

б) эга III шахснинг кўплик шаклида келганда, кесим кўплик шаклида ҳам, бирлик шаклида ҳам келиши мумкин: Улар талабалар Улар – талаба.

Ўюшиқ эгаларнинг кесим билан мослашуви қўйидагича:

1.Ўюшиқ эгалар шахсни ифода этганда, кесим кўплика бўлади: Зулфия, Ҳакима ва Назира бирга дарс тайёрлашди.

2.Ўюшиқ эгалар жонсиз предметларни ифода этганда, кесим бирлик шаклда бўлади: Ўрик, олма, шафтоли гуллади.

а) ўюшиқ эгалар составида I шахсни кўрсатувчи эга бўлса, кесим I шахс кўплигига бўлади: Мен, сен ва Зулфия кинога бордик.

б) ўюшиқ эгалар составида I шахсни кўрсатувчи эга бўлмай, II шахсни кўрсатувчи эга бўлса, кесим II шахснинг кўплигига бўлади: Сен, Назира ва Феруза саёҳатга борасизлар.

*Эга ва кесим орасида тири ишлатилиши.* Эга билан кесим орасида куйидаги ҳолларда тири ишлатилади:

1.Кесим от, сон, олмош билан ифодаланганда эга билан кесим орасида тири қўйилади: Faфур Fулом – ҳалқ шоири («Шарқ юлдузи»). Тўрт карра тўрт – ўн олти. Бу йил бой қизлар – сизлар (Ойбек).

2.Кесим ҳаракат номи билан ифодаланганда: Мақсадимиз – илм олиш. Ўқиш – улғайиш.

3.Эга ёки кесим кўрсатиш олмоши билан ифодаланганда: Сенга ҳалқнинг буйруғи – шу (Х.Олимжон). Бу – гўзал юрт, хусндор Ватан (М. Шайхзода).

#### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 50-62- бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 128-139-бетлар.

Фуломов., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис, Тошкент: Ўқитувчи, 1965. 95-120-бетлар.

Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 83-101-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили //Синтаксис. Тошкент: Фан, 1966, 75-110-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 59-82-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз биримаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 31-41-бетлар.

Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гап бўлаклари типологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1988.

Игамбердиев Б. Выражение сказуемого в простых предложениях в современном узбекском литературном языке. АКД. Самарканد, 1965.

Шоазизов Ш. Подлежащее и его выражение в современном узбекском литературном языке АКД. Ташкент, 1973.

Абдусаматов Р. Ўзбек тилида гап бўлакларининг ноамалий мавқеи масаласи. АКД. Самарканд, 1994.

Тожиев О. Ўзбек тилида от предикатли гапларнинг мазмунини ва синтактик тузилиши. АКД. Тошкент, 1995.

## ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАР

*Режа:*

1. «Иккинчи даражали бўлак» тушунчаси.
2. Тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши.
3. Воситасиз тўлдирувчи, унинг маъноси.
4. Воситали тўлдирувчи, унинг маъноси.
5. Аниқловчи ва унинг ифодаланиши.
6. Аниқловчиларнинг турлари.
7. Изоҳловчи ва унинг маъноси.
8. Ҳол ва унинг ифодаланиши.
9. Ҳол ва унинг турлари.

Гапда вазифа бажариши жиҳатидан бўлаклар бир хил эмас. Баъзи бўлаклар гапнинг мазмунига аниқлик киритиш, тўлдириш каби вазифаларни бажаради, уларнинг қўлланмаслиги гап мазмунини тубдан ўзгартириб юбормайди. Баъзи бўлакларнинг гапда иштирок этиши зарурдир, чунки уларсиз гап майдонга келмайди. Шу нуқтаи назардан гап бўлаклари икки турга ажратилади: бош бўлаклар, иккинчи даражали бўлаклар.

«Иккинчи даражали бўлак» тушунчаси «ёйиқ гап» тушунчаси билан чамбарчас боғлангандир. Чунки содда гапларни йигиқ ва ёйиқ гапларга ажратиш иккинчи даражали бўлакларнинг иштирокига қараб белгиланади.

Йиғиқ гаплар бош бўлаклардан тузилади. Ёйиқ гаплар эса, бош ва иккинчи даражали бўлаклардан ташкил топади. Ёйиқ гапларнинг баъзиларида биргина иккинчи даражали бўлак қатнашса, бошқаларида бир неча иккинчи даражали бўлак қатнашади.

Бош бўлаклар билан иккинчи даражали бўлакларнинг ўзаро муносабатида бош бўлаклар-ҳоким, иккинчи даражали бўлаклар эса уларга тобе бўлади.

Ҳоким ва тобелик конуниятига асосан гап бўлаклари термини ва тушунчасини ифодалаща бир хиллик йўқ, Чунки улар бошқарувчи ва бошқарилимиш вазиятидадир. Шу вазият асосида эганинг бошқарилиши кесим, аниқловчиники аниқланмиш, сифатловчи сифатланмиш, изоҳловчи изоҳланмиш, қаратқич қаралмиш. Лекин тўлдирувчи ва ҳолнинг зид жуфти грамматик терминологиямизда йўқ.

Тўлдирувчи тушунчаси ва терминининг зид жуфти сифатида тўлдирилимиш тушунчаси ва терминини, ҳол тушунчаси ва терминининг зид жуфти сифатида ҳолланмиш тушунчаси ва терминини тавсия қиласиз. Бундай аташдан мақсад:

- 1) ҳодисаларни тўлиқ аташ;
- 2) тўғри ва ўринли аташга эришиш;
- 3) тилимиз грамматик курилишидаги микросистемаларни тўғри англаш ва баҳолашга эришиш.

Гапда эга-мутлақ ҳоким. У ўз составидаги иккинчи даражали бўлакларга ҳам, кесимга ҳам ҳоким. Кесим эса факат ўз составидаги иккинчи даражали бўлакларга ҳоким.

Эга ва кесимни бош бўлаклар деб, тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳолни иккинчи даражали бўлаклар деб кўрсатилиши уларнинг бири ҳоким, иккинчиси тобелигидан эмас, балки уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятларидандир. Бу хусусият гап бўлакларининг нутқдаги функциялари асосида келиб чиқади.

Иккинчи даражали бўлакларсиз бош бўлаклар алоҳида, тўлиқ гап ташкил эта олмайди, улар гапда бош бўлакларга боғлиқ ҳолда қатнашади: Низомжан онасининг гапларини чин юрақдан эшитиб ўтиради (С.Аҳмад).

Демак, иккинчи даражали бўлаклар бир-бирларининг маъносини бевосита изоҳлаб, тўлдириб, шулар орқали гапдаги бош бўлак маъносини тўлдиришга кўмаклашади.

Гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ажратишда уларнинг объектив ҳоли тушунчаларни ифодалаши асос қилиб олинади, бу тушунчалар турли грамматик шакллар орқали ифодаланади. Тўлдирувчиларнинг ифодаланишида морфологик асос бўлиб хизмат қўйувчи сўзлар тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиши келишиклари шаклидаги от ва отлашган сўзлар саналади: Эгилган бошни қилич кесмас (Мақол). Яхшига ёндаш, ёмондан қоч (Мақол).

**Аниқловчиларнинг ифодаланишида морфологик асос бўлиб сифат, сифатдош ва бошқа сўзлар хизмат қиласи: Унинг зийрак, қўнгир кўзларида ҳорғинлик бор эди (С.Анорбоев).**

**Холлар, асосан, равиш ва равишдошлар билан ифодаланади: У ўйчан кўзлари билан Ботирга қараб секин гапирди (С.Назар).**

**Демак, бевосита бош бўлакка, ўрни билан бир-бирига боғланган бўлакни изоҳювчи, аниқлаштирувчи синтаксик категориялар иккинчи *даражали бўлаклар* деб юритилади. Иккинчи даражали бўлаклар тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳолдан изборат.**

***Тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши.*** Тўлдирувчи гапнинг иккинчи даражали бўлакларидан бўлиб, у ҳаракатни ўз устига олган объект ёки предметни ифодалайди ва ўз ҳоким компонентига тобеланиш йўли билан боғланади.

Тўлдирувчи предметни ифода қилиш жиҳатидан эгага ўхшайди. Лекин эга ҳоким ҳолатдаги предметни фикр предметини, тўлдирувчи эса тобе ҳолатдаги предметни, ҳаракат билан боғлиқ бўлган предметни ҳаракат обьектини билдиради. Бу ҳол уларнинг грамматик шаклида ҳам кўрилади: эга бош келишик шаклида, тўлдирувчи эса тушум, жўналиш, чиқиш, ўринпайт келишияклари шаклида ҳамда кўмакчили конструкция шаклида келади. Ўз ҳоким компонентига тобеланиш йўли билан боғланаб, шу тобе компонент орқали англашилган ҳаракат таъсирига берилган, шу ҳаракатни ўз устига олган, объект ёки предмет тўлдирувчи деб аталади.

Тўлдирувчи кўпинча кесимга боғланади. Баъзан эга, аниқловчи, бирор бошқа тўлдирувчига боғланаб келиши ҳам мумкин. Бу эга, аниқловчи, тўлдирувчи сифатдош ёки ҳаракат номи билан ифодаланганда юз беради.

Тўлдирувчилар қўйидагича ифодаланади:

От билан: Тошга ёмғир кор қўлмайди («Шарқ юлдузи»).

Олмони билан: Одамнинг одами юрт ишида, халқ ишида ўзини кўрсатади («Ҳалқ сўзи»).

Сифат билан: Мардни меҳнат енголмас (Мақол).

Сон билан: Бугунги навбатчилик иккевимизга топширилди («Шарқ юлдузи»).

Ҳаракат номи билан: Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ (Мақол).

Равиш билан: Кўпдан қуён қочиб қутилмас (Мақол).

Ундов сўзлар билан: Ана шунда мен ғалаба урасини эшитдим (М.Шолохов).

Ёрдамчи, тақлидий сўзлар билан:

-Ҳа майли, лекинини ҳам кўриш керак («Шарқ юлдузи»).

Бир бутун ҳолда кўлланадиган конструкциялар билан: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаси йиғилишига депутатлар келиб етди («Ҳалқ сўзи»).

Ажралмас фразеологик бирикмалар билан: **Кишилар орасига қора ип ташлашыдан ҳазар қыладын қылинг....** – деди Мирхайдар (Ойбек).

Түлдірүвчилар, үзләрні борланиб келаётган гап бўлаги билан алоқага кириш усулига кўра, воситасиз ва воситали түлдірүвчиларга бўлинади.

**Воситасиз түлдірүвчилар.** Ҳоким бўлакда ифода қылинган ҳаракатни бевосита ўзига қабул қылган предметни билдирувчи түлдірүвчилар **воситасиз түлдірүвчилар** деб аталади.

Воситасиз түлдірүвчи объектли (ўтимли) феъл билан боғланиб, тушум келишиги шаклидаги сўзлар билан ифодаланади ва **кимни? нимани?** сўроқларига жавоб бўлади: Тоғлар шаҳарни ўраб турганга ўхшайди (Яшин).

Воситасиз түлдірүвчи белгисиз ва белгили ҳолатда бўлади.

Ҳоким бўлак ифодалаган ҳаракат аниқ объектга эмас, умуман шу турдаги объектларга ўтиш тушунчасини ифодаласа, воситасиз түлдірүвчи белгисиз кўлланилади:

Ботирлари канал қазади,

Шоирлари газал зади,

Куйчилари ўқиди ялла,

Жувонлари айтади алла (Х.Олимжон).

Воситасиз түлдірүвчи ўтимли иш ҳаракат маъносини ифодаловчи турли сўзларга эргашиб, ўлар орқали ифодаланган маъноларға аниқлик киритади ва түлдиради:

1) ҳаракат юзага келувчи объектни ифодалайди: Тоғ бағрини тутун коплайди (Х.Гулом). Ҳусайн Бойқаро тепаликни узоқдан кўради (Ойбек).

2) ҳаракат таъсирида ўз белги-хусусиятини ўзgartирган предметни кўрсатади: Дастурхончи кизлар дастурхонни анвойи таомлар, ширинликлар билан безаб ташладилар (Ойбек).

3) ҳаракат таъсирида ўзининг макондаги ўрнини ўзgartирган-предметни кўрсатади: Сўфи қўлига тушиб қолган қайроқни улоқтириб юборди (А.Қаҳҳор).

4) субъектнинг эшитиш сезгисига бевосита таъсир қылган объектни ифодалайди: Туяга миниб узоқни кўзла (Мақол). Мен бу зўр мактабнинг мақтоворини кўп эшитган эдим (А.Қаҳҳор).

5) субъектнинг объектив борлиққа (шахс, предмет ёки воқеа-ҳодисага) муносабати ифодаланади: Сени эсга солиб гуллар очилди (Зулфия). Мен бу йигитни кейинчалик танидим (А.Қаҳҳор).

6) ҳоким сўздан ифодаланган ҳис-тўйғу, психологик ўзгариш (ҳолат)ни юзага келтирилган шахс ёки предметни кўрсатади: Ёш боланинг тили ҳар қанака кўнгилни эритади (А.Қаҳҳор).

7) сўзловчининг тингловчига ижобий ёки салбий муносабатини ифодаловчи предмет ёки шахсни ифодалайди: Кутбиддинов бола бечорани хўп уришди (А.Қаҳҳор).

Воситасиз түлдірүвчи чиқиши келишиги шаклида қўлланилади, бундай вакъта иш-ҳаракатнинг таъсири объектга тўла равиша ўтмасдан,

унинг бир қисмигагина ўтганлигини кўрсатади: Сен менга осмондаги гаплардан эмас, ердаги ҳақиқатдан гапир (П.Турсун).

**Воситали тўлдирувчи.** Ўз ҳоким бўлагига боғланиб, шу бўлак орқали ифодаланган ҳаракатнинг юзага келишида қурол-восита вазифасини воситали тўлдирувчи бажаради.

Воситали тўлдирувчилар воситали келишик шаклидаги сўзлар ва кўмакчилик конструкциялар билан ифодаланади ҳамда уларнинг сўроқларига жавоб беради.

Воситали тўлдирувчилар ўтимсиз феълларга боғланиб келади.

Келишикли тўлдирувчилар, қайси келишик шаклида келишига қараб, турли хил маъноларни ифодалайди:

1) Жўналиш келишиги шаклидаги воситали тўлдирувчилар қўйидаги маъноларни ифодалайди:

а) субъект ҳаракати йўналган ўрин обьектини кўрсатади: Мен баҳорда Қатортолга борган эдим (А.Қаҳҳор).

б) ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни кўрсатади: Сафар бўзчи сандал кўрпасига ўраниброқ ўтириди (А.Қодирий). Келин каттакон дока рўмолга бурканган (А.Қаҳҳор).

в) ҳаракат бевосита таъсир қўлган предмет-объектни ифодалайди: Махдум ёстиқка беҳол суняди (А.Қодирий).

г) ҳаракат аталган обьектни кўрсатади: Мирзаев шошиб қолиб бир куннинг ўзида Латофатта иккита хат ёзди (А.Қаҳҳор).

д) ҳаракатнинг мақсад обьектини кўрсатади: Ўртага икки хитой лаганда палов кўйилиб, Гулшан билан етти қиз ошга ўтиридилар (А.Қодирий).

е) тенглик эваз маъносидаги обьектни ифодалайди: Баъзан сут қаймоқни донга алишар эдик (А.Қаҳҳор).

ж) бирор предметга ўхшатилган предмет-объектни ифодалайди: Бу гарамлар худди чўл ўргасида бодраб чиққан азамат қўзиқоринга ўхшаб кетади (С.Аҳмад).

з) ҳолатни, психик ўзгаришларни юзага келтирган, кўзлатган обьектни ифодалайди: Махдум бу ҳолга ортиқ чиқаб туролмади (А.Қодирий).

и) субъект ҳаракати қаратилган предмет-объектни кўрсатади: Раъно онасига ўпка аралаши кулиб қаради (А.Қодирий).

к) сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни кўрсатади: Сидикжон Ўрмоюжонга миннатдорчилик билдириди (А.Қаҳҳор).

2. Ўрин-пайт келишигидаги воситали тўлдирувчилар қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1) ҳолат юзага чиққан ўрин-объектни кўрсатади: Нилуфарнинг кўзларида кувонч аралаши бир ҳайрат порлади (О.Ёкубов).

2) ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириди: Саида уйга кеч соат ўнбирларда қайтди (А.Қаҳҳор).

3) ҳаракаттинг бажарилишида восита бўлган обьектни кўрсатади: Чол кечга қолган йўловчиларни дарёдан шу қайиқда ўтказиб қўйди (Х.Фулом).

4) ҳаракат ва ҳолаттинг юзага чиқишида восита бўлган обьектни ифодалайди: Боболар меҳнатда ҳоргандир дея,

Азиз набиралар, ўйларсиз бешак (А.Орипов).

5) ҳаракат ё ҳолаттинг қай жиҳатдан юзага чиқишини ифодалайди: Майхўрликда, курашда, от чошишда, ўқ узишда шаҳарнинг йигитлари билан дўст тутинишга ултурди (Ойбек).

6) ҳаракаттинг ҳолатини билдиради: Факат табассумда яшарди олам.... (А.Орипов).

7) ҳаракаттинг бажарилиш мақсадини билдиради: У анҳор бўйига жиндай ёзилиш, юрагини қоплаб олган қора дудни жиндай тарқатиш умидида келган эди (О.Ёкубов).

3. Чиқиш келишиги шаклидаги воситали тўлдирувчилар қўйидаги маъноларни ифодалайди:

а) ҳаракаттинг бошланиши, чиқиш, йўналиш ўринини кўрсатади: Нилуфар тез юриб меҳмонхонадан чиқди (О.Ёкубов).

б) ҳаракаттинг чиқиш обьектини билдиради: Аҳмаджон ҳозирча хат ёзишдан воз кечди (А.Қахҳор).

в) ҳаракаттинг восита обьектини ифодалайди: Күш тумшуғидан илинар (Мақол).

г) ҳаракаттинг бажарилишида восита бўлган шахсни кўрсатади: Ҳикмат бува хатни неварасидан бериб куборди (А.Қахҳор).

д) ҳаракаттинг манба-обьектини кўрсатади: Меҳнатдан дўст ортар, гийбатдан душман (Мақол).

е) ҳаракаттинг бажарилиш пайтини билдиради: Ойим бизларни ёшлиқдан ишга ўргатганлар (М.Алавия).

ж) ҳаракат обьектининг ўлчовини-миқдорини кўрсатади: Бир-икки пиёладан чой ичдилар (О.Хусанов).

з) ҳаракаттинг чоғиштириш обьектини кўрсатади: Невара деган ўз болангдан ҳам шарқин бўлар экан («Шарқ юлдузи»).

и) ҳаракаттинг рўй бериши учун сабабчи бўлган обьектни кўрсатади: Қаландаров машқ ва ашулдан мамнун бўлди (А.Қахҳор).

к) ҳаракаттинг қай тарзда бажарилишини билдиради: Жон-дилдан ишлаймиз, чунки қалбингиз, эзгу умид билан севгига тўлиқ (Зулфия).

Кўмакчили тўлдирувчилар, қайси кўмакчи билан келишига қараб, ҳаракаттинг ким ёки нима ҳақида эканлигини, аташ, мақсад, сабаб, биргалик каби маъноларни ифода этади: Султонмурод Искандар Зулқарнайн тўғрисида латифа сўйлади (Ойбек). Шуни билким, жон учун жон оламиз, Шуни билким, тўкамиз қон учун қон (Х.Олимжон). Қобил бобо ёр-дўстлари билан кенгаши (А.Қахҳор). Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат орқали кўрар эди (А.Қодирий).

Тўлдирувчилар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўладилар. Бир сўз билан ифодаланиб, бир содда тушунчани англатадиган тўлдирувчи содда тўлдирувчи саналади: Яхшига ёндаш, ёмондан қоч (Мақол).

Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг тобеланиш муносабатидан ташкил топиб, бир мураккаб тушунчани англатса, мураккаб тўлдирувчи саналади: Мардикор олиш воқеасидан халқ нафратланди (Ойбек).

**Аниқловчи ва унинг ифодаланиши.** Предметнинг белгиси, қарашлилигини ифода қўлувчи гап бўлаги **аниқловчи** дейилади. Бу ўринда белги тушунчаси кенг маънода қўлланиб, сифат-ранг-тус, хусусият, маза, шакл, ҳажм, миқдор-даража маъноларини ифода қиласди: кўк дафтар, ширин овқат, катта бино, файратли бола, кўп гап.

Аниқловчилар отта боғланади. Аниқловчи от аникланмиш саналади. Аниқловчилар англатган маъноларига кўра, сифатловчи ва қаратқичли аниқловчиларга бўлинади.

Сифатловчи боғланиб келган бўлак сифатланмиш ҳисобланади. Сифатловчилар қўйидагича ифодаланади:

Сифат билан: Анҳорнинг боғдан чиқиб кетадиган томони ям-яшил майсазор (С.Зуннунова).

Сон билан: Эркин учта мевали дараҳт ўтқазди («Шарқ юлдузи»).

Олмош билан: Қанча одам келибди? (А.Қаҳҳор).

Равиш билан: Қатъият ва темирдек ирода билан қарши турингиз (Яшин).

От билан: Оқ олтинни олтин кўллар етиштиради («Шарқ юлдузи»). Ишчиларнинг темир, пўлат кўллари энг юксак тоғларнинг бағрини ёради (Х.Олимжон).

Сифатдош билан: Айтилган сўз - отилган ўқ (Мақол). Порлаган юз, яшиаган кўз, ботир киз! (Х.Олимжон). Баъзан сифатдошлар ўзига оид сўзлар билан кенгайиб, сифатдош оборот ҳосил қиласдилар. Булар ёйиқ сифатловчилардир: Қатор бинолар мағрут шаҳар бўйнига тақилган маржонга ўхшайди. (Р.Файзий).

Оддий сўз бирикмаси шаклидаги конструкциялар билан: Бизга беш хонали уй берилди (“Шарқ юлдузи”).

Предметнинг қарашлилигини қўрсатиб, кимнинг? ниманинг? қайси? қандай? каби сўроқларга жавоб берган аниқловчи **қаратқичли аниқловчи** деб аталади. Қаратқич вазифасида қўлланувчи сўз қаратқич келишиги шаклида, қаралмиш эгалик шаклида бўлади: тоғнинг ҳавоси, Навоийнинг ғазали.

Қаратқичли аниқловчилар грамматик ва семантик жиҳатдан белгили ва белгисиз бўлиши мумкин: Артилган, тозаланган сари семиз отларнинг баданлари ярқираиди (Ойбек). Ваъдамиз бир ерда қарор топди (F.Фулом).

Белгисиз қаратқичли аниқловчилар сифатловчи аниқловчиларга яқин туради ва аникланмипни жинс, тур, хослик нуқтai назаридан аниқтайди:

Данғиллама клуб ва чойхона бинслари шу кезларда алоҳида безатилган (Р.Файзий).

Қаратқыч аникловчили бирималарда, баъзан қаратқыч компонент кўлланмайди: Йўлга солар, турар кўлимдан, бошимдадир сенинг хаёлинг, юракларда ёнар суратинг, гўзллигинг, гулинг, жамолинг (Х.Олимжон).

Қаратқычли аникловчилар кўйидаги сўзлар билан ифодаланади:

1) От билан: Йўлчи меҳмонларнинг отларини темир қозикларга қантариб боғлади (Ойбек).

2) Олмош билан: Менинг келаётганимни бир неча кишилар кўрган эди (F.Фулом).

3) Отлашган сифат билан: Ёмоннинг яхшиси бўлганча, яхшининг ёмони бўл (Мақол).

4) Отлашган сон билан: Дўстим, ўннинг ярми беш бўлар (“Шарқ юлдузи”).

5) Отлашган сифатдош билан: Ишлаганнинг юзи ёруг бўлади (С.Аҳмад).

Аникловчилар тузилиши жиҳатидан содда ва мураккаб бўладилар: Улуғ жанг кунидир (F.Фулом). Самадий юлдузни бенарвон урадиган йигит деб мағтанди (А.Мухтор).

**Изоҳловчи.** Изоҳловчи предметга бошқача ном бериш, уни бошқача аташ йўли билан аниклади. Изоҳловчи аниқлаб келган бўлак изоҳланмиш деб аталади. Изоҳловчи ва изоҳланмиш битишув йўли билан алоқага киришиб, изоҳловчили биримани ҳосил қиласди. Бунда ҳар икки бўлак, асосан, от билан ифодаланади. Изоҳловчилар кўйидаги маъноларни англатади:

1.Унвонни: Профессор А.Н.Кононов атоқли тишлинос олимдир (“Шарқ юлдузи”).

2.Машғулот, касб, амални: Ҳовлига бош бугалтер Сулаймон Содикович кириб келди (“Шарқ юлдузи”). Йўлчи ўз дўсти Қоратой темирчи билан ҳангомалашиб ўтираси (Ойбек).

3.Қариндошлик ва шунга ўҳшатилган белгини: Тўхта хола узоқдан келаётган икки кишининг қорасини кўрди (И.Рахим).

4.Жинсни: Узокда қиз болаларнинг ашуласи янгради (Р.Файзий).

5.Лақабни: Айвон пастида Соли совуқ билан Жўман писмиқ қўл қовуштириб турарди (М.Исмоилий).

6.Тахаллусни: Отакўзи ўғли Раҳматулла – Уйгун йирик ўзбек адидидир (“Шарқ юлдузи”).

7.Ўҳшашликни: Озодликка олиб чиқди юртбоши – қуёш (“Халқ сўзи”).

Сўнги икки ҳолатда изоҳловчи билан изоҳланмиш орасига дефис кўйилади.

8. Баъзан изоҳловчи бирдан ортиқ бўлади: Қадам ташлаётган оёқлар, озодлик қадамлари, илдамламоқда (“Халқ сўзи”).

**Ҳол ва унинг ифодаланиши.** Ҳол иккинчи даражали бўлакларнинг энг мураккабидир. Ҳол ҳаракат-ҳолатнинг қандай ҳолда, қандай вазиятда, қай усулда, қачон қаерда, нима утун, нима мақсадда, қандай шарт билан бажарилиши, бажарилиш миқдори, даражаси, ҳаракат-ҳолатнинг бажарилишида субъектнинг қандай ҳолатда бўлиши каби бир қанча белгиларни кўрсатади; субъект, предикат ва объект муносабатларини реалиштиради, уларнинг объектив борлиққа муносабатини белгилайди.

Тўлдирувчига нисбатан ҳолнинг қўлланиш доираси анча кенг. Ҳар қандай йигиқ гапни ҳолнинг у ёки бу турини кўшиш билан ёйик гапга айлантириш мумкин. Лекин тўлдирувчи ёрдамида кенгайтириб бўлмайди. Масалан: Концерт тамом бўлди. Концерт жуда кеч тамом бўлди (А.Қаххор). Кенгайиш аниқловчилар ёрдамида ҳам амалга ошади.

Ҳол бошқарув ва битишув йўли билан ҳоким бўлакка эргашади. Ҳолнинг бошқарилиши келишикли, кўмакчили ва аралаш воситалар билан амалга оширилади: Тол тагида елпиниб дам олди (Ойбек). Мен сиз каби бўлишни истар эдим (Айний). Биз тегирмон бошидан ҳовлига қараб қайтдик (Айний).

Ҳол семантик-синтактик курилиши жиҳатидан қўйидаги турларга бўлинади: равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, даражак-миқдор ҳоли, шарт ва тўсиқсизлик ҳоли. Айрим ишларда ҳолнинг олти тури<sup>1</sup>, бошқаларида ўн уч тури ажратилади<sup>2</sup>.

1. Равиш ҳоли ҳаракат ёки ҳолатнинг қандай ҳолда, қандай кайфиятда бажарилишини, бажарилиш сифатини кўрсатади ва қандай? қандай қилиб? қандай ҳолда? қандай равишда? қандай тарзда? каби сўроқларга жавоб беради.

Равиш ҳоли семантик-синтактик хусусиятларига кўра қўйидаги маъноларни ифодалайди:

а) ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини кўрсатади: Дараҳтларнинг яшил чодири остида у ёқ-бу ёқни аста кезди (Ойбек).

б) ҳаракатни бажаришда субъектнинг қандай руҳий · киёфада бўлғанлигини кўрсатади: Солих Маҳдум кўримсираган қўйи дахлизга юриб борди (А.Қодирий).

в) ҳаракат ё ҳолатнинг бажарилиш сифатини англатади: Гулчеҳра атлас қўйлагини оловдай ёндириб дараҳтлар орасида гўё ўйинга тушгандай енгил, нозик йўргалар эди (Ойбек).

<sup>1</sup> Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978, 182-бет; Аскарова М., Қосимова К., Жамолхонов Х. Ўзбек тили. Тошкент, 1976, 176-бет.

<sup>2</sup> Убаева Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси. Тошкент, 1971, 19-бет.

г) ҳаракат-жолатнинг белгисини тасвиirlаб кўрсатади: Домла газабидан қалт-қалт титраб яна вайсади. Юрагим қинидан чиққудай гул-гуп уради (Ойбек).

д) ҳаракат ё жолатнинг қандай усулда, қандай йўл билан бажарилишини кўрсатади: Кампир газабланибди, ўқлоқ билан уриб итнинг сёғини синдирибди (Ўзбек ҳалқ зргаклари).

е) бир предмет ҳаракатининг иккисинчи бир предмет ҳаракатига ўхшашлигини кўрсатади, шу ўхшашлик заминида ҳаракат-жолатнинг белгиси аниқланади: Манзура ёш қизчалардай югуради, қах-қах уради (А.Мухтор).

2. Ўрин ҳоли предметнинг ўрнини кўрсатиш билан бирга предмет жолатнинг юз бериш ўрнини, предмет ҳаракатига мос бўлган турли хил ўрин маъноларини ифодалайди. Ўрин ҳоли воқееликка нисбатан ўрин маъносини қўйидлагича ифодалайди:

1) ўрин ҳоли ўрин келишиги шаклида келиб, предметнинг туриш, жойлашиш ўрнини билдиради: Эшик тагида, девор бўйларида туришибди (А.Мухтор).

2) предметнинг жолатининг юз бериш ўрнини кўрсатади: Ариқ бўйида чўзилиб ухлаган (Ойбек).

3) предмет жолатининг юз бериш ўрнини кўрсатади: Ҳовлида кувлашиб, сув сепишиб ўйнап эдилар (Ойбек).

4) предметнинг чиқиши, ҳаракатнинг бошланиш ўрнини кўрсатади: Сал ўтмай Шириной даладан қайтиб келди (Ойбек).

5) предмет ҳаракатининг йўналиши ўрнини кўрсатади: Арслонкул ўз тўдаси турган чодирга борди (Ойбек). Зангори осмонга туташган тоғ чўққиларига қадар ажойиб бой манзаралар очилар эди (Ойбек).

Ўрин ҳоли бош, ўрин, чиқиши ва кўмакчилар билан қўлланади. Ўрин ҳоли эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ва жолнинг бошқа турларига эргашиши мумкин.

3. Пайт ҳоли ҳаракат ёки жолатнинг содир бўлиш пайтини кўрсатади ва қачон? қачондан бери? қачонгача? қачондан бошлаб? каби сўрокларга жавоб бўлади.

Пайт ҳоли замон маъносига аниқлик киритишида бир хил хусусиятга эга эмас. Шунга кўра, қуйидаги жолатларда пайт муносабатларини англатади:

а) ҳаракат-жолат, воқеанинг юз бериш вақтини кўрсатади: Отряд тонгда қишлоқ шўроси олдида саф тортди (Х.Фулом).

б) ҳаракат-жолатнинг бошланиш пайтини кўрсатади: Бу бақатеракни ва ундаги лайлак уясини бу ернинг қариялари ҳам болалигидан билади (А.Мухтор).

в) пайт чегарасини кўрсатади: Жўрахон зални анчагача тинчтолмади (А.Мухтор).

г) ҳаракат-жолатнинг бошланиш ва тугаш пайтини кўрсатади: Улар соат бирдан иккигача дам олиши (“Шарқ юлдузи”).

д) ҳаракат-қолатнинг бошқа ҳаракат ва қолатдан олдин бўлиш ёки бўлмаслигини кўрсатади: Тўққиз йил бурун мана шу бозор кўчада, мана шу ўзимиз ўтирган иморат деразасининг тагида катта можаро бўлган (А.Мухтор).

е) ҳаракат-қолатнинг бошқа ҳаракат ҳолатидан кейин бўлган-бўлмаганини кўрсатади: Кириб ётгандан кейин Рузон хола анчагина эри ҳақида ўй сурди (А.Мухтор).

ж) ҳаракатнинг бир вақтда юз беришини кўрсатади: У мени кўтариб кетаётib қаттиқ ярадор бўлди (А.Мухтор).

з) ҳаракат-қолатнинг ҳамма вақт тақрорлаб туришини кўрсатади: Онаси билан эртаю кеч далада тимирскиланиб юради (Х.Ғулом).

4. Мақсад ҳоли сўзловчининг қандай мақсадда иш тутиши, ҳаракат-қолатнинг улар томонидан нима учун қилинаётганлигини кўрсатади ва нега? нимага? ким учун, нима деб? **нима мақсадда?** қандай мақсадда? каби сўроқларга жавоб бўлади. Мақсад ҳоли кўпинча мақсадида, умидида, ниятида, учун кўмакчилари билан бирга келган ҳаракат номи, мақсад равиши, равишдошнинг -ғали аффиксли шакли ва жўналиш келишигидаги айrim сўзлар билан ифодаланади.

Мақсад ҳоли икки кўринишга эга:

1) аниқ мақсад ҳоллари: Бу гал ўз ўқувчиларини Ойша ҳоланинг ёнига олиб келиш учун рухсат келди (С.Зуннунова).

2) иоаниқ мақсад ҳоллари: Улар атайнин айланма йўлдан юрдилар (А.Мухтор).

5. Сабаб ҳоли иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини билдиради. Сабаб ҳоллари учун, сабабли, туфайли ёрдамчилари билан бирга келган сифатдош, сабаб равишилари, чиқиши келишигидаги сўзлар ва равишдошлар билан ифодаланади. Сабаб ҳоллари **нима учун?** **нима сабабдан?** сўроқларга жавоб бўлади.

Сабаб ҳоли семантик томондан бир қанча кўринишларга эга:

1) ҳаракатни бажарувчи шахснинг бирор иши шу ҳаракатнинг юзага келиш-келмаслигига сабаб бўлади: Бу гапнинг тарихини билганлаги учун Сирож ҳам кулиб юборди (С.Зуннунова ).

2) ҳаракатнинг бажарилиши-бажармаслигига бошқа бирорининг ҳаракати сабаб бўлади: У синглиси туфайли жуда баҳтиёр эди (А.Мухтор).

3) предмет ҳаракатининг юзага келиши учун шу предмет бирор хусусиятнинг сабаб бўлишини кўрсатади: Қишлоқ бир оз пастликлда бўлганидан дараҳтзор бир бокқа ўхшаб фуж бўлиб кўринди (С.Зуннунова).

4) бир предмет ҳаракатининг юзага келиши учун бошқа бир предмет ҳаракатининг сабаб бўлишини кўрсатади: Уруш туфайли корхона рўзгори бирмунча оқсан қолди (“Шарқ юлдузи”).

5) ҳаракат-қолатнинг ким туфайли, нима сабабли бўлиш-бўлмаслигини аниқ кўрсатмайди: Бу одам ўша вақтда нима учундир Гулнора ишлаётган идоранинг ҳисобида турарди (С.Зуннунова).

6. Микдор ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш микдорини билдиради ва қаинча? иecha марта? сўроқларига жавоб бўлади. Микдор ҳоли мактаб грамматикасида равиш ҳоли таркибига киритилади<sup>1</sup>. Олий ўкув юрти дарслигидаги микдор-даражага ҳоли деб ўрганилсада кам материал берилган<sup>2</sup>. А.Н. Кононов уни ўлчов ва даражага ҳоли деб искига ажратади<sup>3</sup>. Биз уни микдор ҳоли деб атадик ва шу тушунча доирасида уни бошқа гурӯҳларга бўлиб ўрганишни лозим тоғдик.

Микдор ҳоли семантик жиҳатдан кўринишларга эга:

1) синов-ўлчов белгиларни ифодаловчи сўз ҳоли бўлиб келиб у микдор англатиш жиҳатидан реал ва нисбий микдорни англатади: У икки ҳовуч тутни оғзига тикид-ю, яна бир ҳовуч териб, жувонга ўтирилди (А. Қаҳҳор).

2) ҳаракат ва ҳолатнинг микдор белгисини даражалаб кўрсатади ва аниқлайди: Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгидай чарчагани учун отларга Йўлчи қаради (Ойбек).

3) ҳаракат ё ҳолатнинг қайтарилишини, такрорланишини кўрсатади: Башорат онасининг юзларидан, кўзларидан қайта-қайта ўпди (А. Мухтор).

4) ҳаракат ё ҳолатнинг оғирлиги, нарх-наво, узоқ-яқинлик, узун-қисқаликка оид микдор белгиларини кучайтириб кўрсатади: Наган ҳам бирам ярашиб турибдик (Х. Фулом).

7. Тўсиқсизлик ҳоли, маълум бир ҳаракатнинг бажарилишида тўсиқ, зидлик бўлишига ғарамай, шу ҳаракатнинг бажарилишини англатиладиган ҳол. Тўсиқсизлик ҳоли нимага қарамасдан? нимага қарамай? нима демай? сўроқларига жавоб бўлади. Тўсиқсизлик ҳоли мазмунан икки хил бўлади:

1) ички тўсиқсизликни кўрсатади, бунда кесимдан англашилган ҳаракат бир шахс, предметта тегишли бўлади: Мен ҳоҳласам-ҳоҳламасам, отин ойига қатиашим шарт эди (С. Айний).

2) ташки тўсиқсизликни билдирувчи ҳол бирор шахс, бирор предмет хусусиятининг бажарилишига тўсиқ бўла олмаслигини кўрсатади: Ойсултон жуда чарчади, шунга қарамай, яна шунча юргиси кела берди (Б. Кербоев).

8. Шарт ҳоли ҳаракат ифодалайдиган бўлакка боғланниб, шу бўлак орқали англашилган ҳаракатнинг содир бўлишидаги шароитни кўрсатади ва ҳоким бўлакка -са аффикси ёрдамида боғланади: Борсам, инженерни бошлаб келаман (Ойбек). Шарт ҳолли гапларда субъектнинг бажарилиши мўлжалланган, бироқ ҳали юзага келмаган икки хил ҳаракат идеяси бўлади. Булардан бири ҳол-ёрдамчи ҳаракат, иккинчиси ҳол боғланган сўз-асосий ҳаракат орқали англашилади. Асосий ҳаракатнинг юзага келиш-келмаслиги ёрдамчи ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигига боғлик; Сирни сизга

<sup>1</sup> Боровков А., Марьуров З., Абдуллаев Й., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили дарслиги. II қисм, Синтаксис, 1966, 38-бет.

<sup>2</sup> Фуломов А.Г., Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1965, 143-бет.

<sup>3</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. Л., 1960, с. 362.

айтиб берганимни биллиб қолишиса ўлдиришади (Х.Фулом). Мени кўрса тойгинам курсанд бўлиб кишинайди (З.Диёр).

#### *Адабиётлар:*

Абдурахмонов А., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 62-87-бетлар.

Убаева Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси. Тошкент: Фан, 1971.

Ўзбек тили грамматикаси //Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 139-163-бетлар

Фуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965. 120-145-бетлар.

Фуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 101-121-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис Тошкент: Фан, 1966, 110-167-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 82-94-бетлар.

Эгамов В. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1988, 49-62-бетлар.

Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гап бўлаклари типологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1988, 119-208-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 41-59-бетлар.

Муминова М. Обстоятельство образа действия в современном узбекском языке. АҚД., Самарканد, 1965.

Амирова А. Обстоятельства причины и цели в современном узбекском литературном языке. АҚД., Самарканд, 1967.

Убаева Ф.С. Семантико-грамматические особенности обстоятельства в современном узбекском литературном языке. АДД. Ташкент; 1988.

## ГАП БҮЛАКЛАРИ ТАҲЛИЛИ

1. Гапнинг предикатив асосини топиши.
2. Эга ва унинг ифодаланиши.
3. Эганинг маъно турлари (шахс, предмет, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат, ўрин-жой билдирувчи эгалар).
4. Эганинг тузилиш турлари (содда, составли, мураккаб эгалар).
5. Кесим, унинг ифодаланиши.
6. Кесимнинг маъно турлари (ҳаракат-ҳолат, белги, миқдор, шахс, предмет, ўрин-жой билдирувчи кесимлар).
7. Кесимнинг тузилиш турлари (содда, составли, мураккаб кесим).
8. Эга билан кесимнинг мослашиши.
9. Тўлдирувчи, унинг ифодаланиши.
10. Тўлдирувчиларнинг маъно турлари (воситасиз ва воситали).
11. Тўлдирувчиларнинг тузилиш турлари (келишикли ёки кўмакчили, содда ва мураккаб).
12. Ҳол, унинг ифодаланиши.
13. Ҳолнинг маъно турлари (равиш, ўрин, пайт, сабаб, мақсад, миқдор-даражা, шарт-тўсиқсизлик ҳоллари).
14. Ҳолнинг тузилиш турлари (содда ва мураккаб).
15. Аниқловчи ва унинг ифодаланиши.
16. Аниқловчининг маъно турлари (қараткичли, сифатловчили, изоҳловчили).
17. Аниқловчининг тузилиш турлари (содда ва мураккаб).
18. Синтактик вазифа бажармаган бирликлар.
19. Гап бўлакларининг боғланиш схемаси.

## СОДДА ГАПЛАРНИНГ АКТУАЛ БЎЛАКЛАНИШИ

*Режа:*

1. Актуал бўлакланишининг синтактик семантилага муносабати.
2. Гапнинг актуал бўлакланишин бирликлари.
3. Гапнинг актуал бўлакланишини ифодаловчи воситалар.
4. Гапнинг актуал бўлакланишида детерминантлар.
5. Гапнинг актуал бўлакланишида гап бўлаклари тартибининг роли.

Гапнинг актуал бўлакланиши муаммоси назарий синтаксиснинг мураккаб баҳсларидан бўлиб, у сўзлар тартиби, гап ва унинг типлари парадигмаси предикативлик, модаллик масаласи билан, шунингдек, тил ва тафаккур, тил ва нутқ, стилистика ва нутқ, маданияти, синтактик семантика каби қатор лингвистик масалалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Синтактик семантика ўрганадиган муаммоларнинг асосийлари куйидагилар: синтактик синонимия, синтактик омонимия, синтактик антонимия, гапнинг актуал бўлиниши ва унинг ифодаланиш усувлари (сўз

тартиби, логик ургу, интонация), детерминантлар, предикативлик, модаллик, синтактик муносабатлар, грамматик маъно, сўз бирикмаси семантикаси, гап бўлаклари семантикаси кабилар.

Демак, гапнинг актуал бўлакланиш синтактик семантиканинг ўрганиш объексларидан бири саналади.

Актуал бўлакланиш гапни коммуникатив-синтактик жиҳатдан динамик аспектда, мазмун планида ўрганиш демакдир. Синтактик бўлакланиш эса гапни формал-грамматик жиҳатдан статик аспектда ўрганишни кўзда тутади. Гапни статик аспектда ўрганиш уни тил бирлиги сифатида ўрганишни тақоза этса, динамик аспектда ўрганиш уни нутқ бирлиги сифатида текширишни тақоза этади. Шунинг учун муҳим синтактик бирлик саналган гап тилга ҳам, нутқда ҳам тегишилди<sup>1</sup>.

Актуал бўлиниш гапга хос синтактик муаммодардир.

Гапнинг актуал бўлакланишини кўрсатиш учун қуйидаги мисолларга мурожаат қиласлик: Ҳаммаёқ жим-жит (Н.Сафаров). Чол жавоб бермади (Ш.Холмираев). Икковлари ёнма-ён ўтириши (Ў.Хошимов). Бу учала гап осонгина икки қисмга ажралади: 1) гапнинг унча муҳим бўлмаган, аввалти контекстдан, шароитдан мәълум бўлган қисми-хабар предмети биринчи мисолда «ҳаммаёқ», иккинчи гапда «чол» учинчи гапда «икковлари» бўлаклари. Бу бўлаклар фикрининг бошлангич нуткаси, коммуникатив жиҳатдан унча муҳим бўлмаган информациони билдирадиган бўлаклар бўлиб, хабар предметидир. 2) гапнинг асосий мазмунини ташкил қиласиган, коммуникатив жиҳатдан янги хабарни билдирадиган қисм. Бу биринчи гапда «жим-жит», иккинчи гапда «жавоб бермади», учинчи гапда «ёнма-ён ўтириши» бўлакларидир.

Сўзловчиларнинг мақсадларига кўра айни бир гап турли позицион варианtlарда келиши мумкин: Эрталаб Комила деразани очди (Ойбек). Бу гапни қуйидаги варианtlарда бериш мумкин:

1. Эрталаб Комила деразани очди.
2. Комила эрталаб деразани очди.
3. Деразани эрталаб Комила очди.
4. Эрталаб деразани Комила очди.
5. Деразани Комила эрталаб очди.
6. Комила деразани эрталаб очди.

Айни бир гапнинг олти хил вариантида бир хил лексик, морфологик, синтактик элементлар қатнашган: Эрталаб-равиш билан ифодаланган пайт холи, Комила-от билан ифодаланган эга, деразани-тушум келишигидаги от билан ифодаланган воситасиз тўлдирувчи, очди-феъл билан ифодаланган кесимдир. Лекин бу олти гап коммуникатив, грамматик-стилистик жиҳатдан фарқланади. Биринчи ва иккинчи гапларда ҳаракатнинг бажарилиш

<sup>1</sup> Дегтярев В.И. Основы общей грамматики. Изд-во Ростовского университета, 1973, с.190.

объектига, учунчи ва тўрттинчи гапларда ҳаракатнинг бажарувчисига, бешинчи ва олтинчى гапларда ҳаракатнинг бажарилиш вақтини аниқлашга қаратилган.

**Гапнинг актуал бўлакланиш бирликлари.** Синтактик бўлиниш гап бўлаклари, сўз биримасидаги гап каби бирликларга таяниб иш кўрса, гапнинг актуал бўлакланиши ўзининг махсус бирликлари тема маълум ва рема янгилик асосида иш кўради. Гапнинг актуал жиҳатдан тема ва ремага ажralиши гапдаги бўлакларнинг коммуникатив томондан аҳамиятлилигига кўра дифференциация қилинишидир: Онаси яна алланималар деди (Ў.Хошимов). Ер сатҳи тўпиқ бўйи майсазор (У.Назаров).

Тема (мантикий субъект, психологик субъект) гапнинг кўпинча аввалти контекстидан маълум бўлган, унча муҳим бўлмаган хабарни англатувчи қисми-хабар предметидир. Рема (мантикий предикат, психологик предикат, ядро) тема ҳақидаги хабардир, у темага қараганда коммуникатив жиҳатдан муҳим, чунки, гапдан англашилган хабарнинг асосий мундаражасини, кўпинча янги ахборотни ифодалайди. Рема гапнинг коммуникатив марказидир. Шу сабабли теманинг ҳар қандай гапда) бир составли гапларнинг айрим турларида, сўз-гапларда, тўлиқсиз гапларда катнашиши шарт эмас, лекин рема ҳар қандай гапда иштироқ қиласди:

- Бу бино бизнинг факультет.
- Бизнинг факультет.
- Бизнинг.

Тушнирилган тема ситуацияядан осонгина англаб олинади. Гапнинг актуал бўлиниши тушунчаси гап таркибида камида икки кутбнинг аниқланётган ва аниқлаётган кутбнинг бўлишини тақозо этади.

Кесими-рема кенг маънодаги отдан ифодаланган гапларда эга-тема ҳам отдан ифодаланганда бинар (икки темонлама муносабат) от-от шаклида тузилган бўлади. Бунда эга-тема ва кесим-рема формал-грамматик жиҳатдан фарқ қиласди: Бу одам энди унга бегона (Ў.Хошимов). Сизни хавотирга солаётган қийинчилклар биз учун роҳат (У.Назаров).

Бу гапларда гапнинг актуал бўлиниши гапнинг синтактик бўлинишига мос келади.

Гапнинг актуал бўлиниши гапнинг синтактик бўлинишига мос келмайди. Улар куйидаги ҳолатларда кўринади.

1. Тема вазифасида тўлдирувчи, рема вазифасида кесим келади: Кўзларини узоқ ишқалади (Ў.Хошимов). Даврон акани тўрга ўтқазиб қўямиз (У.Назаров).

2. Тема вазифасида аниқловчи, рема вазифасида эса кесим келади: Ҳамманинг ҳам ўзига яраша юмуши, дарди бор (У.Назаров). Адолатнинг эса умри бокий (Н.Сафаров).

3. Тема вазифасида ҳол рема вазифасида кесим состави келади: Шарта туриб ташқарига чиқди (У.Назаров). Эрта билан ёвказалга келди (Ў.Хошимов).

4. Тема вазифасида детерминантлар, рема вазифасида кесим составын келади: Уни янги уйга күчириш лозим (Ш.Холмирзаев). Қачондан бери тузукроқ ўтириб гаплашганимиз ҳам йўқ (У.Назаров).

**Гапнинг актуал бўлакланишини ифодаловчи воситалар.** Гапнинг актуал бўлакланишини ифодаловчи маҳсус лингвистик воситалар мавжуд. Булар сўз тартиби, интонация, логик ургу, лексик-морфологик воситалар, стилистик воситалар.

1. Гапнинг актуал бўлинишини ифодалашда гап бўлаклари тартибининг роли гапнинг логик-семантик, грамматик қурилишига қараб ҳар хил бўлади:

Агар гапнинг эгаси ёхуд эга состави ҳамда кесими ёхуд кесим состави от билан ифодаланган бўлса, сўзлар тартиби гапнинг актуал бўлинишини ифодаловчи ягона восита сифатида ҳаракат қиласи-ҳал қилувчи роль ўйнайди: Алишер Навоий ўзбек адабий тили асосчиси гапида Алишер Навоий-эгага (темага); Ўзбек адабий тилининг асосчиси-Алишер Навоий гапида эса, аксинча, Алишер Навоий ремага тўғри келади. Бадий адабиёт-сўз санъатидир. Сўз санъати-бадий адабиётдир гапларида ҳам худди шу гап бўлаклар тартибининг ўзгариши билан коммуникатив жиҳатдан икки хил мазмун касб этади.

Демак, бўлаклар тартиби гап синтактик қурилишининг аниқ коммуникатив мақсадни ифодалашга мослашишини таъминлашга ёрдам берадиган воситалардан-актуализаторлардан биридир.

2. Гапнинг актуал бўлакланишини ифодаловчи воситалардан яна бири интонациядир. Гапнинг интонацион маркази-мантикий ургу ремага тушган бўлади: Врач Комилов кўшилмасини олайлик. Бу интонациянинг характеристига қараб сўз бирикмасига ҳам, гапга ҳам тенг келиши мумкин: Сўз бирикмасига тенг келганда врач Комилов изохловчи-изохланмиш функциясида келади. Гапга тенг келганда врач эга-темага, Комилов кесим-ремага тенгдир. Интонация маркази ремага тушади.

3. Гапнинг актуал бўлакланишини ифодаловчи воситалардан яна бири мантикий ургудир. Мантикий ургу гапдаги бирор бўлакни ажратувчи маъно ургусидир: Автобусга беш болали хотин чиқди. Бу гапнинг ҳар бир сўзи мантикий ургу олиб келиши мумкин.

4. Гапнинг асосини ташкил қилувчи муҳим ахборотни билдирувчи қисмини-ремани алоҳида таъкидлаб келувчи қўшимча воситалар ҳам мавжуд. Улар лексик-морфологик ва стилистик воситалардир.

Ремани бўрттириб, таъкидлаб келувчи лексик-морфологик воситалар қўйидагилардан иборат:

а) рема олдида модал сўзлар келади: Катта бўлсан, албатта, боксчи бўламан (Мирмуҳсин).

б) рема олдида фақат юкламаси келади: Ҳа, Муниссон уни фақет, фақат айбларди (С.Аҳмад). Бизнинг бобой овқатлардан фақат паловни,

раҳбарлардан факат ўргок Қодировни, дорилардан факат пеницилинни тан оладилар (А.Қадхор).

в) айниқса сўзи келади: Машхур сайёҳ Миклухо Маклай ҳақидаги хикоя Оқилани, айниқса, мафтун этди (Ю.Шомансур).

г) ортирима даража шаклини олган сифат ва сифатдош рема таркибида келади: Шу топда Машраб бу кенг жаҳонда энг кучли, энг довирор, энг келишган ва баҳтиёр йигит эди (О.Ёкубов).

д) рема интенсив шаклидаги сифат билан ифодаланади: Қош-кўзи қоп-қора (С.Аҳмад).

е) рема олдида ҳам боғловчиси келади: Оқиланинг назарида Ҳикмат ўсяпти: ҳам мънавий, ҳам жисмоний! (Ю.Шомансур).

Ремани бўрттириб, таъкидлаб келувчи стилистик воситага такорни киритиш мумкин. Ремани таъкидловчи такорнинг тубандаги кўринишлари мавжуд:

1) кесим такоррланиб келади: Кетаман, бутунлай кетаман Арслонтошдан! (Ю.Шомансур).

2) эга такоррланади: - Матбуот ҳодими, истиқдол матбуоти ҳодими ҳақорат қилинмасин ... (Ю.Шомансур).

3) тўлдирувчи такоррланади: Анвар акасини, Анвар акажонини ўйламаган экан (Ў.Хошимов).

4) аниқловчи такоррланади: Тақдир унинг бағридан севимли Сарагулини юлиб олди-ю, ўрнига мана шу овунчоқни, мана шу қимматга тушган баҳти берди (А.Мухтор).

5) равиш ҳоли такоррланади: Жуда яхши чалдинг, дўстим, жуда яхши! (Ў.Хошимов).

Демак гапнинг актуал бўлакланишини ифодалашда барча гап бўлаклари иштирок этади.

*Гапнинг актуал бўлакланишида детерминантлар.* Тилда ҳол ёки тўлдирувчи билан кенгайиб келган синтактик курилмалар кўплаб учрайди.

Гапнинг бошланишида мустақил компонент сифатида келиб, ўзидан кейинги қисмга бир бутун ҳолда таалуқи бўлиб, уни яхлитлигича кенгайтирадиган иккинчи даражали бўлак *детерминант* деб аталади.

Детерминантлар тўлалигича гапни кенгайтиради. Улар ўзи қатнашган гап составидаги бирор бўлакка боғланниб, у билан сўз бирикмасини ҳосил қилмайди-бош бўлаклар билан ҳоким-тобелик муносабатига киришмайди: Устида мармартош ва гулчамбар (Ш.Холмирзаев). Унинг кўлида оғир чамадон, кўлтиғида бир даста китоб (У.Назаров). Кўлларида хуржинча (Н.Сафаров).

Кейинги мисолни олиб кўрайлик. Бундаги детерминант-кўлларида бўлаги гарчи тобе ҳолатда бўлса-да, гап составидаги ҳоким позициядаги сўз-хуржинча билан тобе-ҳокимлик асосида боғланмайди. Кўлларида хуржинча боғланишида кўлларида бўлаги тобе, хуржинча бўлаги тобе эмас. Улар ўзаго бирикиб, сўз бирикмасини ҳосил қилмайди. Кўлларида бўлаги шу курилмада

шаклий жиҳатдан қўлланилмаган, лекин тасаввурда мавжуд бўлган предикатив бўлак-бор, ушлаган, ушлаб турган бўлакларига боғланади. Демак, детерминантларни сўз бирикмаси доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас, балки у тўлалигича гапга таалуқли иккинчи даражали бўлакдир. Детерминантлар, асосан, препозитив характеристерга эгадурлар: Эгнида кенг, йўл-йўл пиджак (У.Назаров). Дарагт шохларида қўшлар чугури (Ш.Холмирзаев). Қаршимда икки аёл ҳайкали (Н.Сафаров).

Сўз санъаткорлари детерминантлар иштирок эттан гаплардан кўпинча портрет тасвирида, пейзаж тасвирида стилистик мақсадларда кенг фойдаланилади.

Детерминантлар тўлалигича гапга таалуқли бўлиб, нутқда гапнинг актуал бўланишида бирор компонент ролини-кўпинча тема функциясини бажаради: Бошида қорақўл телцак (Н.Сафаров). Ўртада кичкина ариқча (Н.Сафаров). Ўнг кўлда клуб биноси (Ш.Холмирзаев).

Демак, детерминантлар масаласини ўрганмасдан туриб у ёки бу тилда сўзлар тартиби муаммосини атрофлича тушуниш қўйин.

#### *Гапнинг актуал бўлакланишида гап бўлаклари тартибининг роли.*

Гапнинг актуал бўлакланиши ва гап бўлаклари тартиби масаласи ягона бир муаммонинг гап курилиши муаммосининг ўзаро ўзвий боғланган, ҳатто бири иккинчисини тақозо қиласиган масалалардир. Чунки гап бўлаклари тартиби гапнинг актуал бўлишини ифодаловчи асосий воситалардан биридир.

Гап бўлаклари ўзининг ички компонентларига зга, уларга куйидагилар киради:

- сўз туркумлари тартиби;
- сўз бирикмаси составидаги компонентлар тартиби;
- гап бўлаклари тартиби;
- уючиқ бўлаклар тартиби;
- гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар тартиби;
- кўшма гап составига кирган содда гап бўлаклари тартиби;
- кўшма гап составидаги содда гаплар тартиби.

Ўзбек тилида тартиб гапда сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатини ифода қиласиган воситалардан ҳисобланади: Топкент-Ўзбекистоннинг пойтахти. Кўм-кўк дала. Тоғ ўргаси. Бу тип гап ва бирикмаларда тартибининг ўзгариши уларнинг грамматик муносабатини ҳам ўзгариради: Ўзбекистоннинг пойтахти - Ташкент. Дала - кўм-кўк. Ўргаси-тоғ.

Ўзбек тилида гап бўлаклари, асосан, эркинлар. Гапда бўлакларнинг синтактик вазияти маҳсус грамматик воситалар (турловчи ва тусловчи аффикслар, ёрдамчи сўзлар) билан белгиланганда, тартиб эркин бўлади. Уларнинг ўринларини алмаштириш кўпинча грамматик ҳолатларини ўзгартирмайди. Қиёс қилинг: Ўқтамни факультетда кўрдим. Факультетда Ўқтамни кўрдим. Бунда тартибининг ўзгариши кўшимида оттенка юклаган: гап бўлакларининг бирига алоҳида дикқат қилинган. Одатда, бу ҳодиса мантикий

урғу билан боғлиқ бўлади. Юқоридаги мисолларда ҳол (факультетда), тўлдирувчи (Ўқтамни) кесим ёнида келиб, мағтийй урғу оляпти.

Гапда бўлаклар тартиби гапдаги ўрнига кўра белгиланганда тартиби боғлиқ бўлади. Масалан, битишув усули билан ҳосил бўлган бирикмаларда тартиб боғлиқ бўлиб, бунда грамматик воситалар иштирок этмайди: катта бино, бешта дафтар, ўқиган бола ва бошқалар. Буларда тартибининг ўзгариши умумий маънени ҳам, грамматик вазиятни ҳам ўзгартириб юборади: катта бино - Бино-катта.

Ўзбек тилида бўлаклар тартиби, асосан, эркин бўлса ҳам, унинг маълум норматив ҳолати бор. Бу турли мазмундаги гапларда турлича бўлади.

Гапда ҳар бир гап бўлагининг муайян норматив тартиби мавжудлигини зъгироф қилиш айни вақтда сўз туркумларининг ҳам нутқда муайян норматив тартиби мавжудлигини зътироф қилиш демакдир. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Чунки ҳар бир сўз туркумларининг тартиби мавжуд: феъл туркумидаги сўзлар асосан гапнинг охирида, равиш туркумидаги сўзлар феълдан олдин, сифат туркумидаги сўзлар эса от ва отлашган сўзлардан олдин келади. От, олмош туркумига хос сўзлар эга гапда кўпинча қайси келишик шаклида келишига қараб жойлашади. Саноқ сонлар ҳам от ва олмош каби жойлашади. Тартиб сонлар сифатлар каби от ва отлашган сўзлар олдида келади. Равишдош асосан феъл олдида, субъектив характердаги сифатдошлар ва ҳаракат номи от ва отлашган сўзлар каби жойлашади.

Сўз бирикмаси составидаги компонентларнинг ҳам муайян жойлашиш тартиби мавжуд: аникювчили сўз бирикмаларида аникловчи олдин, аникланмиш эса ундан кейин келади. Тўлдирувчили сўз бирикмаларида тўлдирувчи олдин, феъл-кесим ундан кейин келади. Ҳолли сўз бирикмаларида ҳол олдин, феъл-кесим эса ундан кейин келади. Демак, сўз бирикмаси составидаги тобе компонент ҳоким компонентдан олдин келади.

Содда ёйик, гап бўлаклари тартибига оид меъёрлар маълум даражада сўз бирикмаси составидаги компонентлар тартибига оид меъёрлар ҳамmdir.

**Эга ва кесим тартиби.** Эга ўзига оид сўзлар билан бирга гапнинг бошида, кесим эса ўзига оид сўзлар билан бирга гапнинг охирида келади: Супада ўрини устида ўтирган Сарсенбой, Витя ҳовлига тушиди (Р.Файзий).

Аксинча, эганинг кесимдан кейин, кесимнинг эгадан олдин келиши тескари тартиб-инверсиядир. Инверсия куйидаги ҳолларда рўй беради:

1.Шиор типидаги бўйруқ ва учдов гапларда кесим биринчи эга иккинчи ўринда келади: Яшасин бизнинг машъалларимиз! («Халқ сўзи»).

2.Сўзлашув нутқида кесимга кўпроқ зътибор берилганда кесим эгадан олдин келади: Ҳаммани овора қалди бу шумтакалар. («Муштум»).

3.Кўчирма гапдан сўнг кўшланган муалиф гапида кесим эгадан олдин келади: Бу қофозлар тахмйнларга асослангани учун хужжат бўлолмайди, -деди Ягона (И.Рахим).

4.Шеърият вазн, қофия ва туроқ каби талаблар натижасида эга ва кесим инверсияси юз беради:

Жаҳон бўйлаб учиб юрар  
Оқ кабутар-кумуш қуш  
Тингчлик қўши, ҳаёт қуши,  
Нажот қўши, эрк қуши (Уйғун)

Тўлдирувчи тўлдирилмишдан олдин келади. Агар тўлдирувчи гапда бир қанча бўлса обьектни билдирган тўлдирувчи тўлдирилмишга яқин бўлади: Мен сизга қадимги Бухоронинг ёдгорликларини кўрсатаман («Шарқ юлдузи»).

Агар мантикий ургуси воситали тўлдирувчига тушса, бунинг акси бўлади: Мен топшириқларни Назирдан сўраб олдим («Шарқ юлдузи»).

Тўлдирувчи билан тўлдирилмиш инверсияга учраши ҳам мумкин. Бу кўпроқ, сўзлашув нутқида, шеъриятда учрайди: Кет, кўринма кузимга! Уларнинг айби йўқ, дедим-ку... яна нима керак сизга? (И.Рахим).

Хол ҳолланмиш (кесим)дан олдин келади. Пайт ҳоли, одатда, гап бошида, баъзан эгадан кейин, кесим составидан олдин, баъзан эса кесим ёнида келади: Бу йил ҳамма соҳада катта муваффақиятларга эришдик («Ўзбекистон овози»). Спорт мусобақалари кечка бўлиб ўтди ("Ўзбекистон овози").

Баъзан пайт ҳоли гап охирида келтирилади. Бу ҳарақатнинг бажарилиш пайтига унча аҳамият берилмаганида юз беради: Сувни текис ичадиган йўсинда жуяк олдирасан кейин (Ойбек). Кино бошланади кеч соат саккизда («Ўзбекистон овози»).

Агар ҳоллар кўп бўлса, равишдош ва равиш билан ифодаланган ҳол кесим ёнига келади: Бугун бу ерда кувнай-кувнай дам олдик («Халқ сўзи»).

Аникловчи билан аниқланмишнинг тўғри тартиби «аниқловчи аниқланмиш» шаклида бўлади. Бу тартиб сифатловчи билан сифатланмиш учун қатъий бўлиб, қаратувчи билан қаралмишда, баъзан изоҳловчи билан изоҳланмишда ўзгариши мумкин.

Сифатловчи сифатланмишдан, қаратувчи қаралмишдан олдин келади. Баъзан бунда ҳам инверсия ҳодисасининг юз бериши мумкин: Она севмас фарзанд топилмас, фарзанд йўқдир онани севмас (Ҳ.Олимхон). Бети курсин ўшанинг («Шарқ юлдузи»).

Изоҳловчи жинс, касб, ихтисос, илмий даражага ва унвонни билдиrsa, ўз изоҳланмишидан олдин; лақаб, қариндошликни билдиrsa, кейин келади: қиз бола, генерал Раҳимов, профессор Улуғ Турсунов, Раҳбар холам, Охунжон қизиқ, Абулла бурун каби.

#### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X. Ҳозирги ўзбек адабий тили Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 95-97-бетлар.

- Мирзаев М. Гапда сўзлар тартиби. Тошкент, 1955.
- Ўзбек тили грамматикаси II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976. 178-184-бетлар.
- Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқида гап бўлаклари тартиби //Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 6-сон.
- Фуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи 1965. 158-167-бетлар.
- Фуломов А., Аскаров М. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 120-127-бетлар.
- Ҳайитметов А. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позицион масалалар. Тошкент: Фан, 1984.
- Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент. 1990, 56-66- бетлар.
- Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солиҳужаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992, 94-120- бетлар.

## БИР СОСТАВЛИ ГАПЛАР

*Режа:*

1. Бир составли гаплар ва уларнинг турлари.
2. Шахси номаълум гаплар.
3. Шахси умумлашган гаплар.
4. Шахссиз гаплар.
5. Номинатив гаплар.
6. Инфинитив гаплар.
7. Шахси аниқ гаплар.
8. Вокатив гаплар.
9. Ундаш гаплар.

Структура асоси бир составдан ташкил топган гаплар бир составли гап деб айтилади: Ойни этак билан ёпиб бўлмас (Мақол). Кўум-кўк дала. Теваракча қўзигин иш бораётир (Р.Файзий).

Бир составли гап деганда эга ёки кесим составидан бири тушунилмайди. Бир составли гап составларга нисбатан берилди ўрганилмайди. Масалан, шахси номаълум, шахси умумлашган, шахссиз гаплар шакл жиҳатдан кесим составидан иборат. Бундай гапларни ҳақиқитдан ҳам грамматикага мавжуд эмас. (Бугун кинога борилди), бироқ бу-мазкур гапнинг кесим состави дейишга имкон бермайди. Чунки кесим состави дейилгандан, эга составининг борлиги тасдиқланган бўлади-эга составини кўрсатиш талаб этилади. Холбуки, «Бугун кинога борилди» типидаги бир составли гапларда эга ёки эга составини ажратиб бўлмайди, бу талаб ҳам қилинмайди. Бир составли гапнинг эга ёки кесим составига нисбатлаб

ўрганиш мумкин эмаслиги номинатив, инфинитив гапларда янада аниқ сезилади.

Ҳозирги ўзбек тилида бир составли гаплар қуйидаги турларга бўлинади: шахси номаълум гап, шахси умумлашган гап, шахсиз гап, шахси аниқ гап, номинатив гап, инфинитив гап, вокатив гап, ундаш гап.

**Шахси номаълум гаплар.** Бундай гапларга эга аниқ булмайди. Бу тип гапларнинг бош бўлаги кесимдан иборат. Кесим феълнинг III шахс шакллари билан ифодаланади. Бундай гапларда иш–ҳаракатни бажарувчи шахсни аниқлаб бўлмайди ва у ноаниқ бўлади.

Шахси номаълум гапларнинг бош бўлаги қуйидагича ифодаланади:

1. Аниқлик майлининг замон шакллари билан:
  - а) ўтган замон шакллари билан: Қуш эдим қанотимни қайирдилар, гул эдим, булбулимдан айирдилар (Ҳ.Ҳ, Ниёзий).
  - б) ҳозирги замон шакллари билан: Балки, ҳозир Дилдорни осаётгандирлар, ё бўлмаса уни қийнамоқдалар (Ойбек).
  - в) ҳозирги–келаси замон шакллари билан: - Одамларга нима яхшилик қўйдинг, -деб сўрайдилар («Шарқ юлдузи»).
  - г) келаси замон шакллари билан: - Ҳақ сўзимиз учун қасос олмоқчилар? – деди ўз ичиди (Ойбек).
2. Бўйруқ–истак майли шакллари билан: Юнусобод деган жойдан келаяпман, нега қайтаман? Зулмдан тўйдим, замбаракка солиб отиб юборсинлар (Ойбек).
3. Шарт–истак майли шакли билан: Поччантга пичоқ, урсалар, опангнинг бағри қонаиди (И.Рахим).

**Шахси умумлашган гап.** Бош бўлагидан англашилган ҳаракат умумга қаратилган гаплар ҳамда одат тусига кирган ёки тақрорланиб турадиган ҳаракатни ифода қиласиган гашлар шахси умумлашган гапларни ташкил қиласди.

Бу тип гапларда барча шахсларга хос бўлган ҳаётий хулосалар, узоқ асрлик ҳаётий тажрибалар, умумий қоидалар, умумлашган мулоҳазалар ифода қилинади.

Шахси умумлашган гапларнинг бош бўлаги кўп ҳолларда феълнинг II шахс шакли билан ифодаланади. Шу билан бирга, феълнинг I ва II шахс шакллари билан ифодаланган типлари ҳам учрайди: Каттага иззатда бўл, кичикка ҳурматда бўл (Мақол). Фан асосларини чуқурроқ згаллайлик (“Халқ, сўзи”). Танимасни сийламас (Мақол).

Шахси умумлашган гапларнинг бош бўлаги–кесими қуйидагича ифодаланади:

1. Аниқлик майлидаги феъл шакллари билан:
  - а) ўтган замон шакллари билан: Туя кўрдингми: - Йўқ (И.Рахим).
  - б) ҳозирги–келаси замон шакллари билан: Берсанг, оласан, эксанг ўрасан (Мақол).

в) келаси замон шакллари билан: Омон бўлсанг пишарсан, бу таптингдан тушарсан (Мақол).

2. Буйруқ-истак майли шакллари билан: Дўстинг учун заҳар ют (Мақол).

3. Шарт-истак майли шакли билан: Қаловини топсанг, қор ёнар (Мақол).

**Шахсиз гап.** Шахсиз гаплар шахси кўрсатилмайдиган иш жараёнларини ифодалайди. Шахсиз гапларда ҳаракатнинг бажарилишига йўл қўйилиши ёки қўйилмаслиги, ҳаракатни бажариш мумкин ёки мумкин эмаслиги, зарурий ёки зарурий эмаслиги, ноиложлиқдан келиб чиқдан зарурият, ҳаракатни бажариш мажбурийлиги, ҳаракатнинг ўринсизлиги ифода қилинади. Бу тип гапларнинг бош бўдаги кўпинча составли кесимдан иборат бўлади. Кесим турли майл, замон шакллари билан ифодаланиб, феълининг Ш шахс бирлик шаклида келади: Хўрлик учун йиглаш эмас, унинг одамзод бошига яна қайтмаслиги учун курашиш керак (П.Турсун).

Шахсиз гаплар семантик-грамматик жиҳатдан қўйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Ҳаракатнинг бажарилишига йўл қўйилиши ёки йўл қўйилмаслиги ифода қилинади. Бу типдаги гапларнинг кесими қўйидагича ифодаланади:

а) равишдош ҳамда бўлади курилмаси билан: Ҳамма билимни факат савод орқалигина ўрганиб бўлади (П.Турсун).

Бу тип гаплар бўлишсизликни ифода этганда, бўл ёрдамчи феъли бўлишсизлик шаклини олади: Мухаббатни сўраб олиб бўлмайди (С.Зуннунова).

б) равишдош ҳамда -р(-ар) аффикси билан ясалган сифатдош қурилмаси билан: Кўрқоқ ўлмасдан бурун ўлар, ўликдан нима кутиб бўлар? (И.Рахим).

Нутқда бу тип гапларнинг бўлишсиз шакли кент кўлланилади: Ит оғзидан сук олиб бўлмас (Мақол).

Кесим таркибида эди, экан тўлиқсиз феъллари билан келади: Одамнинг ичидагини билиб бўлмас экан-а (П.Турсун).

в) шарт-истак майли ҳамда бўл ёрдамчи феълининг тусланган шакли билан: Бунинг бошқа ҳамма ҳислатларини мана шу гапдан билса бўлади (А.Қаҳхор).

г) шарт-майли бўл ёрдамчи феълнинг сифатдош шакли билан: Кимдан билса бўларкан? (М.Каримов).

2.Киши истаги, иродасига боғлиқ бўлмаган ҳаракат ёки ҳолат ифода қилинади. Бу тип гапларнинг бош бўлаги феълининг мажхуллик нисбати шакли билан ифода қилинади. Бу қўйидагича:

А. Аниқлик майли шакллари билан:

а) ўтган замон шакллари билан: Умумий мажлисга чиқилди (Х.Олимжон).

б) ҳозирги замон шакллари билан: Бунинг учун, биринчи галда, ички ресурслардан фойдаланимокда (“Ўзбекистон овози”).

в) ҳозирги-келаси замон шакллари билан: Тўрт-беш кундан кейин теримга тушилади (С.Зуннунова).

г) келаси замон шакли билан: Ўзингни бил, ўзга билан ишинг бўлмасин, дейилмоқчими? (С.Айний).

Б. Буйруқ майли шакли билан:

Бадиуззамон Мирзо шаҳардан ташқари чиқса, қайтганда, шаҳарга киришга йўл қўйилмасин (Ойбек).

В. Шарт-истак шакли билан:

Ер остига қанча чукур тушлаверса, иссиқлик орта боради («Ўзбекистон овози»).

3. Иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ифода қилинади. Бу тип гапларнинг бош бўлаги ҳаракат номи ва мумкин сўзларидан ташкил топган қурилма билан ифодаланади: Ҳамма нарсадан билиш мумкин («Шарқ юлдзузи»). Таслим бўлиш мумкин эмас, йигитлар! (Х.Олимжон).

4. Иш-ҳаракат ёки ҳолатини бажариш мажбурий ёки зарурийлиги, мажбурий ёки зарурий эмаслиги ифода қилинади. Бу тип гапларнинг бош бўлаги ҳаракат номи ҳамда керак, лозим зарур, даркор сўзларнинг биридан ташкил топган қурилма билан ифодаланади: Эл молига узатилган кўлларни кесиш керак (Ойбек). Ваъдага вафо қилмоқ керак (Мақол). Зарур вақтдагина тилга эрк бермоқ лозим (Ойбек). Жосусни қидириб топиш зарур (Яшин). Бу хусусда яхши мулоҳаза қилмоқ даркор (Ойбек).

5. Ноиложликдан келиб чиқсан заруриятнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги ифода қилинади. Бу тип гапларнинг бош бўлаги жўналиш келишигидаги ҳаракат номининг, тўғри сўзи ва кел шаклининг тусланган шакли билан бириқишидан ҳосил бўлган қурилма билан ифодаланади: Эҳ-ҳа, қанчадан-қанча вазифаларни ўйлашга тўғри келади (Яшин).

**Номинатив гаплар.** Бирор предмет, воқеа-ҳодисанинг номини атаб, унинг мавжудлигини тасдиқлаш йўли билан ифода қилган кесимсиз гаплар **номинатив гап** дейилади.

Номинатив гапнинг бош бўлаги субстантив характерда бўлиб, предикативлик ифода қилинади. Бунинг учун у замон категорияси билан муносабатга киришиб, алоҳида интонация билан айтилади: Кўм-кўк дала. Саёҳатчилар мириқиб дам олишагити (С.Аҳмад). Бунда номинатив гап алоҳида интонация билан айтилиб, предметнинг ҳозирги замонда мавжудлиги тасдиқланяпти.

Кўпинча номинатив гап ўзидан кейин келган гап мазмунининг бажарилиши сабабли, ҳолати билан боғлиқ бўлган мавжудликни ифода қиласи: Қоп-қора тун. Кўкда на ой, на юлдуз бор (И.Рахим).

Баъзан номинатив гап матн охирда келиб, олдынги гапларда ифода қилинган фикрларнинг якуни, натижасини ифода қиласди: Оқ подиоҳ, ҳаммани қирадиганга ўхшайди. Уруш қурсин! Очлик! Қимматчилик! (Ойбек).

Номинатив гапнинг бош бўлаги сифатловчи, қаратувчи кабилар билан кенгайиб келади.

Номинатив гапнинг бош бўлаги қуидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1.Атоқли отлар билан: Ана Ёдгор. Ҳалигина эмган она сутининг лаззатини тамшаниб, менинг қўлимда ухламоқда (F.Гулом).

Турли сарлавҳалар, китоб, газета, журнал, муассасалар номлари, пешлавҳалар мавжудлик хукмини ифода этиб, номинатив гаплар тизимини ташкил қиласдилар.

2. Турдоши отлар билан: Ой. Нозик жимжитлик. Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади (Ойбек).

3. Отлашган сўзлар билан: Яна талабаларимизнинг энг қучлиси. Уни ҳамма ҳурмат қиласди («Ўзбекистон овози»).

4. Олмош билан: Мана мен! Ҳозир қаёққа қараманг, менга ўхшайдилар (Ойбек).

Номинатив гап бош бўлаги ана, мана сўзлари билан келганда, гап тасвирийликдан ташқари, кўрсаташ вазифасига эга бўлади: Мана бўзлик! Бунда қанчадан-қанча семиз, серҳосил ерлар ястаниб ётибди («Ўзбекистон овози»).

Мазмун ва эмоционал қимматига кўра номинатив гаплар қуидагича бўлади:

1.Тасвирий номинатив гаплар: Кенг саҳро. Куруқ чўл...Сув манбаларидан дарак йўқ (С.Айний). Комилжоннинг ҳовлиси. Эскироқ уй. Ёнма-ён (Уйғун).

2. Пайт англатувчи номинатив гаплар: Сугдек ойдин кеча. Ҳали тонг отишидан дарак йўқ (М.Авезов).

3.Ҳаёт воқеаларини билдирувчи номинатив гаплар: Ёқимли оҳанг, завқли қўшиқлар. Аноҳрон йўлидан тўхтаб тинглайди (И.Рахим).

4.Кўрсатув характеридаги номинатив гаплар: Мана гузар, мана одамлар... Одамлар уни куршаб олди (П.Турсун).

Номинатив гаплар ёйиқ ҳолда ҳам бўлади: Мустақиллик тонги бирбиридан чиройли, мазмундор («Халқ сўзи»).

**Инфинитив гаплар.** Ҳоким компоненти инфинитив билан ифодаланган гаплар инфинитив гап деб аталади: Ажаб! Ўз уйини ташлаб кетиш! Бу ақлсизлик! Мардикор олиш! (Ойбек).

Инфинитив гаплар ажабланиш, истак, орзу, кучли ҳоҳиш, ғазаб, ноҳушлик, норозилик каби маъноларни англатади: Севганингдан ажралиш! Эҳ, биз ўйларликлар! (Х.Х.Ниёзий). Гул сайрига чиқмоқ! Буни ким севмайди (С.Аҳмад).

**Шахси аниқ гап.** Бу тип гапларнинг эгаси бўлмайди. Гапнинг структура асосида бош бўлаги кесимдан иборат бўлади. Кесим феълнинг учала шахс шакли билан ифодаланади. Гапнинг кесимига қараб, ҳаракат қайси шахс (мен-биз, сен-сиз, у-улар) томонидан бажарилишини аниқлаш мумкин. Бунда ҳаракатни бажарувчи шахс аниқ бўлади. Лекин гапнинг эгаси бўлиб келиши лозим бўлган кишилик олмошлари кўлланилмайди. Уларни «яширинган», «тусирилган» деб ҳам бўлмайди. Ҳаракатни бажарувчи шахс феълнинг шахс шакллари билан ифодаланади. Бу тип конструкциялар шу шаклда синтетик меъёр ҳисобланади. Буларга кишилик олмошларини киритиш гап мазмунини ҳам, табиитини ҳам ўзgartиради: Мирҳосил Лайсанинг тепасига борди: -Кетдик (Х.Фулом). Бунда биз олмошини киритиш билан гап мазмунини қўёслаш-зидлаш (Биз кетдик, сиз қоласиз) маъносини англашиб, икки составли гапга айланади.

Шахси аниқ гапларнинг бош бўлаги- кесими ифодаланади:

1. Аниқлик майли шаклидаги феъллар билан:

А. Ўтган замон шакллари билан:

- Келдингми, қизим (А.Қаҳҳор).
- Хуш кўрдик, Нинахон! (Х.Фулом).
- Ўшга саёҳат қуидиларми, мулла ака? (С.Аҳмад).

Б. Ҳозирги замон шакллари билан:

- Ишларингиз қалай? – сўради Тошпўлат ака кўришар экан.
- Ёмон эмас.
- Кўряпман, ёмон эмас («Ўзбекистон овози»).

В. Ҳозирги-келаси замон шакллари билан:

- Бажараман, ўртоқ генерал (Яшин).

Г. Келаси замон шакллари билан:

Рахимов. Ҳали бу оёқ билан Висла, Одердан ўтиб, Берлинга кириб бормоқчи эдик-ку! (Яшин).

2. Бўйруқ-истак майли шакллари билан: Йўқол, қўзимга кўринма. (И.Раҳим). Айланай, қизим, ширин қизим, йиғлама! (Яшин). Гувоҳ, бўлинг, дўстлар, шу менинг ўғлим бўлади (F.Фулом).

3. Шарт-истак майли шакли билан: Қирсак майлими? (С.Зуннунова). -Хой болам, намунча қовоғингдан қор ёғилиб турибди, айта қолсанг-чи, ким келяпти (F.Фулом).

**Вокатив гаплар.** Бундай гаплар ундаш характерига эга бўлиб, ўзида турли маъно нозикликларини таъпувчи бир составли гаплардир. Бундай гапларда бош ва асосий бўлак нутқ қаратилган шахс номидан иборатdir. Агар бу ном алоҳида интонация билан талаффуз этилса, унинг марказида турган шахс ҳақида мураккаб тасаввур тудиради:

Рустам. Ойи! Ҳой, ойи! (Х.Фулом).

Кўзиев (уни қаршилаб). Салтанат! Жоним! (А.Қаҳҳор).

Ҳожиона (уй ичидан). Гулбаҳор! Ҳо, Гулбаҳор! (Х.Х.Ниёзий).

Воктив гапларнинг шаклланишида контекст ва шароит мухим роль ўйнайди. Чунки сўзловчининг шу контекст ва шароитда тингловчига мурожаати, хитоби, истаги, огоҳлантириши, кувончи, жаҳли, газаби, завқи, илтимоси, ёлвориши, дўқи, гинаси, шодлиги ва бошқа шу каби ички кечинмалари ўз ифодасини топлади: Камол (газабли) Ҳайдар!... (Уйгун).

Оқула ялиниш-ёлворишига тушди:

- Ойижон, ойижон! (Ю.Шомансур).
- Ориф (гафдан тўхтатишга тиришиб) Санжаров! (И. Султонов).

Воктив гапларнинг шаклланишида эмфатик ургу мухим аҳамият касб этади. Эмфатик ургу нуткда бўлган ундош, мурожаат, хитоб истак, газаб каби турли хил маъно нозикликларини ҳосил қилинада асосий восита ҳисобланади ва у сўздаги унли товушнинг кучайиши ҳамда чўзиқдилиги билан берилади<sup>1</sup>. Ёзувда эса, у қавс ичидаги ремаркалар ва унлининг такори ёки нуқта билан кўрсатилади: - Ойи-и-и! – деб қичқириб юборди у («Шарқ юлдузи»). Жамила (таънаомуз) Ўғли-им! (Х.Сеитов).

**Ундаш гаплар.** Бундай гаплар кўрсатилган маъноларни ифодалайдиган императив ундовлар ва мурожаат сўзларидан иборат бўлади. Сўзловчининг тингловчи шахсга, ҳайвон ва паррандаларга нисбатан бўйруғи, чакириғи, истаги ва хохишини ифодаловчи гаплар ундош гаплар саналади. Ундаш гапларнинг қўйидаги қўринишлари мавжуд:

а) императив, маъно ифодаловчи ундош гаплар: -Тсс! -деди Сотиболди (Х. Фулом). Ҳамидов. Бўлди, бас! (К. Яшин).

б) мурожаат маъносини ифодаловчи ундош гаплар. Бундай гапларда ҳайвонларни чакириш, узоқлаштириш ва ҳракатдан тўхтатиш сўзлари иштирок этади: -Бех, бех, -деб товукларни донга чакирап (П. Турсан). -Хўк, жониворлар! (Х.Фулом). -Дррр...шайтонлар! (А.Чехов).

#### **Адабиётлар:**

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X. Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1979, 102-107-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. П. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 184-202-бетлар.

Үринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент: Фан, 1974, 120-141-бетлар.

Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 167-180-бетлар.

Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқтиувчи, 1987, 129-137-бетлар.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Н. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1966, 194-209-бетлар.

<sup>1</sup> Шерба Л. В. Фонетика французского языка. М.: Высшая школа, 1963. - С.133.

Үрингбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 66-74-бетлар.

## ГАПНИНГ КОММУНИКАТИВ ВАЗИЯТ ЖИҲАТИДАН БЎЛИНИШИ

*Режа:*

1. Гапнинг коммуникатив вазият жиҳатидан бўлиниши.
2. Тўлиқ гаплар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Тўлиқсиз гапларнинг қўлланиш ўринлари.
4. Ситуатив ва контекстуал тўлиқсиз гаплар.
5. Сўз-гаплар ва уларнинг кўринишлари.
6. Коммуникатив вазият ва экспрессив мақсад асосида юз берувчи парцелляция ҳодисаси.
7. Иловали қўрилмалар ва уларнинг хусусиятлари.

Гаплар коммуникатив вазият жиҳатидан иккига бўлинади: тўлиқ гаплар ва тўлиқсиз гаплар.

Тўлиқ гапда бирор бўлакнинг ифодаланмаганлиги-тушиб қолганлиги сезилмайди. Гапнинг бу турида ҳамма зарур бирликлар ўз ифодасини топади: Мехмонларга ҳар нав ширинликлар, писта, бодом, куруқ мевалар жуда мўл-кўл тортилди (Ойбек).

Маълум фикрни ифода қилиш учун зарур бўлган бўлакларнинг бир қисми туширилган гаплар **тўлиқсиз гап** дейилади. Бундай гапларда маълум бўлаклар туширилган бўлса ҳам, гап фикран тўлиқ бўлади.

Тўлиқсиз гапларда одатдаги типик схемадан чиқиб, бирор бўлак «яширинган» ёки «туширилган» бўлади. Лекин бу контекст ва шароитдан билиниб туради.

Тўлиқсиз гаплар жонли нутқда, савол-жавоб типидаги матнларда кўп қўлланиллади. Бунинг сабаби шуки, сўзлаш пайтидаги вазият, мимика ва ҳар хил имо-ишоралар фикрни ихчам ифодалашга имкон беради.

Тўлиқсиз гаплар, асосан диалогик нутқ учун, қисман монологик нутқ учун характерлидир. Савол-жавобларда диалог мазмунига янгилик кўшадиган гап бўлаклари ишлатилиб сўзловчи ва тингловчи томонидан айтилган гап бўлаклари кейингисида туширилади: Мана бу чамадонни хужрага киритиб кўйгин. Хужрани ясатганимисан?

- Ясатганиман, бек ака.
- Сурат-пурат қоққанмисан?
- Қоққанман, бек ака (А.Қаҳҳор).

Монологик нутқ учун характерли бўлган тўлиқсиз гапларда, асосан, кесим қўлланилмайди: Олтин ўтда билиниди, одам-мехнатда (Мақол).

Тўлиқсиз гаплар контекстуал ва ситуатив тўлиқсиз гапларга бўлинади.

Контекстуал тўлиқсиз гапларда туширилган бўлак контекстдан билиниб туради.

Контекстуал тўлиқсиз гапларда қўйидаги гап бўлаклари туширилади:

1. Кесим ва кесимга оид сўзлар туширилади:

Додхоҳ. Сўз қайтаришга ким ҳуқуқ берди?

Муқимий. Инсоф, виждан, идрок ва андиша(С.Абдулла).

2. Эга туширилади: -Зулфия нима қилди?

-Ўқиди. ("Шарқ юлдузи").

3. Эга ва кесим туширилади: -Бу йил қаерда дам олмоқчисиз?  
("Шарқ юлдузи").

4. Иккинчи даражали бўлаклар туширилади:

- Спорт мусобақаларида кимлар қатнашди?

-Ҳаммамиз қатнашамиз («Маърифат»).

Ситуатив тўлиқсиз гапларда бирор бўлакнинг туширилиши нутқ сўзланиб турган шароит, интонация, имо-ишорадан англashingilib туради. Ситуатив тўлиқсиз гаплар сўзлашув, диалогик нутқ учун характерлайдир: Бир гурӯх, ёшлиар сафардан қайтаётган дўстларини кутиб олиш учун вокзалга келиб, поезд келишини кута бошладилар. Шу пайт узокдан поезд кўринади. Кутувчилардан бири курсанд бўлиб, кўлини поезд келаётган томонга чўзиб туриб, шундай дейиши мумкин: - Ана келаяпти. - Ана. - Келяпти. Бу тўлиқсиз гапларда эга туширилган. Туширилган бўлак нутқ, вазиятидан яққол биланиб турибди. Тўлиқсиз, гаплар доирасида эллиптизм гаплар хам фарқланади. Булар кесими кўлпанилмаган тўлиқсиз гаплардир.

Тилда ва нутқда фикр ифодаси учун зарур бўлган ҳамма нарсани айтмаслик, маълум бир қисмини тушириб қолдириш кучлайдир. Ана шу жараёнда эллипсис пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Гап таркибида келган бирикмадан бирор сўз эллипсисга учраши натижасида бирикманинг сақланган компонентида нутқий маъно ҳосил бўлиши мумкин. Бу нарса гапнинг бирор бўлагига матиқий ургунинг тушиши, экспрессивликка интилиш, тавтологиядан қочиш натижасида содир бўлади.

Гапда ўрин ҳоли семантикасига уни бошқариб келган ҳолат ифода этувчи феълнинг семантикаси мос келади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда феъл кесимни қайд этишига ҳожат қолмайди: Қизил қиз ер остида, сочлари ер устида (қизилча). Икки ҳил шарбат бир пиёлада (тухум).

Бу гаплардаги ўрин ҳолини бошқариб келган кесим «туради» феъллайдир. Бу ерда тавтологиядан қочиш мақсадида эллипсисдан фойдаланилган. Бундай ҳолатни феъл кесим ҳозирги замонни ифодалаб келганда кўриш мумкин<sup>2</sup>.

Гап таркибида келувчи аниқловчили бирикмаларда эллипсис содир бўлади. Аниқловчили бирикмаларда қаратқич ва қаралмиш, сифатловчи ва сифатланмиш характеристида бўлади.

<sup>1</sup> Фуломов А.Г., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек гили. Синтаксис. Тошкент, 1961, 148-бет.

<sup>2</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, М.-Л., 1960, с.36.

Қаратқич ва қаралмиш бирикмасининг қаратқичи ҳамда қаралмишдаги эзалик шакли эллипсисга учрайди. Натижада бирикма маъноси қаралмишда сақланиб қолади: Фарруҳ тօғаси айтган омбурга чап бериш учун бир хунарини ишга солди («Шарқ юлдузи»). Бу гапдаги қонуннинг қаратқичи ва қаралмишдаги эзалик -и шакли эллипсисга учраган ҳолда ишлатилган. Натижада «омбур» сўзи «қоқуннинг омбури» маъносида кўлланилган.

Бирикманинг қаратқичи белгисиз кўлланилганда, қаралмиш эллипсисга учрайди. Натижада қаратқич бутун бирикма маъносини ўзида акс эттиради ва унда нутқий метонимия ҳосил бўлади<sup>1</sup>.

Масалан: Э, сизлар ҳукумат эмасми? – деб яна шевқин солди эшон (П.Турсун).

Бу гапдаги ҳукумат одами қаратқичли бирикманинг қаралмиши одам сўзи эллипсисга учраган. Бирикмадан тушириб қолдирилган одам сўзининг маъноси ҳукумат сўзига юклатилган.

Сифатловчи ва сифатланмиш бирикмасининг бирор компоненти эллипсисга учраши ва сақланган компоненти бутун бирикма маъносини ифода этади. Бирикманинг сифатловчи компоненти -ли, -даги аффикси билан ясалган сифатдир.

Масалан: Алишер жавобларига унча-мунча бирозгина тикан ташлаш менинг одатидир (Ойбек). Тошкент хато қилиши мумкин эмас («Шарқ юлдузи»). Келтирилган гаплардаги тикан, Тошкент сўзлари тиканли гап, Тошкентдаги раҳбар сифатловчили бирикмаларнинг компонентлариdir. Бу бирикмалардан маълум талаб билан -ли, -даги аффикслари ва аниқланмиш сўзлар гап, раҳбар сўзлари эллипсисга учраган.

Гап таркибида келувчи ўхшатиши ва ўхшалмиш типидаги сўз бирикмаларининг кўмакчи ва ўхшалмиш компонентда эллипсисга учрайди. Натижада нутқий метофора ҳосил бўлади: Эшикдан Кўзибой сайраб кирди (Х.Назир). Бу гапда конструкциянинг биринчи компоненти куш сўзи билан кўмакчи ўхшаш сўзи эллипсисга учраган, аслида «кушга ўхшаш сайрамоқ» тарзида бўлиши лозим эди.

Маълумки, инсон эмоциясиз нутқ сўзлай олмайди. Эмоциясиз нутқ ҳиссиз, таъсирсиз бўлади. Нутқнинг эмоционаллитикини оширувчи воситалар ичida грамматик функциянинг кенглиги, ифодалилиги, таъсирчанлиги, қулайлиги ва равонлиги билан ажralиб турувчи фигура *анафорадир*. «Айнан бир тушунчанинг маъносининг кенгроқ ёритиш, унга ургу бериш, бўрттириш, тингловчицининг дикқатини ана шу тушунчага ёки фикрга алоҳида жалб қилиши мумкин бўлса, анафоралардан фойдаланилади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Аликулов Т. Метонимия и полисемия //Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. Тошкент, 1965, 21-бет.

<sup>2</sup> Мамажонов А. Анафорали синтактик конструкциялар ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, 4-сон, 20-бет.

Нутқий жараёнда сўзловчи нутқига экспрессив буёқ берганда гап таркибидаги айрим бўлаклар туширилиши натижасида анафорик эллипсис пайдо бўлади. Дўст ачитиб гапирав, душман кулдириб (Мақол). Олтин ўтда, одам меҳнатда билинار (Мақол).

Келтирилган гаплардаги анафорик бўлаклардан бири: гапирав, билинار тушириб қолдирилган.

Юқорида эслатганимиздек, эллипсис ҳодисаси бер неча сабаблар асосида руёбга чиқади. Лекин эллипсис ҳодисасининг руёбга чиқишида контекст ва ситуация мухим роль уйнайди. Контекст ва ситуация билан боғлиқ ҳолда эллипсис диалогик нутқ қурилишила мавжуд.

Диалогик нутқда эллипсис контекст ва ситуация билан боғлиқ ҳолда шакланади. Шунга кўра, ситуатив ва контекстуал эллипсис вужудга келади.

Ситуация диалогик муносабат учун зарурый синтактик қурилмаларини танлайди. Ўзаро нутқий алоқада суҳбатдошлар шошилинч тарзда, тезлик билан бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бермоқчи бўлса, сўзловчи ўз нутқи устида узоқ уйлаб туриш имкониятига эга бўлмайди. Бу нутқ тингловчи томонидан ҳам осонликча қабул қилинни лозим. Шунинг учун диалогда мураккаб қурилмаларга нисбатан содда қурилмалар кўп ишилатилади. Бундан ташқари, диалогда турли хил нутқий шаблонлардан фойдаланади. Ўзаро нутқий алоқада турли хабарларни тингловчига етказища тил воситаларидан ташқари мимика, ҳар хил имо-иппоратар ҳам мухим роль уйнайди.

Ситуатив эллипсис куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Сўзни алмаштириш орқали реплика маъносини ифодалайди:
  - Қаёққа?
  - Ўғилларим ёнинг (Й.Шамшаров).

Мисолдаги «Қаёққа» репликаси -қаёққа жўнайсиз, қаёққа борасиз, қаёққа кетасиз репликаларини ўрнида келган.

Бундай эллиптик қурилмалар ситуация воситасида нисбий тугалланган хабарни ифодалайди ва ўзининг тушиб қолган грамматик таркибини тўлдиришни талаб этмайди.

2. Ситуация ёрдамида репликанинг моҳияти ойдинлапшади. Моҳият эса семантик категория ҳисобланади:

Такиллатма, мен ухлайман («Шарқ юлдузи»).

Мисолдан кўриниб турибдики, биринчи реплика овоз реакциясига нисбатан «такъилатишни тўхтат» маъносини бераяти. Умумий суҳбат реакцияси эса, сўзловчи шахс ухламоқчи бўлган хонада бошқа киши бор. Шунинг учун унга нисбатан «чиқиб кет», «ётиб ухланг» деган маънони беради.

Контекст билан боғлиқ ҳолда эллиптик репликалар маълум обьектга қаратилган бўлади. У обьект сўзловчининг, умуман суҳбатдошларнинг нутқий реакциясини тузатади. Нутқ қаратилган ва суҳбатдошлар

реакциясини давом эттиришга турткы бўладиган нутқ обьекти билан боғлик, бўлган репликаларнинг икки тури мавжуд:

1. Суҳбатдош нутқи мазмунига рекация ифодаловчи репликалар. Суҳбатдош нутқи мазмунига реакция ифодаловчи репликалар семантик нутқай назардан олдинги реплика билан боғлик ҳолда шаклланади. Улар суҳбатдошнинг томомланган фикрини тўлдиради, бўлинган фикрини давом эттиради:

Музaffer. Бу адолат эмас.

Кутфиддин. Хиёнат.

Убайдулла. Жиноят (Уйғун ва Иzzat Султон).

Баъзан суҳбатдош фикридан тематик нутқай назаридан узоқлашади:

- Қаёққа?

- Терговчимисан? («Шарқ юлдузи»).

2. Суҳбатдошларнинг фикр ифодалаш усулига реакция билдирувчи репликаларга айтилмаган ҳаракат субъектини айтишни талаб этади:

Тўйчи. Онахон опа, Онахон опа!

Онахон. Нима бўлди?

Тўйчи. Эрингиз!... Фуломжон aka! Fўзаларни буткул сувга бостириб юборди! (К.Яшин).

Шундай қилиб эллипсис стилистик мақсадни кўзда тутади ва нутққа эмационал бўёқ беришга хизмат қиласди. Асоссан диалогик нутқда яшайдиган эллипсисларнинг вужудга келишида унинг материал томони-махсус сўзлар, интонация, ургу, контекст ва вазият муҳим роль уйнайди.

**Сўз-гаплар.** Коммуникатив вазият жиҳатидан шаклланадиган гапларнинг бир турини сўз-гаплар деб атайдилар. Бу хил гаплар бир сўз билан ёки бошқа сўзлар билан кенгаймайдиган сўз биримаси билан шаклланади. Уларни илмий адабиётларда бўлакларга ажралмайдиган гаплар, сўз-гаплар атамаси билан атайдилар. Бизнингча, кўпчилик тан олган сўз-гап атамасини кўллаш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

Сўз-гаплар ҳамма вақт коммуникатив вазият ва контекст билан боғлик бўлиб, ўзи иштирок этган диалог ва монологдаги мустақил гаплар билан бирга кўлланилади.

Бир сўз ёки сўз шакли билан ифодаланиб, бошқа бўлаклар билан ёйилмайдиган, сўзловчининг эмоциясини, ҳолатини ифодалайдиган гап, сўз-гап дейилади.

Сўз-гап ўзининг қатор хусусиятлари билан икки составли гапдан ҳам, бир составли гапдан ҳам фарқ қиласди. Жумладан:

1. Бир составли гапларнинг кўпчилилиги учун фикран тўлиқдик, семантик мустақиллик хос. Сўз-гапларнинг мазмуни контекст, ситуация билан боғлик бўлади.

<sup>1</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз биримаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 74-бет.

2.Барча бир составли гапларнинг кўпчилиги юклама, модал сўз, ундовлар билан ифодаланади.

3.Бир составли гаплар иккинчи даражали бўлаклар билан кенгайиб кела олади. Сўз-гаплар эса бу хусусиятга эга эмас.

4.Бир составли гапларынг кўпчилиги учун хабар интонацияси хос. Буларда интонация ҳал қилувчи имкониятга эга бўлмайди. Сўз-гапларнинг кўпчилигидаги эса интонация муҳим рол йўнайди.

5.Бир составли гаплар кўшма гап компоненти бўлиб, кела олади. Сўз-гапларнинг кўпчилиги, ўз ҳолатини ўзгартирмай, кўшма гап компоненти бўлиб, кела олмайди.

6.Бир составли гаплар асосан, монологик нутқ учун характерли бўлса, сўз-гаплар диологик нутқ учун хосдир.

7.Бир составли гаплар ҳам, сўз-гаплар ҳам тўлиқсиз гапларга ўхшаб келади. Лекин бу ҳол кейингисида кучли келади.

8.Сўз гаплар учун гапларнинг тузилиши жиҳатидан таснифи татбиқ қилинмайди. Бир составли гаплар эса, тузилишига кўра, ёйик-йифик, тўлик-тўлиқсиз, содда-кўшма гап бўлиб келиши мумкин.

Сўз-гаплар аниқ ситуация ва контекст билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, у факат ўз составининг синтактик бўлакларга бўлинчмаслиги билан характерланиб қолмасдан, бу гапларни ифодаловчи сўзларнинг қайси гап бўлаги эканлигини айтиш кўйинлиги билан ҳам характерланади. Сўз-гаплар ўзининг составида ҳеч қандай гап бўлагини олиб келмайди ва олиб келишин ҳам мумкин эмас.

Сўз-гаплар ўзидан олдин ва кейин келувчи гаплар билан мустаҳкам алоқада, уларга боғлиқдир. Улар сўз-гап мазмунини аниқлаш мөхиятини очиш, характерини белгилаш учун жизмат қиласди.

Сўзловчи сўз-гап ифода этилган фикрни шиддатлантириши, ифодаланиш мазмунидаги таъсирни кучайтириши, ўз шубҳасини билдириш мумкин. Бундай ҳолларда сўзловчи турли воситалардан фойдаланади. Сўз-гап таркибида боғловчи, юклама, модал сўзларни, ундалмаларни келтириш билан, сўз-гапни такрорлаш ва унлини чузик талаффуз этиш орқали амалга оширилади:

-Кетолмайман? – Йўқ-йўқ, -деди (Ш.Холмирзаев).

-Ҳечда, -деди Низомжон (С.Аҳмад). -Йўқ, опа, йўқ, Бу сизники... (Ш.Тошматов).

Сўз-гаплар мазмунига, ўзи ифодалаётган фикрнинг хусусиятига кўра контекстда турли ўринларда келади:

-Хўп! Мен адолат юзасидан сўрай (Ҳ.Ҳ.Ниёзий). Кексайганда тириклай гўрга тикдинг-а! Э воҳ! Э воҳ! Бевафо дунё... (С.Аҳмад).

Сўз-гап контекстнинг қайси ўрнида келишидан қатъий назар хилмакил семантик мазмунини ифодалайди:

1.Инкор оттенкасини билдирувчи сўз-гаплар бирор нарсанинг бор йўқлиги ҳақидаги сўрока инкор жавобни талаб қиласди. Сўз-гапда

предметми, воқеами, ҳодисами инкор қилинишига қараб, турли хил сўзлар ишлатилади<sup>1</sup>. Бу маъно йўқ сўзи ва унинг функционал-синтактик синонимлари: ҳеч, ҳеч-да, сира, сира ҳам, асло, мутлақо, нотўғри, бе, мумкин эмас кабилар орқали ифодаланади: - Йўқ, йўқ, йўқ! Ҳамзанинг тегманг жонинг! (Яшин).

Инкор сўз-гаплар инкор мазмун ифодалаш билан бирга экспрессив-инкор ва экспрессив-модал маънони ҳам ифодалайди. Бундай пайтда сўз-гапдан кейин -а, -э, -ку, -я, -эй, -да каби юкламалар келтирилади ва йўқ сўзи такрорланган ҳолда келади:

- Энди кетай, вақтингиз зиқ, Вой, йўқ. (З.Фатхуллин).
- Ха, мунча қовоқ-тумшувингиз осилиб қолди?
- Ҳеч-да, -деди Низомжон (С.Аҳмад).
- Келиб қолдими, дейман-е?
- Йўқ-эй! (Х.Х.Ниёзий).

2. Тасдиқ, оттенкасини билдирувчи сўз-гаплар кўйилган сўроқча тасдиқ жавобни ёки сұхбатдош фикрига розилик маъносини ифодалайди. Бу маъноларни ифодалаш учун: ҳа, хўп, шукур, дуруст, яхши, жуда соз, маъқул, майли, бўлти, жоним билан, хўп бўлади, бажонидил, худди шундай, ҳа бўлмасачи кабилар ишлатилади.

Тасдиқ сўз-гапларда сўзловчи ўз фикрининг тўғрилигини тасдиқлайди, улар монологик ва диалогик нутқда кўп учрайди:

- Мени чақирдинги? -Ха (Р.Файзий).
- Азиза. Хўп, дада, хўп (З.Фатхуллин).

3. Сўроқ гаплар қайта сўраш, аниқлаш, фикрни давом эттиришга майиллик тугдириш мақсадидаги кўлланилади ва улар сўроқ олмошлари, сўроқ юкламалари, интонация воситасида шаклланади.

Интонация воситасида шаклланган сўроқ сўз-гаплар сўзловчининг тажжубини, ғайратини, тараффудини, эсанкирашини ифодалайди:

- Сиз бутундан бошлиб ишдан бўшадингиз.
- А!? (З.Фатхуллин).

Сўроқ юкламалари -ми, -чи, -я, -а орқали шаклланган сўз гаплар ҳайрон қолиш иккиланици, тахмин қилиш, хабар, эсанкираш каби маънос оттенкаларини билдиради:

- Мен эртага бораман.
- Рост-а? («Шарқ юлдузи»).

Сўроқ олмошларидан тузилган сўроқ сўз-гаплар яққол ифодаланган семантикамага эга бўлиб, улар сўроқ олмошлари ёрдамида ҳаракат субъекти ва турли ҳолатлар аниқланади. Нутқ, ситуацияга қараб, улар дағдага, таъна, айблаш, чўчиш интонацияси билан талаффуз қилинади.

<sup>1</sup> С.Н.Иванов. Очерки по синтаксису узбекского языка, Изд-во ЛГУ, 1959, стр.137.

<sup>1</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили II. Синтаксис. Тошкент, 1966, 209-бет.

4. Эмоционал сўз-гаплар. Бундай сўз-гаплар бирор воқеа, предмет, шахс ёки айтилган фикрни кучли ҳис билан характерлайди. Эмоцияларни ифодаловчи интонациялар ранг-баранг бўлиб, бу ранг-баранглик ҳис ва кечинмаларнинг хилма-хиллиги билан изоҳданади. Шунга кўра, эмоционал сўз-гаплар соф эмоция ифодаловчи, эмоционал баҳо берувчи, нутқий муомала одатларини ифодаловчи, демонстратив, ундаш ва вокатив гапларга ажралади.

А. Соф эмоция ифодаловчи сўз-гапларда сўзловчининг воқеликка бўлган ижобий муносабати ифодаланади:

-Вой, болам... -деб юборди кампир («Шарқ юлдузи»).

-Ур-ей!..-деб гувиллашди («Шарқ юлдузи»).

Б. Эмоционал баҳо берувчи сўз-гапларда нутқ вазияти ёки фактларга баҳо берилади: Турсунов. Офарин!(С.Азимов).

-Аблаҳ, ...соткин...(А.Пўлат).

В. Нутқий муомала одатларини ифодаловчи сўз-гапларда сұхбатдошлар муносабати ифодаланади:-Келсинлар. Хуш кўрдик! Хушвақт бўйинг! («Шарқ юлдузи»).

Г. Демонстратив сўз-гапларда сўзловчи воқеликда мавжуд бўлган фактнинг мавжудлигини таъкидлаб кўрсатиш орқали фикрини ифодалайди: Қодиркул. Эринг ким? Жамила. Ана! Ана! (Ҳ.Ҳ.Ниёзий).

-Чалиб бер карнайингни. -Дуд! Д-уд! Д-у-д! (Ҳ.Ёкубов).

Д. Ундаш сўз-гапларда сўзловчининг тингловчига, хоҳиши ифодаланади: -Мах, Тўрткўз, маҳ! (А.Қаҳҳор). -Киши-э..., қирон келгурлар (Чехов).

Парцелятив ва иловали қурилмаларни ўрганиш экспрессив синтаксис ва коммуникатив вазиятнинг бош масалаларидан биридир.

Парцеляция гапнинг экспрессив мақсад билан боғлиқ бўлакланиши ҳисобланади. Парцеляцияда гапнинг бир қисми айриувчи паузадан кейинги, гапнинг ташқарисига чиқарилади: Қўллари бўлмаса ҳам, ўз тирикчилигини ўзи қилиб юрибди. Ҳалол меҳнат қилиб («Ҳалқ сўзи»).

Парцеляция ҳодисаси натижасида иловали қурилмалар шаклланади: -Ҳа. Майнавоз бўлсаям жўра-да. Бирга катта бўлганимиз. Тепкилашиб («Шарқ юлдузи»).

**Иловали қурилмалар.** Нутқимизда структура ва синтактик томондан тўла шаклланмаган гап ҳамда қурилмалар кўплаб мавжуддир. Бу нарса, аввало, сұхбатдошларнинг сұхбат темасига тайёр эмаслиги билан боғлиқ, бўлса, сўнгра, сұхбатдошларнинг бевосита алоқасида кўриш ва эшитиш қобилиятларига боғлиқдир. Баъзан сұхбатдошлардан бирининг иккинччиси фикрига тўла тушунмаслиги орқасида айrim бўлакни такрор гапиради. Натижада нутқда паузадан еўнг ҳам турли хил қурилмалар вужудга келади.

Бундай нутгийн бүлакларни лингвистик адабиётларда «ажратувчи паузадан сүнг келувчи боғланиш ва эришиш» деб изохлайдилар<sup>1</sup>.

Сүхбат жараёнида сүхбатдошларнинг фикри нисбий тугалликка эгадир. Натижада олдиндан ўйланмаган қандайдир фикрни кўшиб айтиш сўзловчи назарида зарур ҳисобланади Шу кўшимча изоҳ тугалланган паузадан сўнг келади. Буларни **Илова курилмалари** деб атайдилар.

Иловали курилмалари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу ўзига хос хусусиятлар қўйидагилардан иборат деб қўрсатиш мумкин:

1. Илова курилмалари даставвал ўзига хос характерли ритмо-мелодик томонига эгадир.

2. Илова курилмаларида ўзига хос семантик структуралар мавжудdir.

3. Илова курилмаларнинг ўзига хос тартиби бордир. Бу хусусиятдан учинчisi илова курулмаларида ҳар доим мавжуд бўлавермайди. Иккинчи хусусият эса, илова курилмалари бириктирувчи боғловчилар билан келганда яққол кўзга ташланади.

Ҳамма иловали курилмаларга тегишли бўлган хусусият бу ритмо-мелодик томонидир.

Грамматик жиҳатдан илова курилмалар шундай тузилмаки, улар содда гап чегарасидаги асосий ва етакчи гапга кўшимча тарзда келувчи ва у билан лексик ҳамда грамматик жиҳатдан боғлангандир. У ҳақиқатда, асосий гапнинг бўлаги бўлиб келади. Илова курилмалари асосий гап билан биргаликда мурakkab бир бутунликни ташкил қилади. Ҳақиқатда, илова курилмалари олдиндан ўйланмаган, бироқ кўшимча равишда баён этилган кейинги ифода орқали олдинги гапнинг асосий ифода мазмунини кенгайтиради, реаллаштиради ва аниқлик киритишга хизмат қилади:

-Ўғлим, юр, ғалати айиқни қўрсатаман. Жуда баҳайбат, баджаҳ. Жуда аломат (А.П.Чехов).

Илова курилмалари асосий гап билан тенг ва тобе боғланишида бўлмайди, балки нисбий боғланишили синтактик муносабатда бўлади. Улар асосий гап билан боғловчили ёки боғловчисиз бирикиши мумкин. Боғловчисиз бирикиши ҳолати ўзбек тилида кўплаб учрайди.

Масалан: Менинг ёшлик вақтимда сенга ўхшаган чурвакалар йўқ эди, ҳаммаси бир-биридан зўр сўтак, новча болалар эди.

-Менинг эrim. Николай Петрович Колпаков (А.П.Чехов).

Илова курилмалари материал жиҳатидан бир сўздан, сўз бирикмасидан, содда гапдан иборат бўлиши мумкин:

Молларни сугоради, бу сувдан (Ш.Холмирзаев).

-Ҳеч нарса қолмади-я, ейишга (Ш.Холмирзаев).

-Ўшанда қишлоғимизда битта велосипед бор эди. Мол докторининг ўғлини (Ш.Холмирзаев).

<sup>1</sup> Пешковский А.М.Русский синтаксис в научном освещении. М.,1956.-с.478.

Илова қурилмалари гапнинг турли бўлаклари сифатида шакланади. Чунки бундай гап бўлаклари билан ифодаланган фикрни айтиш, дастлаб хаёлга келмаган бўлади. Нутқ жараёнида уларни кўшимча айтиш эҳтиёжи туғилади. Ана шу эҳтиёж натижасида бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасидаги сўз ва бирималар келтирилади.

**Иккинчи даражали бўлак вазифасидаги илова қурилмалари.** Иккинчи даражали бўлак вазифасидаги илова қурилмаларнинг ташкил топшишида, восита бўлган грамматик кўрсаткичлар ҳар хил бўлади.

I.Илова қурилмалари ҳол сифатида шакланади. Ўзбек тилидаги фактик материаллар шуни кўрсатадики, ҳол сифатида шакланган қурилмалар асосий етакчи гап мазмунига ҳолат, ўрин, пайт, мақсад, сабаб каби маъноларни ташувчи кўшимча тушунчаларни ифодалайди. Илова қилинувчи ҳоллар морфологик нуқтаи назардан турлича ифодаланиши мумкин. Ҳол сифатида келувчи илова қурилмалари қуйидаги ҳоллардан бўлади:

1. Ўрин ҳоли сифатида келади:
  - Ҳе, улар қолди.
  - Қаерда?
  - Дарёнинг нарёғида. Бекатда («Шарқ юлдузи»).
  - Шохимардон сизлардан узоқми:
  - Йўқ, яқин. Кўпши туманда (Шуҳрат).

Ўрин ҳоли маъносини ифодаловчи илова қурилмалари чиқиш келишигига келиши мумкин:

- Қўқонданми? –суради йигит.
- Йўқ, Самарқанддан («Шарқ юлдузи»).
- Мана бу Сизга. Тошкентдан (Х.Ғулом).

Ўрин ҳоли маъносини ифодаловчи илова қурилмалари жўналиш келишигидаги сўз шаклида бўлади:

- Ҳозиргина чиқиб кетишган эди. Институтта («Шарқ юлдузи»).

- 2.Пайт ҳоли сифатида келади:
  - Фақат айтаман-у, кетаман. Ҳозир («Шарқ юлдузи»).
  - Сиз эртага кела оласизми? Чошгоҳда («Ўзбекистон овози»).

- 3.Ҳолат равиши сифатида келади:
  - Ўзидা ҳорғинлик сезмади, ҳар кунгидай (А.Мухтор).
  - Элим-юргим, бола-чақам деб курашдилар, қахрамонларча (К.Яшин).
  - Кўндириб келдим. Аранг («Шарқ юлдузи»).

- 4.Мақсад равиши сифатида келади:
  - Лукма ташлади. Жўрттага («Шарқ юлдузи»).

Ўзи келмабди. Атайлаб (Х.Нўймон).

- 5.Даражага-миқдор равиши сифатида келади:
  - Бир гап бор. Тағин (Ислом шоир Назар ўғли).
  - Ўрнидан турди. Зўрга («Шарқ юлдузи»).

- 6.Равиш ҳоли сифатида келади:

Темир йўл излари қайрилиб дала сўқмоғида ётибди. Қийшайиб (Шуҳрат).

Юқорида келтирилган мисолларда кўриниб турибдики, ҳоллар асосий гапга илова қилинганки, у гаплар таркибида ўша маънодаги бошқа ҳоллар иштирик этмагандир. Илова қилинган ҳоллар юқоридаги каби ҳолатларда қўшимча вазифани ўтайди. Лекин таркибида ўрин ва пайт ҳоли бўлган гаплардан кейин худди шу мазмундаги ҳоллар илова қилиниши мумкин. Бунда илова қилинган ҳол ўрин ва пайтта аниклик киритади, яъни улар гап таркибидаги ҳол мазмунини аниқлаштиради: -Индинига бизнинг ҳовлига марҳамат этсангиз. Пешинга (Ойбек).

П.Илова қурилмалари тўлдирувчи сифатида шаклланади. Тўлдирувчи сифатида шаклланувчи илова қурилмалари ҳол илова қурилмаларига нисбатан камроқдир. Тўлдирувчи илова қурилмалари асосий таркибида айтилмаган объектни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қиласи:

-Ҳаммамизнинг кунимиз шу экан. Ер ютсин дунёсини (Ойбек).

Тушум келишигига келган тўлдирувчи илова вазифасида келса, баъзан ундан олдин кўрсатиш олмоши келади:

Расулов (Сирдошларча, қалбдан):

-Жонимдан ёмон кўраман. Шу одамни (И.Султон).

Кўмакчили тўлдирувчи илова қурилмаси бўлиб келади: Бородин. Бир губернаторча чой ичамиз.

Жўра (ажабланиб). Чой?

Бородин. Ҳа, антиқа фамил чой. Қанди билан (И.Султон).

III.Илова қурилмалари аниқловчи сифатида шаклланади.

Аниқловчи сифатида шаклланган илова қурилмалари тўлдирувчи сифатидаги иловали қурилмаларидан ҳам камроқ кўлланилади. Бу нарсани шу билан изоҳлаш лозимки, аниқловчи ва аниқланмиш бир-бiri билан мустаҳкам алокадордир. Шунинг учун аниқловчини асосий гапнинг ичидаги келтиришга ҳаракат қиласидар. Баъзан аниқланмиш асосий гап таркибида келтирилиб аниқловчи айтилмайди. Сўзловчи тингловчига айтиётган фикридаги баъзи белги хусусиятини бўргтириб кўрсатмоқчи бўлса, ўша белгини кўрсатувчи аниқловчини илова қиласи: Кўлда тўлқин. Кучли ("Шарқ юлдузи"). Санобар. Амакижон, жойингизга олиб борай, озгина таом бор, бир озгина енг. Атчиққина... (Х.Х.Ниёзий).

Баъзан иловали аниқловчилар асосий гап таркибида олмош билан ифодаланган аниқловчини изоҳлаш, аниқлаш учун хизмат қиласи: Кўчада қандайдир чол гапирди. Бегона...("Шарқ юлдузи").

Бош бўлаклар (эга ва кесим) илова қурилмаси сифатида шаклланганда, асосий гапнинг таркибида эга ва кесим бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин: Уйимизга инсу-жинс кирган. Энди ёлғиз ётолмайман. Кўрқаман... («Шарқ юлдузи»).

Дикқатга сазовор жойи ва қизиқарли фактлардан бири шундаки илова қурилмаси сифатида шаклланувчи бош бўлаклардан бирининг асосий гап

таркибида келмаслигидир. Асосий гап таркибида келмаган бош бўлаклардан бирининг илова сифатида келиши қизиқарли ҳодисадир.

Эганинг илова сифатида келиши кесимнинг илова сифатида келишига нисбатан камдир. Бу нарса контаминация ҳодисаси билан боғлиқ бўлса керак. Бунинг натижасида эганинг структурал типи ва шакли ўзгариши мумкин:

- Яхши кўрасанми? Туролмайсанми? Ўшасиз? ("Шарқ юлдузи").

Контаминация ҳодисаси айниқса шахси номаътум гапларда аник кўринади:

- Ҳа, сигир йўқолдими?
- Ҳўқизми?... Ҳўқиз эканда... Ола ҳўқиз (А.Қаҳҳор).

Кесимнинг илова сифатида келиши эгага нисбатан кўпроқдир. Кесим илова бўлиб келувчи асосий гапнинг шакли тузилиши турли тумандир:

Бобомни қидириб юрибман. Тошмат ота (Ҳ.Назир).

Баъзан кесимнинг илова бўлиб келиши рептикалар ва унинг таркибидаги такрор билан боғлиқдир:

- Кетасизми?
- Юринг ўртоқ Одилов. Кетдик.
- Тезда кетдик (А.Қаҳҳор).

*Илова қурилма вазифасидаги гаплар.* Маълумки, гап бўлакларининг илова қурилма сифатида шаклланишидан ташқари, илова қурилма сифатида кўринувчи гапларни ҳам учратамиз. Илова қилинган гаплар сўзлашув нутқи учун унга типик бўлмасада бунда биз мураккаб структураларнинг устунлигини маълум даражада кўрамиз.

Илова қилинган гапларни ифода мақсадига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Дарак мазмунли илова қилинган гаплар. Бундай илорали қўшимча хабар маъносини ифодалаб келади ва олдинги гап билан қўшма гапнинг состави каби бир бутунликни ташкил қиласди: Бир вақт қарасам укаси келиб қолди. Юзидан тирналган, уст-боши, лой («Ёшлик»). Мажлис тугаш арафасида сўз сўраб қолди. Ранги ўчган, сўзлари алмойи-алжойи («Шарқ юлдуз»).

2. Сўроқ мазмунли илова қилинган гаплар. Бир хил гаплар асосий гап мазмунига керак бўлган қисмларни ойдинлаштириш мақсадида берилган сўроядан тузилади. Бу сўроқ гап кўпинча сўзловчининг шубҳаси, гумони ўз ифодасини топади:

Хўш, Гуломжон қаерда?... Шу ердами? Мастеровой (М.Исмоилий).

3. Ундов мазмунли илова қилинган гаплар. Бундай гаплар мазмунидан бўйруқ ва эмоционал характерга эга бўладилар. Ундов мазмунли иловалардан асосий гапдаги бирор сўз баъзан такрор келиши мумкин: Бир инсон номи рўхатдан ўчди. Бир инсон! («Ўзбекистон овози»). Эндиғина 30 га кирган, ҳали ёш. Доктор, Профессор! ("Шарқ юлдузи"). Факат уч-тўрттаси йўқ, Шаҳарга кетибди. Топиш керак. Зудлик билан! (Ҳ.Назир).

Хулоса қылганда, илова курилмалари ўзбек тилида мавжуддир. Бу хил курилмалар адабий тилимизнинг жонли тил негизида ижобий тарзда ривожланаётганлигини яққол кўрсатади.

#### *Адабиётлар:*

Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифоданишнинг синтактик усули. Тошкент: Фан, 1987. 67-69-бетлар.

Абдурахмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 107-114-бетлар.

Маскалов Б. Присоединительные конструкции в узбекском языке АКД. Тошкент, 1985.

Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент: Фан. 1976. 202-208-бетлар.

Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлапув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент: Фан, 1974. 91-120-бетлар.

Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 74-84-бетлар.

Гаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцелятив ва иловали курилмаларнинг синтактик деривацияси. АКД. Самарқанд, 1997.

Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965. 180-183-бетлар.

Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 127-139-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1966. 209-217-бетлар.

## **МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР**

#### *Режа:*

1. Мураккаблашган содда гаплар атамаси ва тушунчаси.
2. Содда гапларни мураккаблаштирувчи бирликлар.
3. Уюшиқ бўлаклар, уларнинг қўлланиш усуллари ва кўринишлари.
4. Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи сўзлар.
5. Уюшиқ бўлакларда тиниш белгилари.

Содда гапнинг таркибида уюшиқ бўлаклар, ундалмалар, кириш ва киритма курилмалар ажратилган бўлаклар, ундалмалар: сифатдош, равишдош ўрамлар, ҳаракат номили тизимлар қатнашиб, содда гапни ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳатдан мураккаблаштиради. Бундай гаплар **мураккаблашган содда гаплар** деб аталади.

Проф. Ф. Абдураҳмонов томонидан илмий адабиётларга олиб кирилган мураккаблашган содда гаплар атамаси остида содда гаплар билан қўшма гаплар оралигидаги гаплар эканлиги таъкидланди<sup>1</sup>.

Мураккаблашган гапларниң содда ва қўшма гаплардан фарқли ўзига хос ҳусусиятлари мавжуд. Улар кўйидагилардан иборат:

1. Мураккаблашган гаплар орқали биргина мақсад ифодаланмай, мураккаб фикр ўз ифодасини топади.

2. Мураккаблашган гапни ташкил этган бўлаклар гапнинг умумий мазмуни билан изоҳуаш муносабатида бўлади.

3. Мураккаблашган гапда икки хил предикатив бирлик, ҳукм бўлади. Бу предикатив бирликнинг бири асосий бўлиб, иккинчиси тўлиқ бўлмаган ҳукмидир. Асосий ҳукм гапнинг умумий мазмунидан англашилса, тўлиқ бўлмаган ҳукм гапнинг уюшиқ, ажратилган бўлаклари, ундалма ва кириш бўлаклар орқали ифодаланади.

4. Мураккаблашган гапни ташкил этган бўлаклар асосий гапнинг умумий мазмуни билан муносабатга киришади.

5. Мураккаблашган гапни ташкил қўливчи бўлаклар ўзига хос интонация билан талаффуз этилади. Бу интонация бошқа гап бўлаклари интонациясига ўхшамайди, улар гап бўлакларидан пауза билан ажралиб туради.

6. Мураккаблашган гапларда шаклий ва мазмуний мураккаблашув ва муносабат мавжуд. Мазмуний муносабатда объектив, субъектив, вокатив ва модал муносабат ўз ифодасини топади.

7. Мураккаблашган гап ўзига хос синтактик курилмалар бўлиб, шунинг учун улар содда ва қўшма гаплардан фарқланади.

#### **УЮШИҚ БЎЛАКЛАР, УЛАРНИҢ ҚЎЛЛАНИШ УСУЛЛАРИ.**

Гап таркибида бир турдаги бўлаклар бирдан ортиқ ҳолда қатор келади. Бир турдаги бўлаклар гапнинг уюшиқ бўлакларини ташкил қиласи. Бундай бўлаклар иштирок этган гап *уюшиқ бўлакли гап* саналади: Фижжак, танбур, чаңг, уд, най, даф ва ҳоказо янгради (Ойбек).

Уюшган бўлаклар бир хил сўрока жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажарғиб, тенг боғловчилар ёки санаш интонацияси ёрдамида бирикадилар.

Уюшган бўлаклар ўзаро тенглашиш, бошқа гап бўлаклари билан тобеланиш асосида синтакстик алоқага киришадилар: Сен менга ҳаводан, сувдан ҳам зарурсан, сен менинг қувончимсан, фикрим ва орзу-умидим, баҳтимсан, Пўлат! («Шарқ юлдози»).

<sup>1</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 97-бет.

Бу гапда ҳаводан, сувдан, қувончимсан, фикрим ва орзу-умидимсан, баҳтимсан тенглашиши асосида. Биринчи групса уюшган бўлаклар эса сен билан мослашув йўли билан синтактик алоқага киришган.

Уюшиқ бўлак компонентлари одатда бир хил грамматик шаклда бўлади ва бир хил синтактик вазифани бажаради. Уюшиқ бўлаклар бирор морфологик формат ёки кўмакчи билан келиши керак бўлса, улар баъзан ҳар бир компонентга алоҳида-алоҳида кўшилади, баъзан эса энг охири компонентта кўшилади: Одамлар қорда ҳам, бўронда ҳам айни фидокорлик билан ишлар эдилар (Ойбек). Ака билан укани бир-биридан жудо киласан (С.Аҳмад).

Уюшиқ бўлаклар ифодаланган нарса-предметларга алоҳида диққат килгандা, ҳар бир компоненти грамматик формант олади. Бўндай вақтда ҳар бир компонент мантиқий ургули бўлиб, кучли таъкид билан айтилади: На отасини, на акасини танийди («Шарқ юлдузи»).

Грамматик шаклнинг уюшиқ бўлакларининг ҳар бирига ёки фақат охиргиси кўшилиши боғловчиларнинг турига, уларнинг қўлланиш хусусиятига ҳам боғлиқдир: Ибодулло айвонга чиққач, Бўронбек билан Ўтапнинг йўлини тўсди (Ҳ.Фулом).

Грамматик шаклнинг уюшиқ бўлак компонентларининг фақат биттасига ёки ҳаммасига алоҳида-алоҳида кўшилиши кутқнинг логик-грамматик ва стилистик хусусиятлари билан белтиланади.

Хулас, бир хил синтактик қийматга эга бўлган ва улар гапнинг бошқа бўлагига тегиши бўлиб, шу бўлакка нисбатан бирдай синтактик муносабатда бўлган бирдан ортиқ гап бўлаклари уюшиқ бўлаклар саналади.

Гапнинг уюшиқ бўлакларини турли хил атамалар билан атайдилар<sup>1</sup>.

Айрим атамалар олимларнинг асарларида «уюшиқ бўлакли гаплар», «гапнинг уюшиқ бўлаклари», «мураккаб гаплар», «уюшиқ қурилмалар» атамалари ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек тилида гап уюшиқ бўлакларининг қўлланилиши тасодифий бўлмай, балки тарихан шаклланган синтактик ҳодисалардир. У ўзининг куйидаги хусусиятлари билан характерланади:

1. Уюшиқ бўлак гапда бир хил синтактик вазифани бажаради.
2. Уюшиқ бўлак компонентлари ўзаро тенг алоқада бўлади ва тенг боғловчилар ёрдамида боғланади.
3. Уюшиқ бўлак ўзи учун умумий ҳисобланган бўлак билан бир хил муносабатда бўлади.
4. Уюшиқ бўлаклар санашиб интонацияси орқали талаффуз қилинади.
5. Уюшиқ бўлаклар, одатда, бир хил сўз туркумларидан ифодаланади.

**Уюшиқ бўлакларининг маъно муносабатлари.** Уюшиқ бўлаклар гапда ўзаро тенг боғловчилар билан, пауза ва санашиб интонацияси билан

<sup>1</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз биримаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 86-бет.

алоқага киришади. Ўзаро бир-бири билан тенг борланган ўюшиқ бўлаклар ўртасида, асосан, қўйидаги маъно муносабатлари мавжуд бўлади:

1. Ююшиқ бўлаклар ўрин, жой жиҳати билан ўзаро муносабатда бўлған предмет ёки ҳодисаларни кўрсатади: У ерда жилғалар, дарёлар, ўтиб бўлмайдиган ботқоқлар, киши оёқ босмаган чангизорлар бор (А.Мухтор).

2. Ююшиқ бўлаклар пайт жиҳатидан бирлашган воқеа ҳодисаларни, предметларни ифодалайди: Кечаси соат бир яримгача ўтирдим, ётдим, ухладим (А.Қадҳор).

3. Ююшиқ бўлаклар бутуннинг бўлакларини кўрсатади: Эргага республиканизминг вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва оувол кенгашларига сайловлар куни («Халқ сўзи»).

4. Ююшиқ бўлаклар умумий жинс тушунчани ташкил қилувчи тур тушунчаларни атаб келадилар: Пастлиқда баҳор гуллари: лолалар, чучмомалар, бойчечаклар, бинафшалар қийғос очилиб ётарди (П.Турсун).

5. Ююшиқ бўлаклар бир предмет ёки ҳодисанинг турли белгиларини кўрсатиб келади. Бунда синоним ва антонимлар ҳам уюшиб келади: Қиз ёш, камтарин ва гўзал эди. Ота ўта кўнгилчан ва хушфеъл одам эди ("Шарқ юлдузи").

6. Ююшиқ бўлаклар сўзловчининг предмет ва ҳодисаларга бўлган муносабатини кўрсатувчи эмоционалликка ҳам асосланади. Бунда мантиқий жиҳатдан ҳар хил бўлган тушунча ва тасавурларни билдирувчи сўзлар ҳам уюшиб келишлари ва бир ҳодисани гавдалантиришлари мумкин: Расуљоннинг қўшиғи ҳаётдай ширин, муҳаббатдай кучли эди («Шарқ юлдузи»).

**Уюшиқ бўлакларниң тузилишига кўра кўринишлари.** Уюшиқ бўлаклар тузилишига кўра йиғиқ ва ёйиқ бўлади. Ўзларига қарашли бўлаклари бўлмаган, ёлғиз уюшиқ бўлаклар йиғиқ уюшиқ бўлаклар саналади: Ҳафталар, ойлар, йиллар ўтди (М.Охундов).

Уюшиқ бўлакларниң бир нечтаси ёки ҳаммаси ўзларига қарашли бир ёки бир неча изоҳловчи сўзлар билан келишлари мумкин. Бундай бўлаклар ёйиқ уюшиқ бўлаклар дейилади: Паст девор орқасидан жўжаларнинг чийиллари, товуқларнинг куркираши эштилди (И.Рахим).

Йиғиқ ва ёйиқ уюшиқ бўлаклар ўз характеристига кўра, очиқ ва ёпиқ ҳолатда бўлиши мумкин.

Уюшиқ аъзоларнинг сони чекланмаган бўлса, уни янги уюшиқ бўлаклар ҳисобига кенгайтириш мумкин бўлса, очиқ уюшиқ бўлаклар саналади: Уйдаги жиҳозлар, стол-стуллар, диван, кресло-ҳаммаси дид билан жойлаштирилган ("Ўзбекистон овози"). Бу мисолимиздаги уюшиқ бўлаклар таркибини яна давом эттириш мумкин.

Ёйиқ уюшиқ бўлаклар гуруҳида аъзоларнинг сони чекланган бўлиб, бундай уюшиқ бўлакларга янги таркибларни киритиб бўлмайди: Сувсар жуда яхши сузади ва шўнгийди («Шарқ юлдузи»).

Гапнинг ҳар қандай бўллаги уюшиб келганда, улар очик ва ёпик ҳолатда бўлиши мумкин.

**Уюшиқ бўлакларнинг ўзаро боғланниши.** Гапнинг уюшиқ бўлаклари санаши интонацияси ва тенг боғловчилар воситасида боғланади.

Санаши интонацияси уюшиқ бўлакларнинг ҳар қандай турида ҳам иштирок этади, чунки у уюшиқ бўлакларнинг доимий хусусиятидир: Абдукарим ака, Ўтап, Мавлон ака, Содик, темиричи қишлоқнинг турли томонларига йўл олишди (Х.Фулом). Ботиралининг аниқ ва содда сўзлари хонадагиларнинг қалбига ўт ёқди (Х.Фулом).

Ифодаланган грамматик муносабатларга кўра, тенг боғловчилар тўрт группага бўлинади:

1. Бириктирув боғловчилари (**ва**, **ҳам**, **ҳамда**) ёрдамида ва боғловчи вазифасида келган кўмакчиси -у, -ю, -да юкламалари ёрдамида мазмун жиҳатдан уйғун, бир хил синтактик муносабат ифодаловчи уюшиқ бўлаклар боғланади: Абай мурдадек оқариб, газаб ҳам озордан, ачиниш ҳам қайғудан қалтираб кетди (М.Авезов). Абдурасул билан Холмурод бир оз китоб варакладилар (П.Турсун).

2. Зидлов боғловчилари (**аммо**, **лекин**, **бироқ**, **балки**) уюшиқ бўлаклар орасидаги зид муносабатни кўрсатади: Бутун кучимни икки кўзимга йиғдимда унинг бевафо, бироқ ғамгин, шўх, лекин маъюс кўзларига тикилдим (F.Фулом).

Зидлов боғловчилари вазифасида баъзан -у, -ю юкламалари ҳам келади: Ефим Данилович худди гапирадиган бир қиёфада туриб, халқка қаради-ю, гапирамади (А.Мухтор).

3. Айирув боғловчилари ёрдамида: ё, ёки, ёхуд, дам, гоҳо, гоҳ, баъзан, бир, ҳали. Айирув боғловчиларидан дам, гоҳ, гоҳо, баъзан, бир ҳамма вақт уюшиқ бўлаклар олдидан такрорланиб келади ва уюшиқ бўлакларда ифодаланган ҳодисаларнинг галма-гал юз беришини кўрсатади: Гулнор кўзларини дам очиб, дам юмиб, уйкуга қаршилик кўрсатади (Ойбек). Йўлчи гоҳ бунга шубҳаланади, гоҳ ишонади (Ойбек).

Ё, ёки, ёхуд айирув боғловчилари уюшган бўлакларнинг бирини иккинчисидан ажратиб кўрсатиш йўли билан боғлайди: Айтидан, хуржунда ё қатлама, ё ёнғоқ ёки ҳолва бўлиши керак (М.Хусайн). Овқат пули ё тегар, ё тегмас эди (С.Айний).

4. Инкор боғловчиси (**на**, **на**) ёрдамида гап бўлаклари уюшиб келади ва шу бўлаклар орқали англашилган воқеликнинг бўлишсизлигини англатади: Бу ерда на гурбат, на оғат, на ғам. Бунда бор: ҳарорат, муҳаббат, шафқат (F.Фулом).

Гап бўлакларини уюштириб келган боғловчиларнинг табиати икки хил: бириктирув, зидлов боғловчилари такрорланмайди, айирув, инкор боғловчилари такрорланиб келади.

Гапнинг ҳамма бўлаклари уюшиб келиши мумкин.

**Уюшиқ эгалар.** Уюшиқ эгалар грамматик томондан ўзаро тенг бўлиб, бошқа бўлакларни - аниқловчи ва кесимни эргаштиради: Ўзининг кечмиш болалиги, қишлоғи, ўртоқлари ёдига тушади (Ойбек). Бу гапда учта эга уюшиб келган бўлиб, уларнинг ҳаммаси «ўзининг» аниқловчисини ва «ёдига тушади» кесимини эргаштиради. Лекин «кечмиш аниқловчисини ҳаммаси баравар эргаштирмайди, уни факат «болалиги» згаси эргаштиради.

Уюшиқ эгалар от ва олмош орқали ифодаланиши билан бирга, отлашган сифат, сифатдош, сон, феъы билан ҳам ифодаланади:

1. Уюшиқ эгалар отлашган сифатлар билан ифодаланади: Ҳар бир виждонсиз, ҳар бир ифлос, ҳар бир муттаҳам, ҳар бир йиртқич унинг сатира қиличига дуч келди (F.Гулом).

2. Сифатдошлар билан ифодаланади: Бу воқеани кўзи билан кўрганлар, кўлук билан эшитганлар гапириди (Х.Гулом).

3. Уюшиқ эгалар отлашган феъллар билан ифодаланади: Тинчликсевар мамлакатлар билан олди берди, борди-келдимиз кун сайин кучаймоқда («Ўзбекистон овози»).

4. Уюшиқ эгалар ундов ва тақлидий сўзлар билан ифодаланади: Додвой, оҳ-үф борган сари кучаймоқда (С.Айний).

**Уюшиқ кесимлар.** Уюшиқ кесимлар грамматик томондан ўзаро тенг бўлиб, умумий эзага эргашадилар ва иккинчи даражали бўлакларни эргаштиради. Уюшиқ кесимлар ифодаланиш материалига қўра икки хил бўлади:

1. Уюшиқ феъл-кесимлар: У нортуюнинг терисини шилиб олди, гўштини нимталади, тузлади, қопларга жойлади (Х.Гулом).

Уюшиқ феъл-кесимларнинг ҳосил бўлишида феъл замонлари муҳим роль ўйнайди<sup>1</sup>. Уюшиқ феъл-кесимлар феъл замони шаклларининг барчаси билан ифодаланади: Раҳимдод қаттиқ кўрқди ва бирдан чириллаб юборди (С.Айний).

2. Уюшиқ от-кесимлар: Бой – пишиқ, мугомбир одам (Ойбек).

Уюшиқ от-кесимларнинг етакчи қисми ўз лексик маъносини тўлиқ саклаган от, олмош, ҳаракат номи, сон, сифат билан ифодаланади: Бу – ажойиб интилиш ижодга иштиёқ, янгиликлар қидириш! (А.Мухтор). Режа етмиш, ё саксон (Ойбек).

**Уюшиқ иккинчи даражали бўлаклар.** Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳоллар) уюшиб келади.

1. Грамматики шакли ёа вазифаси жиҳатдан тўлдирувчи бўлиб, маълум воситалар ёрдамида ўзаро тенг алоқага киришган ва гапнинг бирор бўлрагига боғланиб, асосан бир турдаги суроққа жавоб бўлган бир типдаги бўлаклар уюшган тўлдирувчилар саналади: Ботирали улар учун, ҳалқ учун, озодлик учун жонини фидо қилганини билиб қўйишсин (Х.Гулом).

<sup>1</sup> Сулаймонов А.Х. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ўтган замон феъли категориялари. Кандидатлик диссертация. Самарқанд, 1949, 39-бет.

2. Бир хил маъно муносабатини ифодаловчи бир неча ҳоллар гапнинг битта бўлагига боғланади ҳамда ўзаро тенг алоқага киришади, шундай бўлаклар *уюшган ҳоллар* саналади: Андижонда, Марғилонда, Кўқонда анча саргардорон бўлиб юрди. (М.Исмоилий).

3. Одатда бир предмет бир ёки бир неча белгига эга бўлиши мумкин. Аниқловчи ва аниқланмишнинг ўзаро муносабатида икки хил синтаксик алоқа бўлиши мумкин: аниқловчилар ўзаро тенг муносабатга киришди, аниқланмишга нисбатан бир хил вазифада, тўғридан-тўғри алоқада бўлади. Шу муносабатга кўра, аниқловчилар *уюшган* ва *уюшмаган* бўладилар.

Бир неча аниқловчилар маълум бир аниқланмиш-отга боғланиб, *уюшмай* келиши мумкин. *уюшмаган* аниқловчилар кўйидаги хусусиятга эга:

1. *уюшмаган* аниқловчилар предметни турли томондан аниқлаб келади ва уларнинг мазмуни турли гурухлар (ранг, шакл, материал, вақт)га оид аниқловчилар бўлади: Кечаги қора булутлар тарқалиб, осмоннинг юлдузлари чараклашиб туради (Б.Кербоев).

2. *уюшмаган* аниқловчилардан бири аниқловчи сўз бирикмаси билан бевосита боғланиб, у билан бирга битта сўз бирикмаси ҳосил қиласди, бошқаси эса бутунлай ана шу сўз бирикмасига тааллуқли бўлади<sup>1</sup>: Бошида кўк афғоний шойи салла (С. Айний). Бу гапда «Афғоний» ва «шойи» сўзлари *уюшмаган* аниқловчилар саналади, чунки «кўя» сўзи бутун сўз бирикмаси бўлган «кўк салла» ни аниқлайди, гапда у билан бирга интонацион бирликни ҳосил қиласди. *уюшмаган* аниқловчиларнинг аниқланмиш билан бўлган муносабатида пауза ёрдами билан турлича маъно оттенкаларини белгилаш мумкин. Паузанинг ўрни ёки кўчишига қараб, гап турли мазмунни англатади: Момо Чатма белига қора гулли белбоғини айлантириб боғлади. (Б.Кербоев). Гапдаги қора гулли белбоғ бирикмасини икки хил пауза билан айтиш мумкин: 1) қора гулли (пауза) белбоғ-белбоғнинг гулигина қора; 2) қора (пауза) гулли белбоғ-белбоғнинг ўзи қора, гули бошқа рангdir.

*уюшган* аниқловчиларнинг ўз аниқланмишлари билан боғланиши бутунлай бошқача характеристадир. *уюшган* аниқловчилар битта предметнинг ҳар хил белгиларини кўрсатиб, уни бир томондан аниқлайди: Мунаққаш деворларнинг олтин, кумуш, кўк, қизил, оқ, пушти, сариқ қора гуллари юлдузлардек яшиаб, уйга бир хил ҳаётйлик берар эди (А.Ходирий).

*уюшган* аниқловчиларнинг аниқланмишлар билан маъно муносабатлари турлича бўлади. Бу нарса *уюшган* аниқловчиларнинг ифодаланган материалига боғликдир:

1. Қаратқичли аниқловчилар *уюшади*. Улар белгили ва белгисиз бўлиши мумкин: Ўн мингларча ҳалқнинг, машиналарнинг сурони билан тўла курилишда ҳаёт қайнар эди (Ойбек). Дангиллама клуб ва чойхона бинолари шу кунларда алоҳида безатилган (Р.Файзий).

<sup>1</sup> Фулом Аюб. Ўзбек тилида аниқловчилар. Тошкент, 1941, 56-57-бетлар.

2. Сифатловчи аниқловчилар уюшади: Тўғонбек иягидаги қизғин, сийрак, дағал соқолини қашиб, сукут этди (Ойбек).

3.Миқдорий белгина ифодалаб санаш йўли билан уюшган аниқловчилар: Ҳаммолчиликнинг ўнингчи, ўн биринчи куни бир мўйсафида килип кашпоидан буғдой кўтарди (Ойбек).

4. Аниқловчилар кўрсатиш йўли билан уюшади: У шоликорларнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида кўнқайиб турган қамиш томларни кўрди (Х.Фулом).

*Уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи сўз.* Уюшиқ бўлакларда ифодаланувчи тушунчаларни ўзида бирлаштирувчи, бир умумий ном билан атовчи бўлак умумлаштирувчи сўз деб аталади. Умумлаштирувчи сўз жинс тушунчасини, уюшиқ бўлаклар тур тушунчасини ифодалайди. Синтаксисда жинс ва тур тушунчаси факат предметларга нисбатан эмас, балки иш-ҳаракат ва белгиларга нисбатан ҳам кўлланилади. Шунга кўра гапда эга ва тўлдирувчиларгина эмас, балки гапнинг ҳар қандай бўлаги: кесимлар, аниқловчилар, ҳоллар ҳам умумлаштирилиши мумкин.

Уюшиқ бўлаклар қандай гап бўлаги бўлсалар, уларни якунловчи умумлаштирувчи сўз ҳам шу гап бўлаги бўлиб ҳисобланади: Элмуроднинг дўстлари – Эргаш, Жўра ва Омонбой ҳам бирин-кетин таътилдан қайтилди (П.Турсун). Баъзан Семёни, Мадали акани, ўсмир Васяткани – ҳаммасини кўз олдимга келтираман (А.Мухтор). Бу мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан олдин ҳам, кейин ҳам келади.

Умумлаштирувчи сўзлар кўпинча ҳамма, ҳамма нарса, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳамма вақт, ҳеч қачон, ҳамма жойда, ҳеч қаерда каби сўзлар ва отлар билан ифодаланади: Бофнинг турли жойларида ҳар хил мевали даражатлар: нок, ўрик, жийда ва ҳоказо анчагина (Ойбек). Қуёш, ҳаво, сув - ҳаммаси бизнинг энг қадрли дўстимиз (Ойбек).

Умумлаштирувчи сўзлар тақрор кўлланилади, бунда маъно кучайтирилади: Ўша вақтларда ҳам қайнаб чиққан сувнинг жилдираб оқиши, япроқларнинг шивирлаши, булоқ остидаги тошларнинг қўмирлаши – ҳаммаси, ҳаммаси дилга ором беради (Ойбек).

Бир гап таркибида иккита умумлаштирувчи сўз келади. Улардан бири уюшиқ бўлаклардан олдин, иккинчиси кейин келади: Ҳўжаликдаги бу йилги ишлар – гўза парвариши, янги участкани ўзлаштириб, пахта экиш, уй-жой бинолари, гидростанция курилиши – буларнинг ҳаммаси мөҳнат талаб қиласи (Р.Файзий).

Умумлаштирувчи сўз билан уюшиқ бўлаклар орасида кириш сўзлар ҳамда бирикмалар келиши мумкин: Корхоналарда, қурилишларда, кўчаларда, квартиralарда, хуллас, ҳамма ерда олий кенгашнинг навбатдаги мажлиси ҳақида гап бормоқда («Ўзбекистон овози»).

**Уюшиқ бўлакларда тинни белгилари.** Куйидаги ҳолатларда уюшиқ бўлакларда вергул ишлатилади:

1. Уюшиқ бўлаклар санаш интонацияси билан бириккандা: Самарқандли, боғдодли, мисрли ва хитойли ҳамма саёҳларга бу шаҳар манзур бўлади (Ойбек).
2. Уюшиқ бўлаклар зидлов боғловчилари ёрдамида бириккандা: Кетма-кет чақалоқнинг йўғон, лекин бўғиқ инга-ингаси эшитилади (С.Зуннунова).
3. Уюшиқ бўлаклар такрорланувчи боғловчилар ёрдамида бириккандা: Оқшомга яқин тўр кўтаргандা гоҳ, хазин, гоҳ, ҳаяжонли бу хаёллар унитилди (А.Мухтор).

Куйидаги ҳолатларда уюшиқ бўлакларда икки нуқта ва тире ишлатилади.

1. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан сўнг келса, уюшиқ бўлаклардан кейин тире қўйилади: Бу уйда на Аширдан, на Сахат чўлоқдан – ҳеч кимдан дарак йўқ (Б.Кербобоев).
2. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан аввал келганда, уюшиқ бўлаклардан олдин икки нуқта қўйилади: Фарғона водийсининг ўзида: Намангандга ҳам, Кўқонда ҳам, Андижонда ҳам мастеровойлар бош кўтаришшагити (М.Исмоилий).

#### ***Адабиётлар:***

Абдурахмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X. Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1979, 87-93-бетлар.

Ашупрова Д., Убаева Ф., Болтабоева Х. Гапнинг уюшган ва ажрагилган бўлаклари. Тошкент, 1962, 3-109-бетлар.

Давлетов М. Структурные типы простого осложненного предложения в современном каракалпакском языке. АДД. Нукус, 1989.

Мухамедова Д. Структурные особенности однородных синтаксических единиц в современном узбекском литературном языке. АКД. Ташкент, 1977.

Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Фан. 1976. 163-178-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз биримаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 84-95-бетлар.

Фуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965. 145-154-бетлар.

Фуломов А. Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 139-147-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Фан. 1966, 194-бет.

Эгамов В. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1988, 67-75-бетлар.

## АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

*Режа:*

1. Ажратилган бўлаклар ва уларнинг ажратилишидаги синтаксик ҳолатлар.
2. Ажратилган бош бўлаклар.
3. Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар.
4. Ажратилган бўлакли гапларда тиниш белгилари.

Интонацион ҳамда фикран ажратилиб, гапда маълум мустақилликка эга бўлган бўлаклар *ажратилган бўлаклар* саналади.

Ажратилган бўлаклар нутқда бирор бўлакни ажратиб, бўрттириб кўрсатиш учун хизмат қилиб, тингловчи диққатини шу бўлакка жалб қўлади. Бундай бўлаклар оғзаки нутқда алоҳида интонация билан айтилиб, муҳим стилистик восита ҳисобланадилар.

Интонация гап бўлакларини ажратувчи грамматик воситадир: ажратилган бўлаклар олдидан оҳанг кўтарилади. Ажратилган бўлаклар одатда пауза билан ажратилиб, логик ургу оладилар: Кўкли, дараҳтлар устида, гуж-гуж юлдузлар ёнади (Ойбек).

Гап бўлаклариниг ажратилиши турли синтаксик ҳолат билан боғлиқ. Буларнинг энг муҳимлари куйидагилар:

1) изоҳлаш зарурияти гап бўлакларини ажратиш учун шароит яратади: У ерда, оломон орасида, бир неча сувори отлардан тушаётган эди («Шарқ юлдузи»). Бу гапда изоҳ маъносида ажратилган ҳоллар келаяпти. Изоҳлангаётган бўлак қайси гап бўлаги бўлса, ажратилган бўлак ҳам ўша гап бўлаги бўлади.

2) инверсия сифатловчи ва изоҳловчиларнинг ажратилиши учун имконият яратади: Гуломов, яланг бош, мажнун толлар тагида айланаб юради (И.Рахим). Собир Раҳимов, биринчи ўзбек генерали, ўчмас ном қолдири (Яшин).

3) гап бўлакларининг ёйик ҳолда келиши. Бунда равишдош, сифатдош, -дай, -дем аффикслари билан ясалган равиш ўзига оид сўзлар билан кенгайиб, ажратилган бўлак ҳосил қиласидилар: Тракторчилар, бўрон билан ўчакишгандай, тун бўйи ер ҳайдадилар (Р.Файзий).

4) гап бўлакларининг кўмакчилар билан келиши уларни ажратиш учун шароит яратади. Бунда қурилма кўпингча ёйик ҳолда бўлади: Унсин учунбечора қиз учун-бу қандай фалокат, бу қандай мудхиши мотам! (Ойбек).

Ажратилган бўлаклар турли ўрамлар (равишдош, сифатдош) шаклида ҳам бўлиши мумкин: Мусафро осмондаги юлдузлар сингари беҳисоб злектр лампочкалари кечани кундуздек ёритиб турибди («Ўзбекистон овози»).

Демак, ажратилган бўлаклар, оддий гап бўлаги шаклида келгани каби турли ўрамлар тарзида ҳам бўлади.

Ажратилган бўлаклар, қайси гап бўлагига тегишилигига қараб, бир неча хил бўладилар: Ажратилган эгалар, ажратилган кесимлар, ажратилган

аниқловчилар, ажратилған изохловчилар, ажратилған тұлдирувчилар, ажратилған ҳолшар.

Ажратилған бөш бүлаклар үзидан олдин келған эга ёки кесимни изохдағылдар:

1. Ажратилғая әгапар: Ҳаммә, ұтто күрган одамлар ҳам, клубни яна күршилға шынылар зди (А.Қадыр). Кейинчалик биз, ақа-ука ىккөнимиз, техникаге берілдік (П.Кодашев).

2. Ажратилған кесимнәр: Менниң туғилған йилим-шү - бир минг түккіз юз үттің еттіңчи йыл! («Үзбекистон овози»).

Міннегінчи даражалы бүлактарнинг ажратилиши изохлаш, инверсия, гап бүлакларининг көнтгайиб келеші билан боғлиқ,

**Ажратилған аниқловчилар.** Ажратилған аниқловчилар иккі хил: ажратилған сифатловчи, ажратилған қаратувчи.

Сифатловчиларнинг ажратилиши инверсия қодасаси билан боғлиқ бўлиб, белгі таъкидлаб, бўрттириб ифода қилганда, у ўз сифатланмишидан кейин көктирилади:

Хеп қоитмай күп түккебди Кўкан-девкор,  
Үйтамабди шұяға іле күмга даркор (F.Фулом).

Бирин ақс этади гулларда.

Бироч опим – ёқимни, хүни феъл (Х.Нўйат).

Ажратилған сифатловчилар, өздә, биратемде ёке уюшган ҳолда келади: Кўнғоров дўнг пенона, қирра бурун, кўкравдер, полвон таҳлит йигитча – кичкина суман газетасига кўз тикиб ўтиради (Д.Рахим).

Ажратилған қаратувчи үзидан олдин келған бошқа бир қаратувчини изохлайды ва конкретланиради: Онаси ҳам боласининг, баҳти қора жиғарғышасынан, кўзларнан ту зору муштоқлик оловини кўрди (М.Исмоилий).

Изохюячиларнинг ажратилиши инверсия қодасаси билан боғлиқ: касб, ҳунар, амал, унвон кабиларни ифода қызувақ изохловчилар ўз изохланмишидан кейин келтирилади: Денисов–дехқонлар орасыда кўп юрган собиқ, ирригатор–садда, одамшаванда, лекин тағаббучан, ҳақиқатчи зди (Оғбис).

Ажратилған изохловчилар кўпинча әгага таалтуки бўлади. Ажратилған изохловчи билан изохланмиш ўртасыда яъни, масалан, айникса, шу жумладан каба ўзар келади:

Агар бошланса тўй, қимлоқ мироби чиқмасин ёддан;

Режа тўлганда, яъни қимлоқ базми чогида (С.Абдулла).

**Ажратилған тўлдирувчилар.** Тўлдирувчилар үзидан олдин келған тўлдирувчининг маъносини изохлади, унга аниқлик кирилади, бошқа турдаги ажратилған бўлаклар каби, үзига хос интонациясига эга бўлади. Воситасиз ва воситали тўлдирувчига ажратилади. Бунда воситасиз ва воситали тўлдирувчилар ўзларидан олдин келған шу типдаги тўлдирувчиларни изохлади: Халқ мулканинг катта парчасини, етти юз

гектар олтин тупроқни, неча йиллардан бери қамиш, шүр босиб ётибди (Х.Ғулом). Бектемирга, собиқ содда чұпонға, командирнинг фикри ғоят ёқди (Ойбек).

Ейік ҳолда келган күмакчилік конструкциялар билан ифодаланған тұлдирувчилар ажратилади. Кирилма таркибіда иекониятларға қараганда, ташқары, күра үстігі, сингары каби күмекчилар келади: Ҳозирги мұваффақияттарымиз, хұжаликта яшириңған імкониятларға қараганда, ҳамир учидан патир бўлиб кўринади (Ойбек). Бу ер, илм, санъат ўчғи бўлишидан ташқары, мамлакатдаги энг гўзат шаҳарлардан бири эди (Ойбек).

**Ажратилған ҳоллар.** Ажратилған ҳоллар ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносини изохладайди. Ажратилған ҳолнинг сүроғи, вазифаси изохлаёттган ҳолнинг сүроғи ва вазифасига тенбі бўлади. Ажратилған ҳоллардан пайт ва ўрин ҳоллари кўп ишлатила, и: Бугун, дарсдан кейин, мактабда ота-оналар йигилиши чақирилған эд. (С.Зуннунова). Аҳмедов диванга, Бўтабойнинг ёнига, ўтири (А.Қаҳҳор).

Ейік ҳолда келган күмакчилік кирилмалар йилан ифодаланған ҳоллар ажратилади. Кирилма таркибіда сингары, каби ҳолда, туфайли, яраша, бўйича каби күмакчилар бўлади: Навоий, бир қўни кўксига кўйған ҳолда, бошини қамтар, енгил қўмирлатиш билан ҳал ишнинг табригига самимий жавоб бериб борди (Ойбек). Булокнинг сұйи подшо ва амалдорлар замонидаги мазлумларнинг кўзларидан оқсан ён кўни, тинмай томиб турарди (Х.Ғулом).

Ажратилған ҳоллар -дай, -дек аффиксар билан ясалған равишилар билан ифодаланади ва улар ўхшатиш ўрами шаклида кенгайиб келиб ажратилади: Онахон, ҳозиргина югуриб келган о амдай, тез-тез нафас олар эди (А.Мухтор).

Равишишлар ўзига оид сўзлар билан енгайиб келади ва улар равишиш ўрами юритилади. Равишиш ўрамлар да да, ажратилған бўлади: Ботир, меҳмонлар билан саломлашиб, айвон тўр дати уйга ўтди (С.Назар). Эрназар ака, пахтадан кўнглини узолмай, санатор йдиди ҳам вақтидан илгари қайтди (И.Рахим).

Равишиш ўрамлар ўзининг алоҳида субъект бўлагига эга бўлмаслигига кўра иккى турга ажратилади:

1. Ўзининг алоҳида субъект бўлагига та бўлмаган равишиш ўрамлардаги иккинчи даражали предикация айни ўрамларни гапга айлантиримайди. Бундай равишиш ўрамлар бутинисича муайян мазмунни ифодалаб, гапла асосан, ҳол вазифасини бажаради: Ҳисобчи ҳам кафтига йўтала-йўтала... останага чиқди (Ў.Усмонов). Шерзод мажлисдан чиқиб, тўппа-тўғри «Тошкент» ресторанига кирди (Ў.Ҳошимов). Ака-ука яхшилаб ювениб бўлгач... дастурхонга келиши (С.Аҳмад).

2. Ўзининг алоҳида субъект бўлагига эга бўлмаган равишиш ўрамлар эргаш гаплар сифатида баҳоланади.

Сифатдош ўрамлар билан мураккаблашган содда гаплар: Табиат сехри зилтган Кўлдошли сёқ тагларига қаради (Й.Сулаймон).

Ҳаракат номили тизимлар билан мураккаблашган содда гаплар: Қодиронинг мағурланиши Ойқизга ёқмасди (Ш. Рашидов).

**Ажратилган бўлакларда тиниш белгилари.** Ажратилган бўлак гапнинг бошида келса, ундан сўнг, охирида келса, ундан олдин, гапнинг ичидаги келса, ҳар икки томондан вергул билан ажратилади: Кўм-кўк баргларга бурканган дараҳтларни тебратиб, салқин шабада эсади (С.Назар). Сиз энди ерга хўжайин бўласиз, ширкатга, катта хўжаликка, хўжайин бўласиз (А.Қаҳдор). «Дунёнинг ишлари хўп қузик-да», -деди Зебихон, ўзи-ўзига гапиргандай (С.Зуннунова).

Кўйидаги ҳолатларда ажратилган бўлаклар тире билан ажратилади:

1) ажратилган бўлакларни тарзиби кенг бўлса ёки унинг ичидаги вергули бўлса: Кейин у ятона ўғли-, ёш гап боги, суюнган тоғи-Раззоқнинг айрилиқ дардини тортиди (Х.Фулом).

2) ажратилган бўлак изоҳлани шинг маъносини очиб берса: Кураш йўлини қидирган бу ақлий йигитни-Ҳўлчини, Петров бутун революцион рух билан тарбиялайди (Ойбек).

3) ажратилган сифатловчи гап охирида келганда: Ойналарни безар киши-гулкор (Ойбек).

#### **Адаб ётлар:**

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 93-95-бетлар.

Ашуррова Д., Убаева Ф., Болтажев X. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. Тошкент, 1962, 109-178-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 115-135-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. Н. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 208-259-бетлар.

Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент: Фан, 1974, 69-78-бетлар.

Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 95-109-бетлар.

Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 154-158-бетлар.

Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 147-150-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Н. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1966, 224-284-бетлар.

## КИРИШ ВА КИРИТМА ҚУРИЛМАЛАР

Режа:

1. Кириш қурилмалар.
2. Киришларнинг гап таркибида қўлланилиши шакллари.
3. Кириш сўзларнинг семантик ва стилистик хусусиятлари.
4. Киритма қурилмалар .
5. Киритмаларнинг гап таркибида қўлланилиши шакллари.
6. Кириш ва киритма қурилмаларда тиниш белгилари.

Кириш ва киритма қурилмалар гапнинг бирор бўлаги билан синтаксик муносабатга киришмайди. Улар гапнинг айрим бўлаги ёки бутун ифодага сўзловчининг субъектив муносабатини, эмоционал туйгусини ифодалайди: Шундай қилиб, тархий шартномага қўл кўйилди (К.Яшин). Албатта, буюк қашфиётлар осоюликча туғилмайди (Ж.Абдуллахонов). Ёлқин акам бундан ҳам катттароқ бир унвонни кўзлаяпти, чамаси (П.Қодиров).

Сўз туркумидан ажралиб чиқиб, факат модал маъно ифодаловчи сўзлар (масалаң. шекилли, албатта, демак, модомики кабилар), маълум сўз туркумидан ажралиб чиқмаган кириш ва гап бўлгич вазифасида қўлланилувчи сўзлар (қисқаси, рост, айтидан, охири кабилар) кириш бўлак вазифасида келади.

**Киришларнинг гап тартибида қўлланниш шакллари:** Киришлар гап таркибида сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклига қўлланади:

**Кириш сўзлар.** Булар бир сўздан иборат бўлиб, маълум сўз туркумлари билан боғланадилар. Шунга кўра, кириш сўзлар қўйидаги типларга бўлинади:

**1. От типидаги кириш сўзлар:** чамаси, таажокуб, модомики, одатда, охири, назаримда, баҳтимизга кабилар: Лекин сарҳанг, назаримда, анча соддадил одам тўюлди менга (М.Иброҳимов).

**2. Олмош типидаги сўзлар:** менимча, сенингча, унингча, бизнингча кабилар: Менимча, у йигитга ишонса бўлади ("Ёшлик").

**3. Сиғат типидаги кириш сўзлар:** сўзсиз, тўғри, дуруст, қисқаси, табиий кабилар: Қисқаси, Комилжон унинг хоҳишини пайқамади ("Гулистан").

**4. Сон типидаги кириш сўзлар:** биринчидан, иккинчидан кабилар: Биринчидан, Зуннунова нега келибди? ("Ёшлик").

**5. Равиш типидаги кириш сўзлар:** дастлаб, охир, ниҳоят, умуман, асосан, аксинчга кабилар: Умуман, Анорхон бувисини яхши кўради ("Ёшлик").

**6. Феъл типидаги кириш сўзлар:** кечирасиз, дейман, англашиладики кабилар: Англашиладики, сиз бормоқсан эмассиз ("Шарқ юлдузи").

**Кириш бирікмалар.** Булар бирикма ҳоліда бўлиб, уларнинг тузилиши тузилиши күйидагича:

1) қаратувчилік кириш бирікмалар: унинг фикрича, бунинг устига, сенинг назарингда кабилар: Унинг фикрича, улар келмоқчи эмаслар (“Ёшлик”).

2) сифатлоғчылық кириш бирікмалар: бир томондан, шу жумладан кабилар: Бир томондан, унинг гапыга ишонса бўлади (“Ёшлик”).

3) тўлдирувчилік кириш бирікмалар: мечта деса, ҳисқасини айтсам, тўғрисини айтганда кабилар: Ҳисқасини айтсам, бу масала атрофлича ўрганилтак эмас (“Ёшлик”).

4) ҳолли кириш бирікмалар: қисқача айтганда, бошқача айтганда, очик гапирганда кабилар: Очик гапирганда, бу ишни у уддалай олмайди (“Гулистан”).

5) аникловчи ва тўлдирувчилік кириш бирікмалар: унинг сўзига қараганда, сенинг гөлинга қараганда кабилар: Унинг сўзига қараганда, бу масалалар ҳал бўлган (“Ёшлик”).

6) аникловчи ва ҳолли кириш бирікмалар: унинг очик, айтишича, унинг очик, гапиришига: Унинг очик, гапиришига қараганда, бу ишга ҳокимлар сенгил-спи қарайтилар (“Халқ сўзи”).

7) аникловчи, ҳол ва тўлдирувчилік кириш бирікмалар: унинг очик гапиришига қараганда: Унинг очик гапиришига қараганда, бу ишга ҳокимлар сенгил-спи қарайтилар (“Халқ сўзи”).

**Кириш гаплар.** Булар ҳам асосий гапда ифодаланаётган фикрга сўзловчининг муносабати ифодаланади: Ёлғиз боришга, тўғрисини айтсам, қўрқаман (Ойбек). Иброҳимов, Курбон ота айтмоқчи, гулларни ўз илмидан баҳраманд қўлди (“Шарқ юлдузи”).

**Кириш сўзларнинг семантик ва стилистик ҳусусиятлари.** Кириш курилмалар күйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Сўзловчининг айтилаётган фикрга бўлган муносабатини билдиради. Бунга алтта, эҳтимол, балки, шубҳасиз, дарҳақиқат, баҳтимизги, афсус, эсиз, сўзиз, шекилини толеимизга, кошки, баҳтга ҳарғини мұкаррар. ажаб, тўғрисини айтганда, очик айтганда кабилар киради. Булар кўйидаги маъноларни англагади:

а) ишонч ёки тасдиқли (албатта, шубҳасиз, сўзиз, ҳақиқат, дарҳақиқат, мұқарап каби): Ҳақиқатан бу йил машинада иски юз эллик тонна теришга вайда бергаымиз (П.Кодироев). Дарҳақиқат, бугунги сайд умрбод эсда қоладиган бўлди (Ж.Абдуллахов).

б) гумонни (эҳтимол, балки, чамаси, шекилини, афтидан): Эҳтимол, орамиздан эски қариндошлар чекиб қолар (И.Рахим). Тележкалар пахтани ташиб ултурмаяпти, шекилини (Г.Қодиров).

в) шодлик, мамнунликни (бахтимизга, толенмизга, хайрият, шукур): Бахтимизга, ўртоқ Давронов учраб қолиб, бизни бу ерга эргаштириб келди (П.Турсун). Хайрият, бутун ҳаво очиқ бўлди (“Ўзбекистон овози”).

г) афсус, ачиниш, таажокубни (афсус, эссиж, наҳотки, бахтга қарши, ажабки): Афсуски, ҳикоя охирида Ўқтамнинг ўша йили ўлганини айтиб ўтмоғим лозим (“Шарқ юлдузи”). Эҳ, аттанг, шунча меҳнат қилсанг-у, меҳнатнинг кўкка совурилса (“Ўзбекистон овози ”).

д) орзу-умидни (кошки, шояд, кошкйди): Кошки, акаси Йўлчи бўлса эди (Ойбек).

2.Айтилаётган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодалайди, Бунга менимча, фикримча, маълум бўлишича, унинг сўзига қараганда, унинг қайд қилишича, сенингчча, назаримда, сенинг гапининг қараганда кабилар киради: Эрназар аканинг айтишича, бу йил саратон жуда иссиқ бошлианди (“Шарқ юлдузи”). Назаримда, ошхона ишларини Дилзодаҳоннинг онаси қилас экан (П.Қодиров). Ўқитувчимизнинг гапига қараганда, бу йил куз яхши келади (“Шарқ юлдузи”).

3.Айтилаётган фикрнинг тартибини ифодалайди. Бунга биринчидан, иккинчидан, аввало, ниҳоят, охири кабилар киради: Ниҳоят чўлнинг қоқ, ўртасида учрашди (С.Назар). Ҳаммамиз, биринчидан, мустақил яшаш ва ишлашни ўрганайлик, иккинчидан, ўзимизда юксак маънавий хислатлар вужудга келтирайлик, учинчидан, истиқлолининг онгли ва ҳормас курувчилари бўлайлик (“Ўзбекистон овози”).

4.Айтилаётган фикрнинг олдинги фикр билан алоқасини ифодалайди, Бунга демак, хуяллас, хулоса қилиб айтганда, англашиладики, шундай қилиб, барибир, бинобарин, кўринадики, очиқ қилиб айтганда, қисқаси, бир сўз билан айтганда кабилар киради: Хуяллас, кўшиқ яна авжга минди (Яшин). Барибир, сув ҳам, газ ҳам ҳамма уйларга битта трассадан боради (П.Қодиров).

5.Айтилаётган фикрнинг одатда рўй берувчи ҳодиса эканлигини ифодалайди. Бунга одатда, одат бўйича, одатга кўра кабилар киради: Одат бўйича, шовқин солиш, атрофдагиларни безовта қилиш, асабига тегиш ман қилинади (“Шарқ юлдузи”).

Кириш қурилмалар гап бошида, ўртасида, охирида келади. Бу уларнинг маъно ва вазифасига боғлиқ.

Кириш қурилмаларнинг баъзилари (демак, ҳақиқатан, дарҳақиқат, бахтимизга, тўғри кабилар) кўпроқ гап бошида, баъзилари (шакилли) гап охирида, кўпинча эса ўртасида келади. Кириш қурилмалар гапда баъзан бирдан ортиқ, келиши ҳам мумкин: Шундай қилиб, Маҳмуд, сенинг фикрингчча, халифанинг Хоразмшоҳга алоҳида илтифот қилиб қолиши замирида бирор гараз йўқми?- савол берди Беруний (О.Ёкубов).

*Киритма қурилмалар.* Киритма қурилмалар гап мазмунига ёки унинг айrim бўлаклари маъносига оид кўшимчча изоҳ, маълумотлар беради. Булар

гап таркибиға нұтқ жараённан кириллица, гап билан логик-семантик жиҳатдан мұносабатта киришадилар.

Кирилма курилмалар интонацион жиҳатдан мустақилликка эга бўладилар. Улар бирор сўроққа жавоб бўлмайдилар, семантик вазифа бажармайдилар, гап бўлаги ёки кўшма гапларнинг компоненти бўлиб хисобланмайдилар.

Кирилма курилмалар тушунилиши қийин ёки тушунилмайдиган сўзлар (диалектизм, профессионализм, термин, жаргонизм, архаизм, историзм кабилар) мъносини, айрим лексик бирликларнинг талаффузи ва этиологиясини изоҳлаш, сўловчининг субъектив-эмоционал мұносабатини ифодалаш, хабар манбанин кўрсатиш, кўшимча мълумотлар бериш учун хизмат қиласи: Бошидаги қалампир нусха дўпписи ҳам (на чуст нусхага ўхшайди, на марғилон нусхага) янги (Х.Фулом). Енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақада Назира Эрматова (Тошкентдан), Вали Назаров (Бухородан), Вера Иванова (Самарқанддан) голиб чиқдилар (“Ўзбекистон овози”).

Кирилма курилмаларнинг гап таркибида кўлланиш шакллари уч типга бўлинади: кирилма сўз, кирилма бирикмалар, кирилма гаплар.

Кирилма сўз айрим сўз шаклида бўлади: Устози (Воҳидов) ўз шогирдларининг қобилиятли йигит эканлигини мақтар эди (“Шарқ юлдузи”).

Кирилма бирикмалар сўз бирикмаси шаклида бўлади: У (сафардан қайтган киши)... жуда майда одатий воқеаларни ҳам қолдирмай сўзлар эди (F.Фулом).

Кирилма гаплар гап шаклида бўлади: Шу пайт думи калта чавкар от минганд қора соқолли кекса бир бек (юзи аёлларники сингари туксиз бўлганидан, жангчилар ўзаро уни кўса деб аташарди) Хусайннинг ёнига ютуриб келди (“Шарқ юлдузи”).

Кирилма курилмалар гапнинг барча типлари таркибида келиши мумкин. Баъзан бир гап (кўпроқ мураккаблашган гаплар) таркибида бир неча бўлиши ҳам мумкин: Мехмонхонага жойлашиб, соқол-мўйловларини олиб (Очил шўх ҳаракат билан юзини силади), кейин тарғиботчи сифатида (у кўкрагини керди) салобат билан кириб борди (П.Қодиров).

**Кириш ва кирилма курилмаларда тиниш белгилари.** Улар куйидаги ҳолатларда келади:

1.Кирилма курилмалар гап бошида келса, ундан кейин, гап охирида келса, ундан олдин, гап ичиде келса, ҳар икки томонидан вергул кўйилади: Ниҳоят, Султонмурод Ҳирот воқеалари ҳақида гапиришини сўради (Ойбек). Янгиллик қаршилик қилиш ярамайди, албатта (С.Назар). Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали паҳтакор (А.Қаҳҳор).

2.Кирилма курилмалар, одатда, қавсга олинади ва тире билан ажратилади: Ўша кун эдими ёки бошқа бир кун (аниғи эсімда қолмаган) мақтабда ўқишилар тамом бўлиб, болалар тарқалаётганда, Ҳабиба мендан

сұрағы (С.Айтбек). Айлаңылек, қой дүстүр, мана шу ойи (коровул күлдіде, бөкди осмасы), бөлшектеми, яқанда түй бұлармии (Ойбек). Олтинчи бригадавынға құжасы – мана мен ҳозарғыса айланып келдім-сира авж олмаяпты (Ойбек).

## ҮНДАЛМАЛАР

*Реже:*

1. Үндалмаларның лексик-семантик жиһатдан ифодаланиши.
2. Үндалмаларның таркия.
3. Үндалмаларның гендерінің үрни.
4. Үндалмаларда тишинде белгилары.

Сұзатынчылғы нұтқи қарастылған шахс ёки предметтер ифода қылувчи мұстаккал мұс или сөз бәрікмаси **үндалма** дейилади. Үндалма гапнинг умумий мәселеүі биләп болғыл, бұлып, гап бұлаклари билан грамматик алоқтара жиһизтейді.

Үндалма болы көзлиниң шақырылда келеді. Бу жиһатдан у зага үккізгіди. Несит учрежна үнделшілеконизациясы, пауза билан ажратылышыга күра үнделшілек болынисында жиһизтейсан зәдаға фарқ қылади. Үндалма күйрек, сұзатынчы нұтқи қарастылған шахсни ифода қылади: Кечир мене, Олах, инша күміліб ғөздім (Яңді).

Нұтқда Сөзесен жоғын за жөнкіз предметтернің номлари ҳам үндалма разығасыда келеді: Мен сиздерге айтсам-чи, чароқтарым, ёшым алуштага етиб, бунақа кагта селик күрмігандынман (Х.Назир). Күшлар-күшлар, қоян күшлар, қынот қоюб келинглар (З.Диер).

Үндалма лексик-семантик жиһатдан күйидагилар билан ифода қылмынади:

- 1.Конкрект исем за фамилияси ифода қылыми: Мен ҳам үшанда сизни овера қылған здим тү. Розын! (Н.Қодароз).
- 2.Касб-хунарны маңыздылығын ифода қылади: Хүш, ўртоқ командир, қанақа кияо күрдінгиз? (А.Қажхор). Қылышынгиз синди, қылжоннингиз тезилди, дөста, сілғын бұлып көзакқа кириб кетаётисиз (А.Қажхор).
- 3.Мәңсағаттамасы ифода қылади: Түкай масаласини жиддий ўйлашамыз керак, рәис! (Х.Гулом).
- 4.Узвонини ифода қылади: Ўзток калитан, төшнериқ, мұваффакиятли бағдарылды (И.Рахим).
- 5.Карниесілік, жаһылк, дүстликни ифода қылади: Азокда түкайда нима құлаб юрган эдінгиз, кела? (С.Ағмад). Есқуда, ёрма, ука, бир ақл топ (Ойбек). Жетіржам Әйнеген, отаның, мемлекеттегі етасыз (Х.Гулом).
- 6.Холат, хосусияттын ифода қылади: Биламиз, қажрамон сизни ҳамма құрмаш қыламы ("Объектон әкеси"). Кечиласыз, йигит, сизге бошқа иш берішшар (П.Есідоров).

7. Субъектив баҳони ифода қиласи: Биласизми, жонгинам, бир каттакон электростанция фақат шу иншоот учун ток етказиб беради (Ж.Абдуллахонов).

8. Турли жонли ва жонсиз предметларни ифода қиласи:

Келинглар, гүзал гуллар,

Келинг, ошиқ булбуллар.

Шу севгини куйтайлик,

Ором олеин күнгиллар (Ш.Рашидов).

9. Умумшахсни ифода қиласи: Ўртоқлар, биз ҳозир ёзниг қозонини ҳосил билан тўлдирсан, кузда роҳатини кўрамиз (Ойбек).

Ундалмалар қўидаги сўз туркumlари билан ифодаланади:

1) от билан: Биласизми, Икром, кўклам шабадаси юриб қолди (С.Ахмад).

2) отлашган сифат билан: Тилингни тий, уятсиз! (“Шарқ юлдузи”). Хўш, яхшилар, нима қилмоқ даркор? (О.Ёкубов).

3) отлашган сифат, сон билан: Бешингчилар, давлат имтиҳонларига пухта тайёрланингиз! (“Шарқ юлдузи”).

4) отлашган сифатдош билан: Эй спортда ғолиб чиққанлар, сизларга шон-шарафлар бўлсин! (“Ўзбекистон овози”).

5) ундов билан: Ҳой, сени кутиб туришибди (“Шарқ юлдузи”).

6) фразеологизм билан: Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин, хайр, кўзим қораси! (Х.Олимжон).

7) бир бутун холда кўлланадиган боғламалар билан: Бутун дунё тинчликсеварлари, бирлашингиз! (“Ўзбекистон овози”).

Ундалмалар ўз таркиби билан ҳам фарқланади. Уларнинг таркиби қўидагича:

1. Ёлғиз бир сўздан иборат бўлади: Тўкилгандан томчилаган ёмон, ука, томчилаган ёмон (А.Қаҳҳор).

2. Ундалма ундов сўзлар билан келади: Ҳой қизим, вазифани бажардингми? (“Шарқ юлдузи”).

3. Ундалма изоҳловчи билан келади: Тўғри, ўртоқ Рахижон ака, мих ҳам эгилса, тўғрилаб яна қоқиласи (А.Қаҳҳор).

4. Ундалма аниқловчи билан келади: Йўлинг ойдин, олганинг олтин бўлсин, азиз ўғлим (Ҳ.Ғулом).

Баъзан ундалма аниқловчилари уюшган бўлиши ҳам мумкин: Эй вужуди қайфу-аламдан иборат бўлган, пешонаси азалдан севги ёзиб қўйилган йигит, сен бизга равшанилик келтирдинг (“Шарқ юлдузи”).

5. Баъзан сўзловчининг нутқи қаратилган обьект турлича номланиши мумкин. Бу вақтда ундалма обьектнинг турли хусусиятларини ифодаловчи сўзлардан бўлади: Қадрли ўртоқлар ва дўстлар! Спортнинг оммавийлиги учун курашайлик! (“Ўзбекистон овози”).

6. Ундалмалар уюшиб келиши мумкин: Ҳасан, Азиз, Иброҳим юкларни дарҳол туширинглар (О.Ёкубов).

7. Ундалмалар баъзан тақрорланиб келади: Дада-чи, дада, бугун биз боғчада поезд-поезд ўйнадик (С.Зуннунова).

**Ундалманинг гапдаги ўрни.** Ундалмалар гапнинг бошида, ўртасида, охирида келади. Бу ундалмаларнинг гапдаги ўрни унинг семантик вазифаси стилистик хусусият, гап тузилиши ва мазмунига борлик.

А. Тингловчининг дикқатини жалб қилиш учун хизмат қилувчи ундалмалар, ундош сўзли ундалмалар, одатда, гап бошида келади: Ёрмат, бу ерда сўзни чувалтирма (Ойбек).

Турли чакирик, широқ, доклад, буйруқларда ҳам ундалма гап бошида келади: Йигит ва қизлар! Фан асосларини эгаллашга интилинг! (“Ўзбекистон овози”).

Б. Ундалма гап охирида келади: Бу вақтда сўзловчи учун нутқ қартилган шахс, тингловчига тегишли бўлган фикр муҳим бўлади: Суҳбатингиздан ниҳоятда мамнунман, устоз (С.Абдулла).

Бўлакларга ажратиладиган гапларда ундалма одатда гап охирида келади: Салом, қизим (Х.Олимжон).

В. Ундалма гап орасида келади. Бу вақтда тингловчига тегишли бўлган фикр яна давом эттирилади. Бундай ундалмалар, одатда, логик ургу олмайди: Сиз баҳтлисиз, Олимжон ака, сиз ҳалқимиз учун кўп хизмат қилдингиз (“Шарқ юлдузи”).

Ундалмаларда интонация, гап характеристига кўра, турлича бўлади: дарак гапларда паст оҳанг билан айтилади; сўроқ гапларда алоҳида ургу олган ундалмалардан кейин чўзиқ пауза бўлади; бўйруқ гапларда гап мазмунига қараб, паст ҳамда кучлироқ оҳанг билан айтилади; ундов гапларда кучли оҳанг билан айтилади.

Ундалма интонацияси унинг гапда келган ўрнига ҳам боғлиқ бўлади. Ундалма гап бошида келганда, ундаш, чакириш интонациясига эга бўлиб, пауза билан ажратилади; гап ўртасида келганда ундалмадан олдинги пауза кейингисидан қисқароқ бўлади; ундалма гап охирида келганда ҳам ундалмадан олдинги пауза унча чўзиқ бўлмайди.

Ундалмада тиниш белгиларининг ишлатилиши кўйидагича:

1. Ундалма гап бошида келса, ундан сўнг вергул ёки ундов белгиси кўйилади: Оға, аямга хат ёзмабсиз-ку (А.Қаҳҳор). –Биродарлар! Ҳаёт биз билан! (Б.Кербобоев).

2. Ундалма гапнинг охирида келса, ундан олдин вергул кўйилади: Сизни илгарироқ сайласак бўларкан, Аширали ака (Х.Фулом).

3. Ундалма гап ичидаги келса, ҳар икки томонидан вергул кўйилади: Йўлчи, бу ерда кимни сўрадингиз? (Ойбек).

#### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 97-102-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 97-109-бетлар.

Эгамов В. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1988, 80-89-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 259-284-бетлар.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 183-185-бетлар.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 150-159-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1956, 284-318-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бирикмаси ва содда гап синтаксисидан лекциялар. Тошкент, 1990, 106-115-бетлар.

### Гаплар таҳлилиниң тартиби

1. Гапнинг мантиқий-грамматик белгилари.
2. Гапларнинг коммуникатив мақсадига кўра турлари: дараж, сўрс, бўйруқ гаплар.
3. Гапларнинг эмоционалликка кўра турлари: эмоционал ва розмоционал гаплар.
4. Гапларнинг воқеликка муносабат жиҳатдан турлари: тасдиқ ва ижро гаплар.
5. Гапнинг тузилиши жиҳатдан бўлиниши: содда гаплар, мураккаблашган гаплар, кўшима гаплар.
6. Иккинчи даражали бўлакларнинг иштирокига кўра гапларнинг турлари: йигиқ ва ёйиқ гаплар.
7. Гапнинг ифода асосига кўра бўлиниши: бир составли ва икки составли гаплар.
8. Гапнинг коммуникатив вазият жиҳатдан бўлиниши: тўлиқ, ва тўлиқсиз гаплар.
9. Гапларнинг бўлакларга ажратиш-ажралмаслигига кўра турлари: бўлакларга ажраладиган ва ажралмайдиган сўз-гаплар.
10. Бир составли гапларнинг турлари: шахси аниқ, шахси номаълум, шахси умумлашган, шахсиз, номинатив, инфинитив, ундаш, вокатив гаплар.
11. Мураккаблашган содда гаплар. Қайси бўлак билан гапнинг мураккаблашганлигини изоҳланг.

## ҚЎШМА ГАП СИНТАКСИСИ

*Режа:*

1. Қўшма гап ҳакида маълумот.
2. Қўшма гап қисмларининг бирикиш усуллари: паратаксис ва гипотаксис ҳодисалари.
3. Қўшма гап мучаларини боғловчи воситалар: грамматик воситалар, лексик-грамматик воситалар, лексик воситалар, мучалар тартиби, интонация.
4. Қўшма гапларнинг мустақил содда гаплардан фарқи.
5. Қўшма гапларнинг асосий белгилари.
6. Қўшма гапларнинг таснифи.
7. Қўшма гапларнинг турлари.

Қўшма гап синтактик бирликнинг энг юқори шаклидир. Қўшма гаплар учун содда гаплар курилиш материали саналади. Қўшма гаплар мустақил содда гаплардан эмас, балки мазмун ва грамматик жиҳатдан бир-бира боғлиқ бирликлардан ташкил топади.

Қўшма гапнинг таркибидаги синтактик компонентларни мустақил содда гапга тенг дея олмаймиз, демак, қўшма гапни «бирдан ортиқ мустақил содда гапларнинг бирикишидан ташкил топган» деб изоҳлаб бўлмайди, чунки қўшма гапни мустақил гаплардан ташкил топган деб қарасак, уларнинг орасидаги боғланишни, органик бутунликни рад этган бўламиз<sup>1</sup>.

Мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда интонацияга кўра бир бутунликни ташкил этган, турли хил грамматик, лексик-грамматик ва лексик воситалар ёрдамида бириксан тузилмалар *қўшма гап* деб аталади: Комиланинг бирдан йифлагиси келди, лекин ўзини базур тийди ва юпантуривчи товуш билан аста гапирди (Ойбек).

Демак, қўшма гапни ташкил этувчи содда гаплар мазмун ва интонацияси жиҳатидан яхлитликни, бир бутунликни ташкил этади.

Қўшма гап қисмларининг бирикиш усуллари мавжуд бўлиб, улар паратаксис ва гипотаксис саналади.

*Паратаксис* сўзи аслида грекча бўлиб, боғланиш, қатор тузиш деган мазмунни ифодалайди. Кейинчалик мазкур сўз қадимги лотин тилида ҳам кенг кўлланиб, боғланган қўшма гап мазмунини берувчи тилшунослик атамасининг ифодасини англата бошлади.

Паратактик қурилмалар қисмлари орасида турли мазмун муносабатларининг ифодаланишида шу қисмлар таркибидаги гап бўлакларининг маъноси ва ўринлашиши, уларнинг семантик ва грамматик ўзаро муносабати, айрим лексик элементларнинг кўлланиши, гапларнинг интонацияси каби омиллар асосий роль ўйнайди: Урушдан фақат бойлар манфаат топди, аммо камбағаллар хонавайрон бўлди («Шарқ юлдузи»).

<sup>1</sup> Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 6-бет.

Кўшма гап қисмларида маъноси бир-бирига зид сўзларнинг кўлланиши қиёслаш-зидлаш муносабатини келтириб чиқарган.

*Гипотаксис* сўзи ҳам грекчадан олинган бўлиб, гапларнинг ўзаро эргаштирувчи воситалар ёрдамида тобелаштишини англатади.

Эргаш гап бош гапни изоҳлайдиган ва мазмунан унга тобе бўлган қисмдир. Эргаш гап турли тобелаштирувчи воситалар ёрдами билан бош гапга боғланади: Шундан биламизки, муштумзўрлар типирчилаб қолди (А.Қаҳҳор). Машина тўзон кўтариб юриб кетгач, Ўқтам қишлоққа қайтди (Ойбек).

**Кўшма гап мучаларини боғловчи воситалар.** Кўшма гапнинг таркибидаги қисмлар ўзаро бир-бирига турли йўллар ва воситалар билан боғланади. Улар куйидагилардан иборат: 1) интонация орқали; 2) ёрдамчи воситалар орқали.

Интонация кўшма гапнинг ҳамма турида иштирок қиласидиган универсал восита саналади. Кўшма гапнинг шаклланишидаги иштирокига кўра, интонация бош ва ёрдамчи ролни ўйнайди. Интонация бош ролни ўйнаганда синтактик алоқа факат интонация орқали ифодаланган бўлади. Ёрдамчи роль ўйнаганда бошқа воситалар иштирок этади.

Ёрдамчи воситалар. Улар ўз характеристига кўра куйидаги турларга бўлинади:

**1.Грамматик воситалар.** Кўшма гапни ҳосил қилувчи грамматик воситаларга боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, келишик шакллари киради.

**2.Лексик-грамматик воситалар.** Кўшма гапни тузища хизмат қилувчи лексик-грамматик воситаларга сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шарт феъли, буйруқ, феъли шакллари киради.

**3.Лексик воситалар.** Махсус лексик воситаларнинг куйидаги кўринишлари мавжуд:

1.Кўшма гапларни ҳосил қилишда кириш ва киритма конструкциялар иштирок этади. Улар изоҳлаш, қиёслаш муносабатини ифодалайди: Лекин бу нарса Қаландаровнинг тафтини босолмади, аксинча, юрагига ўт ёқилди (А.Қаҳҳор).

2.Пайт муносабати ифодаланган кўшма гапларда шундан бўён, шундан кейин, шу пайтда, шунда, унда сўзлари кўлланади: Отаси ўлганига ўн беш йил бўлди – шундан бўён ҳар қанакча ишни йиғиштириб кўйган (Ойбек).

3.Кўшма гапни тузища олмошларнинг, асосан кўрсатиш ва нисбий олмошларнинг роли бор: Шундай аёллар бўлади: улар ишқни эътиқод каби муқаддас тутади (Ойбек).

4.Кўшма гапнинг ҳар икки қисмида бир хил вазифа ёки ҳар хил вазифадаги сўз такрорланади: Менинг домлам йўқ, домлам икки кўзим (А.Қаҳҳор). Вактинг кетди – баҳтинг кетди (Мақол).

Бундан ташқари, қўшма гапни тузишда қўшма гап қисмларининг замон муносабати, гапларнинг интонацияси ва ўринлашишнинг ҳам роли каттадир.

Қўшма гап қисмларининг маълум замон муносабатида бўлиши билан маълум бир мазмун ифодаланади. Қўшма гап қисмларининг қисмлари асосан бир кил замон шаклида бўлиб, бир-бирига шаклан мос келади. Замон шаклари феълининг аниқлик, бўйруқ, шарт майллари, сифатдош ва от қисмлар орқали ифодаланади: Кеча ўзининг қора пардасини йиғишира бошлиди, уфқ оқара бошлиди (Ҳ.Шамс). Қўшма гап қисмлари қиёслаш муносабатини ифодалаганда турли замон шаклида бўлади: Иккиси ҳам ахмок... Бири йигиб ўлган, бири еб ўлади (Ойбек).

Қўшма гапни ташкил этган ҳар бир гап маълум тартиб билан жойлашади. Жойлашиш ўрнига кўра, маълум фикрни ифодалайди. Маълум тартибининг ўзгариши билан қўшма гапнинг тузилмаси, мақсади ва мазмуни ўзгаради: Ўн минутча ҳам вақт ўтмаган эди – майдоннинг нариги бошида биз кутган одам кўринди («Шарқ юлдузи»). Бу гапнинг ўрни алмаштирилиши билан иккита мустақил содда гап вужудга келади.

Ўрин алмаштириш билан мазмун ўзгаради: Сен келдинг – ясанди дунё! (Ўйғун). Ясанди дунё – сен келдинг.

*Қўшма гапларнинг мустақил содда гаплардан фарқи.* Қўшма гап таркибидаги содда гаплар айрим олинган содда гаплар билан ўхшашлик ва фарқли томонларига эга. Улар ўртасидаги ўхшашлик қўйидагилардан иборат: гап бўлакларининг иштирок этиши, сўз бирималарининг мавжудлиги, эга қесим муносабатларининг бўлиши. Фарқли томонлари: қўшма гап таркибидаги содда гаплар айрим олинган содда гапларга нисбатан мустақиллигини ўқотган бўлади, фикрий, интонацион тугалликни тўлиқ ифодаламайди.

Демак, гапни ташкил этган содда гаплар мазмуни, грамматик курилиши ва интонацияси билан алоҳида қўлланувчи мустақил содда гаплардан фарқ қиласди.

Ёйик уюшиқ қесимли гаплар билан қўшма гаплар бир-бирига тузилиши жиҳатидан яқин туради: Мен уларнинг ҳар бирiga навбат билан сув ичирардим, чивинларини елтигич билан қувардим, бошқа ишларига ҳам кўлимидан келганича ёрдам берардим (С.Айний). Келтирилган мисолимиз содда гап бўлиб, унинг қесимлари – ичирардим, қувардим, ёрдам берардим – ўзига тегишили бўлаклар билан кенгайиб келгандир.

Қўшма гапни содда гапдан фарқлаш учун содда гапнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиб ёндошсаккина, содда ва қўшма гапларни фарқлаш мумкин.

Содда ва қўшма гапни фарқлаш учун асос бўлган белги боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларда ўзига хос айрим хусусиятларга эга.

Боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларнинг таркибида ўз эгаси ва мустақил кесими бўлган содда гаплар **қўшма гап** саналади: Дараҳтлар пакана, мевалар мўл ва йирик, лекин ҳали деярли ҳаммаси кўм-кўк (Ойбек).

Эгаси мазмунан умумий бўлган кўйидаги синтактик конструкцияларини қўшма гап ҳисоблаш зарур:

1.Қўшма гапнинг иккинчи қисмида эга у, ўзи олмоши орқали ифодаланса: Эшакмунчоқ эмас виждан – у гавҳар! (Яшин). Комила уни ўтиришга таклиф этди ва ўзи ишловчилар билан сұхбат бошлади (Ойбек).

2.Қўшма гапнинг ҳар иккى қисми учун умумий эга иккинчи гапдагина ифодаланади. Бунда эганинг иккинчи гап учун алоҳида аҳамияти кўрсатилиди ва иккинчи қисм ҳам қўшма гапнинг алоҳида содда гапига айланади: Кейин кўрсатаман, бойнинг кўп ерларини ман ёлғиз ўз кучим билан кўкартирганман (Ойбек).

3.Қўшма гапнинг эгаси умумий бўлган гап иккى қисмининг орасига бошқа бир гап келса, иккинчи қисми ҳам қўшма гапнинг алоҳида гапи ҳисобланади: Жамоанинг бошқарувчиси Аминов келиши керак экан, келмади – иши чиқиб, бирордан узр айтаб юборибди («Шарқ юлдузи»).

4.Синтактик курилманинг иккинчи қисми мураккаб таркибли курилма бўлса, алоҳида гап ҳисобланади ва қўшма гапнинг таркибий қисмини ташкил қиласди: Обиджон этигини аллақачон олиб чиқсан эди, яктагининг этаги билан секин, худди синниб қоладигандай авайлаб артиб, акасига узатди ва чироғнинг пиллигини кўтариброқ кўйди (А.Қаҳҳор).

5.Ҳар иккى қисмида бир ҳайл эга тақорорланган синтактик курилмалар – қўшма гап саналади: Беш юзлаб миллионер хўжаликлар ўси, ҳосил билан тўлган хўжаликлар ўси («Ёшлиқ»). Йўлти учун бу қиз энди бегона эмас, у Ёрматнинг қизи, у яқин (Ойбек).

Ўзбек тили фактларига мурожаат қиласақ, ёниқ, иккинчи даражали бўлаклар билан кенгайган содда гаплар мавжуд. Уларни қўшма гаплар билан арапалаштириб юбориш ҳоллари учрайди. Бу нарса кўйидаги синтактик оборот ва курилмаларни фарқлашда сезилади:

1.Равишдош оборот билан эргаш гаплар ўртасида ўхшашлик ва фарқли томонни ажратса билиш лозим: Икромжон, чолга яқинлашгач, унга эҳтиром билан кўл узатди (С.Аҳмад). Салима келгунча, дарс тайёрлаб ўтиридим («Шарқ юлдузи»).

2.Сифатдош оборот билан эргаш гаплар ўртасида ўхшаш ва фарқли томонни ажратса билиш керак: Холмурод, гулзордан ўтар экан, правление дарвозаси олдида Абдурасул билан Мелипполвонни кўрди (П.Турсун). Хўжаликка янги раҳбар келгандан сўнг, кишлоқда катта ўзгаришлар бўлди («Шарқ юлдузи»).

3.Мураккаб тартибли шарт ёки тўсиқсиз ҳоллари билан эргаш гапларни фарқлаш лозим: Мабодо ишдан кейин шунда бир пас чўзилиб, бир чимдим ухлаб олсанг, кучга тўлиб, яйраб қоларсан (А.Қаҳҳор). У кишикинг ёшлари анча улғайган бўлса ҳам, лекин ҳали жуда тетиклар (Ойбек).

**Кўшма гапнинг асосий белгилари.** Кўшма гап бирдан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан таркиб топади ва унинг ўзига хос асосий белгилари мавжуд:

1.Кўшма гап таркибидаги содда гаплар умумий бир фикрни ифода қиласди: Култи кўтарилиди, қарсак бўлиб кетди (А.Қаҳҳор). Бу қўшма гап умумий бир фикрни, яъни хурсандчилик кайфиятини ифодалайди. Бунда бир содда гапдан англашилган мазмун иккинчи гапга боғлиқдир.

2.Кўшма гап таркибидаги содда гаплар грамматик жиҳатдан ҳам ўзаро боғланган бўлади. Бу хил содда гапларнинг кесимлари бир-бирига мос шаклда бўлади, умумий иккинчи даражали бўлаклар мавжуддир.

3.Кўшма гап таркибida бўлган бир содда гапнинг интонацияси иккинчи бир гапни талаб қиласди ва интонацион тугаллик қўшма гап охирида бўлади.

Кўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро семантик муносабати икки хил бўлиши мумкин:

1.Кўшма гапни ташкил этган содда гаплар бир-бирига мазмунан тобе бўлади, уларнинг бири иккинчисини изоҳлаиди, тўлдиради: Гулсумбиби қизини кучоқлаб кичқиради, лекин Гулнорнинг ярим очиқ кўзларида ҳаёт сўнгдан эди (Ойбек). Икки ёшлик ўтди бошингдан: Униси – хор, буниси – баҳор (С.Жўра).

2.Кўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзларича мустақил бўлади, мазмунан бири иккинчисига тобе бўлмайди, бири иккинчисини изоҳлаамайди. Мазмунан бир тицдаги гаплардан иборат бўлади: Меҳнат қилди, курап зафар қозонди (Х.Олимжон).

**Кўшма гапларнинг таснифи.** Кўшма гап муаммоси ўзбек тилида XX асрнинг 30-йиллиридан кейин маълум даражада ишлана бошлади.

Кўшма гаплар дастлаб икки асосий турга бўлинниб келинган<sup>1</sup>. В.А.Богородский ҳам кўшма гапларни эргашган ва боғланган деб иккига ажратиш бирмунча сунъий эканлиги, у тицдаги жонли турли-туманлик, хилма-хилликни ўзида акс эттира олмаслигини айтган<sup>2</sup>.

И.А.Батманов ўзбек тилидаги кўшма гапларни учга бўлиб текширади: шарт эргаш гап, ўзгалар гапи, боғланган-кўшма гаплар<sup>3</sup>.

А.К.Боровков кўшма гапнинг икки асосий тури мавжуд эканлигини кўрсатади<sup>4</sup>. Худди шу хилдаги фикр А.Н.Конов ишида ҳам таъкидланади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. М., 1956. – С. 468.

<sup>2</sup> Богородицкий В.А. Общий курс русской грамматики. М., 1935. – С.229.

<sup>3</sup> Батманов И. А. Вильнер А.Н. Ўзбек тили дарслиги, нахъ. Тошкент, 1933, 65-бет.

<sup>4</sup> Боровков А. К. Краткий очерк грамматики узбекского языка //Узбекско-русский словарь. М., 1959. – С 714.

<sup>5</sup> Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. Л. 1960 с. 406 .

М.Аскарова кўшма гапларни икки гурухга бўлиб ўрганади<sup>1</sup>.  
F.A.Абдураҳмонов эса кўшма гапларни уч турга (богловчисиз, кўшма гап, боғланган кўшма гап ва эргашган кўшма гапларга) бўлиб текширади<sup>2</sup>.

Н.А.Басқаков кўшма гапларни уч гурухга бўлиб текширади: боғланган кўшма гаплар (богловчили, boglovchisiz), эргашган кўшма гаплар (богловчили, boglovchisiz) ва кўчирма гаплар эргашган кўшма гап<sup>3</sup>.

Кейити йилларда кўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг курилиши қолилига кўра таснифлаш тавсия этилади<sup>4</sup>.

Кўшма гапларни таснифлаганда уларнинг таркибидаги синтактик алоқа ва муносабатларни ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Синтактик алоқанинг тенглашиш алоқаси, тобеланиш алоқа каби оппозицияларини ҳосил қилувчи кутблари мавжуд.

Тенглашиш алоқасининг характеристири унинг биринчи босқич парадигмасини белгиланада оппозиция асоси вазифасини бажаради. Тенглашиш алоқа таркибидаги икки кўринишни фарқлаш мумкин: а) ёпиқ қаторли тенглашиш; б) очиқ қаторли тенглашиш.

Ёпиқ қаторли тенглашишда маъносига кўра бириттирув, зидлов алоқаси ўз аксини топади, вазифага кўра кўшма гап ҳосил қиласди.

Кўшма гап ифодаланиш воситасига кўра фарқланади: Ўқитувчи келди ва машгулот бошланди («Маърифат»). Ўқитувчи келди, машгулот бошланди. Ҳар ким ҳар хил фикр юритар, лекин ҳеч қайсиси аниқ бир нарса айтольмасди (Х.Нуъмон, А.Шораҳмедов). Ҳар ким ҳар хил фикр юритар, ҳеч қайсиси аниқ бир нарса айтольмасди («Маърифат»).

Очиқ қаторли тенглашишда маъносига кўра айирув-чегаралов, инкор алоқа ўз аксини топади, вазифасига кўра кўшма гап ҳосил бўлади. Кўшма гапни ҳосил қилувчи айирув, инкор боғловчилари иштирок этади: Меҳмон, саллангизни ё ўзингиз ечинг, ё биз ечамиш! (Х.Фулом). На бирор уйнинг мўрисидан тутун чиқади, на бирор дараҳт кўринади (Ш.Тошматов).

Тобеланиш алоқаси тобеликнинг йўналиш хусусиятига икки хил алоқа ҳосил қиласди: а) координатив алоқа; б) субординатив алоқа.

Координатив алоқа вазифасига кўра номинатив ва коммуникатив бирлик ҳосил қиласди. Тузилишига кўра кўшма гаплар ҳосил қиласди: Сиз ўқийсиз. Мен ишлайман («Ёшлиқ»). Ким тўғри бўлса, у сўзга ботир бўлади («Шарқ юлдузи»).

Субординатив алоқа кўшма гапларни ҳосил қиласди, бу кўшма гаплар таркибидаги алоқа содда гаплар таркибидаги бешшқарув алоқасини эслатади.

<sup>1</sup> Аскарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар. Тошкент, 1960, 6-7-бетлар.

<sup>2</sup> Абдураҳмонов Г.А. Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка. АДД. Ташкент 1960 с. 8.

<sup>3</sup> Басқаков Н.А. Сложные предложения в каракалпакском языке //Исследования по сравнительной грамматики тюркских языков, ч.3.М.,1961.с.222.

<sup>4</sup> Сайдулаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талкини. ДДА. Тошкент, 1993, 25-бет.

Кўшма гапларнинг формал-грамматик восита (кўмакчили, келишикли)си асосида шаклланган тури киради: Ёшинг улғайган сари, тажрибанг ҳам орта борар экан, ука (Ш.Рашидов). Ота-оналар йигилганда, мажлиски бошлилар эдик (С.Ахмад).

Кўшма гаплар таснифидаги синтактикалоқ мезонларинигина эмас, балки синтактик муносабат мезонларини ҳам ҳисобга олиш керак. Сода гаплар таркибида монопредикатив синтактик муносабат мавжуд бўлса, кўшма гапларда полипредикатив синтактик муносабатлар мавжуд.

Полипредикатив сатъда синтактик муносабатларнинг тўрг хили вужудга келади: предикатив муносабат, атрибутив муносабат, посессив муносабат, ситуатив муносабат.

Хозирги ўзбек тилида кўшма гаплар маълум мазмун муносабатларини ифодалани, грамматик белгилари, тузилиши, қурилиш қолипи ва интонациясига кўра бир неча кўринишга эга. Улар куйидагилардан иборат:

1. Боғланган кўшма гаплар.
2. Эргаш кўшма гаплар.
3. Боғловчисиз кўшма гаплар.
4. Кўчирма қурилмали кўшма гаплар.

#### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 114-115-бетлар.

Абдураҳмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 123-132-бетлар.

Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар. Тошкент, 1960, 5-9-бетлар.

Аскарова М. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиб формалари ва эргаш гаплар. Тошкент: Фан, 1966, 5-43-бетлар.

Бердиалиев А. Ўзбек тили эргашиб гапли кўшма гапларида синтактик алоқа ва синтактик муносабатлар. Тошкент, 1993.

Камол Ф. Кўшма гапларга доир масалалар. Тошкент, 1955.

Мамажонов А. Кўшма гап стилистикаси. Тошкент, 1990.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 1995.

Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1989.

Равшанова С. Структура Сложно-сочиненных предложений в современном узбекском литературном языке. АҚД., Ташкент, 1969.

Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини. ДДА. Тошкент, 1993.

Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976.

Ўрингбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маъruzалар (қўшма гаплар). Тошкент, 1991.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1987, 159-163-бетлар.

## БОГЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

*Режа:*

1. Богланган қўшма гапларнинг хусусиятлари ва боғланиш воситалари.
2. Богланган қўшма гапларнинг эргаш гапли қўшма гаплардан фарқи.
3. Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар.
4. Бириктирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар.
5. Айирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар.
6. Сабаб ва натижа муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар.
7. Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар.

Анъанавий тишиносликда боғланган қўшма гаплар атамаси билан аталиб келинган қўшма гаплар кейинги айрим ишларда «боғловчили қўшма гаплар» номи билан аталган. Бу атама масала мөхиятига учз тўғри келмайди. Чунки боғловчили қўшма гаплар тенг боғловчилар, тобе боғловчилар, юкламалар, кўмакчилар, грамматик шакллар ва нисбий сўзлар воситасида тузилади, дейилади<sup>1</sup>.

Тенг боғловчилар орқали бириккан бири иккинчисига грамматик жиҳатдан тобе бўлмаган, тенг хукуқли предикатив қисмлардан ташкил топган шаклан мустақил мазмунан ўзаро боғланган гаплардан шаклланган қўшма гап **боғланган қўшма гап** саналади. Бундай қўшма гап қисмларининг бир-бирига боғлиқдиги уларнинг тузилишида, кесимларининг семантик ва грамматик муносабатида, умумий гап бўлакларининг мавжудлигига ҳам кўринади. Шунинг учун ҳам боғланган қўшма гап, қанча гаплардан ташкил топмасин, яхлит ягона бир қурилмани ташкил қиласди.

Боғланган қўшма гап таркибидаги гаплар бир-бирига бириктирув, чоғиштирув, айирув, зидлов муносабатларини ифодаловчи тенг боғловчилар ва боғловчи вазифасида келувчи -да, -у(-ю) юкламалари орқали бирикади.

Боғланган қўшма гапларда биринчи гап, одатда, эркин ҳолда тузилган бўлади, кейинги гап эса боғланган қўшма гап компонентлари орасидаги муносабатга боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун ҳам боғланган қўшма гап билан эргаш гапли қўшма гаплар орасида грамматик, интонацион фарқлар мавжуд. Ўлар қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> Университет таълими учун ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича ўқув дастури. Тошкент: Университет, 1997, 27-бет.

1.Боғланган құшма гапларда содда гапларни бириктириш учун тенг боғловчилар күлланади. Эргаш гапли құшма гапларда эса тобе боғловчи ва нисбий сүзлар (ким, нима, қандай, шуңдай) күлланилади.

2.Боғланган құшма гапни ташкил этган содда гапларнинг кесимлари ҳар вақт маълум шахс, замон кўрсатувчи мустақил шаклда булади. Эргаш гапли құшма гап кесимлари эса равишдош, сифатдош, шарт феъли орқали ифодаланган тобе шаклда бўлади.

3.Боғланган құшма гапда санаси, қиёслаш интонацияси бўлса, эргаш гапли құшма гапларда тобелаштирувчи ёки изоҳ интонацияси бўлади. Боғланган құшма гап қисмларининг ўзаро алоқаси орқали қуидаги мазмун муносабатлари ифодаланади:

1.Киёслаш муносабати. 2.Бириктирув муносабати. 3.Айирув муносабати. 4.Сабаб ва натика муносабати. 5.Изоҳлаш муносабати.

**Қиёслаш муносабатини ифодаловчи боғланган құшма гаплар.**  
Маълум воқеа, ҳодиса, белги-хусусиятларни бир-бирига қиёслашдан мақсад улар орасидаги фарқни аниқлаш ёки уларни зид қўйиш, бир-бирига номуровиқ эканини кўрсатнишdir.

Киёслаш муносабатини ифодаловчи құшма гап икки марказга, икки қисмга бўлинади. Ҳар икки қисм бир-бирига қиёсланади: Яна ўйлашиб кўрамиз, ҳар ҳолда сўзингни ерда қолдирмасман, лекин ундан ножўя сўздан қайт (Ойбек).

Киёслаш муносабатини ифодалаган құшма гапни ташкил этган содда гапларнинг интонацияси бир хил бўлмайди. Бунда құшма гапнинг биринчи қисми кўтарилган интонация билан, иккинчи қисми эса пасайган интонация билан талаффуз этилади; ҳар икки қисм ўргасида анча сезиларли пауза бўлади. Құшма гап таркибидаги қиёсланаётган бўлакларга кучли мантикий ургу тушади. Бу ургу бўлса, эса феъллари ёрдамида тузилган құшма гапларда кучли бўлади: Отабек даҳшатланиб ёнидаги Алига қаради, Али эса лабини тишлаб турар эди. (А.Қодирий).

Киёслаш мазмун муносабатини ифодаловчи боғланган құшма гаплар зидлаш, қиёслаш, изоҳлаш каби турли маъно оттенкаларини рўёбга чиқаради:

1.Құшма гап қисмларининг умумий мазмуни ёки гаплар таркибидаги айrim бўлаклар бирор томондан бир-бирига зид қўйилади. Зидлаш муносабатини ифодаловчи құшма гап қисмлари асосан аммо, лекин, бироқ боғловчилари орқали бирикади.

Зидлаш муносабатида қуидаги мазмун оттенкалари ифодаланади:

1) құшма гапнинг биринчи қисмida шахс ёки предметнинг хоҳиши ифодаланиб, иккинчи қисмда шу хоҳишига зид бўлган воқеа, ҳодиса рўй беради: Она фарёд чиқишини кутиб кўзларини юмди, лекин жимлик чўқди («Шарқ юлдузи»). Дилемда орзу баландроқ эди, лекин кўклам бир оз нокулай келди (Ойбек).

2) предметнинг ҳаракат-ҳолати, белги-хусусияти шахснинг ҳаракат-ҳолатига зид кўйилади: Най ҳам дурусттъна чалинди, лекин Рафик, дарров синдириб ташлади (Ойбек).

3) боғланган кўшма гапнинг биринчи қисмидан англашилган ҳаракат, белги-хусусиятининг иккинчи қисмидан англашиладиган шундай хусусиятларга зид бўлишига қарамай, иккинчи қисмидан англашилган мазмун юзага чиқади: Ташибойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди, бироқ у уялган каби ўзини билмасликка солди (Ойбек).

4) кўшма гапнинг иккинчи қисми маълум мақсаднинг юзага чиқишида зид бўлган объектив тўсиқни ифодалайди: Холмурод билан кўп гаплашгиси келар, лекин иложи бўлмас эди (П.Турсун).

Зидлаш, қарама-қарши кўйиш ва, ҳам боғловчиси ёрдами билан тузилган кўшма гапларда ҳам ифодаланади: Ҳамон чопиб боради ва лекин кўкраги қон (Х.Олимжон).

2. Қиёслаш орқали воқеа, ҳодиса, предмет ва уларнинг хусусиятлари ўргасидаги фарқлар очилади. Қиёслаш мазмуни асосан бўлса, эса феъллари, юкламалар, зидловчи боғловчилар воситасида ифодаланади. Бу хил кўшма гап қисмларининг тузилишида маълум параллелизм бўлади. Қиёсланаётган бўлакларнинг хусусиятларида фарқлар очилади: Козимбек қўлмишидан ҳуқолат, Саида эса ундан бирон сўз кутар эди (А.Қаҳҳор). Хонзода: Сен шу ишни бажар! Бойдан кутуласан, мен бўлсан мақсадимга етаман (Х.Ҳ.Ниёзий).

3. Боғланган кўшма гап изоҳлаш муносабатини ифодалайди. Бунда қисмларнинг таркибидағи айрим бўлакларнинг маъноси биринчи қисмнинг умумий мазмуни изоҳланиши мумкин. Изоҳловчи гап иккинчи ўринда келиб, биринчи гапнинг ҳар бир бўлаги изоҳланиши мумкин.

1) эга изоҳланади: Одамга андиша керак, лекин ундан ҳам илгарироқ, инсоф керак (А.Қаҳҳор). Укаси Камол эса Тошкенда олӣ мактабда ўқирдию бироқ ўтган йили у ҳам армияга олинди (Ойбек).

2) кесим изоҳланади: Сидикжоннинг юраги бир оз гаш бўлди, лекин бу гашликнинг сабабини ўзи ҳам аниқ билмас эди (А.Қаҳҳор).

3) иккинчи даражали бўлак изоҳланади: Тўгри, ташкилотчиликнинг аҳамияти катта, лекин ташкил қилинган одам ташкилотчининг соясидә қолиб кетмаслиги керак (А.Қаҳҳор).

**Бириктирув муносабатини ифодаловчи боғланган кўшма гаплар.** Боғланган кўшма гап қисмлари маълум бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа, ҳодиса, ҳаракатларни бириктириб келади ва бу билан ўюшиқ бўлакларни эслатади. Бундай кўшма гапларнинг қисмлари бириктирув боғловчилари: ва, ҳам, ҳамда; бўлса, эса ёрдамчилари; юкламалар ёрдами билан боғланади: Шу онда чироқ шараклаганича бориб шипга урилдию, ерга тушиб чил-парчин бўлди ва бирданига иккита ўқ чиқди (А.Қаҳҳор). Кампирнинг ҳаяжонли товуши чордеворлардан оша кетди ва бу хуш хабар

бир зумда ҳаммага эшитилади (П.Турсун). Иштим түғриланиб кетди ҳам ерим ўзимга қолди (Ойбек). Бу мисолларда қўшма гап қисмлари параллел ҳаракат-ҳолатларни ифодалайди, қисмлар мазмунан бир-бирига тобе ёки боғлиқ эмас, аммо улар бирикib, умумий бир фикрни ифодалайди, умумий бир фикрнинг элементлари саналади.

Бириктирув муносабатига киришган қўшма гапларнинг қисмлари кўпинча мазмунан ўзаро жисп боғланади, бирикнинг мазмунни иккинчисига боғлиқ бўлади, турли мазмун оттенкалари, эмоционал маънолар ифодаланади.

Бириктирув муносабати ифодаланган қўшма гапларда қандай кўшимча мазмун оттенкаси ифодаланмасин, қўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат, ҳолат, хусусият маълум бир пайтда рўй беради. Шунга кўра, бириктирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар икки гурухга бўлинади:

1.Ҳаракат-ҳолат ёки бирор белгининг бир пайтда рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гаплар.

2.Ҳаракат-ҳолат ёки бирор белгининг кетма-кет рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гаплар.

Бир пайтда рўй берувчи ҳаракат-ҳолат ёки белги-хусусиятни ифодалаган қўшма гаплар кўйидаги хусусиятлари билан характерланади:

1) Қўшма гап қисмларининг кесимлари бир хил замон шаклида бўлади. Агар қўшма гап қисмларининг кесимлари турли шаклда бўлса, уларнинг биридаги замон маъноси кўчирилиб, улар мувофиқлашади: Абайнинг ранги ўчди-ю, кўзлари оқ, шохи чўққиларга тикилганича қолди: Пушкин эсига тушди (М.Авезов).

2) Қўшма гапнинг иккинчи қисмida бир пайтлик маъносини бўргтириш учун шу пайт, худди шунда, шу вақтда, бирдан каби лексик элементлар кўлланилади, улар гапда пайт ҳоли вазифасини ўтайди: Тўғон бошидаги тепаликдан бирдан дўм-дўм этган товуш эшитилди ва тўрт карнайнинг оғзи баробар осмонга кўтарилди (А.Қаҳҳор).

Ҳаракат-ҳолат ёки белгининг кетма-кет рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гапларда, одатда, биринчи қисмдан, англашилган иш-ҳаракат олдин, иккинчи гапдан аңглашилган мазмун – иш-ҳаракат эса кейин рўй беради. Бу хил қўшма гаплар маҳсулдор қўлланилади: Тожибой қизил алвон ёпилган стол ёнига чикди ва унинг овози залда гулдиради (П.Турсун). Шу пайтда тўсатдан кўча эшиги тараққаб очилди-ю, Зунунхўжа халлослаганича кириб келди (А.Қаҳҳор).

*Айирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар.* Боғланган қўшма гапнинг айрим турларида қисмларидан англашилган мазмун, одатда, бир-бирига боғлиқ бўлмайди, бири иккинчисини изоҳламайди. Аммо қўшма гап қисмлари мазмунан бир-бирига яқин бўлган ёки бир турдаги тушунчаларни ифодалайди. Қўшма гап қисмлари умумий

бир фикрни, тушунчани, ниятни ифодалаш учун хизмат қиласи, шу бир тушунчанинг, ниятнинг элементлари саналади. Бундай семантик алоқа айирув муносабати деб аталади: Ё подшо бирор ерга чиқади, ёки элчи келиши кутиласи (Ойбек). Катта ҳовузлардаги сувларда кўланкалар ва шуълалар жим-жим ўйнашади, гоҳ, кўланкалар ёниб кетади, гоҳ, шуълаларни кўланкалар ютади (Ойбек).

Айирув муносабатини ифодалаган боғланган кўшма гап қисмлари ўзаро айирув боғловчиси ва баъзан, ҳали, бир каби айрим лексик элементлар ёрдами билан боғланади.

Айирув муносабатини ифодалаган кўшма гап қисмларининг ўзаро семантик муносабати кўйидагича бўлади:

1.Кўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолатларнинг бирин рўй беради. Бунда кўшма гап қисмлари ўзаро ё, ёки, ё бўлмаса, гоҳ боғловчилари ёрдамида бирикади: Илгари ҳам кун шундай қизирмиди, ё бу йил ёз иссиқроқми? (Ойбек). Сиз кетинг бу маҳалладан, ё биз кўчиб кетамиз (А.Қаҳҳор). Ёки ер ёмонми? Ё бўлмаса айб ҳаводами? (F.Фулом).

2.Кўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг ҳар иккиси рўй беради. Кўшма гапнинг бир қисмидан англашилган ҳаракат-ҳолат ёки белги-хусусият бир вақтда эмас, турли вақтда рўй беради. Бунда кўшма гап қисмлари ўзаро гоҳ, дам боғловчилари ва боғловчи вазифасидаги баъзан, бир, ҳали сўзлари ёрдамида боғлашади: Дам жаҳлим чиқади, дам кулгим қистайди (Ойбек). Баъзан кўнглим унга қушдай учади, баъзан яна чўчинкирайман (Ойбек).

3.Кўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолатлар галма-гал содир бўлади. Бундай кўшма гаплар қисмларининг кесимлари ўтган ёки ҳозирги-келаси замон шаклида бўлади: Тушки овқат вақидиа Рўзимат яна эрталабкидай унга-бунга тегишиб, кушандаларининг тилини қичитиб, баъзан мот қиласи, баъзан улар Рўзиматни мот қилишиб бараварига кулишлар эдилар (А.Қаҳҳор). Гоҳ узоқдан оқ, зар кўйлакда кўринади тоғлар, тепалар, гоҳ чўзилиб қутоқ ўрмонлар, кўз ўнгидан аста ўталар (Уйгун).

Галма-гал рўй берувчи ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи қўшма гап қисмларининг кесимлари турли замон шаклида ҳам бўлиши мумкин: Гоҳ осмонни тутиб ашуда янграйди, гоҳ аллақаердан гармон товушни келиб қоларди (Ойбек). Нури гоҳ, севиниб ширин хаёлларга ботади, гоҳ, бутун вужудини кўркув босарди (Ойбек).

**Сабаб-натижга муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар.** Боғланган кўшма гап қисмларининг бирин маъдум воҳеа, ҳодиса, ҳолатнинг рўй беришига сабаб бўлган воҳеа, ҳодиса, ҳолатини иккинчи қисм эса шу сабаб асосида рўй берган воҳеа, ҳодиса, ҳолатини ифодалайди: Анор сўзлар ва Зайнаб қалби тол баргидай дир-дир қалтиради (Х.Олимжон).

Сабаб-натижга муносабатини ифодаловчи боғланган кўшма гаплар ўзаро бириктирув боғловчиси ёки -у, -ю, -да юкламалари ёрдамида

боғланади. Бундан ташқари, интонация, мантиқий урғу ва модал сўзлар орқали ҳам сабаб-натижа муносабати ифодаланади: Қиз ялт этиб Жамолга қаради-ю, юраги ҳовлиқиб кетди (Ойбек). Гамхонада қашшоқлик кулди ва оила тутдай тўкилди (Ҳ.Олимжон).

Кўшма гапнинг сабаб англатувчи биринчи қисмида интонация маълум дараражада кўтарилади ва ундан сўнг кўшма гапнинг давом этишига ишора берувчи пауза бўлади.

### ***Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғланган кўшма гаплар.***

Боғланган кўшма гапни ташкил этган гапларнинг сўнгтиси олдинги айтилган гапларнинг мазмунига кўшимча умумий изоқ бўлади, улар олдинги гапларнинг мазмунига алоқадор бўлган ёки шу мазмундан келиб чиқадиган бирор кўшимча хабарни ифодалайдилар.

Таркибий қисмларининг ўзаро семантик муносабатига кўра, боғланган кўшма гапнинг бу типи икки турга бўлинади:

- 1.Изоҳлаш муносабатини ифодалайди.
- 2.Кўшимча маълумот бериш учун хизмат қилади.

Боғланган кўшма гапнинг изоҳлаш муносабатини ифодаловчи гуруҳида кўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисмдан англашилган умумий мазмунни изоҳлайди ёки сўзловчининг биринчи қисмнинг мазмуни ҳақидаги фикри, баҳоси, муносабатини кўрсатади: Одамга андиша керак, лекин ундан ҳам илгарироқ инсоф керак (А.Қахҳор).

Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи боғланган кўшма гапнинг қисмлари ўзаро биректирув боғловчилари (ва, ҳам, ҳамда), зидлов боғловчилари (лекин, аммо) боғловчи функциялардаги бўлса, эса сўзлари ёрдамида боғланадилар, бунда ҳар бир боғловчи ўз грамматик маъно оттенкасини сақлади: Ҳафталар ўтди ҳам тугалди савдо (Ойбек).

Изоқ муносабатини ифодалаган кўшма гапларнинг таркибида бу олмоши бўлади. Бу олмоши турли вазифада кўлланади ва ҳар доим кўшма гапнинг иккинчи қисмида бўлади: Бу ўқиш кимга қаратилганини Алексей пайқади, лекин бу ҳам унинг кўнглига тасалли бермади («Шарқ юлдузи»). Яқин олти ой бўлдики, мана шу осойишталик бузилди ва бунга сабаб, кампирнинг гумонида, Сидикжоннинг онаси эди (А.Қахҳор). Канизак нима қилган? Сидикжон ўзига бундок савол бермас ва бундок савол хаёлига ҳам келмас эди (А. Қахҳор).

Баъзан иккинчи гап таркибидағи олмош ифодаланмайди, аммо контекстдан мавжудлиги англашилади: - Мулла Ҳаким, бир нозик иш бор. Лекин хайрли иш (Ойбек). Юрагим уюшаётганлиги рост, лекин бир нимадан қўрққанимдан, чўчиганимдан эмас (А.Қахҳор).

Боғланган кўшма гапнинг иккинчи қисми қўшимча маълумот ифодалаши мумкин. Кўшимча маълумот қўшма гапнинг биринчи қисми билан бевосита боғланиши, ундан келиб чиқиши ёки биринчи қисмнинг мазмуни билан умумий боғланиши ҳам мумкин. Бу хил боғланган кўшма гап

қисмларини биритириш учун ҳам, ҳамда боғловчилари ишлатилади: Дарё томондан гуриллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни эгар, тебратар ҳамда саргайиб бораётган арпалар ундан мавж урар эди (А.Қаҳҳор).

Баъзан ҳам боғловчиси қўшма гапнинг икки гапи орасида эмас, иккинчи гапнинг таркибида қўлланади: Кимдир соатта қаради, бошқалар қатори Лубенцов ҳам соатта қаради («Шарқ юлдузи»).

Кўшимча изоҳ муносабати ва боғловчиси орқали ҳам ифодаланади: Шу ерда Абдула Ориповни кўрдим, сўзини эцийтдим, ўзи билан сўзлашдим ва давлатимиз номидан сўзлаган И.А.Каримовнинг нутку билан учун катта йўл-йўриқ бўлди («Халқ сўзи»).

Иккинчи қисмida қўшимча маълумот ифодалаган курилмалар яна, тагин элементларининг ёрдами билан бирикади: Мен тайинлаган гаплар эсингдан чиқиб қолибди, яна бунинг устига ичингдан бошқа гап тўқиб, ёлғончилик қилибсан (С.Айний).

#### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 123-133-бетлар.

Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси, Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 163-186-бет.

Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 9-21-бет.

Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992, 120- 210-бетлар.

Эгамов В. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1988, 90-94-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси П. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 332-355-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маъruzалар. Кўшима гаплар. Тошкент, 1991, 9-16-бетлар.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 163-171-бетлар.

## ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

*Режа:*

1. Эргаш гапли қўшма гапларнинг хусусиятлари.
2. Эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг “эргаш” курилмалардан фарқи.
3. Гапнинг уюшиқ бўлаклари ва қўшма гаплар.
4. Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар ва қўшма гап.
5. Сифатдош оборот ва қўшма гап.
6. Равишдош оборот ва қўшма гап.

Эргаш гапли қўшма гаплар фикрий грамматик ва интонацион бутуниликдан иборат бўлиб, уларнинг таркибидаги компонентлар бири иккинчисига тобе бўлади. Эргаш гапли қўшма гаплар икки хил характердаги содда гаплардан ташкил топган бўлади: бошқа бир гапга эргашиб, тобе бўлиб, уни изоҳлаб, тўлдириб келувчи гаплар эргаш гаплар, мазмуни изоҳлананётган бошқарувчи гаплар бош гаплар саналади.

Эргаш гапни бош гапга биринтирувчи ёрдамчилар иўчинча эргаш гап таркибида келиб, эргаш гапнинг тобелигини кўрсатади. Эргаш гап бош гапга нисбатан маълум вазифани бажаради, бош гапдаги бўлакни аниқлайди, тўлдиради ёки изоҳлайди. Шунга кўра, айрим тиљшунослар эргаш гапнинг вазифасини гап бўлаклари вазифасига тенглаштирадилар<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам эргаш гап вазифасига кўра гап бўлакларига яқин, шунинг утун ҳам кўпинча эргаш гаплар ёйик гап бўлакларига ва оборотларга синоним бўлиб келади.

Бош ва эргаш гап грамматик томондан ҳамда мазмунан жипс боғланган бўлиб, яхлит бирликни ташкил этади ва умумий бир фикрни ифодалайди.

Бош ва эргаш гаплар ўз вазифалари, конкрет мазмуни, боғланиш усули лексик таркиби орқали белгиланади.

Эргаш гаптар тўлиқ бўлмаса ҳам, маълум интонация билан бош гапдан ажралиб турни керак. Эргаш гаплардаги интонация уни бош гапдан ажратувчи воситагина бўлиб қолмай, эргаш гапда қандай мазмун ифодаланганини кўрсатувчи восита ҳамдир. Шунинг учун эргаш гап ҳам гапларнинг бир кўриниши бўлганлиги учун бош гапдан, жуда қисқа бўлса ҳам, маҳсус пауза билан ажралиб туради.

Эргаш гаплар эргаш гап типида тузилган эргаш курилмалардан фарқланиб туради.

**Эргаш гапли қўшма гаплар ва “эргаш” курилмалар.** Ўзбек тилида шундай курилмалар борки, уларда эга билан кесим муносабати акс этган бўлса ҳам, «бош гап» ҳисобланган компонентдан ажратиб турадиган пауза

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 355-бет.

йўқ. Айрим тилшунослар бундай курилмаларни эргаш гап деб<sup>1</sup>, бошқалари эргаш гапнинг маҳсус тури<sup>2</sup>, оборотлар<sup>3</sup> ва мураккаб аникловчилар деб атайдилар<sup>4</sup>.

Ўзбек тилида эргаш гапдай шаклланган курилмаларни эргали гап ёки эргаш гапнинг маҳсус тури дейиши қўйин. Шунинг учун бундай бирималарни *эргаш курилмалар* деб номлаган маъкулдир. Бу хил курилмалар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Эргаш курилмалар кўпинча аникловчи вазифасида келиб, аникланмиш билан паузасиз бирикади ва баъзан «бош гап санаатган компонентнинг қисмлари билан бир синтагмани ташкил қиласди.

2. Аникловчи вазифасида келган эргаш курилмалар сифат ва сафатдошга яқин вазифани бажаради. Шунинг учун у баъзан субстантивлашиб, гапнинг турли бўлаги бўлиб келади: Қизи борнинг нози бор (Мақол). Қўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам, дили кўрга жўр бўлма (Мақол).

3. Эргаш курилмали аникловчи билан аникланмиш орасида яна бошқа сифатловчи аникловчилар кела олади: Сочлари жингалак, сарғиш юзли, қўй кўз Каримов жиддий ўйланиб ўтиради (П. Қодиров).

4. Эргаш курилмалар составли кесим таркибида келади: Кўпчилиги озгин, юзлари сўлғин, ўзлари косасига чўқкан дармоғисиз эди (П. Турсун).

5. Эргаш курилмалар «кўшма гап» ёки «мураккаб қўшма гап» шаклида тузилиб, ҳамма гап бўлаклари вазифасида келади: Ўқтам ака, мен маъноси тўла, ҳар сўзи ўтдай мақолни яхши кўраман (Ойбек).

6. Эргаш курилмалар изоҳловчи составида келиб, эргаш гапларга алоқаси бўлмаган вазифани бажаради: Биз қалби озодлик қуёшидан нурланган меҳнаткаш хотин-қизлар баҳтимиз учун кураш йўлида ҳеч нарсадан кўрқмадик ва кўрқмаймиз (А. Мухтор).

7. Эргаш курилмалар пайт ва ўрнига муносабат билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, гапда пайт ва ўрин ҳоллари вазифасини бажаради: Лекин хаёлимиз сиз юрган ёқда (Ўйгун).

8. Эргаш курилмалар ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдириб, равиш ҳоли вазифасида келади: Мен бунчалик баҳти қаро яратилмасам (Ойбек). Бу дунёга икки кўзи боғли келиб, боғли кетган чорвачи қашшоқнинг ўғли – доктор (С. Анорбоев).

9. Эргаш курилмалар атов гаплар таркибида келиши мумкин: Кўкда сон-саноқсиз юлдузлар чараклаган, майин шабада терак баргларини сехрли титратаётган ёқимли ёз кечаси (С. Аҳмад).

<sup>1</sup> Кононов А. Н. Грамматик современного узбекского литературного языка. М.-Л., 1960, с 409; Фуломов А. Ўзбек тилида аникловчилар. Тошкент, 1941, 74-бет.

<sup>2</sup> Абдураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 17-бет.

<sup>3</sup> Вопросы грамматики тюркских языков. Алма Ата, 1958.

<sup>4</sup> Дмитриев Н. К. Стой тюркских языков. М., 1962, с. 374.

10. Эргаш курилмалар белгининг ортиқулигини ифодаловчи бирикма таркибида келади: Унинг болаларча товуши ўзи куттанидан ҳам кучлироқ жаранглаб кетди (А.Мухтор).

Кўздан кечирилган ҳолатлар кўрсатадики, ҳар қандай эга-кесим типида тузилган предикатив бирикмалар гапни ташкил қиласермайди. Бундай бирикмалар шаклй томондан эргаш гашдай кўринса ҳам, юкорида санаб ўтилган хусусияти уларнинг эргаш гап эмаслигини кўрсатади. Бу киъл ҳолатни гапнинг уюшиқ ва ажратилган бўлаклари, кириш гаплар, сифатдош ва равишидол оборотлар иштирок этган содда гапларда кўрамиз.

*Гапнинг уюшиқ бўлаклари ва қўшма гаплар.* Кўшма гаплар кўринишда уюшиқ бўлакли гашарга бирмунча ўхшайди. Содда гапнинг кесимидан бошта бўлаклари уюшиб келганда унинг содда гаплиги тўғрисида шубҳа туғилмайди, лекин кесими уюшиб келган содда гапларни қўшма гаплардан фарқланадиган иккисининишилар юз беради. Бундай ҳолат эгалари умумлашган ёки яширинган қўшма гапларни изоҳлашда сезилади.

Эгаси умумлашган гапларнинг кесимлари ёнма-ён келса, кейинги кесим составсиз бўлиб, у маҳсус эга билан таъминланмаса ва кенгайтирилмаса, улар уюшиқ бўлакларни содда гаплар жумласига киритилади. Бундай гапнинг эгаси, асосан, кишилик олмошлари билан ифодаланади. Натижада кейинги кесими ўзига хос эга билан келтиришга ҳожат қолмайди: Биз институттага борамиз, ўқиймиз ва ёзамиз («Гулистан»).

Агар кейинги кесим ўз таркибидаги сўзлар воситаси билан олдинги кесимдан ажратилса ва у маҳсус эга билан таъминланса, бундай гаплар қўшма гап саналади: Собиржон институттага боради, у турли бадиий асарларни кунт билан ўқыйди, ўзи ҳам чиройли ҳикоя ва гўзал шеърлар ёзди («Шарқ юлдузи»).

Кўшма гапларни шакллантирувчи содда гапларнинг кесими составли бўлади. Составли кесимлар уюшиб келганда ҳам содда ва қўшма гапларни аралаштириб юбориш ҳоллари сезилади: Ана шундай зулмлар натижасида эски рўд ва Жильсон рўдидан сугориладиган ерлар экilmай қолиб сув йўллари кураб, қараб, кўмилтиб кетди ва янги рўддан сугориладиган кам ерли дехқонларкинг ерлари ҳам экilmай қолди ёки бойлар кўлига ўтиб кетди (С.Айний).

Бу гап икки содда гапдан таркиб топган қўшма гап бўлиб, унинг составли кесимлари уюшиб келган.

*Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар ва қўшма гап.* Ажратилган бўлаклар, хусусан составли бўлакларнинг ажратилиши, қўшма гапга ўхшайди. Бироқ улар ўзининг тузилиши, интонацияси ва мазмунига кўра қўшма гаплардан фарқланади.

Иккинчи даражали бўлакларнинг барчаси ажратилган ҳолда қўлланилади: Мен билан ҳамроҳ бўлиб, Тошкент авиация мактабининг

талаbasи, бир қозоқ бола ҳам борар эди («Шарқ юлдузи»). Бунда мен билан ҳамроҳ бўлиб-равишдош оборот; бир қозоқ бола ҳам-ажратилган изоҳловчи; қолгандлари асосий содда гап.

Бир хил содда гаплар билан кўшма гаплар орасидаги тафовутни баъзан сезмай қоламиз. Шунинг учун ажратилган бўлак бошқа, кўшма гап бошига синтактик ҳодиса эканлигини фарқлаш ва англаш лозим. Юқорида келтирилган содда гапни кўшма гапга айлантиrsак қўйидаги кўринишга эга бўлади: Мен билан ҳамроҳ бўлиб бир қозоқ бола ҳам борар эди, у Тошкент авиация мактабининг талаbasидир.

Бу гапимиз икки предикатив асосга эга бўлган кўшма гапдир.

*Сифатдош оборот ва қўшма гап.* Сифатдош оборот ва кесими сифатдош билан ифодаланган содда гаплар ҳамда шу хил гаплардан ташкил топган кўшма гап кўринишида бир-бирига ўхшайди.

Сифатдош оборот-составли аниқловичи ва ҳол билан синтактик алоқага киради, кесим билан бевосита боғланмайди: Қиз пуштиранг янги крепдешин кўйлакнинг очиқ ёқасидан кўринган, сараторнда қизғин қуёцда пишган кўксини ва қарамтири, кулимсираган юзларини оқ шойи дастрўмолча билан артди (Ойбек). Келтирилган мисолимиз содда гап бўлиб, унда остига чизилган бирикмалар -ган шакли билан ясалган составли аниқловичи саналтиб гапда тўлдирувчининг хусусиятини кўрсатувчи сифатдош оборотдир.

Сифатдош шакли -ган кўшма гап таркибида ўзича мустақил гапни ташкил эта олмайди. Сифатдошнинг -ган шакли билан ясалган феъл эргаш гапли кўшма гап таркибида мустақил содда гапниң кесими бўлиб келиши мумкин: Кампир мен билан пачакилашиб ўтиrsa, набирагина оч қсладиган, кўз ёшини даканасининг учига артиб, чақалоқнинг ёнига борди (F.Гулом). Шовқин-сурон, халқнинг қалинлигидан маълум бўлдики, ўйин роса қизиган (Ойбек).

*Равишдош оборот ва қўшма гап.* Равишдошнинг -б, -иб, -й, -а кўшимчаларидан бирини олган сўзлар бирикмаси бевосита кесимга боғланыб келиши ва кесимнинг ҳолатини билдириш мумкин. Шу вақтда у равишдош оборот бўлиб келади: Букчайган бир неча қариялар мактабнинг у томонига, бу томонига ўтиб, пешоналарини тириштириб, илжайшиб узок-узок қарашибди (П.Турсун). Бу равишдош оборотли содда гапдир.

Лекин равишдош кўшимчасини олган барча сўз ва сўз бирикмаси равишдош оборот бўлавермайди: Ицидан белига тасмани маҳкам боғлаб олиб, ҳеч нарса кўрмагандай яна укаларининг ёнига келиб ўтирибди («Уч оға-ини ботирлар»).

Бу эгаси умумлашган, икки содда гапдан тузилган кўшма гапдир. Биринчи гапда боғлаб олиб, иккинчи гапда келиб ўтирибди кесим. Ҳеч нарса кўрмагандай бирикмаси равишдош оборотдир.

### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 133-134-бетлар.

Абдураҳмонов F. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 79-111-бетлар.

Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 21-25-бетлар.

Асқарова М. Ўзбек тилида эргашиб формалари ва эргаш гаплар. Тошкент: Фан, 1966, 43-169-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси, II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 355-415-бетлар.

Үрингбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маърузалар. Қўшма гаплар. Тошкент, 191, 23-27-бетлар.

Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1965, 211-216-бетлар.

Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, Ўқитувчи, 1987, 171-187-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили, II. Синтаксис. Тошкент, 1966, 391-400-бетлар.

## **ЭРГАШ ГАПЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

*Режа:*

1. Эргаш гапларнинг хусусиятлари.
2. Эргаш гапларнинг асосий мезонлари.
3. Эргаш гапларнинг таснифига муносабати.
4. Эргаш гапларнинг турлари.

Эргаш гапли қўшма гаплар тенг ҳуқуқли бўлмаган қисмлардан – бош ва эргаш гаплардан ташкил топади. Бош гап маълум мустақилликка эга бўлиб, у эргаш гапларнинг изоҳданиб келади. Шунинг учун эргаш гап мазмун ва тузилишига кўра ҳам бош гапдан фарқланади.

Эргаш гапларнинг кесими, асосан, феълининг шахссиз шакллари (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) орқали ифодалангани учун у доимо шахс қўшимчаларини қабул қўлмайди.

Сифатдошнинг -гани шаклини олган феъл эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда қўпинча эгалик аффиксини олади ва бу эгалик шакли ҳаракатни бажарувчи субъектни кўрсатади. Эргаш гап кесими таркибида эгалик аффиксининг кўлланишида қўйидаги ҳолатни кузатиш мумкин:

1. Эргаш гапнинг эгаси юзада бўлса, сифатдошдаги эгалик аффикси субъектга мос тушиши ва тушмаслиги мумкин: Биз Газободга келганимизда,

дурадгорлар икки уйни күндириб бўлиб, учинчисини тиқламоқда эдилар (А.Мухтор).

2. Эргаш гапнинг эгаси мавжуд бўлмаса, сифатдош субъектни кўрсатувчи эгалик аффикси билан бирга кўлланади: Тинчланганимизда, мен ўзимни баҳти санаидим (С.Айний).

Харкат номи шаклини олган сўз эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда эгалик аффиксини олади ва билан кўмакчиси орқали бош гапга тобелашиди. Бу хил эргаш гаплар воқеанинг пайтга бўлган муносабатини ифодалайди: Ҳожиматнинг қораси кўриниши билан уларнинг ҳар иккени очор икки томонга ажралишиди (С.Аҳмад).

Эргаш гапнинг кесими равишдош билан ифодаланганда шахс кўшимчасини қабул қўлмайди. Бундай эргаш гапларда эга доимо юзада бўлади: Онахоннинг товуши товланиб, кўзига ёш келди (А.Мухтор).

Шунинг учун ҳам эргаш гапларнинг мезони ва таснифи тўғрисида турли хил фикрларни учратамиз. Турколог Н.К.Дмитриев эргаш гаплар иккиси асосий белги (нисбий мустақиллик мустақил гап бўлакларининг мавжудлиги)га эга бўлиши керак деб уқдиради.<sup>1</sup> Қозоқ ва қирғиз тишлинослари учинчи белги-интонация бўлиши лозимлитетини кўрсатадилар.<sup>2</sup>

Туркий тиллардаги эргаш гапларнинг мезонини белгилашда Н.З.Гаджиева бошқача иш тутади ва анча тўғри куолосага келади.<sup>3</sup>

Хуллас, эргаш гапларни белгилашда унинг кўйидаги асосий мезонлари мавжуддир:

1. Нисбий мустақиллик мазмунини ифодалайди.
2. Ҳар бир компонентда мустақил эга-кесим мавжуд бўлади.
3. Мустақил интонациясига эга.

Бу асосий мезонлар эргаш гапларни шакллантиради. Ушбу мезонларга турлича муносабатда бўлиш натижасида эргаш гаплар ҳам ҳар хил таснифланиб келинмоқда.

Эргаш гапларни таснифлашда содда гап бўлакларининг вазифасидан чиқиб гурухларга ажратмоқдалар.<sup>4</sup>

Н.А.Баскаков эргаш гапларни мазмуний-синтактик мақом жиҳатидан уч гурухга ажратади.<sup>5</sup>

Ўзбек тишлинослигида эргаш гаплар мазмуний-шаклий жиҳатдан 14 турга ажратиб ўрганилади.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Дмитриев Н.К. Структура тюркских языков. М., 1962, 401-с.

<sup>2</sup> Ҳозирги қозоқ тили. Алмати, 1954, 506-бет. Сартбаев К.К. Основные вопросы синтаксиса сложного предложения в современном киргизском языке. АДД. М., 1958.

<sup>3</sup> Гаджиева Н.З. Критерии выделения придаточных предложений в тюркских языках. Тезисы докладов коорд. Совещания по грамматике тюркских языков. Алма-Ата, 1956, 18-20-бетлар.

<sup>4</sup> Черемисина М.Н., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, с. 61.

<sup>5</sup> Баскаков Н.А. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, с. 157.

<sup>6</sup> Гулюмов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 187-бет.

дегандай, де, деса, дейман), бўлмоқ, қарамоқ, турмoқ, улгурмоқ кабилар: Тенг тенги билан, тезак қопи билан дейишди (Ойбек).

**Боғловчисиз эргашниш.** Ўзбек тилида кўпина эргаш гаплар бош гапга боғловчисиз биринади. Эргаш гапларни бош гапга боғловчисиз биринтирувчи грамматик воситаларнинг асосий қисмини феъл шакллари, кўмакчилар ва келишик кўшимчалари ташкил қиласди. Улар қуидагилардан изборат:

1.Эгалик ва келишик аффикслари билан бирга кўлланган сифатдошлар эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади ва эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қиласди: Ефим нима қилишини билмай турганда, телефон жиринглади (А.Мухтор). Лаблари кулмоқчи бўлгани билан, қовоқлари осиглиқ эди (С.Аҳмад).

2.Кўшма гап қисмларини биринтиришда грамматик восита сифатида равишдош шаклларидан фойдаланилади. Бунда равишдошнинг -(и)б, -гунча, -гач, -май аффиксларини олган шакллари маҳсулдор қўлланилади: Ёзнинг анча кучи кетиб, ҳаво бироз салқинлаб, дараҳтлар баргини тўка бошлаган эди (Ойбек). Йигитнинг боши икки бўлмагунча, моли икки бўлмайди (С.Аҳмад). Боласи бу ерда талаба бўлғач, отаси осуда ва кўнгли тўқдир (F.Гулом). Ўтапнинг битай деган иши битмай, Тозагул оиласи кўчиб кетди (Х.Гулом).

3.Феълнинг ҳаракат номи шакли билан кўмакчиси бирга пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келиб, эргаш гапни бош гапга биринтиради: Раъно келиши билан, тезда масала ҳал бўлди (С.Аҳмад). Латофат кўздан узоқлашуви билан, Собиржон ўкина бошлади (О.Ёкубов).

4.Феълнинг шарт майли шакли эргаш гапларнинг кесими бўлиб келиб, турли маънони ифодалайди: Агар бир қадам боссанг, қувиб чиқарман (П.Турсун). Оға, соғ борсангиз аввал, Дадамларга салом айтинг (Х.Х.Ниёзий).

5.Феълнинг буйруқ майли шакли ўрин, мақсад эргаш гапларнинг кесими бўлиб келиб, буйруқ маъносидан бошқа оттенкаларни ифодалайди: Ойимхон уйғонмасин учун, Холмурод оёқ учida бориб ўз ўрнига ётди (П.Турсун).

6.Феълнинг аниқлик майли шакли эргаш гапли қўшма гапнинг бош гап қисмida кесим вазифасида келади. Лекин эргаш гапнинг кесими бўлиб, компонентларни туташтириш учун қўлланиш ҳолати кам учрайди: Тўғри бўлинг-бехавотир бўласиз (Мақол). Булбули гуё анча кутди ҳамки, Саидий жавоб бермади (А.Қаҳҳор).

7.Юкламалар эргаш гапларнинг кесими таркибида қўлланиб, эргаш гапнинг мазмунига турли оттенкалар беради ва компонентларни биринтиришда иккинчи даражали ёрдамчи саналади. Эргаш гапларни бош гапга боғлашда -ку, -ми, -чи, -ок(-ёқ), гина, -да, ҳам, худди юкламалари қўлланилади: Ўзингиз биласиз-ку, қўлдан берганга куш тўймас (Ойбек).

Шарофат бу гапга ишондими-ишонмадими буни билиш қийин эди (А.Қаҳхор).

8.Күмакчилар ҳам эргаш гапли күшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қиласи ва турли феъл шакларида келган эргаш гапнинг кесимлари билан бирга кўлланаб, эргаш гапнинг мазмунига турли маъно оттенкаларини беради. Күшма гап қисмларини боғлашда ишлатилувчи күмакчиларни уч турга ажратиш мумкин: 1) күшма гап қисмларини боғлашда хизмат қиласидаган соф кўмакчилар: сари, сайни, кўра, учун, каби, билан, бири, нари: Ойгул туриши билан, сарой чарақлаб кетди (Х.Олимжон).

2) от-кўмакчилар: сабабли, тақдирда, ҳолда кабилар: Офтоб тобланиб тургани ҳолда, ёғмир ёғмоқда эди (С.Айний).

3) равиш-кўмакчилар: олдин, аввал, кейин, бурун, сўнг кабилар: Отангиз кўнгандай сўнг, киши кўйдирдик (Ойдин).

9.Бор, йўқ сўзлари эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда, худди от кесимларга ўхшаш бўлмоқ феъл билан бирга кўлланади ва компонентларни бириктирувчи ёрдамчилар шу сўздан кейин кўлланади: Агар укалари Салимбойвачча ҳам улфатларини бошлаб чиқса борми, тамошани унда кўрасиз (Ойбек).

10.Айрим ясовчи аффикс (-дай, -дек)лар күшма гап қисмларини боғлашда иштирок этади: Асалари гулдан-гулга учиб асал тўплаганидек, Саида ҳам халқнинг фикр-маслаҳатларини, тилак-орзуларини тўплади (А.Қаҳхор).

11.Келишик аффикслари эргаш гапнинг кесими бўлиб келган сифатдошларга кўшилиб, күшма гап компонентларини бириктириш учун хизмат қиласи: Ҳамма йигилганда ҳам, мажлис бошланмаган эди (С.Аҳмад).

12.Нисбий сўзлар ҳам эргаш гапни бош гапга бириктирувчи грамматик воситалардан биридир. Куйидаги нисбий сўзлар эргаш гапли кўшма гап қисмларини боғлаш учун ишилатилади: ким-у (ӯша, шу), нима-шу (ӯша, у), нимаини-ҳаммаси (барчаси, бари), қайси (қандай) нарса-ӯша (шу), қайси киши-у, қандай-шундай, қанча (қанчалик), шунча (шунчалик), нақадар-шу қадар, нечоғлик-шу қадар, нечта-шуича, қаер-шу ер (у ер) кабилар: Кўз қареда бўлса, меҳр ҳам шу ерда (Мақол).

Демак, нисбий сўзлар кўшма гапнинг ҳар икки компонентида кўлланилади. Олдинги компонентда улар сўроқ характерига эга бўлса, кейинги компонентда эса жавоб тарзида кўлланади. Олдинги қисмдаги нисбий сўзлар кўпингча сўроқ олмошлари ёки сўроқни ифодаловчи равишлар билан бирга келса, кейинги компонентда кўрсатиш олмошлари ёки улар билан бирга кўлланган равишлар билан ифодаланади. Нисбий сўзлар бир хил келишик кўшимчаларини олиб бир-бирига мослашади: Катта арава қаёққа юрса, кичик арава ҳам шу ёққа юради (Мақол).

### **Адабиётлар:**

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 133-134-бетлар.

Абдураҳмонов F. Кўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 79-111-бетлар.

Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар. Тошкент, 1960, 21-25-бетлар.

Аскарова М. Ўзбек тилида эргашиб формалари ва эргаш гаплар. Тошкент: Фан, 1966, 43-169-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси, II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 355-415-бетлар.

Үрингбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маърузалар. Кўшма гаплар. Тошкент, 191, 23-27-бетлар.

Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1965, 211-216-бетлар.

Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, Ўқитувчи, 1987, 171-187-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили, II. Синтаксис. Тошкент, 1966, 391-400-бетлар.

### **ЭРГАШ ГАПЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

*Режа:*

1. Эргаш гапларнинг хусусиятлари.
2. Эргаш гапларнинг асосий мезонлари.
3. Эргаш гапларнинг таснифига муносабати.
4. Эргаш гапларнинг турлари.

Эргаш гапли кўшма гаплар тенг ҳукуқли бўлмаган қисмлардан – бош ва эргаш ташмадан ташкил топади. Бош гап маълум мустақилликка эга бўлиб, у эргаш гап томонидан изоҳланниб келади. Шунинг учун эргаш гап мазмун ва тузилишига кўра ҳам бош гапдан фарқланади.

Эргаш гапларнинг кесими, асосан, фельлинг шахсиз шакллари (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) орқали ифодалангани учун у доимо шахс кўшимчаларини қабул қилмайди.

Сифатдошнинг -ган шаклини олган феъл эргаш гапнинг кесими бўлиб келгандан кўпинча эгалик аффиксини олади ва бу эгалик шакли ҳаракатни бажарувчи субъектни кўрсатади. Эргаш гап кесими таркибида эгалик аффиксининг қўлланишида қуидаги ҳолатни кузатиш мумкин:

1. Эргаш гапнинг эгаси юзада бўлса, сифатдошдаги эгалик аффикси субъектга мос тушиши ва тушмаслиги мумкин: Биз Газободга келганимизда,

дурадгорлар икки уйни күндириб бўлиб, учинчисини тикламоқда эдилар (А.Мухтор).

2. Эргаш гапнинг эгаси мавжуд бўлмаса, сифатдош субъектни кўрсатувчи эгалик аффикси билан бирга қўлланади: Тингчланганимизда, мен ўзимни баҳти санардим (С.Айний).

Ҳаркат номи шаклини олган сўз эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда эгалик аффиксини олади ва билан кўмакчиси орқали бош гапга тобелашиди. Бу хил эргаш гаплар воқеанинг пайтга бўлган муносабатини ифодалайди: Ҳожиматнинг қораси кўриниши билан уларнинг ҳар иккovi ноchor икки томонга ажралишиди (С.Аҳмад).

Эргаш гапнинг кесими равишдош билан ифодаланганда шахс кўшимчасини қабул қўлмайди. Бундай эргаш гапларда эга доимо юзада бўлади: Онахоннинг товуши товланиб, кўзига ёш келди (А.Мухтор).

Шунинг учун ҳам эргаш гапларнинг мезони ва таснифи тўғрисида турли хил фикрларни учратамиз. Турколог Н.К.Дмитриев эргаш гаплар икки асосий белги (нисбий мустақиллик мустақил гап бўлакларининг мавжудлиги)га эга бўлиши керак деб уқидиради.<sup>1</sup> Қозоқ ва қирғиз тиљшунослари учинчи белги-интонация бўлиши лозимлигини кўрсатадилар.<sup>2</sup>

Туркий тиллардаги эргаш гапларнинг мезонини белгилашда Н.З.Гаджиева бошқача иш тутади ва анча тўғри хуносага келади.<sup>3</sup>

Хуллас, эргаш гапларни белгилашда унинг кўйидаги асосий мезонлари мавжуддир:

1. Нисбий мустақиллик мазмунини ифодалайди.
2. Ҳар бир компонентда мустақил эга-кесим мавжуд бўлади.
3. Мустақил интонациясига эга.

Бу асосий мезонлар эргаш гапларни шакллантиради. Ушбу мезонларга турлича муносабатда бўлиш натижасида эргаш гаплар ҳам ҳар хил таснифланиб келинмоқда.

Эргаш гапларни таснифлашда содда гап бўлакларининг вазифасидан чиқиб гурухларга ажратмоқдалар.<sup>4</sup>

Н.А.Басқаков эргаш гапларни мазмуний-синтактик мақом жиҳатидан уч гурухга ажратади.<sup>5</sup>

Ўзбек тиљшунослигига эргаш гаплар мазмуний-шаклий жиҳатдан 14 турга ажратиб ўрганилади.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Дмитриев Н.К. Стой тюркских языков. М., 1962, 401-с.

<sup>2</sup> Ҳозирги қозоқ тили. Алмати, 1954, 506-бет. Сартбаев К.К. Основные вопросы синтаксиса сложного предложения в современном киргизском языке. АДД. М., 1958.

<sup>3</sup> Гаджиева Н.З. Критерии выделения придаточных предложений в тюркских языках. Тезисы докладов коорд. Совещаний по грамматике тюркских языков. Алма-Ата, 1956, 18-20-бетлар.

<sup>4</sup> Черемисина М.Н., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, с. 61.

<sup>5</sup> Басқаков Н.А. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, с. 157.

<sup>6</sup> Фуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987-бет.

Бониқа ишларда эргаш гаплар предикатив асосига кўра ҳам уч гурухга ажратиб таҳлиланади<sup>1</sup>.

Эргаш гапларни таснифлаганда ҳавола бўлакларни ҳисобга олиш ҳакида ҳам фикрлар мавжуд<sup>2</sup>.

Эргаш гапларни факат мазмун ёки тузилиш жиҳатидан таснифлаш ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки эргаш гапларнинг кесими ифодаланиши, тузилиши жиҳатидан бир хил, фикрий жиҳатдан ҳар хил бўлади.

Эргаш гап кесимларининг ифодаланишига кўра уларни икки гурухга ажратиш мумкин:

1.Кесимлари тўла шаклланган эргаш гаплар.

2.Кесимлари тўла шаклланмаган ярим предикатив эргаш гаплар.

Эргаш гапларнинг кесими сифатдош билан ифодаланганда пайтда, замонда, вақтда сўзлар кўшилиб келади; ўлчов-даражা, чориштириш эргаш гапларда шундай, шунча сўзлари келса, шунга мос ҳолда бош гапда қандай, қанча сўзлари келади.

Эргаш гапларни таснифлашда ҳар бир эргаш гапнинг синтаксик вазифасини ҳам асосга олиш керак. Ҳар бир гапнинг аниқ шароитдаги мазмуни, эргаш гапнинг бош гап билан грамматик жиҳатдан боғланиш йўли, бош гапдаги қайси бўлакни изоҳлаётгани ва айрим лексик хусусиятларига эътибор бериш керак.

Эргаш гапларни таснифлашда шу эргаш гапнинг бош гапдаги қайси бўлакнинг ўрнида қўллана олишига эмас, балки бош гапдаги қайси бўлакка оидлигига ёки қайси бўлакни изоҳлаётганига эътибор бериш керак<sup>3</sup>. Бу бўлакни ҳавола бўлак деб атаса бўлади. Ҳавола бўлак деганда умумий тилшунносликдаги «дейксис бирликлар» тушунчаси эсга келади.

Дейксис белгилар тушунчаси шундан иборатки, улар мазмунни-воеа, белги, нарсаларни бевоста ифодаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қилади, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қарашиб мумкин<sup>4</sup>.

Ўзбек тилида олмош ва бошқа нисбий сўзлар дейксис белги – ҳавола бўлак сифатида қўшма гапларда иштирок этади. Бош ва эргаш гаплардаги ҳавола бўлакни савол-жавоб тарзидағи доимий қаршилантиришни ташкил этади: ким-у, ким-ши, кимлар-улар, нима-ўша, нима-шу, нима-у, қанча-шунча, қандай-шундай, нечта-шунча, қанчалик-шунчалик, қаер-шу ер, қай томон-шу томон каби.

<sup>1</sup> Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини. ДДА. Тошкент, 1993, 22-26-бетлар.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, 1995, 172-175-бетлар.

<sup>3</sup> Богородицкий В.А. Общий курс русской грамматики. М.-Л., 1935, с.230.

<sup>4</sup> Вейнейх У. О семантической структуре языка // Новое в лингвистике. Вып. V. М.: Прогресс, 1970, с.177-183.

Хуллас, эргаш гапларни таснифлашда кўшма гап қисмларининг семантикасини ва уларни алоқага киритувчи грамматик воситаларни ҳисобга олиш лозим. Бу хусусиятларни ҳисобга олиб эргаш гапларни куйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Эга эргаш гап.
2. Кесим эргаш гап.
3. Тўлдирувчи эргаш гап.
4. Аниқловчи эргаш гап.
5. Равиш эргаш гап.
6. Ўлчов-даража эргаш гап.
7. Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гаплар.
8. Сабаб эргаш гап.
9. Мақсад эргаш гап.
10. Пайт эргаш гап.
11. Ўрин эргаш гап.
12. Шарт эргаш гап.
13. Тўсиқсиз эргаш гап.
14. Натижা эргаш гап.

#### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Судаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 134-бет.

Абдураҳмонов F. Кўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 111-112-бетлар.

Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар. Тошкент, 1960, 25-26-бетлар.

Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. Тошкент: Фан, 1966, 175-181-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 166-218-бетлар.

Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маъruzалар. Кўшма гаплар. Тошкент, 1991, 28-31-бетлар.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 187-бет.

## ЭРГАШ ГАПЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

*Режа:*

1. Эргаш гапларнинг турлари.
2. Эга эргаш гапли қўшма гаплар.
3. Кесим эргаш гапли қўшма гаплар.
4. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар.
5. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар.
6. Равиш эргаш гапли қўшма гаплар.
7. Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар.
8. Чоғилтириш ва ўҳшатиш эргаш гапли қўшма гаплар.
9. Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар.
10. Мақсад эргаш гапли қўшма гаплар.
11. Пайт эргаш гапли қўшма гап.
12. Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар.
13. Шарт эргаш гапли қўшма гаплар.
14. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар.
15. Натижа эргаш гапли қўшма гаплар.

Хозирги ўзбек адабий тилида эргаш гапларнинг қуйидаги типлари мавжуд: эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, равиш, ўлчов-даражা, чоғилтириш, ўҳшатиш, сабаб, мақсад, пайт, ўрин, шарт, тўсиқсиз, натижа эргаш гаплар.

**Эга эргаш гапли қўшма гаплар.** Эга эргаш гап бош гапдаги айрим олмошлар билан ифодаланган эгани изоҳлаб, конкретлаштириб келади: Ким бирорвга чуқур қазиса, унга ўзи йикиласди (Мақол).

Эга эргаш гап бош гапга кўпинча феълники шарт майли шакли билан бирикади: Кимки вижданан ишласа, у хурматта сазовор бўлади («Шарқ юлдузи»).

Мисолимизда эргаш гап бош гапда эга вазифасида келган у олмошини маъносини аниқлаштириб келган. Баъзан эса эргаш гап бош гапда кўлланмасан эгани ҳам изоҳлайди: Кимки ҳалол меҳнат қиласа, ватанимиз томонидан тақдирланади («Ўзбекистон овози»).

**Кесим эргаш гапли қўшма гаплар.** Кесим эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган кесимнинг маъносини изоҳлаб, аниқлаштириб келади. Кесим эргаш гап кўпинча бош гапда кесим вазифасида келган шу, шундай, шундан иборат каби сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади. Кесим эргаш гап бош гап билан -ки ёрдамчиси орқали бирикади: Айтмоқчи бўлган гапим шуки, радиоузелнинг аппаратураси бундан икки йил бурун олинган (А.Қаҳҳор). Ўзбек муштумининг маҳкамлиги шундаки, бу муштуда жуда кўп халқларнинг кучи бирлашган (Ойбек).

**Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.** Тўлдирувчи эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчининг маъносини изоҳлаб, конкретлаштириб келади: Бош гапда тўлдирувчи кўлланган ва қўлланмаган бўлади: Сиз жимга ишонч билдирангиз, уни мен шерик қилиб олишим мумкин (Р.Файзий). Билиб қўйки, сени Ватан кутади (F.Фулом).

Тўлдирувчи эргаш гап кўпича бош гапдан кейин келади ва бош гапга -ки, -ми ёрдамчилари орқали бирикади. Бу ёрдамчилари орқали бирикади. Бу ёрдамчилар бош гапнинг кесимига қўшилиб келади: Шунга икрор бўлингти, Олихўжамақсум одамларга ўтказган зулми учун халқ олдига жавоб бермай қолмайди (А.Мухтор). Биласизми, хўжайиннинг Нури деган қизлари бор (Ойбек).

**Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.** Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги аниқловчи вазифасида кўлланган сўзларнинг маъносини изоҳлаб, конкретлаштириб келади.

Аниқловчи эргаш гап бош гапда аниқловчи вазифасида келган айрим, шундай, бальзи, бир каби сўзларнинг маъносини тўлароқ очиб беради: Бу шундай ажаб диёрки, унинг зўр кўзгуси ойдир (Х.Олимжон).

Аниқловчи эргаш гап бош гапга -ки ёрдамчиси орқали бирикади ва эргаш гап бош гапдан кейин келади: Биз шундай кутубхона бино қиласлиски, бутун эл олдидга манзур ва мўътабар бўлсин (Ойбек). Бир аканг борки, мурдани зинда, зиндан газандга қиласди (К.Яшин). Сизда айрим нуқсонлар борки, сиз уларни тезда бартараф қилишингиз керак («Ўзбекистон овози»).

**Равиш эргаш гапли қўшма гап.** Равиш эргаш гап бош гап кесимидан англацилган ҳаракатнинг ёки бош гапдаги бутун воқеанинг қай тарзда, қандай вазиятда юзага келишини кўрсатади: Юрагида ҳислар тўлиб-тошиб, Ўқтам ҳайкал теварагида анча вақт аста-секин юрди (Ойбек).

Равиш эргаш гапларнинг кесими -б-(иб), -май(-масдан) аффиксли равишдош билан ифодаланиб бош гапга боғланади: Ичкарида ашула тугаб шовқинли кулги кўтарилди (А.Мухтор). Сабрим чиддамай, юқорига интилдим (Х.Фулом).

Равиш эргаш гаплар бош гапдан олдин, бош гапнинг ўртасида ёки бош гапдан кейин келади: Назокатнинг овози титраб, юраги урар эди (С.Аҳмад). Ойимлар ўтирас кокилин осиб, Мушки анбар ҳиди ҳар ённи босиб (Ислом шоир).

**Ўлчов-даражада эргаш гапли қўшма гаплар.** Ўлчов-даражада эргаш гаплар бош гапдаги воқеани ўлчаш ҳамда бош гапнинг даражасини аниқлаш учун хизмат қиласди. Бу хил эргаш гап бош гапдаги воқеани чегаралаб кўрсатади: Чукур қанча кўп бўлса, аравакаш ҳам шунча нотинч бўлади (А.Қадҳор).

Үлчов-даражада эргаш гапларнинг кесими шарт майли шаклида бўлади. Бунда эргаш гапдаги қанча, қанчалик, нечоғлик олмошлари бош гап таркибида келган шуича, шунчалик, шу чоғли, шу қадар каби сўзларга мос келади. Бош гапга таркибида келган бундай сўз кесимга боғланган бўлса, эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракат, ҳолатнинг қандай даражада, қанча микдорда бажарилишини билдиради:

Қиладиган ишингиз қанчалик улуғвор бўлса, ғайратингиз шунча қайнай беради (Р.Файзий).

Эргаш гапнинг кесими сифатдошдан сўнг сари, сайнин кўмакчиларини келтириш орқали ифодаланади. Бунда эргаш гапда қанчалик, бош гапда шунчалик нисбий сўзлари иштирок этади: Офтоб бой ишига қанчалик яқинлашган сайнин, Бозорнинг андиша ва хаёлоти шунчалик кўпая борор эди (С.Айний). Ёлиниг улғайган сари, тажрибанг ҳам орта борар экан («Шарқ юлдузи»).

*Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапни қўшма гаплар.* Чоғиштириш эргаш гапи бир ҳаракат билан иккинчи ҳаракатни, бир воқеа билан иккинчи воқеани, бир шахс билан иккинчи шахсни чоғиштиради.

Чоғиштириш эргаш гапи бош гапга шарт феъл шакли, сифатдош ва равишдош шакллари ҳамда -ки боғловчиси орқали боғланади.

Эргаш гапнинг таркибида -тунча, -тандан кўра, -ишдай кўра, қандай, қандай қилиб, шундай, ўшандай, шундай қилиб, ўшандай қилиб каби нисбий сўзлар иштирок қиласди: Чавандозлар боши кесилган улоқча қандай муомала қилсалар, босқинчи отлиқлар тирик Съдуллана ҳам худди шундай муомала қилдилар (С.Айний). Йигитнинг сазоси сингунча, хўқизнинг шохи синсин (Мақол). Кул бўлиб яшагунча, мард бўлиб ўлган яхши (Мақол).

Эргаш гапнинг кесими сифатдошдан сўнг -дай, -гани, -ганидай аффиксларини ёки қаби, сингари, сари, гўё ёрдамчиларидан бирини келтириш билан ифодаланиб, эргаш гап бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилишини бошқа предмет ҳаракатига ўхшатиш орқали билдиради: Темир увоқлари оҳанграбо парчасини ургандай, ҳамма Павелни ўраб олди («Шарқ юлдузи»). У қумир этмади, гўё асоби ҳам, сезгилари ҳам ўлган эди (А.Мухтор). Башорат худди елкасидан бирор туртгандек, чўчиб ўрнидан турди (А.Мухтор).

*Сабаб эргаш гапни қўшма гап.* Сабаб эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш сабабини билдиради: Кумуш жуда хафа кўринганлигидан, унинг кўнглини очмоққа тўғри келар эди (А.Қодирий).

Сабаб эргаш гап бош гапга чунки, шу сабабли, шу туфайли, сабабки, негаки, шекили, шунинг учун, -тани учун, -гани туфайли, -ганидан, -и(б), -май каби ёрдамчилар орқали бирикади: Климов қизиқроқ гап айтди шекили, Жўрабой бутун гавдасини ларзага келтириб кулди (С.Аҳмад). Фуломжон узоқ ўй суреб кеттани сабабли, суҳбат узилиб қолди

(М.Исмоилий). Ҳамма айни шу маҳалда уй-рӯзгор иши ва кечки овқат билан банд бўлганидан, гузарда ҳеч ким кўринмас эди (П.Турсун).

**Мақсад эргаш гапли қўшма гап.** Мақсад эргаш гап бош гапдаги ҳаракат ёки воқеанинг қандай мақсад билан юзага келишини билдиради. Бундай қўшма гапнинг қисмлари ўзаро деб (дек), учун ёрдамчилари воситасида бирикади: Сўзим қандай таъсири этаркан деб, дикқат билан унга тикилдим (А.Қахҳор).

Мақсад мазмунини янада бўргтириб кўрсатиш учун эргаш гап олдида зора, шояд каби сўзлар ишлатилади: Зора, хўжайнининг кўнгли бир оз ёзилса деб, меҳмон гаплашади, ҳасратлашади (А.Мухтор).

Мақсад эргаш гап бош гапдан олдин ёки ундан кейин келади: Ота ўғлининг уйқусини бузмай деб, ниҳоят эҳтиётлик билан ўрнидан туратири (Р.Файзий). Ҳар киши тер тўкиб қиласи мөхнат, ҳалқумнинг турмуши обод бўлсин деб (Ғ.Гулом).

**Пайт эргаш гапли қўшма гап.** Пайт эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиши вақтини билдиради: Кеч кириб, ҳавонинг тапти қайтиди (С.Аҳмад).

Пайт эргаш гап бош гапга -ганидан кейин (сўнг, аввал), -ганда, -ган вақтда (пайтда), -масдан, -масдан олдин (бурун, аввал), -а(з), -мас, -и(б), -гач, -гунча, -май, -(и)ши, билан ёрдамчилари орқали бирикади: Орадан кўп вақт ўтмай, идорага чоллар киришди (А.Қахҳор). Дилшод қайтиб келганда, Аштурмирзо Зулфиқор ота билан гаплашиб ўтирган эди (М. Исмоилий).

Пайт эргаш гап, асосан, бош гапдан олдин келади: Йиглаб уйга киарканман, бувим мени кучоқлаб қарши олди (Ойбек).

**Ўрин эргаш гапли қўшма гап.** Ўрин эргаш бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш, бажарилиш ўрнини билдиради: Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда бўлади (Мақол).

Ўрин эргаш гап бош гапга кўпинча феълнинг шарт майли шакли орқали бирикади. Бундан ташқари, ўрин эргаш гапли қўшма гапларда бол ва эргаш гап таркибида қаерда-шу ерда, қаердан-шу ердан, қаерга-шу ерга каби сўзлар кўлланади: Соф виждонли Одина қаерда бўлса, унинг севгилиси Гулбили ҳам шу ерда бўлади (С.Айний). Катта кема қаёққа юрса, хичик кема ҳам шу ёққа юради (Мақол).

**Шарт эргаш гапли қўшма гап.** Шарт эргаш гап бош гапдаги воқеанинг қандай шарт билан юзага чиқишини билдиради: Қалб саломат бўлса, ақл ҳам, фикр ҳам саломат бўлади (С.Аҳмад).

Шарт эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли шакли ёки -ганда, -ганди эди ёрдамчиси, шунингдек, -(а)р+эн шакллари орқали боғланади: Илгорларни ҳар ишда етакчи қила билсангиз, марра сизники (Ойбек).

Мустақиллик бўлмагандан, биз бундай қувноқ ҳаёт кечирмас здик(«Ўзбекистон овози»).

Баъзан шарт мазмунини янада кучлироқ ифодалаш учун эргаш гапнинг бошида агар, борди-ю, мабодо, башарти каби сўзлар келади: Агар шу тупроқ бўлмагандан эди, менда на юрак, на баҳт, на оила бўлар эди (К.Яшин). Агар мамлакатда жабр-зулм бениҳоят авж олмаса эди, ишқингиз қора киймас эди (Ойбек).

*Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап.* Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда бош гап ва эргаш гапдаги мазмун бир-бирига зид бўлса ҳам, шу зидликка, тўсиқса қарамай, бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиши ифодаланади: Кўзи ожиз бўлишига қарамай, Султон бўзчи зах дўконда кечаси билан шам ёқиб, бўз тўқиб ўтиради (А.Мухтор).

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга -са ҳам, -са-да, -гаңда ҳам, қарамай каби ёрдамчилар орқали боғланади: Дунё гўзал кўринар менга, ўзи қанча эски бўлса ҳам (Ҳ.Олимжон). Кўёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди (Ойбек).

*Натижга эргаш гапли қўшма гап.* Натижга эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келишидаги натижани билдиради: Азимбой шундай зулм ўтказдики, оқибатда ҳалқнинг сабр косаси тўлди (С.Айний). У шундай кинояли ҳаракатлар кўрсатдики, одамларнинг кулгидан ичаклари узилаёди (Ойбек).

Натижга эргаш гап -ки ёрдамчиси орқали бирикади. Бундай эргаш гаплар кўпинча бош гапдаги ҳаракат белгисини кўрсатадиган шундай (шунақанг), чунон(чунонам) каби сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади: Фўзаси чунонам етилибдики, кўсақлар нашватидек келади (С.Аҳмад). Асроркул чилимни шундай қаттиқ тортдики, сархонасидан аланга кўтарилди (А.Қаҳҳор). Оксананинг шундай аччиғи келдики, ҳатто бурнининг учигача қизариб кетди (С.Аҳмад).

#### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 134-174-бетлар.

Абдраҳмонов F. Қўшма гап. Тошкент, 1957, 33-105-бетлар.

Абдраҳмонов F. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 111-212-бетлар.

Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 26-84-бетлар.

Аскарова М. Ўзбек тилида эргашиб формалари ва эргаш гаплар. Тошкент: Фан, 1966, 175-237-бетлар.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Ташкент, 1995, 166-218-бетлар.

Үрринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маъruzалар. Кўшма гаплар. Тошкент, 1991, 32-38-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент, 1976, 415-557-бетлар.

Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1987, 187-223-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. Тошкент, 1966, 420-468-бетлар.

## БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР

*Режа:*

1. Боғловчисиз қўшма гапларнинг боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларга ўхшаш ҳамда фарқли томонлари.
2. Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган гапларнинг ўзаро боғланиши усуллари.
3. Боғловчисиз қўшма гапларнинг турлари.
4. Бир типли гаплардан таркиб топган боғловчисиз қўшма гаплар.
5. Турли типли гаплардан таркиб топган боғловчисиз қўшма гаплар.

Қўшма гап қисмлари боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги грамматик воситалар ва нисбий сўзларсиз интонация орқали бир-бири билан алоқага киришиб синтактик бутунликни - боғловчисиз қўшма гапни ташкил этади.

Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг грамматик боғловчилар ёрдамисиз биркувидан тузилган қўшма гаплар **боғловчисиз қўшма гаплар** ҳисобланади: Юрагида қандай дард бор-манга бу менга сир (Ойбек). Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи (Мақол).

Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган содда гаплар мазмунан ҳа оҳангда киришиб кетади. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмун ва интонацион тугалликка эга бўлмайди. Улар маълум бир фикрни ифодалайди, интонацион тугаллик бундай гапларнинг охирида бўлади. Шу сабабли боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар, боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплардагидек, ўзаро тенг алоқага ҳам, тобе алоқага ҳам кириша олмайди.

Боғловчисиз ва боғланган қўшма гап мазмунан ва интонация жиҳатидан бир-бирига тенг бўлмайди. Қиёслант: Сен келасан - иш бошлаймиз. Сен келасан ва иш бошлаймиз.

Боғловчисиз қўшма гап айриув боғловчили боғланган қўшма гап маъно муносабатини ифодалайди.

Нисбий олмошлар ёрдами билан бош гапга боғланган эргаш гапдаги маъно муносабатларини боғловчисиз қўшма гап ифодаламайди.

Изоҳ маъносидаги боғловчисиз кўшма гапга ўжашаш курилмалар боғланган ёки эргаш гапли кўшма гапларда қўлланмайди.

Баъзи бир боғловчисиз кўшма гапларни эргаш гаплар билан алмаштириш мумкин бўлса-да, уларни эргаш гапнинг бирор аниқ турига киритиш мумкин эмас: Юрг тинч-сен тинч (Мақол).

Боғловчисиз кўшма гапларнинг айрим турлари кўп маъноли бўлиб, боғланган кўшма гапнинг ҳам, эргаш гапли кўшма гапнинг ҳам хусусиятларини ўзида ифодаланиш мумкин: Канал қазиган эдик, сув чиқмади (А.Қаҳҳор). Канал қазиган эдик, лекин сув чиқмади (боғловчисиз кўшма гап).

Кўздан кечирилган ўзига хос хусусиятлар боғловчисиз кўшма гапларни алоҳида ўрганишина тақозо этади.<sup>1</sup>

**Боғловчисиз кўшма гапни ташкил этган гапларнинг ўзаро боғланниши.** Ҳар қандай боғловчисиз кўшма гапни ташкил этган содда гаплар ўзаро маълум бир воситалар ёрдами билан бирлашади ва кўшма гапни ҳосил қўлади. Бу воситалар кўйидагилардан иборат:

1. **Лексик элементлар:** шундан бўён, шундан кейин, унда, шунда, шу пайтда, олмошлар, синоним ва антоним сўзлар, кириш сўзлар, юкламалар.

Боғловчисиз кўшма гап таркибида келувчи бу лексик элементлар содда гапларнинг биришиб, кўшма гап ҳосил қўлишларида мухим рол ўйнайди: Авжи кетиш пайти, бироздан кейин тонг отади (Ойбек). Атрофга гуллар сочилиди, шунда унинг баҳти очилди (Х.Олимжон). Шундай аёллар бўллади: улар ишқин эътиқод каби муқаддас тутади (Ойбек). Бор борича, йўқ ҳолича (Мақол).

2. **Айрим гап бўлакларининг тақрорланиши.** Бир хил сўзнинг икки гапда тақрорланиши ҳар икки гапни бир-бираiga яқинлаштиради, кўшма гапни ҳосил қўлади. Умумий гап бўлаклари ҳар икки гапда бир хил вазифада бўлиши ёки турли вазифада бўлиши мумкин: Менинг домлам йўқ, домлам-икки кўзим (А.Қаҳҳор). Ўтди кунлар, ўтди замонлар, ўтди замонга гарп бўлган онлар (Х.Олимжон). Шу одамлар ҳам ўйин-кулгини билан экан, шу одамларга ҳам ўйин-кулги ярашар экан-ку (А.Қаҳҳор).

3. **Умумий иккинчи даражали бўлаклар.** Боғловчисиз кўшма гапнинг таркибидаги иккинчи даражали бўлак кўшма гап таркибидаги гаплар учун умумий бўллади. Умумий иккинчи даражали бўлак факат биринчи гап таркибида кўлланниб, иккинчи гапда ифодаланмайди. Аммо умумий контекстдан сезилиб туради: Бойваччанинг ранги бироз оқарди, кўзлари асабий равища қисилди (Ойбек). Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди (Ойбек). У ерда муҳаббат бўларди меҳмон, оромда ўтарди оқ-оидин тунлар (Х.Фулом).

<sup>1</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. М., 1956, с.447; Вопросы грамматического строя. М., 1955, с.430; Абдурахмонов Ф. Кўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 236-бет.

**4. Структура.** Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган содда гапларнинг бир структура жиҳатидан шундай тузиладики, уни қўшма гапнинг бошқа гапидан ташқари тушуниш мумкин эмас. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар структура жиҳатидан бир-бирларига боғлиқ бўлиб қоладилар: Қайси Иномжон бўлар эди, тогангизнинг ўғли! (А.Қаҳҳор). Яхшининг шарофати тегар, ёмоннинг касофати (Мақол). Одам тилидан топади, ҳайвон мўгизидан (Мақол). Мисолдаги иккинчи гапнинг кесими тушиб қолган.

**5. Интонация ва ўрин.** Интонация содда гапларни бириттириб, боғловчисиз қўшма гап ҳосил қилинча муҳим рол ўйнайди: Қор ёғди - дон ёғди (Мақол). Жоди йўқ - сигирларга поя бутун ташланади (А.Қаҳҳор).

Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган содда гапларнинг ўз ўрни бор, шу ўринга кўра бошқа содда гап билан бирикади, маълум мақсадни, фикрни ифодалайди. Гап ўринларининг ўзгариши билан мазмун бузилади ва кузатилган фикрни билдирамайди: Сен келдинг - ясанди дунё (Уйғун). Ясанди дунё - сен келдинг.

**6. Замон муносабати.** Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги бир содда гап кесимининг бир хил замон шакли ва мазмунида бўлиши шу қўшма гап таркибидаги иккичи гап кесимининг унга мувофиқ, бўлишини талаб этади: Табиат ўзгарар минг йиллардан сўнг, балки биз билмаган гиёҳлар ўсар (Уйғун). Ваъдага вафо марднинг иши, ваъдасиз - субутсиз киши (Мақол).

**Боғловчисиз қўшма гапларнинг тури.** Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган содда гапларнинг ўзаро маъно муносабати ва уларнинг интонацияси ҳам турлича бўлади. Боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган содда гапларнинг ўзаро маъно ва интонацион муносабатларига кўра, қўшма гапнинг ифодалаган умумий мазмунига кўра, боғловчисиз қўшма гаплар икки турга бўлинади:

1. Бир гапни типлардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гаплар.
2. Турли типли гаплардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гаплар.

**Бир типли гаплардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гаплар.** Бир типли гаплардан ташкил топган қўшма гапларнинг таркибидаги содда гапларнинг типи ҳам, уларнинг оҳангига ҳам бир хил бўлади. Уларда маълум бир вақтда ёки кетма-кет рўй берадиган воқеа, ҳодисалар ифодаланади ёки воқеа, ҳодисалар бир-бирига қиёсланади.

Бир турдаги гаплардан ташкил топиб, умумий бир фикрни ифодаловчи қўшма гаплар бир типли гаплардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гаплар ҳисобланади: Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз (Ҳ.Олимжон). Ниҳоят Павел ўрнидан турди, ҳамма ёқни жим-житлик босди ("Ёшлик").

Бир типли гаплардан ташкил топган бөгловчисиз қүшма гапларни ташкил эттан содда гапларнинг ўзаро семантиқ, грамматик муносабатига кўра, икки гурухга ажратили мумкин:

1.Санаб қўрсатувчи гаплардан ташкил топган бөгловчисиз қўшма гаплар.

2.Киёслаб қўрсатувчи гаплардан ташкил топган бөгловчисиз қўшма гаплар.

Маълум воқеа, ҳодиса, белги-хусусиятларини санаб қўрсатувчи гаплардан ташкил топган бөгловчисиз қўшма гаплар, иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бе ч-хусусиятининг рўё беришига қараб, икки хил бўлишлари мумкин:

а) ҳаракат, ҳолат, белги-хусусиятнинг бир пайтда ёки биргаликда бажарилишини қўрсатган бөгловчисиз қўшма гаплар: Куй берар юракка ҳордиқ ва дармон, куй айтиб учади беватан еллар (Х.Олимжон). Гулнинг юраги кучли тўлқинланади, бутун гавдасини тотли бир титроқ босди (Ойбек).

б) ҳаракат, қолат, белги-хусусиятнинг кетма-кет рўй беришини қўрсатувчи гаплардан тузилган бөгловчисиз қўшма гаплар: Булутлар тарқалиб кетган, илиқ қуёш чиқиб, атрофга нур сочарди (М.Ибрагимов). Жинонгчиларнинг кўлларидан пичоқ ва ошичкоқлар срга тушди, кўллари ҳавога кўтарйлди (С.Айнай).

Бир типли бөгловчисиз қўшма гаплар факат икки содда гапнинг бирикувидан таркиб топмай, бу хил қўшма гаплар иккidan ортиқ содда гапларнинг қўшилувидан тузилиши ҳам мумкин: Иссиқ тобора ортгар, фир эттан шамол йўқ, от-арава кўтарган чанг ҳавода узоқ вақт қимирламай туриб қолар, юзларга қизгин темир учкуни каби ёпишар, нафасни буғар эди (Ойбек).

Маълум воқеа, ҳодисаларни қиёслаб қўрсатувчи гаплардан таркиб топган бөгловчисиз қўшма гаплар мазмунига кўра икки турга бўлинади:

а) ҳаракат, ҳолат, белги-хусусиятларни бир-бирига қиёслаб қўрсатувчи содда гаплардан тузилсац бөгловчисиз қўшма гаплар: Булар роҳатда, мен ҳасратда яшабман (Ойбек). Ўйинини кўриб, эсингиз оғди, яна ёмонлайсиз (Ойбек). Яхши отта бир қамчи, ёмон отта минг қамчи (Мақол).

б) ҳаракат, ҳолат, белги-хусусият ва унинг натижасини қўрсатувчи гаплардан таркиб топган бөгловчисиз қўшма гаплар: Ҳаво борган сари иситмоқда, мевалар етилмоқда (Ойбек). Йигитлик кучимнинг қаймогини бой олди, мен уъ ғой қийдим (Х.Х.Ниёзий).

**Турли типли гаплардан ташкил топган бөгловчисиз қўшма гаплар.** Турли типли гаплардан таркиб топган қўшма гапларни ташкил этган содда гаплар мазмунан бир-бирига бөғлиқ бўлади, уларда семантиқ алоқа зич бўлади. Бу хил бөгловчисиз қўшма гаплар турли-туман маъноларни ифодалайди, шунга кўра қўшма гап таркибидаги ҳар бир содда гап ўзига хос интонация билан талаффуз этилади.

Турли типли гаплардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гапларда тартиб ҳам қатъй бўлади. Қўшма гап таркибидаги ҳар бир гап маълум ўринга эга бўлади. Бу тартибининг ўзгариши маъно ва интонацияни ўзгартиради, ифодаланмоқчи бўлган фикр англашилмай қолади: Юрт бетинч-сен бетинч (Яшин). Бу гапда-юрг бетинч бўлса, сен ҳам бетинч бўласандейилмоқчи. Аммо гап тартибининг ўзгариши (сен бетинч-юрг бетинч) билан акс маъно келиб чиқардиги, бу фикрни муаллиф айтмоқчи эмас.

Турли типли гаплардан таркиб топган боғловчисиз қўшма гаплар икки хил вазифани бажаришга хизмат қиласди:

1.Боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган воқеа, ҳодисанинг рўй бериш шарти, пайти, сабаби, ҳолатини қўшма гапнинг биринчи қисми кўрсатади.

2.Боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисмини ёки унинг таркибидаги айрим бўлакларни изоҳлаб келади.

Умуман боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган қисмларнинг ўзаро семантик муносабатига кўра, турли тиши боғловчисиз қўшма гаплар кўйидаги маъно гуруҳларига бўлинади:

1. Шарт маъносини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплар.
2. Тўсиқсизлик маъносини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.
3. Сабаб маъносини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.
4. Натижа маъносини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.
5. Ўхшатиш маъносини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.
6. Пайт маъносини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.
7. Изоҳ маъносини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар.

1. Шарт. Боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисмидан англашилган воқеа, ҳодисанинг рўй бериши учун биринчи қисмдан англашилган воқеа, ҳодисанинг рўй бериши шарт қилиб кўйилади. Бу турдаги қўшма гапларнинг биринчи қисми кўтарилиувчи оҳанг билан, иккинчи қисми эса пасаювчи оҳанг билан талаффуз этилади Ҳар икки гап орасида пауза берилади: Кўшнинг тинч-сен тинч (Мақол). Дангаса бўлманг-бахтсиз бўлмайсиз (Мақол). Кўзим тирик-мен билан муомала қиласиз (Ойбек).

2. Тўсиқсизлик. Боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисмida биринчи қисмидан англашилган зидликка қарамай, маълум бир иш-ҳаракатнинг юзага келишиб ифодаланади. Бу хил гаплар зид маъноли боғловчисиз қўшма гапларга ўхшайди. Аммо оҳангни ва қўшма гапнинг иккинчи қисмининг биринчи қисмга мазмунан тобе бўлиши билан фарқланади: Ўзим ҳали ёшман-оламча ғурурим бор. (F.Фулом). Ўзим бунда, кўнгил унда (Ойбек).

3. Сабаб. Боғловчисиз қўшма гапнинг таркибидаги қисмлар сабаб маъносини ифодалаганда қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисмда ифодаланган воқеа, ҳодисанинг рўй бериши ёки рўй бермаслиги учун

сабабни кўрсатади: Урилмоқ ҳам фойда: пишиқ бўласиз, тажриба ҳосил қиласиз (Ойбек). Ҳа Сидикжон ака, мунча тикилиб қолдингиз, чиройлик эканми? (А.Қахҳор). Ҳамма айб ўғлимда: гўл, бўшанг (Ҳ.Ҳ.Ниёзий).

4. Натижка. Боғловчисиз қўшма гапнинг таркибидаги гапларнинг биринчиси сабабни, иккинчи гап эса ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди. Бу хил гаплар мазмунан бир тишли боғловчисиз қўшма гапларга ўхшайди. Аммо гаплар орасидаги мазмуннинг зич бўлиши билан, гапларнинг интонациясидаги ўзига хослик билан ва кесимларнинг турли замон шаклида кела олиши ҳамда турли шаклда бўлиши билан фарқданиб туради.

Натижада маъносини ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзига хос маъно ва интонацион муносабати ёзувда тире ёки икки нуқта орқали кўрсатилади:

Мен куламан-ҳаёт кулади,  
Мен куламан-кулиб кирав йил,  
Мен куламан-қўшиқ бўлади,  
Мен куламан-эркалана дил (С.Акбарий).

5. Ўхшатиш. Боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган содда гапларнинг биридан англашилган мазмун иккинчисидан англашилган мазмунга ўхшатилади. Бу хил қўшма гапларнинг биринчиси кўтарилиувчи интонация билан, иккинчisi нормал, текис интонация билан талаффуз этилади, ҳар икки гап орасида аниқ пауза берилади: Қор ёғди-дон ёғди (мақол). Хатингни ўқидим-ўзингни кўрдим (Ойбек). Сув келди-нур келди (Мақол).

6. Пайт. Боғловчисиз қўшма гапларнинг таркибидаги биринчи гап иккинчи гапдан англашилган воқеа, ҳодисанинг рўй бериш ёки рўй бермаслик пайтини ифодалайди. Биринчи гап кўтарилиувчи интонация билан талаффуз этилади, ундан сўнг пауза берилиб, иккинчи гап бир текисда бўлган нормал интонация билан айтилади.

Пайт маъноси ифодланган боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган содда гапларнинг кесимлари асосан ўтган замон феъллари орқали ифодаланади: Вақт хуфтондан ўтган, жувозхонада чироғ кўринади (Ойбек). Орадан бироз вақт ўтди-ёқимсиз хириллаш билан калта-қалта нафас ола бошлади (С.Айний).

7. Изоҳ. Боғловчисиз қўшма гапнинг таркибидаги иккинчи гап биринчи гапни: айрим бўлакларини изоҳлаши ёки уни тўлдириши мумкин. Изоҳ маъносидаги боғловчисиз қўшма гапларнинг таркибидаги биринчи гап кўтарилиувчи ва охирида пасаювчи интонация билан, иккинчи гап эса пасайиб боувчи тинч интонация билан талаффуз этилади: Маълум бўлди: чекинаётганимиз туфайли руҳан эзилгансиз (М.Шолохов). Ким табиб, бошидан ўтган табиб (А. Қахҳор). Нурига ўхшаш қизларнинг ишқи баҳорда ёқдан қордай: бир ёқдан ёғиб, бир ёқдан эриб кетади (Ойбек).

Турли типли гаплардан таркиб топган боғловчисиз қўшма гаплар одатда икки содда гапнинг бирикувидан тузилади. Аммо айрим ҳолларда боғловчисиз қўшма гапларнинг таркиби мураккаб бўлиши, иккidan ортиқ содда гаплардан тузилиши мумкин. Бу ҳолат қўшма гапнинг биринчи кисмини турли томондан, кенг изоҳлаш зарур топилган ўринларда рўй беради:

Халққа айтинг мен асло ўлганим йўқ,  
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ,  
Мен элимнинг юрагида яшайман,  
Эрк деганинг тилагида яшайман (Ҳ.Олимжон).

Кейинги уч гап биринчи гапга нисбатан тўлдирувчи функциясида келган.

*Адабиётлар:*

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтакси. Тошкент, 1979, 115-123-бетлар.

Абдураҳмонов F. Кўшма гап. Тошкент, 1957, 115-146-бетлар.

Абдураҳмонов F. Кўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 235-310-бетлар.

Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 101-113-бетлар.

Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978, 228-232-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент, 1976, 300-332-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маърузалар. Кўшма гаплар. Тошкент, 1991, 39-46-бетлар.

Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1987, 223-229-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. Тошкент, 1966, 329-366-бетлар.

## МУРАККАБ ҚҰШМА ГАПЛАР

*Режа:*

1. Мураккаб құшма гапларнинг хусусиятлари.
2. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб құшма гаплар.
3. Богланиш йўли билан тузилган мураккаб құшма гаплар.
4. Богловчисиз тузилган мураккаб құшма гаплар.
5. Аралаш мураккаб құшма гаплар.

Хозирги ўзбек адабий тилида қўлланиладиган эргаш гапларнинг ҳамма турлари ҳам бирдан ортиқ ҳолда келиб ёки бошқа эргаш гашлар билан бирга қўлланилиб мураккаб типдаги құшма гапни ҳосил қўлади.

Құшма гапни ташкил этган эргаш гаплар бош гапдан англашилган мазмунни турили томондан изоҳлайди, фикрни тўла ва мукаммал ифодалашга хизмат қўлади: Севинч, кувонч юраклардан тошганда, Шодлик саси осмонлардан ошганда, Тўлқинимиз ер юзини босганда, Кўмматхонлар тантанангиз муборак! (F. Фулом).

Мураккаб құшма гап таркибидаги эргаш гаплар мазмунан ва тузилиши жиҳатдан бир-бирига зид боғланиб, яхлит бир курилмани ташкил этади: Мен ўзимни инсон билганда, Гулга тўлиб баҳор кирганда, юрагимда ҳавас ўйғонди (Ҳ. Олижон).

Мураккаб құшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро турлича муносабатда бўладилар. Шунга кўра, мураккаб құшма гаплар куйидагича кўринишларга эга:

1. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб құшма гаплар.
2. Богланиш йўли билан тузилган мураккаб гаплар.
3. Богловчисиз тузилган мураккаб құшма гаплар.
4. Аралаш мураккаб құшма гаплар.

I. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб құшма гапда эргаш гап бир неча бўлиб, улар битта бош гапга тобеланади. Құшма гапнинг бу тури бир неча эргаш гапли құшма гап деб ҳам юритилади: Агар садоқати самимий бўлса, ҳоқон ҳазратлари синаган бўлсалар, у тақдирда камина учун эътиrozга ўрин йўқ (Ойбек).

Бир неча эргаш гапли құшма гапларнинг тобе компонентлари бир бош гапга алоҳида-алоҳида эргашуви ёки кетма-кет эргашуви мумкин. Бундай құшма гапда эргаш гапларнинг бош гапга боғланиш усули иккى хил бўлади:

1. Биргалик эргашуви орқали бирикувчи мураккаб құшма гаплар.
2. Кетма-кет эргашув орқали бирикувчи мураккаб құшма гаплар.

Құшма гап таркибидаги эргаш гапларнинг бири иккинчиси билан грамматик алоқага киришмай, ўзаро тенг ҳолатда тўғридан-тўғри бош гапга боғланса, бундай эргашиш усули биргалик эргашиш дейилади. Бу хил құшма гапдаги эргаш гаплар эса биргалик эргаш гаплар деб аталади: Қизлар

чайлладай бузилиб, мунчоги узилиб, оёғи қалтираб, кўзлари ялтираб, сипоҳига бир сўз деди (Э.Жуманбулбул).

Биргалик эргашуви орқали бош гапга биринадиган мураккаб қўшма гашлар уюшган компонентлардан тузилади.

Уюшган компонентли мураккаб қўшма гашларда бир хил эргаш гашлар бир боши гапга эргашиб келади. Бунда эргаш гашларнинг ҳар бири боши гашнинг маълум бир бўлagini бир хилда изоҳлади, аниқлайди, тўлдиради. Улар бир хил сўроқса жавоб бўладилар.

Эргаш гашларнинг ҳамма тури ҳам бирдан ортиқ ҳолда уюшиб келиб, мураккаб қўшма гашнинг бир турини ташкил қиласди:

1. *Эга эргаш гап уюшиб келади*: Кимнинг билагида кучи бўлса, ким ишнинг ҳавасини олса, ўша ударник бўлади (А.Қахҳор).

2. *Кесим эргаш гап уюшиб келади*: Толеим шулки, Ватанда бир гулестон танладим, Бахтни топган эл билан жондошиб бўлиб отдим одим (Х.Олижон).

3. *Аниқловчи эргани гап уюшиб келади*: Шундай ҳаёт тугилдики, у сенсиз яшай олмайди, сен унинг қудратли кучисан (А.Мухтор).

4. *Тўлдирувчи эргаш гап уюшиб келади*: Одамда инсон кўли билан яратилган қанча гўзаллик, табиатда қанча бойлик ва чироқ мавжуд бўлса, бўрон буларнинг барчасини ютиб юбораман деб ҳамла қиласди ("Шарқ юлдузи").

5. *Равиш эргаш гап уюшиб келади*: Арафа кечаси қувончлар чулғаб, Ўйқусини йўқотган болалардай шод, Минутлар санайман, юрак талпиниб (F.Фулом).

6. *Ўхшатиш эргаш гап уюшиб келади*: Насимий байтни гўё бутун вужудини эҳтиросли нафосат қамрагандек, юраги эзилиб-эзилиб кетаётгандек, аянч, ёлворишли ярим йиги оҳангиди билан ўқиди (А.Мухтор).

7. *Ўлчов-даража эргаш гап уюшиб келади*: Душман қанчалик гангитилса, унинг ўт очиш нукталари қанча кўп емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади (А.Қахҳор).

8. *Ўрин эргаш гап уюшиб келади*: Қаерда баҳт бор бўлса, қаерда кулги бўлса, шу ерда қўшиқ жаранглайди ("Шарқ юлдузи").

9. *Пайт эргаш гап уюшиб келади*: Балиқ қорнин ёргандан, Пичоқ белга боргандан, Чол бирдан чўчиб кетди (Х.Олимжон).

10. *Сабаб эргаш гаплар юшиб келади*: Экинзорларда кумзорлардагидек тойгоқ йўқ эди, шамол ҳам орқадан эсади, шунинг учун уйга қараб боришим унча қийин эмасди (С.Айний).

11. *Мақсад эргаш гаплар уюшиб келади*: Канал қазиб, разил ёвдан қасос олай деб, Азамат нур саройига асос солай деб, Минг-минг одам ўтди Сирнинг нарғи ёғига (F.Фулом).

12. *Шарт эргаш гаплар уюшиб келади*: Менинг хўжалигимда олимлар тажриба ясаса, кейин-кейин бундан ҳамма фойдаланса, кимнинг обрўси-бу! (Ойбек).

*13. Тўсиқсиз эргаш гаплар уюшиб келади:* Милион йиллар ўтганда ҳам, тошга йўнилган хатлар ўтиб кетганда ҳам, Қаҳрамон кишиларнинг қалбидан ўчмайди. (П.Турсун).

*14. Натижа эргаш гаплар уюшиб келади:* Аллаким шунақангি шўх ўйинга тушиб кетдики, ер ларзага келди, чанги осмонга кўтарили ("Шарқ юлдузи").

Уюшмаган компонентли мураккаб қўшма гапларда турли хил эргаш гаплар бир бош гапга эргашиб келади. Бунда эргаш гағларнинг ҳар бири бош гапдаги бўлакларни турли томондан изоҳлади, тўлдиради. Уларнинг сўроқлари ҳам турли хил бўлади.

Ўзбек тилида қуйидаги эргаш гаплар уюшмаган компонентли биргалик эргашувни ташкил қиласиди:

*1. Пайт ва мақсад эргаш гаплар бирга келади:* Қизғин жангдан чарчаб ва чўллаб Чикқанингда ёвни ўлдириб, Ташиналигинг босилсин дея, Шароб берсан коса тўлдириб (Ўйгун).

*2. Сабаб ва равиш эргаш гаплар бирга келади:* Щунда канизлар кўрқиб, юзлари бўзариб, лаблари кезариб, титраб туриши (Ислом шоир).

*3. Тўсиқсиз эргаш гап ва ўхшатиш эргаш гап бирга ишлатилади:* Очлик андишаси бошидан кўтарилса ҳам, юрагимнинг бир парчаси узилган каби, чукур қайғу, ўксиниш сезди (Ойбек).

*4. Шарт ва пайт эргаш гаплар бирга кўлланилади:* Дастлабки вақтларда ёрдам берсангиз, ишлар жўнашиб кетгандан кейин, унча оқирлигим тушмас (А.Қадҳор).

*5. Равиш ва ўхшатиш эргаш гаплар бирга кўлланилади:* Ражаб бобонинг лаблари пир-пираб, кўз жияклари гижимлангандек, сон-саноқсиз ажинларга ўралди (С.Аҳмад).

Кўшма гап таркибида эргаш гаплар бош гапга тўғридан-тўғри тобеланмай, бири иккинчисига тобеланиб, сўнг биргаликда бош гапга тобеланади. Эргашишнинг бу тури кетма-кет эргашиш деб аталади. Бу хил кўшма гапдаги эргаш гаплар кетма-кет эргаш гаплар саналади. Улар мазмунан зич боғланган бўлади. Эргаш гаплардан бири туширилса, умумий мазмун англашилмай қолади: Овқат тановул қиласкан, сухбат жиддийлашиб, сўзнинг калаваси чувалмасдан сугурилаверади (Ойбек).

Кетма-кет эргашув орқали тузилган мураккаб қўшма гаплар таркиби жиҳатдан икки гурухга бўлинади:

1. Бир хил эргаш гаплардан ташкил топган кетма-кет эргашувли қўшма гаплар: Кайфим тарқаб, мундоқ ўйлаб кўрсам, энди одамгарчилик қолмабди ("Шарқ юлдузи"). Бу мисолда ҳар икки компонент пайт эргаш гап бўлиб, уларнинг бош гапга боғловчи грамматик воситалари турлича (бирида равишидош, иккинчисида шарт феъл шакли) кўлланган.

2. Ҳар хил эргаш гаплардан ташкил топган кетма-кет эргашувли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларнинг пайт+тўсиқсиз эргаш гап+бош гап, тўсиқсиз+равиш эргаш гап+бош гап, шарт+мақсад эргаш гап+бош гап,

сабаб+тўсиқсиз эргаш гап+бош гап, пайт+ўхшатиш эргаш гап+бош гап, ўхшатиш+шарт эргаш гап+бош гап, чоғиптирма+сабаб эргаш гап+бош гап, тўсиқсиз+мақсад эргаш гап+бош гап, пайт+равиш эргаш гап+бош гап, пайт+шарт эргаш гап+бош гап, тўсиқсиз+шарт эргаш гап+бош гап, пайт+тўсиқсиз эргаш гап+бош гапли кўринишлари кўпроқ ишлатилади: Саидий китоблардан бирини сларкац, электр куввати теккандай, бир иргиб туши (А.Қадҳор). Йўргаги юзини яширган бўлса, нафас олишга қийин бўлмасин деб, кия қилиб юзини очиб қўяман (F.Фулом).

II. Бофланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап. Бундай мураккаб қўшма гапларда содда гаплар ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдами билан бирикадилар.

Бофланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап, таркибидаги содда гапларнинг боғланиш йўллари ва семантик муносабатларига кўра, боғланган қўшма гаплардан фарқ қйлмайди. Фарқ фақат содда гапларнинг миқдорида бўлади, икситадан ортиқ содда гап қатнашади: Баҳор келди, лекин ҳаво учча очилганича йўғ-у, дараҳтлар куртак ота бошлади ("Ўзбекистон овози"). Бундаги биринчи гап иккинчисига лекин боғловчиси билан, иккинчи гап учинчисига -у юкламаси билан боғланган.

III. Бофловчисиз мураккаб қўшма гап. Бофловчисиз тузилган мураккаб қўшма гап ўз таркибидаги содда гапларнинг ўзаро боғланиш усули, содда гапларнинг тузилиши ва семантик муносабати жиҳатидан боғловчисиз қўшма гапдан фарқланмайди. Фақат содда гапларнинг ўзаро муносабати мураккаброқ бўлади. Булар қуйидагилардан изборат:

1. Содда гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлади: Ҳиротнинг олим ва шоирларидан маълум бир гуруҳи бу ерга тўпланар, араб, эрон, туркий тиллардаги мұхым асарлар ўқилар, қизғин сұхбатлар, мушоиралар ва мунозаралар бўлиб турарди (Ойбек).

2. Содда гаплардан бири алоҳида вазиятта эга бўлади. Қолган содда гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлиб, алоҳида вазиятдаги гапга бир хил боғланади:

Бир қарайсан: бофи кўлда қайиклар сузар,  
Қайроғочлар сояларин сувларга чўзар (М.Шайхзода).


Бу мураккаб қўшма гапда иккинчи ва учинчи содда гаплар биринчи содда гап билан бир хил семантик муносабатга киришган. Улар биринчи содда гапнинг кесимидан англашилган маънони изоҳлаётган.

IV. АРАЛАШ МУРАККАБ ҚЎШМА ГАПЛАР. Кўшма гапларнинг компонентлари бир-бири билан баъзан ҳам боғланиш, ҳам эргашиш орқали бирикади. Бундай гаплар *аралаш мураккаб қўшма гап* деб юритилади.


Аралаш мураккаб қўшма гапларнинг кўп учрайдиган турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Бир эргаш гап ва икки бош гапнинг бирекишидан ясалган аралаш қўшма гаплар. Бундай гапларда эргаш гап бош гапларнинг биттасига ўки


алоҳида-алоҳида боғланади: Бу гап күтилмаган бўлса ҳам, Мирҳомидхўжанинг ёшлига муносаб равишда таранг ва тиник қизил юзи оқаришиди, оқ оралаган чўкку сокол хиёл титради (А.Қаҳҳор).




Фаним келса, хонумони кул бўлур,  
Ўз юртида пачақлаш маъқул бўлур (F.Фулом).




2.Икки компонентли эргаш гапли кўшма гап ҳамда икки компонентли боғланган кўшма гапнинг биринчиидан ясалган аралаш кўшма гаплар: Бир эшитдимки, қочибди деб; бир эшитдимки, кўлга тушиби деб (А.Қаҳҳор).



Мен пода бокаман, отимдир Замон;  
Ҳасан шоҳнинг феъли, биламан ёмон (Ислом шоир).



3.Икки эргаш гап ва икки бош гапдан ташкил топгтан аралаш кўшма гаплар таркибида ҳам бир неча эргаш гапли кўшма гап, ҳам боғланган кўшма гап бўлиш мумкин: Агар трактор берилса, ерлар трактор билан ҳайдалса, биринчидан, меҳнат уними ортади, иккинчидан, ҳосил мўл бўлади (А.Қаҳҳор).



### *Адабиётлар:*

Абдураҳмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1996, 220-228-бетлар.

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров Ж., Омонтурдив Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 186-195-бетлар.

Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 84-113-бетлар.

Аскарова М. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиб формалари ва эргаш гаплар. Тошкент: Фан, 1966, 315-325-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент, 1976, 496-508-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маъruzалар. Кўшма гаплар. Тошкент, 1991, 47-53-бетлар.

Ғуломов А., Аскарса М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 229-240-бетлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. Тошкент, 1966, 468-490-бетлар.

## **КЎЧИРМА ҚУРИЛМАЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР**

### *Режа:*

1. Кўчирма қурилмали қўшма гапларнинг хусусиятлари.
2. Кўчирма қурилмали қўшма гапларнинг турлари.
3. Кўчирма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Ўзлаштирма гапларнинг хусусиятлари.
5. Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар.

Кўчирма гапли қўшма гаплар ҳам қўшма гапларнинг ўзига хос бир тури сифатида шакл ва мазмун муносабатига кўра бир қатор хусусиятларга эга. Бундай гапларнинг синтактик қурилиши бошқа қўшма гаплар билан қиёсланча, уларнинг кўпроқ эргаш гапли қўшма гапларга яқин туради. Аммо кўпчилик тадқиқотларда кўчирма гапли қўшма гапларда боғловчиilar иштирок этмагани учун уларни боғловчисиз қўшма гапнинг бир тури деб ҳисоблаш мүкинлигини таъкидлайдилар.<sup>1</sup> Қандай баҳоланишидан қатъий назар, кўчирма гапли қўшма гапларда ҳам бош ва эргаш гапларнинг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Муаллиф гапи қўшма гап таркибида ҳоким вазиятда бўлади, шу маънода у бош гап саналади.

Баъзан сўзловчи ўз фикридан ташқари ўзгаларнинг фикрини ҳам баён қулиш зарурияти туғилади. Ўзгаларнинг гапини ҳикоя қилувчи шахс муаллиф ҳисобланади. Ана шу муаллиф бошқа шахсларнинг фикрини

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 459-бет.

ўизинг нутки ичида келтиради. Бу ўзганинг гали кўчирма қурилмали қўшма гап саналади.

Хозирги ўзбек адабий тили синтаксисига ёзилган илмий мақолалар, монографиялар, дарслик ва кўлланмаларда кўчирма қурилмали қўшма гаплар турли томондан ўрганилгандир.

Ўзбек тилшунослигига кўчирма қурилмали ўзга гап кўшма гапларҳақидаги дастлабки маълумотни Н.Сайд ва А.Йўлдошевлар томонидан ёзилган "Ўзбек тили грамматикаси" китобида учратамиз<sup>1</sup>. Муаллифлар рус тили грамматикасидан ижодий фойдаланиб, кўчирма ва ўзлаштирма гапга алоҳида боб ажратганлар ва улар ҳақида дастлабки фикрларни баён қилгандар. Кейинчалик яратилган грамматикаларда ҳам кўчирма ва ўзлаштирма гап ҳақида умумий маълумот берилган<sup>2</sup>. Ўзбек тилшунослигига кейинги йилларда кўчирма гапларга оид маҳсус ишлар юзага келди. Унда муаллифнинг гапи кўчирма гапга нисбатан ўз мустакиллигини сактайти, деб кўчирма гапни унга тобе қилиб кўяди. Бу билан кўчирма гапнинг ҳам маъно ва грамматик жиҳатдан ўзига хос мустакиллигини кайд килмайди.<sup>3</sup>

Кўчирма гапларнинг ифода шакллари ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд. Жумладан, бир қатор дарслик ва кўлланмаларнинг муаллифларни ўзга гап атамасини ишлатиб, уларнинг икки хил шакли нутқда кўлланишни-кўчирма ва ўзлаштирма шакллари мавжудлигини кайд қиласалар<sup>4</sup>, проф.М.Аскарова ва О.Исройлов ўзга гапнинг уч шакли-кўчирма, ўзлаштирма ва ўзиники бўлмаган кўчирма гап турлари борлигини кўрсатадилар.<sup>5</sup> А.Абдуллаев ўзга гапнинг олти шакли борлигини таъкидлайди.<sup>6</sup>

Кўчирма қурилма кўшма гапларда икки хил нутқий қатлам ўз ва ўзига нутқ бир-бирига қоришиган ҳолда ифодаланади. Шунга кўра, ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма қурилмали кўшма гапларнинг куйидаги кўринишлари мавжуд:

- 1.Күчирма гап.
  - 2.Үзлаштирма гап.
  - 3.Үзиники бўлмаган кўчирма гап

Күчирма кирилмали құшма гаплар таркибида күчирма гап ҳам, ўзлаштирма гапга ҳам үхшамайдыган кирилмалар мавжуд. Уларни ўзининки бўлмаган күчирма гап деб атайдилар.

<sup>1</sup> Сайд Н., Йўлдошев А. Грамматика. II. Наҳв. Тошкент, 1936, 56-бет.

<sup>2</sup> Фозиев Х. Узбек тили грамматикаси. II бўлум. Синтаксис. Тошкент, 1940, 141-бет.

<sup>3</sup> Шарипов М. Ўзбек тилида кўчирма ва ўзлаштирма. Тошкент, 1955. 3-5-бетлар.

<sup>4</sup> Хозирғи ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. Тошкент, 1966. 491-бет.

<sup>5</sup> Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1987, 240-251-бетлар; Исройлов О. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ўзга гап. I кисм, Самарқанд, 1981, 5-бет.

<sup>6</sup> Абдуллаев А.Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма гапли конструкциялар. Ташкент: Фан, 1978. 9-бет.

**Кўчирма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари.** Кўчирма гапда нутқ жараёнидан олдин айтилган ёки айтишга мўлжалланган ўзга нутқининг баъзан эса сўзловчининг ўзи томонидан олдин айтилган гапларнинг бўлиши асосий белги саналади. Кўчирма гапдаги мазмун тингловчига қаратилади.

Ўзгалар фикрининг семантик, лексик, грамматик хусусиятлари сақланган ҳолда, мустақил гап шаклида муаллиф гапи билан бирга ишлатилиши **кўчирма гап** деб аталади: Саксон ота унинг гапини бўлди: "Умр шомига етсак ҳам, юракда ўтимиз бор" (Ойбек).

Кўчирма гапларнинг характерловчи кўйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Кўчирма гап қандай шаклда бўлмасин, муаллиф гапи билан биргаликлла кўлланади.

2. Кўчирма гап алоҳида олиб қаралганда, кўпинча кузатилган мақсад англашилмайди.

3. Кўчирма гап ва муаллиф гапи ўртасидаги грамматик ва семантик муносабат уларни айрим-айрим олиб талқун қилишга йўл қўймайди.

4. Кўчирма гапли кўшма гапларнинг асос, тамал турида муаллиф гапи яхлит гапнинг "синчи" сифатида кўчирма гапни ўз ичига олади.

· Кўчирма гапларнинг бу хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг кузатилишини таҳлил қилиш лозим. Кўчирма гап ўз тузилишига кўра кўйидаги турларга бўлинади:

а) бир компонентли содда гаплардан иборат бўлади: -Хозир! Хозир! -қичқирициди ёшлар (Ойбек). -Рост, -деди учувчи Фабидов (С.Аҳмад).

б) кўп компонентли содда гаплардан иборат бўлади: "Раис қаерда!" - сўради Маҳкам қичқириб (Ойбек). -Ўзингизнинг қовунингизданми? -деб сўради Вали ака (М.Исмоилий).

в) кўчирма гап кўшма гапдан ташкил топади: -Хозир ҳосил учун курашининг авжи вакти, -деди Ўқтам жиддий тус билан, - яхши парвариш қиласанг, гўзани овқатдан, сувдан толиктирмасанг, кун сайин ҳосилга ҳосил кўшасан (Ойбек).

г) кўчирма гап мураккаб кўшма гапдан ташкил топади: "Аянг телефон қилди", -деди Азиз Ферузнинг қалин патак сочини силаб. -Сени жуда сөғинибди. "Ферузжон уйга келсин!" - деди (Х.Ғулом).

Кўчирма гаплар турли-туман семантикасига эга бўлган феъллар орқали алоқага киритилади. Бундай феъллар кўчирма гапдаги вазифасига кўра **бошқарувчи феъллар** деб аталади. Кўчирма гапли бутунлик икки муҳим қисмдан иборат. У бошқарувчиси (муаллиф гапи) ва бошқарилувчи (кўчирма гап) қисмларидан таркиб топади. Ҳар иккала қисмни алоқага киритишда бошқарувчи гап таркибида кесим бўлиб келган феъл муҳим роль ўйнайди. Бошқарилувчи қисм турли йўллар билан шу феълга боғланади. Кўчирма гапларнинг интонацияси модал хусусиятлари, уларнинг замонга муносабати ва синтактик табиати ана шу феъл-кесимга боғлиқдир.

Кўчирма гапда кўлланадиган феълларни лексик-семантик хусусиятига қараб қўйидаги гурухларга акратиш мумкин:

1.Нутқ ғеъллари. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма гапларни ҳосил қилишда демок, айтмоқ, гапирмоқ, ҳикоя қўлмок, сўзламоқ, бақирмок, шивирламоқ, урушмоқ, койимоқ, тергамоқ, кулмок, буормок, топширмоқ, фармон бермоқ, хукм қўлмок, сўрамоқ, тасдиқламоқ, жавоб бермоқ, бошламоқ, тамомламоқ, овутмоқ, инонтироқ, ифодаламоқ каби нутқ ғеъллари жуда кенг қўлланилади: Шунда бири айтди: "Бизлар меҳмонмиз: Ким яхши ким ёмовини билмаймиз" (Ф.Йўлдош). Подио буйруқ берди: "Уларни ялонғочлаб қаранг" (Ф.Абдуллаев).

2.Сезги ва ҳолат ифодаловчи ғеъллар: сесканмоқ, пайқамоқ, ҳайрон бўлмоқ, ҳовлиқмоқ, безовта бўлмоқ, қизишмоқ, аччикланмоқ, жаҳли чиқмоқ, шолимоқ, қалтирамоқ, қувонмоқ, кўчирма гапларни шакллантиришда иштирок этади: "Нима уни ишдан олиши керакми? - ҳайрон бўлди Мария Васильевна" (А.Мухтор).

3.Имо-ишора ёки сўзловчининг турли ҳаракатларини ифодаловчи ғеъллар: куллик қўлди, қўлини чўзди, энгашди, мушт кўтарди каби кўчирма гапни шакллантиришда иштирок этади: - Ҳа, саломатмисиз, Жўра ака! - қўлини узатди унга (Ойбек).

4.Тафаккур фаслияти билан боғлиқ ғеъллар: ўй суриб кетмоқ, хаёлдан ўтказмоқ, фикр қўлмок, хаёлга ботмоқ, ўз-ўзи билан гаширмоқ сингарилар кўчирма гапларни шакллантиришда қатнашади: "Чўлонной бизларнинг розилигимизсиз эрга тегиб, балки яхши иш қўлгандир?" - дея ўй суриб кетди (С.Анорбоев).

Кўчирма гап ўзига хос бўлган бир қанча грамматик хусусиятларга эга:

1) буйруқ мазмунидаги кўчирма гапда кўпинча унлалма иштирок этади ва ундалмали гапнинг ғеъл кесими буйруқ майли шаклида келади: Нортой полвонга қичқирди Ўқтам: -"Хормант, полвон!" (Ойбек). "Үғлим, яххиси шуки, -деди Саҳсон ота қўлини силтаб, - қолган ишга қор ёғар деган қадимги сўзни унугтма" (Ойбек).

2) гапнинг мазмун характеристига кўра, кўчирма гапнинг интонацияси турлича бўлади: "Нега хат-пат, телеграмм юбормадингиз?" -деди Жўра (Ойбек). -"Гап кизиқиши, -жавоб берди Эгамберди, ...чаласини китобдан ўқидим-да, тўппа-тўғри имтиҳонга бордим" (Ойбек).

Кўчирма гап ва муаллиф гапининг ўрни турли стилистик талабларга мувофиқ турли юа бўлади:

1.Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келади. Бунда муаллиф гапидаги гап бўлаклари инверсияга учраб, кесим таркиби олдин, эга таркиби кейин қўлланади: -"Қалай, раис кўзини очдими?" -деди Қамчи (Ҳ.Ғулом).

2.Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келади. Бунда муаллиф гапининг кесими кўпинча айтди, сўради, жавоб берди, деди, гапирди, пичирлади, ўйлади каби ғеъллар билан ифодаланади: Турғун оҳиста шивирлайди: -"Фолбинга борган эдим... машхур жуда топгич хотин" (Ойбек). У Ўқтамга мурожаат қўлди: "Манаву мавзуга нима дейсиз?" (Ойбек).

3. Кўчирма гап турли стилистик талабларга кўра, муаллиф гапининг ўртасида келади. Бунда муаллиф гапининг эга таркиби кўчирма гапдан олдин, кесим таркиби кўчирма гапдан кейин келади: Новикова кўйин дафтариға тез-тез ёзар экан, Канизак зерикб қолмасин учун: "Бу пулларни нима қиласиз?" -деб сўради (А.Қаҳдор). Кечкурун Канизак эшикдан кириши билан: "Сидикон ака, бизнинг звонода ишлар эмишсиз", -деди (А.Қаҳдор).

4. Кўчирма гап муаллиф гапининг ҳар икки томонида келади. Бу вақтда автор гапи инверсияга учрайди: кесим таркиби олдин, эга таркиби кейин келади: "Одамнинг кўлидан келмайдиган ҳеч бир иши йўқ, -деди болаларга бир-бир қараб Саодатхон, -одам ҳамма нарсадан зўр" (С.Зуннунова). "Ҳақиқий севгини ҳеч нарсага тенглаштириб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди, дўстим, -деди Элмурод. -Севги - кишиликнинг энг юксак бебаҳо орзуси" (П.Турсун).

Кўчирма гапнинг муаллиф гапидан кейин ёки унинг ҳар икки томонидан келиш ҳолати бадий нутқда кўпроқ учрайди. Унинг муаллиф гапидан олдин ёки унинг ўртасида келиш ҳолати эса кўпроқ, сўзлашув нутқида учрайди.

Кўчирма гап бирдан ортиқ шахснинг ўзаро сўзлашувидан иборат бўлса, бундай кўчирма гаплар муаллиф гаписиз-диалог шаклида берилади.

Диалог шаклидаги фикрнинг ёки гапнинг кимга қарашли эканлиги нутқ жараёнида маълум бўлади:

- Турдиевни биласизми?
- Биламан. Қадрдоммиз.
- Уларга ёрдам берганмисиз?
- Ёрдам берганман ва бермоқдаман.
- Нималар берганмисиз?
- Ҳашарга борганмиз.
- Бепул ишлаганмисиз?
- Ҳашар бепул бўлади-да.
- Курилиш материаллари ҳам берганмисиз?
- Йўқ (И.Рахим).

**Кўчирма гапда тиниш белгилари.** Кўчирма гаплар доим қўштириноқ ичида ёзилади. Муаллиф гапи кўчирма гапдан олдин келса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта кўйилади. Кўчирма гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади: У мендан сўради: "Хушхат экансан. Ҳисобни биласанми?" (Ойбек).


Схемаси:

_____ :	"_____ !"
_____ :	"_____ ?"
_____ :	"_____ ."

"_____ !"
"_____ ?"
"_____ ."

Күчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, күчирма гапдан сүнг вергул ва тире кўйилади: "Чапаничасига гаплашайлик", -деди Насим ("Шарқ юлдузи").

Схемаси:



Муаллиф гапи кўчирма гап ўргасида келса, тиниш белгилари кўйидагича кўйилади:

1. Кўчирма гапнинг узилган қисмida вергул, нуқтали вергул, икки нуқта кўйилган бўлса ёки ҳеч қандай тиниш белгилари бўлмаса, муаллиф гапи ҳар икки томонидан вергул ва тире билан ажратиб ёзилади: "Ефим тоғам, -деди Пўлатжон, -ҳамма вақт байроқдор бўлганлар" (Х.Назир).

Схемаси: " , -  , -  ".

2. Икки содда гапдан тузилган кўчирма гапнинг биринчисидан сўнг нуқта кўйилган бўлса, муаллиф гапидан олдин ва вергул ва тире, ундан кейин эса нуқта ва тире кўйилади. Кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан ёзилади: "Мана шу бўрсиқ Мирзачўлда яккаланиб қолган ҳайвонларнинг энг охиргиси, -деб таъкидлadi бобом. -Менинг номимдан ҳайвонот боғига бериб юбор" (Файратий).

Схемаси:  , -  , -  ".

3. Агар кўчирма гапнинг узилган ерида сўроқ ёки ундов белгиси кўйилган бўлса, муаллиф гапидан олдин тире, муаллиф гапидан кейин эса нуқта ва тире кўйилади. Кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан ёзилади: "Фаланга шуми? -деб сўради бир бола. -Жуда хунук бўлар экан" (Ё.Шукуров).

Схемаси: " ? -  , -  ".

Кўчирма гап муаллиф гапи орасида келса, муаллиф гапининг узилиб қолган қисмидан сўнг икки нуқта кўйилади; кўчирма гап бош ҳарф билан ёзилади, кўштириноҳичига олинади. Кўчирма гапдан кейин вергул ва тире кўйилиб, муаллиф гапининг давоми ёзилади: Қаландаров бош силкиб: "Зулфиқоров яхши биргадир", -деди (А.Қахҳор).

Схемаси:  : " ", - .

**Ўзлаштирма гапларнинг хусусиятлари.** Ўзганинг гапи баъзан сўзловчи томонидан ўзлаштирилиб айтилади. Нутқ жараёнида айтилган ё айтилиши шарт бўлган фикрни қайта тақоролаб ўтиришга деярли ҳожат қолмайди. Натижада ўзлаштирма гапга мирожат қиласди. Ўзлаштирма гап кўчирма гап берадиган фикрнинг асосий мазмунини саклаб, грамматик, лексик хусусиятларини ўзлаштириб баён қиласди: Комилжон китоб кишини кўп нарсага ўргатишни айтди. Мазкур ўзлаштирма гапнинг негизида тубандаги кўчирма гап мавжуд: "Китоб кишини кўп нарсага ўргатади", -деди Комилжон.

Ўзлаштирма гапдаги феъл тушум келишигида келиб, кўчирма гапда баён этилган фикрнинг йигинидисини, жамини ифодалайди.

Кўчирма гап ўзлаштирма гапга айлантирилиши билан унинг аник синтактик чегараси, сўз тартиби, интонацияси, модаллиги, сўзловчи нутқнинг хусусияти ўзгаради.

Кўчирма гап бир кўшма гапдан иборат бўлса ёки уюшиқ кесимли бўлса, ўзлаштирма гапда уларнинг кесимлари ўзига хос ўзаришларга учрайди ва улар ўзлаштирма гап ичida биргина феъл кесим билан берилади: У бошидан ўтган воқеаларни ишга тизгандек бирма-бир гапира бошлади. Дилдорни севган борми, унга акаси ўйлангани борми, жаҳул билан уйдан кетиб қолиб, акаси ўлгандан кейин қишлоқча қайтиб келгани борми, ҳаммасини гапириб берди (С.Аҳмад).

Кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантиришда куйидаги грамматик тузилишини кузатиш мумкин:

1. Кўчирма гапнинг кесими ўтгай замон феъли бўлса, ўзлаштирма гапга айлантиришда **ган+лик+и+ни** (-ганлигини) аффикси билан алмаштирилади. Бу вактда кўчирма гапнинг эгаси қараткўч шаклини олади. Муаллиф гапнинг кесими ҳам бошқа сўз билан алмашади: "Тошкентда чиндан ҳам қадамим кутлуг бўлиб кетди", -деди Ўқтам ҳаяжон билан (Ойбек). Ўқтам ҳаяжон билан Тошкентда чиндан ҳам қадамининг кутлуг бўлиб кетганлигини айтди.

2. Кўчирма гапнинг кесими **-ётир, -яп** билан ясалган ҳозирги замон феъли бўлса, замон шакли **-ётган** аффиксига айлантирилади, сўнг **-лик+эалик аффиксит+ни** кўшилади: Маърузачи ўз нутқида: "Бутун дунёдаги тинчликсевар халқлар тинчлик учун курашаётир", -деди ("Ўзбекистон овози").

Маърузачи ўз нутқида бутун дунёдаги тинчлик севар халқларнинг тинчлик учун курашаётганилигини айтди.

3. Кўчирма гап кесими **-а(й)** билан ясалган келаси замон феъли бўлса, ўзлаштирма гапга айлантирища бу замон ясовчиси **-ажак** билан ёки ҳаракат номи шакли **-(и)ш** билан алмаштирилади, сўнгра эалик **аффиксит+ни** кўшилади: "Уруғликни ўз пахтамиздан ўзимиз тайёрлаймиз", -деди жиддият билан Тансиқ (Ойбек).

Тансиқ жиддият билан уругликни ўз пахталаридан ўзлари тайёрлаяжакларини айтди.

4.Кўчирма гап кесими буйруқ феъли бўлса, тусловчи ўрнига ҳаракат номининг -(и)ш аффикси+эгалик аффикси+керақ (лозим, зарур)-лик+эгалик аффикси+ -ни кўшилади: "Ўрит гўзанинг томир-томирига сингсин!"-деди (Ойбек).

Анор ўрит гўзанинг томир-томириларига сингиши кераклигини айтди.

5.Кўчирма гап кесими бор, йўқ сўзлари билан ифодаланса, ўзлаштирма гапга айлантирилганда унга -лик+эгалик аффикси+ни кўшилади: "Бизнинг ғазалимиз эл орасида бир қадар шуҳрат топғанилиги ҳақида ривоятлар бор", -деди Навоий камтаринлик билан (Ойбек).

Навоий камтарларлик билан ўз ғазали эл орасида бир қадар шуҳрат топғанилиги ҳақида ривоятлар борлигини айтди.

6.Кўчирма гап кесими от кесим бўлганда, бу кесимга экан+лик+эгалик аффикси+ -ни кўшилади: "Боғ чиндан гўзал, -деди атрофига қараб Биноий, -чиройли манзара!" (Ойбек).

Биноий атрофига қараб, боғнинг чиндан гўзал, манзаранинг чиройли эканлигини айтди.

7.Кўчирма гап -ми юкламаси билан тузилган сўроқ гап бўлса, ўзлаштирма гашга айлантирилганда бу гапнинг кесими -ган+ -маган+ -лик+эгалик аффикси+ни шаклини олади: "Спорт билан мунтазам шуғулланиши кераклигини унугмадингизми?" -деб сўради Насиба ("Шарқ юлдузи").

Насиба спорт билан мунтазам шуғулланиши кераклигини унугтган-унугтмаганилигини сўради.

8.Кўчирма гап таркибида ундалма бўлса, уни ўзлаштирма гапга айлантирганда ундалма чиқиш келишиги кўшимчасини олиб, воситали тўлдирувчига айланади: -Раис, нима учун бошқалар қолоқ? -деди у ("Ўзбекистон овози"). У раисдан нима учун бошқалар қолоқ эканлигини сўради.

Бадиий адабиётда кўчирма ва ўзлаштирма гапларнинг аралаш ҳолда ишлатилиши ҳам учрабтуради. Бундай ҳолатда ҳам кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ўз мустақилликларини саклаб қолади: Йигит бу гап нотўғри, у ўн беш сўм берганини, бу цулни Бўрихўжа амаки, "ўзим гўрковга бераман" деганини дарҳол нафаси тикилиб айтди (Мирмуҳсин).

Хуллас, кўчирма гап олдин, ўзлаштирма гап кейин шаклланади.

**Ўзинники бўлмаган кўчирма гап.** Ўзанинг гапи кўчирма гап билан ўзлаштирма гап оралиғидаги ҳолатда бўлади. Бунда ўзанинг фикри муаллиф гаписиз-сўзловчининг иштирокисиз баён қилинади, яҳни муаллиф кўчирма гапдаги сўзловчи вазифасини бажаради. Шунинг учун бундай гаплар **ўзинники бўлмаган кўчирма гап** ҳисобланади: Мактуба чеълакдаги чигитни машина кутисига ағдарар экан, Анварнинг ранги қув учиб кетди. Ахир бу қиз-у, эрталаб кўрган ўша соҳибжамол-ку! Ажабо энди коржомада ҳам ўша-

ўша! (М.Кориев). Бу гапда кўчирма гапнинг сўзловчиси (Анвар) номидан муаллифнинг ўзи гапирган. Унинг гапи -Ахир бу қиз-у, эргалаб кўрган соҳибжамол-ку! Ажабо, энди коржомада ҳам ўша-ўша! -жеч ўзгаришсиз семантик, грамматик, лексик хусусиятлари деярли сақланган ҳолда келтирилган. Бу жиҳати кўчирма гапга ўхшайди. Лекин бунда муаллиф гапининг йўқлиги билан кўчирма гапдан фарқ қиласи.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар кўпроқ бадиий асарларда учрайди. Бунда муаллиф персонаж тилидан гапириб, воқеага ўз муносабатини билдиради: Салимбайваччанинг кўзлари ола-кула бўлиб, юзидағи гўштлари пириллади, бу қандай гап? Бир хизматкор унга қичқирса, "сен" десин, "аблаҳ" десин! (Ойбек).

#### *Адабиётлар:*

Абдуллаев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма гапли конструкциялар. Тошкент: Фан, 1978.

Абдураҳмонов А., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 195-208-бетлар.

Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 241-бет.

Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 113-124-бетлар.

Исройлов О. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ўзга гап. I қисм. Самарқанд, 1981.

Эгамов В. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1988, 115-119-бетлар.

Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 457-473-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабийтили синтаксисидан маърузалар. Қўшма гаплар. Тошкент, 1991, 54-65-бетлар.

Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 240-251-бетлар.

#### **Қўшма гаплар таҳлили тартиби.**

1. Қўшма гапларга умумий тавсиф бериш.
2. Қўшма гап қисмларини боғловчи воситаларни белгилаш.
3. Қўшма гап таркибидаги содда гапларга тавсиф бериш, мустақил содда гаплар билан қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни мазмун, тузилиши, интонация, тартиб жиҳатдан қиёслаш.
4. Қўшма гапларнинг таснифи.

## **Боғланган қўшма гап таҳлили**

1. Ифода мақсадига кўра гапнинг тури.
2. Компонентларнинг миқдори.
3. Компонентларни ўзаро боғловчи грамматик воситалар.
4. Боғланган қўшма гап компонентларининг ўзаро боғланиш усулларига кўра турлари.
5. Боғланган қўшма гап компонентларининг семантик муносабати.
6. Боғланган қўшма гапда тиниш белгиси ва унинг схемаси.

## **Эргаш гапли қўшма гап таҳлили.**

1. Гапнинг ифода мақсадига кўра тури.
2. Бош гап ва эргаш гаплар.
3. Эргаш гапларнинг бош гашга боғланиш воситалари.
4. Эргаш гапнинг вазифаси, сўроғи.
5. Бош ва эргаш гапларнинг маъно муносабати.
6. Эргаш гапли қўшма гашларнинг турлари.
7. Эргаш гапларнинг миқдори, уларнинг типи.
8. Эргаш гапли қўшма гап қисмларининг тартиби, тиниш белгиси, схемаси.

## **Боғловчисиз қўшма гап таҳлили.**

1. Ифода мақсадига кўра гапнинг тури.
2. Боғловчисиз қўшма гапнинг компонентларини аниқлаш.
3. Боғловчисиз қўшма гап компонентларини ўзаро бирютирувчи воситалар.
4. Боғловчисиз қўшма гап компонентларининг ўзаро семантик муносабати.
5. Боғловчисиз қўшма гапларнинг турлари.
6. Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгилари, унинг характеристи ва схемаси.

## **Мураккаб қўшма гаплар таҳлили.**

1. Компонентларнинг миқдори ва чегараси.
2. Мураккаб қўшма гап қисмларининг ўзаро бирютиш воситалари ва уларнинг хусусиятлари.
3. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар.
4. Боғланиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар.
5. Боғловчисиз тузилганмураккаб қўшма гаплар.
6. Арадаш мураккаб қўшма гаплар.
7. Мураккаб қўшма гап таркибидаги тиниш белгилари ва унинг схемаси.

## **Кўчирма курилмали кўшма гаплар таҳдили.**

1. Кўчирма курилмали кўшма гапнинг характеристини аниқлаш.
2. Кўчирма курилмали кўшма гапларнинг тузилишини белгилаш.
3. Кўчирма курилмали ҳўшма гапларнинг турларини аниқлаш.
4. Кўчирма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларда тиниш белгилари, схемаси.
5. Ўзлаштирма гапларнинг хусусиятларини аниқлаш.
6. Ўзининки бўлмаган кўчирма гапларнинг хусусиятлари.
7. Кўчирма курилмали гапларнинг турини тузилиши жиҳатдан бир-биринга айлантириш. Уларнинг грамматик тузилиши ва услубий хусусиятларида юз берган ўзгаришларни аниқлаш.

## **МАТН ЛИНГВИСТИКАСИ**

*Режа:*

1. Матн ва унинг тузилиши.
2. Матн бирлеклари.
3. Матн ва мураккаб синтактик бутунлик.
4. Абзацнинг хусусиятлари.
5. Период ва унинг хусусиятлари.

Хар қандай гап грамматик жиҳатдан структурал тугаллиги билан фарқланади. Бу эга ва кесим гурухи ёки уларнинг бири орқали шаклланиб, интонацион бутунликка эга бўлади. Фикран эса, матндан ажратиб олинган гап одатда тугал бўлмайди. Фақат нутқдагина у тугал фикр англаради. Унинг тугал фикр англатиши матнга боғлиқдир.

Гапларнинг реал ҳаёти боғланишли нутқ оқимида намоён бўлади. Матндан ажратиб олинган гап грамматик мустақиллигини сақласа ҳам, матндан бошқа гаплар билан боғлиқ бўлган фикрий тугаллигини йўқотади.

Нутқ оқимидан ажратиб олинган гапларнинг фикран мустақиллиги нисбийдир. Фақат айрим гапларгина, масалан, мақол ва ҳикматли сўзларнинг айрим турлари, баъзи ахборотли ёки хроникал мақолалар таркибидаги гаплар, абзац вазифасида келган гаплар ўз табиати билан мустақил бўлиши мумкин.

Масалан: Ойни этак билан ёпиб бўлмас (Мақол). Бу мақолда олам-олам мазмун бўлиб, у мустақил ҳолда ҳам бир матн мазмунини и жамғаргандир.

Гапларни фикран нотугал, тузилишига кўра мустақил, тўлиқлиги уларнинг оппозицион табиатини белилайди. Фикрнинг тугаллик томон ривожланиши бошқа гапларнинг келишини тақозо қиласди.

Боғланишли нутқ таркибидаги грамматик гап матн билан боғлиқ бўлади. Сўзловчининг мураккаб ижодий фикр ифода қилишга бўлган

эҳтиёжи икки ёки ундан ортиқ гапларни мазмун ва грамматик жиҳатдан боғлаб, йирик синтактик бирликлар ҳосил қиласди.

Айтилмоқчи бўлган фикр алоҳида олинган бир гап билан ойдиналашмай қолиши мумкин. Шу вақтда муаллиф шу гапнинг мазмунини изоҳловчи, мазмунан бир-бирига алоқадор бўлган бир қатор гапларни ёнмаён келтиради. Бу нарса йирик грамматик тузилманинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Йирик грамматик тузилма жиҳатидан укошган жумлалар матн саналади. У нашр орқали акс эттирилган нутқ ёки нутқ парчасидир.

Матн ўз характеристи ва тузилишига кўра, икки турли бўлади: макроматн, микроматн.

Макроматн тўлиқ асар, мақолалар ва мақолалар шаклида намоён бўлади. Масалан, Хайриддин Султоновнинг "Саодат соҳили" қиссаси тўласинча макроматн саналади.

Микроматн абзац, синтактик бутунлик, период шаклида намоён бўлади. Ҳар бир асарнинг таркибидаги абзац, синтактик бутунлик, период микроматн саналади. Уларнинг барчаси йирик синтактик бирлик ҳисобланади.

Йирик синтактик бирликлар ўз характеристига кўра қўйидагилардан иборат:

- 1.Мураккаб синтактик бутунлик.
- 2.Абзац.
- 3.Периодлар.

I.Матннинг йирик синтактик бирликларидан бири мураккаб синтактик бутунликдир. Мураккаб синтактик бутунликнинг структурал қурилишида асосий ролни, кўпинча, биринчи гап ўйнайди. Биринчи гап мавзуни белгилайди. Бу мавзу кейин жойлашадиган гапларнинг мазмуни ёрдамида ойдиналашади. Биринчи гап мураккаб синтактик бутунликнинг мазмуний ва синтактик марказини ташкил этади, фикрнинг яна давоми борлигини эслатади, шу билан бирга, унинг тузилишини белгилайди.

Мураккаб синтактик бутунликнинг айрим типларида мустақил гаплар ўзаро лексик элементлар ёрдамида боғланади: шундай қилиб, шуидан бери, шунга кўра, бу ҳақида, шу билан бирга кабилар. Бу хил лексик элементлар мураккаб синтактик бутунликнинг иккинчи қисмида жойлашади: Терим бошида бир оз бўш бошланган бўлса ҳам, ишбошларининг раҳбарлиги соясида кейинчалик иш қизиб кетди. Ёшлар, мактаб ўқувчилари ҳам катта ёрдам қилдилар. Шундай қилиб, терилмаган бир дона ҳам кўрак қолмади (С.Айний).

Хозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган мураккаб синтактик бутунликларни уч типга бўлиб ўрганиш мумкин:

1.Статик мураккаб синтактик бутунликлар. Бундай синтактик бутунликлар тасвирий характеристерга эга бўлиб, улар драматик асарлар тилида учрайди. Тасвирий мураккаб синтактик бутунлик бир неча номинатив

гаплардан ёки шуларга яқын бўлган гап типларидан ташкил топади: Дадавой акаларнинг яхши жиҳозланган уйи. Диван, стол, стуллар, радио, ерга гиламлар тўшалган, кўрпачалар солинган. Бир чеккада сандал. Чапда ошхонага, тўғрида ҳовлига чиқадиган эшик. Рўбарўда деразалар. Январь ойлари Дадавой гингиллаб ашула айтиб, қандайдир бир кўл соатни тузатмоқда (Уйғун).

2. Динамик мураккаб синтактик бутунлик. Бундай бутунликлар таркибида анафора, эпифоралардан фойдаланадилар: Олий кенгаш халқ учун яшайди ва халққа хизмат қиласди. Олий кенгаш ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий шакли мустакил республиканизмнинг раҳбар ва етакчи кучидир. Олий кенгаш халқининг буюк яратувчилик фаолиятига раҳбарлик қиласди, унинг пировард мақсадга-мустақиллик ғалабасига эришиш йўлдаги курашига ташкилий, режали, илмий жиҳатдан асосланган характер беради ("Халқ сўзи").

3. Арапаш типли мураккаб синтактик бутунликлар. Бунда энкоридаги иккала тип арапаш ҳолда ишлатилади: Ҳозир кўрғон ичи тинч. Нури билан Ҳакимбайваччанинг хотини Турсуной кечки салқинда кезиш учун чиқиб кетишган. Эсли болалар ҳам кўринмайди. Гўдаклар эса бешикда, дараҳтлар орасидаги беланчакларда ухлаб ётишади (Ойбек).

II. Абзац-мураккаб синтактик бутунликларни стилистик-композицион бирлик сифатида фарқланади, чунки мураккаб синтактик бутунлик структурал-семантик бирлиқлариди.

Абзац воситасида матнинг янги композицион бирлиги баён этилади. Бадинй асарнинг ҳар бир абзацида асар қархрамонининг характеристи, ҳаракат манераси ҳақида маълумот берса, илмий асада илмий мантикий хуносалар берилади.


Абзац бир гапдан ва мураккаб синтактик бутунлиқдан таркиб топиши мумкин: Музаффар дарҳол хушёр торғди чоги, гайритабиний жилланглаб, Расулга пешвоз чиқди (О.Ёкубов). Кечаси улар тун ярмигача ишлашади. Энг нодир топилмаларни: қулоқ, бурунлари синган бўлса ҳам, тарихий аҳамияти муқаррар ганч ҳайкалчалар-бу ҳайкалчалар бир маҳаллар бу ерда Будда дини ҳокимлик қилганини кўрсатарди! -ёқут ва забаржад қадалган кумуш зийнатлар, ҳум ва хумчалар, беҳисоб қилич ва қалқонларни маҳсус кутиларга жойлашгунча алламаҳал бўлди. Ҳар қалай, бу ишлардан чарчаган Нигора, ётишдан олдин бир лаҳза очиқ ҳавода юриш учун ташқарига чиққанида соат бирдан ошган эди (О.Ёкубов).

III.Период (теварак, атроф, айлана) синтактик бутунлик бўлиши билан бирга, интонацион тугаллик характеристига эга. Периодлар таркибидаги содда гапларнинг нечталигидан қатъий назар, икки қисмга ажралади:

- а) овоз кўтариладиган қисм;
- б) овоз пасаядиган қисм.

Ҳар доим периоднинг биринчи қисми кўтариливчи, иккинчиси пасаювчи бўлади: Мавсумни ўтказмасдан куёв қилсалар, ўзларига ҳам бизга

ҳам яхши бўлар эди, Тожихон ўзларидан ибрат олса, камина куёвларидан ибрат олсан, турмушимиз бундан ҳам яхши бўлиб кетса ажаб эмас (А.Қаҳҳор).



Таркиби иккитадан ортиқ содда гапларниң ўзаро семантик-грамматик томондан жисп бирикувидан ташкил топган, тўлиқ интонацион ва мазмуний туталликка эга бўлган, турли хил мазмун муносабатларни ифодаловчи йирик семантик курилмалар *период* деб аталади.


Период тузилиши, интонацияси, мазмунига кўра, яхлит бир бутунликни ташкил этади. Периоднинг қисмлари ўзаро, асосан, интонация ёрдамида бирикади. Периодни иккитадан ортиқ гаплар ташкил этади. Бу гаплар орасида маълум мазмун муносабатлари ўрнатилади. Аммо периодни қанча гаплар ташкил этгасин, улар қандай семантик муносабатга киришмасин, икки қисмга ажралади, ана шу қисмлар орасида уч хил мазмун муносабати ифодаланади:

1.Воқеа, ҳодиса, хусусиятларни қиёслаш. Периоддаги гаплар икки қисмга ажралиб қисмларниң бири содда гапдан, иккинчisi боғловчисиз ёки боғланган кўшма гапдан, ёхуд эргаш гапли кўшма гаплардан тузилади. Бу қисмлардан англашибилган мазмун бир-бирига қиёсланади: Очлик, ялонгочликка кўнишиб, тирикчилигимизни қилас эдик, лекин бир нарсага бошимиз гаранг бўлиб қолди: дадамизнинг гарданида қарзи бор экан (Ойбек).

Схемаси:



Кўчада битта занглаған мих тушиб ётган бўлса-ку, керак бўлади деб, дарров оламиз, занглаған бўлса ҳам, чўнтағимизга соламиз, нега бутун бошли одамни кўчага чиқарив ташлаймиз? (А.Қаҳҳор).




2.Воқеа, ҳодиса, хусусиятларни изоҳлаш. Мураккаб курилманинг биринчи-изоҳланувчи қисми бир гапдан иборат бўлиб, иккинчи изоҳловчи


қисми бир неча содда гапдан тузилади. Мураккаб қурилманинг иккинчи қисми биринчى қисмидан ёки унинг айрим бўлакларидан англашилган мазмунни изоҳлайди, улар билан боғлиқ бўлган кўшимча маълумотни ифодалайди:

Кунлардан бир кун чойхонага чиқиб чой ичиб ўтиrsa, ҳамма ёқда дувдув гап: подшо ҳазратларининг қизи Сурайёхон шахмат ўйнашда шундай доно бўлибдики, дунёда унга тенг келадиган бирорта одам йўқ эмиш, кимдаким Сурайёхонни ютса, у ўшанга тегар эмиш, ютқазса, калласи кетар эмиш ("Ўзбек халқ эртаклари").

**Схемаси:**



3. Вокеа, ҳодиса, хусусиятларни бириктириши. Мураккаб гап қурилмалари қисмларидан англашилган мазмун бир-бираига кўшилади, бирикади ва шундай қилиб маълум воеа, ҳодиса, тушунчаларҳақида ҳар томонлама тўлиқ таассурот тугилади. Бу хил гаплар асосан тасвирилаш ёки характерлаш учун кўлланади. Периоднинг бу тури структура жиҳатидан анча эркин тузилиб, очик қурилмаларни ташкил этади. Ёвларига осмон тутундур, шунинг учун бафи бутундир. Шунинг учун ёпинмагай хас, шунинг учун кийинар атлас (Ҳ.Олимжон).



**Адабиётлар:**

Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 186-195-бетлар.

Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 232-241-бетлар.

Закиев М.З. Ҳозирги татар адабий тили синтаксиси ва пунктуацияси. Қозон, 1984, 199-212-бетлар.

Үринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маърузалар. Кўлма гаплар. Тошкент, 1991, 66-72-бетлар.

## **Мати лингвистикаси таҳлили.**

1. Мати компонентларининг микдори ва чегарасига кўра кўринишлари.
2. Матининг бирликлари ва қисмлари, уларнинг ўзаро бирекиш йўллари.
3. Мант ва мураккаб синтактик бутунлик.
4. Матидаги абзац ва унинг хусусиятлари.
5. Период, унинг қисмлари, таркиби ва мазмун муносабати.
6. Микроматнларни ажратиб таҳлиллаш.

## **ЎЗБЕК ТИЛИ ПУНКТУАЦИЯСИ**

*Режа:*

1. Ўзбек тили грамматик қурилиш ўзбек пунктуациясининг асосини белгиловчи таянч сифатида
2. Ўзбек пунктуацияси тарихи.
3. Пунктемалар таснифи.
4. Тиниш белгиларининг қўлланиш ўринлари.
5. Тиниш белгиларининг қўша қўлланиш усуллари.

Пунктуация миллий тил ёзувига хос маҳсус ва мустақил бўлим, унда тиниш белгилари микдори, маъно ва вазифалари ҳамда уларнинг қўйиллиш ўринлари ва қўлланиш усуллари, ўзига хос хусусиятлари ва ёзувнинг бошқа воситаларидан фарқи каби қатор ҳодисалар текширилади.

Пунктуация миллий тил ўзувининг тарихий қисми ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек ёзуби икки хил типлаги белгилар тизимидан иборат: 1) ҳарфлар-булар, 30та шартли белгилардан иборат бўлиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек тили алфавитини; 2) тиниш белгилари-булар, 10 та шартли белгидан иборат бўлиб, ўзбек тили пунктуациясини ташкил этади. Ҳозирги ўзбек графикаси 40 та шартли белгидан иборат бўлиб, улар ёзма нутқининг ифодаланишида асосий тизим саналади.

Пунктуация сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, у нуқталар илми деган маънени белдиради. Пунктуация атамаси уч маънода қўлланилади: 1) тиниш белгилари тизими ва қўлланиш қонун-қоидаларини ўрганувчи бўлим; 2) пунктуацион қонун-қоидалар маромлари тўплами; 3) тиниш белгилари тизими пунктуацияни ҳосил қиласди.

Пунктуация - тизим сифатида ёзма нутқа хос ҳодиса бўлиб, у ҳар бир миллий тил табиатига, ёзув тизимига боғлиқ ҳолда белгиланади. Тиниш белгилари тизими пунктуацияни ҳосил қиласди.

Пунктуация - ёзув ойнаси сифатида ҳар бир гапнинг мазмуни, маъно туслари ва синтактик қисмлари орасидаги турли муносабатларни аниқлашда ўрни муҳимдир.

Пунктуация ижтимоий ҳодиса бўлиб, у даврлар ўтиши, ёзувнинг ўсиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради. Пунктуация полисемантик ва

полифункционал хусусиятга эгадир. Масалан, ёзма нутқ жараёнидан вергул ажратиш чегаралаш, айриш, изоҳ, таъкид каби вазифаларни бажариш учун ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва адабий тил вазифавий услубларининг тараққий этиши, ёзма нутқ маданиятининг ўсиши, мамлакатларимизда матбуст ва нашриёт ишларининг қенг ривожланиши пунктуациянинг иккимойй-амалий аҳамиятини янада оширади.

*Пунктуациянинг тилшуносликнинг бошқа соҳалари билан муносабати.* Пунктуация ёзувнинг ажралмас бир қисми ва график тизимларидан бўлғанлиги учун ҳарфлар тизими, яъни алфавит ва ёзув тизими-графикаси тизимида тиниш белгилари бўлмаган. Ўзбек графикаси кирилл ва лотин алфавитига асосланниб иш кўргач, пунктуация қоидалари ҳам ишлаб чиқиди.

Пунктуация фонетик вазифани бошқарганда интонация билан алоқага киришади. Масалан, сўроқ, ундов ва нуқта белгилари муайян интонацион тугалликнинг сигнали сифатида қабул қилинади; уюшиқ бўлакларда кўлланилган вергул санаш интонациясига тенг келади.

Пунктуация синтаксис билан узвий алоқадор бўлиб, пунктуация қоидалари тининг синтактик қонуниятлари, маромлари асосида талқин этилади. Ҳар бир тиниш белгисининг кўлланиши ўрни ва тартибини белгилашда тилнинг барча грамматик-синтактик хусусиятлари ҳисобга олинади. Ёзма матнадаги ҳар бир тиниш белгиси муайян синтактик ҳодисани акс эттиради.

Пунктуация синтаксис билан мустаҳкам алоқада бўлиб пунктуация синтактик қурилишга асосланади. Тиниш белгилари содда ва қўшма гап таркибида асосан симантик-синтактик вазифа бажаради.

Содда ва қўшма гапларда пунктуация асосларини аниқлашда тўрт ҳолатни ҳисобга олиш лозим:

*1.Структурал ҳолат.* Содда гапдаги пунктуация бир гапга ва шу гап ичидаги бўлакларга тегишли бўлади ва уларнинг семантик-синтактика муносабатини ифодалайди.

Қўшма гаплардаги пунктуация гапларга, бу гаплар ичидаги бўлакларга тааллуқли бўлади ва уларга хос семантик-синтактик муносабатларни ифодалайди. Қўшма гап таркибида тиниш белгиларининг вазифаси кенгаяди ва ортади.

Масалан, тире содда ва қўшма гаплардаги от кесимни эгадан ажратиш, изоҳловчилар, ажратилган бўлакларни ажратиш вазифасини бажариш билан бирга қўшма гапдаги гапларни ажратишга ҳам хизмат қиласди.

*2.Грамматик ҳолат.* Содда гапнинг таркибида гап бўлаклари билан синтактик алоқага киришмаган қурilmalар (ундалма, кириш ва киритмалар, ундов сўзлар, тасдиқ, инкор, сўроқ сўзлар) бўлса, улар маҳсус тиниш белгиси билан ажратилади. Қўшма гап қисмлари зидлов боғловчилари билан

бирикканда мазкур боғловчилардан олдин вергул кўйилади. Боғловчисиз кўшма гапларда эса, лексик-грамматик ҳолатга кўра у ёки бу тиниш белги кўлланади.

3. *Семантик ҳолат*. Содда ва кўшма гапда тиниш белгилари гап ва шу гап ичидаги бўлакларнинг семантик муносабатини ифодалаш учун кўлланади. Шунга кўра, тегишли тиниш белгилари ишлатилади.

4. *Стилистик ҳолат*. Тиниш белгилари содда ва кўшма гаплар таркибида компонентларнинг синтаксик-стилистик ва стилистик бутунлиги, стилистик равонлигини таъминлаш учун хизмат қиласди.

Содда ва кўшма гаплардаги пунктуация логик-грамматик муносабатни, гап ва гап бўлакларининг бирниши, ажралиши, чегараланишини; семантик, грамматик муносабатларни ва бутунлиники таъминлашади.

**Ўзбек пунктуацияси тарихи.** Ҳозирги замон ёзувида тиниш белгиларининг вазифаси жуда тараққий этиб, уларнинг кўлланishi доираси ҳар томонлама кенгайди. Лекин ўзбек пунктуацияси ўз тарихи тараққиёти даврида бир неча босқичларни босиб ўтди. Уни шартли равишада 4 босқичга бўлиш мумкин:

1. Қадимги ёзувларда ишлатилган пунктуацион ҳарактердаги ишораларнинг дастлабки вазифаси-ажратишлар. Ажратувчи белгилар матннаги сўзларни шаклан ажратиш учун кўланган, Аммо ҳеч қандай маъно ифодаланмаган. Сўзлар интервал воситасида, айрим гап ёки гап кисмлари "пунктуацион" ишора воситасида ажратилган.

2. Иккинчи босқичда ажратувчи белгилар семантик вазифани ҳам бажара бошлайди. Ажратувчи белгилар дастлаб семантик жиҳатдан умумий вазифани бажарган. Охирига ажратиш белгиси кўйилган гаплар хабар, сўрок, буйруқ каби маъноларни ифодалаган. Кейинчалик гаплардаги маъноларни ажратиш, фарқлаш зарурати туғилган. Ёзувдаги мазмуний муносабатларни фарқлаш эҳтиёжи туфайли ажратувчи белгининг турли хил шакллари пайдо бўлган: бир нуқта, икки нуқта, нуқталар комбинацияси, нуқтанинг ўзгаририлган шакллари каби.

3. Учинчи босқичда том маънодаги пунктуацион тизим вужудга келади. Пунктуация тараққиётининг бу босқичда семантик вазифа ифодаловчи пунктуацион белгилар муайян маромга, тизимга киради, уларнинг семантик вазифаси аниқлашади. Китоб, газета ва журнallарнинг кўплаб нашр этилиши адабий тилнинг ижтимоий вазифасини кенгайтиради. Янги пунктуацион белгилар пайдо бўла бошлайди. Пунктуацион ишоралардан фойдаланиши қоидалаштирилди.

4. Пунктуация тараққиётининг бу босқичда тиниш белгиларининг вазифаси ҳар жиҳатдан тараққий этади. Айниқса, уларнинг услубий вазифалари кенгаяди. Бу - адабий тил вазифавий услубларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ,

Санаб ўтилган тараққиёт босқични босиб ўтган ўзбек тили пунктуацияси ўз асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қиласи.

Пунктуация асосларини белгилашда уч хил нуқтаи назар мавжудлигини кўрамиз.

Биринчи нуқтаи назар тарафдорлари пунктуацияга маънони асос қилиб оладилар. Тиниш белгиларининг кўлланилишини маънога боғлаб изоҳлайдилар.<sup>1</sup>

Иккинчи қараш тарафдорлари пунктуацияга грамматик курилишини асос қилиб оладилар. Улар тиниш белгиларининг ишлатилишини белгиларининг ишлатилишини гапнинг синтактик курилишига боғлаб изоҳлайдилар.<sup>2</sup>

Учинчи гурух тишлинослар пунктуацияга интонацияни асос қилиб оладилар, пунктуацион қонун-қоидаларни гапнинг интонацияси билан боғлаб тушунтирадилар.

Пунктуацион асосларни белгилашда нутқ мазмуни, тузилиши ва интонацион хусусиятлари бир бутун ҳолатда олиб қаралиши даркор.

**Пунктемалар таснифи.** Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгилари кўлланиш ўрни, ишлатилиш усули, тузилиши ва вазифасига кўра таснифланади.

Пунктемалар кўлланиш ўрнига кўра уч гурухга бўлинади:

1.Гап охирида кўлланувчи тиниш белгилари. Бунга нуқта, сўроқ ва ундов белгилари киритилади.

2.Гап ичida қўлланилувчи тиниш белгилари. Бунга вергул киритилади.

3.Аралаш ҳолда қўлланилувчи тиниш белгилари. Бунга икки нуқта, нуқтали вергул, қўштироқ, қавс, кўп нуқта, тире киради.

Пунктемалар кўлланиш усулига кўра икки гурухга бўлинади:

1.Якка ҳолда қўлланилувчилар. Бунга фақат икки нуқта киради.

2.Қўша ҳолда қўлланилувчилар. Бунга сўроқ, ундов, қўштироқ, қавс, вергул, кўп нуқта кабилар.

Пунктемалар тузилиши жиҳатидан икки гурухга бўлинади:

1.Бир элементли тиниш белгилари. Бунга вергул, тире, нуқта киритилади.

2.Кўп элементли тиниш белгилари. Бунга икки нуқта, нуқтали вергул, сўроқ, ундов, қавс, кўп нуқта; қўштироқ кабилар.

Пунктемалар вазифасига кўра уч гурухга бўлинади:

1.Чегараловчи тиниш белгилар. Бунга қўштироқ, қавс киради.

2.Айирувчи тиниш белгилар. Бунга нуқта, сўроқ, ундов, нуқтали вергул киради.

3.Мураккаб вазифали тиниш белгилар. Бунга икки нуқта, вергул, тире, кўп нуқта киради.

<sup>1</sup> Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 43-бет.

<sup>2</sup> Шоабдураҳмонов Ш. Пунктуация қоидалари. Тошкент, 1953, 4-бет.

## Тиниш белгиларининг кўлланниш ўринлари.

Ўзбек тилида тиниш белгилари нутқ бўлакларининг грамматик муносабатларига, нуткнинг мазмунига, нутқ оҳангига, ёзувчининг хоҳишига кўра ва эмоционалликни сишириш учун кўйилади.

**Нуқта ва унинг кўлланниш ўринлари.** Нуқта энг қадимти ва энг кўп кўлланувчи тиниш белгиларидан бири бўлиб, у қуйидаги ўринлarda ишлатилади:

1.Дарак гаплар охирига кўйилади: Фақат Азизхон бу сұхбатларга, бу шодликларга аралашолмой бир четда чироқ ёқилмаган чодир олдида, афтодаҳол ўтиради (С.Аҳмад).

2.Баъзан буйруқ гаплар охирига кўйилади: Кўрқма, қочсанг ўзингта жабр қиласан. Қани юр-чи ичкарига (П.Турсун).

3. Ремарка типидаги гаплар охирига кўйилади: -Халқимга, ижодкоримга! (Кета бошлиди.) (Уйғун).

4.Нумеративлар билан санаб кўрсатилган гаплар охирига кўйилади: кўйидагиларга "Ўзбекистон қаҳромони" фахрий унвони берилсин:

1.Воҳидов Эркин - Ўзбекистон Халқ ёзувчиси ("Ўзбекистон овози").

5.Йирик сарлавҳалар ва айрим йирик рубрикалардаги гаплар охирига кўйилади: Шоир қалбида - миллат фами ("Даракчи"). Чорвачиликка алоҳида эътибор. Жонкуярлар ташаббуси ортмоқда ("Ўзбекистон овози").

6.Ҳарфлар ёки рақамлар билан кўрсатилган нумеративлардан сўнг кўйилади: Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга багишланган қайси асарини биласиз?

Д. "Хамсатул-мутаҳайирин";

7.Қисқартмалардан сўнг кўйилади: Алишер Навоий-А.Навоий.

8.Цитата манбани кўрсатувчи киритмалар охирига кўйилади: "Ҳар нарсадан олий юрг ва халқ баҳти!" (Уйғун, "Вафо".)

9.Математикада кўпайтирув аломати сифатида кўлланилади:  $5 \cdot 5 = 25$ .

10.Нуқта саналарда кун, ой ва йилларни ажратиш учун ишлатилади: 3.06.1936, 22.07.1959 кабилар.

**Сўроқ белгиси ва унинг кўлланниш ўринлари.** Сўроқ белгиси гап охирида кўлланади асосий белгилардан ҳисобланиб, уларнинг кўлланishi кўйидагича:

1.Соф сўроқ маъносини анлатувчи гаплар охирига кўйилади: Бўлар бўлмасга йиглаган вакъингиз ҳам бўлгандир? (А.Қаҳҳор).

2.Сўз ёки жумлада ноаниқулик, чумон сезилса, бундай сўз ёки жумладан сўнг сўроқ белгиси қавсга ўралган ҳолда кўйилади: Кампир ўзининг содда тафаккури, ўтмиш онги (?) билан, тилидаги ўзбекча жозиба (?) билан эсда қолади ("Ўзбекистон овози").

3.Сўроқ гап типидаги сарлавҳалардан кейин кўйилади: Ўзбекистонни биздан ким тортиб олмоқчи? Сизни севолмасам, нетай? ("Даракчи").

4.Айрим сўз ва сўз бирималари сўроқ маъноси учун ишлатилса, улардан сўнг сўроқ белгиси ишлатилади: ким?, нима?, қандай?, қандай қилиб? каби.

**Ундов белгиси ва унинг қўлланниш ўринлари.** Ундов белгиси гап охирида қўлланувчи тиниш белгиларидан бўлиб, унинг қўлланниши қўйидагича.

1.Ундоў гаплар охирига қўйилади: Ҳеч кимга бермайман сени, Ўзбекистон! ("Даракчи"). Олтиксой ажойиб гўзал қишлоқ! (Ш.Рашидов).

2.Вокатив гаплар охирига қўйилади: Мансур. Амир! Мажиддин. Кул! (Уйғун).

3.Ундов интонацияли номинатив гаплар охирига қўйилади: Уруш! Дунё! Мустамлака! (Х.Олимжон).

4.Ундов интонацияли инфинитив гаплар охирига қўйилади: Ўкув режасини тезда бажариш керак! ("Маърифат").

5.Ундош гаплар охирига қўйилади: Чўх, жоновор! -деб отга қамчи босди ("Шарқ юлдузи").

6.Буйруқ гаплар охирига қўйилади: Қаҳрамоним, арслоним, меҳрибоним, бўл омон! (Х.Олимжон).

7.Риторик сўроқ гашлар охирига қўйилади: Қутлаймиз янги йил янги баҳт билан Дўстлар қадаҳларни кўтаринг, қани! (Уйғун).

8.Шарт, истак маъносини билдиргая охирига қўйилади:

Кўшиқ айтгим келди сенинг тўйингда,  
Қандай қиласай, севинч сайратса тилни!  
Қандай қиласай дўстим, баҳт таронаси,  
Баҳор туйгулари яйратса дилни! (Уйғун).

**Вергул ва унинг қўлланниш ўринлари.** Вергул энг кўп қўлланувчи ва энг кўп вазифани бажарувчи тиниш белгилардан саналади.

Вергул содда гап таркибида ҳам, қўшма гап таркибида ҳам қўлланади.

Вергул содда гап таркибида, гап бўллаклари, айрим сўзлар, оборотлар ва кириш гапларни асосий гапдан ажратиш учун ишлатилади: ўюшиқ бўллаклар, ажратилган бўллаклар, равишдош, сифатдош оборотлар, ундалмалар, кириш сўзлар, ундов сўзлар, тасдиқ ва инкор билдирувчи ҳа, йўқ, хўп сўзлари, модал маънони англатувчи қани, майли кабилар вергул билан ажратилади (булар ҳакида содда гап қисмида тўхталганимиз учун батафсил ёрингмадик).

Вергул қўшма гап таркибида ҳам қўлланилади. Бунда у қўшма гап компонентларини биритириши ёки ажратиш учун ишлатилади. Вергул қўшма гап таркибида қўлланилганда, шу қўшма гапни ҳосил этвчи гапларнинг турлича лексик-грамматики муносабатини ифодалашга хизмат қиласди. (Бу ҳақда қўшма гап қисмида тўхталганимиз).

**Қавс ва унинг қўлланниш ўринлари.** Ҳозирги ўзбек тилида чегараловчи тиниш белги сифатида қўйидаги ўринларда қўлланилади:

1.Киригма кирилмаларни ажратишида: Кече "Динамо" стадионида "Дўстлик"(Тошкент) ва "Динамо"(Самарқанд) командалари ўргасида футбол ўйини бўлди ("Зарафшон").

2.Ремаркаларни ажратишида: Қани энди (оёгини шапатилаб), ишкан бўлмаганда-ку, роса тегардим-а! (К.Яшин).

3.Цитата ёки миссонинг манбанин кўрсатишида: "Она тили - бу миллатнинг руҳидир" (И.Каримов).

4.Изоҳ, уқдириш мъъносидаги сўз, сўз бирикмасини ажратиш учун: Жомбой (туман) бу йилги нахта тайёрлаш режасини бажарди ("Зарафшон"). Прагматика (тилининг муносабат соҳасини ўрганади) ҳозирги тилшунослигимизнинг долзарб муаммоси ("Халқ сўзи").

5.Бирор сўз ёки сўз бирикмасига муносабат билдирилса, сўрок, ундов белгилари қавс ичига олиниди: жафокашлиги бўйи-басти (?) билан, гўзаллиги ва соддалиги (!) билан кўринди ("Маърифат").

**Нуқтали вергул ва унинг қўлланиш ўринлари.** Нуқтали вергул аралаш ҳолда ишлатиладиган тиниш белгилари гурухига киради. У ҳозирги ўзбек тилида кўйидаги ўринларда ишлатилади:

1.Мураккаб уюшиқ бўлаклар ажратилади:

Пахта, мева, қанд, асал, шомгул, ипак, донинг сара;  
Тошкумир, олғин, қумуш, нефт-ранг-баранг  
Кўп фазилатларга тўлган бебаҳо коним менинг (Уйғун).

2.Рақам ёки ҳарфлар билан ифодаланган нумеративлардаги гаплар охирига кўйилади: Ҳозирги асосий вазифа: а) ўкув йилининг яхши якунлаш; б) ўқитувчиларни ёзги таътилга жўнатиш; в) ўқувчиларни дуруст дам олдириш; г) янги ўкув йилига тайёргарлик кўриш ("Маърифат").

3.Боғловчисиз кўшма гапларда бир-бирига яқин бўлмаган фикр берилса, қиёсланса қўлланилади: Улар мусиқа тинглаб ўтириб, Беҳзодни унуддилар; Беҳзод эса кафтлари билан сувни уриб чўмилмокда эди ("Шарқ юлдузи").

4.Мураккаб кўшма гапларда кўйилади:

Ер кўкармас, эл яшармас,  
Бўлмаса кўк томчиси;  
Қайдан олсин шеърни шоир.  
Бўлмаса илҳомчиси (А.Тўқай).

**Кўп нуқта ва унинг қўлланиш ўринлари.** Кўп нуқтанинг вазифаси мураккаб бўлиб, ўргаси ва охирида, ҳатто сўз ўргасида қўлланилади. Унинг қўлланишида кўйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

1.Мазмунан тугалланмаган гаплар охирида: Бошимни олиб бирор ерга қочмоқчи ҳам бўлиб қолдим... (F.Фулом).

2. Сўзловчининг турли ҳис-ҳаяжони ва ҳолатини кўрсатувчи гаплар охирида: Кўм-кўк... Кўм-кўк... Кўм-кўк... Мехнат шараф ва шон бўлган водийлар кўм-кўк... (Х.Олимжон).

3. Матн, жумла қисқартирилса: Она тилига муҳаббат масаласи... Она тили - бу миллатнинг руҳидир (И.Каримов).

4. Баъзи сўзлар орасига қўйилади: Э... Дилбарим? Эри-чи? ("Шарқ юлдузи").

5. Ёзма нутқда кокофемизмларни бериш мумкин бўлмаганда: У сўқмоқчи бўлиб,... сўзини айтмади ("Шарқ юлдузи").

*Тире ва унинг қўлланиш ўринилари.* Ҳозирги ўзбек тилида тире арапаш ҳода қўлланилувчи тиниш белгиларидан бири бўлиб, у энг кўп қўлланилади. У қўйидаги вазифаларда ишлатилади:

1. Ажратилган бўлакларни чегаралаш, ажратиш учун: Табиатнинг маржон танли, гул сочли Эрка қизи - тонг оқариб келади (Уйғун). Тогаларим Эгамберди ва Раҳимберди - мени бир-бир қучоқлаб ишга бериладилар (Ойбек).

2. Киритма курилмаларни чегаралаш учун: Аввал ўқи, кейин... - Очилнинг "сев" сўзини айтишга юраги бетламади - кейин дўстлаш деган маъноси бўлмаса керак (П.Қодиров).

3. Бирон ташкилот, таълимот, нарса-ҳодисаларнинг номини англатувчисўзлар орасида қўйилади: Тошкент - Самарқанд поезди, Ўзбекистон - Тожикистон ахбороти.

4. -дан, -гача грамматик шакллари вазифасини бажаради: 80-90 йиллар, XX-XXI асрлар, якшанба-шанба каби.

5. Расмий хужжатларда асосий масалаларни таъкидлаш учун: Маъмурий кенгашнинг асосий вазифаси:

-ходимларни рағбарлантириш, ишдан озод қилиш, ишга олиш;  
-ходимларни меҳнат интизомини кўриб чиқиши... ("Маъмурий хужжат"дан).

6. От кесимни эгадан ажратиш учун: Сен-Лайло, мен-Мажнун (Э.Воҳидов). Доннинг бўлиғи - омборнинг тўлиғи (Мақол).

7. Эгани таъкидлаш учун ишлатилади: У-бир заҳар, У-бир ўлим сувидир (Х.Олимжон).

8. Поэзияда бир синтактик бутунликни ифодаловчи бирикмаларнинг бўлининишини кўрсатиш учун:

Тушунчаси қоп-қора бўлут-

Каби борган сари куюлар (Х.Олимжон).

9. Баъзан эмоционалликни ошириш учун: Тонглар, тонглар-севаман сизни ("Халқ сўзи").

10. Уюшиқ бўлаклардан сўнг келган умумлаштирувчи сўзларни ажратиш учун: Сариқ қизил, оқ-хилма-хил гуллар (Ойбек).

11.Кўшма гап таркибидаги гапларнинг тугалланиш чегарасини кўрсатиб, уни иккичи гапдан ажратади: Ит хуради - карвон ўтади (Мақол). Мундюқ қарасам - гилюс ёнида пастаккина ошхона турибди (Ойбек).

12.Кўшма гап таркибидаги гаплар тўлиқсан гап шаклида кўлланса, тушиб қолган бўлакнинг ўрнини қоплаш учун: Олтин ўтда билинади, одам-мехнатда (Мақол).

13.Диалогларда ҳар бир шахс нутқини бир-биридан ажратиш учун:

-Намозбой!...

-Намоз полвон келяпти!

-Авлиё Намоз деганилари шу бўладими? (Х.Тўхтабоев).

14.Баъзан тире факультатив вазифани бажаради: -Уига кир! -кескинни равишда буюради отаси Аъзамга. Кейин менга дейди: -Қараб тур, сен отангта чакмасамми!... -Ўдағайлади чол (Ойбек).

15.Кўчирма гапли кўшма гапларда кўлланилади (Улар ҳакида аввалги бобда батафсил тўхталганимиз).

*Кўштириноқ ва унинг кўлланиш ўринилари.* Ҳозирги ўзбек тилида кўштириноқ икки элементли бўлиб, у куйидаги ўринларда кўлланилади:

1.Кўчирма гапда ишлатилади: Амударё қадим замонларда ҳар хил номга эга эди: "Авесто"да Арангҳа ёки Аранг дейилган (М.Жўраев).

2.Цитаталарда: "Бадиий асар тилини ўрганиш унинг факат лексик-грамматик хусусиятларини ўрганиш билан чегараланмайди, балки биринчи навбатда ёзувчининг бадиий маҳорати билан боғланади" (Х.Дониёров, Б.Йўлдошев).

3.Кўчирма маъноли, эскирган, янги, кесатиқ маъноли сўзлар кўштириноқка олинади: Озиқ-овқат керакдан мўл. "сен жемен же" ... (F.Фулом). Ҳаром пул "ҳавоскор"лари ўз ашулаларини айтиб бўлиши ("Муштум").

4.Бадиий ижод намуналарининг номи: "Тил ва адабиёт таълими" журнали, "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи" журнали.

5.Ташкилот, корхоналарнинг номлари: "Афросиёб" меҳмонхонаси, "Фан", "Ўқитувчи" нашриёти кабилар.

6.Ички монолог: "Бутун домламиз жудаям меҳрибон?" деб ўйладим, ичимда... ("Шарқ юлдузи").

7.Қарор буйруқларнинг айрим бандлари, синфлар ажратилади: 5-"А"синф, 110-"А" рақамли қарор, 20-модданинг "В"банди.

8.Рейтинг, баҳо баллари: "эллик", "етмиш", "ўрта", "аъло", "яхши" каби.

9.Матн ичидаги келтирилган мақоллар, сарлавҳалар, асарлар номи:

*Икки нуқта ва унинг кўлланиш ўринилари.* Ҳозирги ўзбек тилида икки нуқта икки элементли бўлиб, у куйидаги ўринларда кўлланилади:

1.Боғловчисиз кўшма гап таркибидаги гапларни ажратиш учун: Ким билмайдир: дехқонларга дўст агроном... (F.Фулом).

Унинг шеъри мисоли олтгин:  
Очишган ўқиган сайин (Ўйғун).

2. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлакларидан олдин келганда: Биттаю битга ўғлим бор: ювош, мўмин-қобил, одобли бола, уни ҳамиша сўкканинг-сўккан, тилинг кесилгур! (Ойбек).

3. Муаллиф гапидан сўнг келган кўчирма гап, цитатада кўйилади: У бирмай ётган мураккаб ва чигал ишларни эслади-ю, музaffer миъзога қараб: "Факирни маъзур тутинг, мирзо ҳазратлари", -деди (П. Қодиров).

4. Куйидаги сўзлар (масалан, мисол, чунончи, қарор, режа, мавзу, мақсад, сабаб, сабаби)дан сўнг кўйилади.

5. Нисбатлаш, бўлиш маъносини ифодалаганда: "Дўстлик" - "Динамо" ўйини 6:2 ҳисобида тугади ("Зарафшон"). 6:3=2.

6. Ихчамлаш, стилистик равонлик учун ишлатилади: БМТ-Бирлашган миллатлар ташкилоти тинчлик сари.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ёзувида тиниш белгиларининг қўша қўлланиш тизими ҳам мавжуд. Тиниш белгиларининг кема-кет қўлланиши маънони бўрттириш, услугубий аниқлик, равонлик ва турли фикрий-грамматик муносабатларни кўрсатиши каби масалалар билан боғлиқдир.<sup>1</sup>

#### *Адәбиётлар:*

Назаров К. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. Тошкент: Фан, 1974.

Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1976.

Шоабдураҳмонов Ш. Пунктуация қоидалари. Тошкент, 1953.

Кудратов Т., Нафасов Т. Лингвистик таҳдил. Тошкент: Ўқитувчи, 1981.

Фозиев X. Ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёти. Тошкент: Фан, 1979.

#### *Пунктуацион таҳдил тартиби.*

1. Ифода мақсадига кўра гапнинг тури ва тиниш белгиси, унинг қўлланиш хусусияти.
2. Гапнинг грамматик тузилиши жиҳатидан тури.
3. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг миқдори.
4. Гап таркибida тиниш белгиларининг ўрни, ҳар бир белгининг ўрни, ҳар бир белгининг хусусиятлари.
5. Гап таркибida тиниш белгиларининг қўлланиш усулига кўра турларини аниқлаш.
6. Тиниш белгиларининг тузилишига кўра хусусиятларини аниқлаш.
7. Тиниш белгиларининг вазифасига кўра хусусиятларини изоҳлаш.
8. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг оғзаки нутқдаги интонацияси.

<sup>1</sup> Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 107-118-бетлар.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
Синтаксис предмети.....	5
Синтактик бирликлар.....	8
Синтактик алоқалар .....	11
Синтактик муносабатлар ва уларнинг ифодаланиши.....	16
Сўз бирикмаси.....	19
Гап-синтаксиснинг текшириш обьекти.....	27
Гап бўлаклари.....	34
Кесим ва унинг ифодаланиши.....	38
Иккинчи даражали бўлаклар.....	43
Содда гапларнинг актуал бўлакланиши.....	56
Бир составли гаплар.....	64
Гапнинг коммуникатив вазият жиҳатидан бўлиниши.....	71
Ажратилган бўлакли гаплар.....	92
Кириш ва киритма курилмалар.....	96
Ундалмалар.....	100
Қўшма гап синтаксиси.....	104
Боғланган қўшма гаплар.....	111
Эргаш гапли қўшма гаплар.....	118
Эргаш гапнинг бош гапга эргашиб воситалари.....	122
Эргаш гаплар ва уларнинг таснифи.....	126
Эргаш гапларнинг турлари.....	130
Боғловчисиз қўшма гаплар.....	135
Мураккаб киритма гаплар .....	142
Кўчирма курилмали қўшма гаплар.....	147
Матн лингвистикаси.....	157
Ўзбек тили пунктуацияси.....	162

16.01.2001 йилда босишига рухсат этилди. №171 буюртма,  
11,0 босма табоқ, ҳажми 60x84 1,16. Адади 100 нусха

*СамДУ Нашр-матбба маркази босмахонасида чоп этилди.  
703004, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.*